

37
A15

МАЪРИФИЙ-ОММАБОП ТУРКУМ

1782

ЁРҚИН АБДУЛЛАЕВ

ОСУДА ЯШАШНИНГ

99

СИРИ

БОШ КИТОБ

2056122

1 O'QUV ZALI

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universitet

17.2821

Axborot Resurs Markazi

ТОШКЕНТ — „ТА’ЛИМ НАШРИЙОТИ“ — 2013

УЎК: 37.018.74

КБК 87.711

Д 14

Масъул муҳаррир:

*Шайх АБДУЛАЗИЗ МАНСУР, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раис
ўринбосари.*

Сўзбоши муаллифи:

*АБДУҚАҲҲОР ИБРОҲИМОВ, Ўзбекистон Республикаси санъат
арбоби.*

Тақризчилар:

*ИСМОИЛ САИФНАЗАРОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор;
НУРИСЛОМ ТУХЛИЕВ, иқтисод фанлари доктори, профессор;
АШУРАЛИ ЖУРАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.*

Нашр учун масъул:

*НУРИДДИН ХАЛИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси иқтидорли ёшларни
қўллаб-қувватлаш „Улуғбек“ жамоат фонди
раиси, „Ta'lim nashriyoti“ МЧЖ раҳбари,
профессор*

Фалак ва Ер тинмай айланар экан, инсонлар ҳаёти ҳам роҳат ва машаққат, бойлик ва камбағаллик, саломатлик ва хасталик, хурсандчилик ва маҳзунлик, бир сўз билан айтганда, осудалик ва ташвиш орасида айланаверади. Кимдир ғам-ташвишда яшайди, камбағалликдан, омадсизликдан, қурқув ва умидсизликдан қийналиб, „тушкунликка тўла осойишта ҳаёт кечиради“. Ундай кишилар келажакларига қўл силтаб, ўз орзу умидларини ўтмишга гарқ қиладилар. Фаол яшашдан тўхтаб, шунчаки кун кечира бошлайдилар. Бошқа бир киши эса: инсон ким бўлса ҳам, бу дунёда машаққат тортиши бор, „**Ҳақиқатан, инсон машаққатга яратилган**“ (Балад сураси, 4- оят)ини қалбига жо қилиб, соғлом турмуш тарзи эвазига осудаликда яшайди. Ундай кишилар оқилона, бой-бадавлат ва бахтли ҳаёт кечирадилар.

Хўш, бундай осуда, фаровон ҳаёт кечирिशнинг сирини нимада? Ушбу маърифий-оммабоп китоб шу ҳақда.

„Киши маънавий, ботиний ўн-
ланмасдан туриб, у сиёсий, иқтисодий
ўнланмайди...“

Ислом **КАРИМОВ**

МУАЛЛИФДАН

Бир ҳодисани кўп кузатганмиз ва гувоҳи бўлганмиз. Юртбошимиз И. Каримов ҳар қандай йиғинда, нуфузли анжуманларда, вилоятлардаги сафарларида, халқ билан суҳбатларида, энг аввало, юрт тинчлиги, юрт осудалиги, юрт фаровонлигига урғу берадилар. Кексалар даврасида ҳам, улуғ зиёратгоҳларимизда уламолар ёнида туриб ҳам Яратгандан юртимизга тинчлик, барчамизга хотиржамлик ва осудаликни сўраб, дуога қўл очадилар.

Ҳўш, осудалик нима ўзи? Ташвиш-чи? Уларнинг му-
возанати нималарга боғлиқ? Эҳтимол улар Яратганнинг
бизга инъом этган неъматларига, хусусан, қадриятлар ва
қусурларга нисбатан бўлган муносабатимизга боғлиқдир?
Агар боғлиқ бўлса, унда бу боғлиқликлар даражаси қан-
дай? Уларни рақамларда ифодалаш мумкинми? Бу савол-
ларни бир мартагина бўлса ҳам ўзингизга бериб кўрган-
мисиз? Уларга жавоб излаганмисиз?

Ана шу саволларга жавоб излаш илинжида биз илк бор
миллий қадриятларимиз ҳамда инсонга хос бўлган айрим
қусурлар ва муносабатларни буюк неъмат бўлмиш осуда-
лик, тинчлик ва хотиржамлик билан узвий равишда боғ-
лаб ўрганишни олдимизга вазифа қилиб қўйдик.

Мақсадимиз:

*Буюк аждодларимиз ва жаҳон мутафаккирларининг ҳаёти
ва ижод йўлини ибрат мактаби сифатида тарғиб этиш, хал-
қимиз, хусусан, ёшларимиз тафаккурини Қуръон ва суннат
ҳамда умумбашарий ва миллий қадриятларимиз асосида ка-
мол топтириши, ўтмиш ва бугун, дунёвий ва ухровий илмлар
ўртасида „кўприк қуриб“, уларда мустақиллигимизга нисба-
тан ифтихор ва садоқат туйғуларини шакллантириши.*

Воқеликларни ифодалашда тўпламнинг ҳар бир кито-
бида фожиали ҳолатлар кенг қамраб олинди. Одамда ҳис-

сиёт уйғотиб, фикр ўзгариши учун айнан шу зарбаларнинг бўлишини лозим деб топдик.

Эҳтимол, улардаги айрим лавҳалар ўта фожиали кўриниши мумкин. Зеро, кимнингдир фожиаси кимгадир сабоқ бўлиши, адашган йўллардан қайтариши мумкинлигини унутмайлик. Яна шуни эслатиб ўтмоқчимизки, бу лавҳалар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган ҳаётий воқеалар, реал кузатмалар асосида ёритилган.

Шииоримиз: *Ташвишининг қулига айланмайлик!*

Қўлингиздаги мазкур маърифий-оммабоп туркум — „Осуда яшашнинг 99 сири“ни ёзишда менга барча шароит ва имкониятларни ярагиб берган ТДИУ ректори Алишер Ваҳобов ва ТМИ ректори Улуғбек Азизовга, кўрсатган йўл-йўриқлари ҳамда қимматбаҳо маслаҳатлари учун исломшунос олим, шайх Абдулазиз Мансурга, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Абдуқаҳҳор Иброҳимовга, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ашурали Жўраевга, профессорлар Исмоилжон Саифназаров, Нурилом Тўхлиев, Тоҳиржон Маликов, Мамаюнус Пардаев, Фатхулла Каримов ва Зокир Йўлдошевларга, Ўзбекистон Республикаси „Истеъдод“ жамғармасининг ижрочи директори, профессор Абдунаби Пардаевга ҳамда техник муҳаррирлар Мажидбек Жабборов ва Ойбек Ёркуловларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш „Улуғбек“ фонди раиси, „Ta'lim nashriyoti“ МЧЖ раҳбари профессор Нуриддин Халилов ташаббуси ва ҳомийлигида чоп этилди.

Кўришгунча хайр, азиз китобхон! Сизсиз менга зерикарли бўлади, аммо дўстлигимиз ҳеч қачон тугамайди, деб умид қиламан. Агар истасангиз, мен билан умр бўйи бирга қолишингиз мумкин. Бунинг учун „Осуда яшашнинг 99 сири“ туркумини ўқиб, амалда қўлласангиз кифоя. Мен буни жуда ҳам истайман. Осудалик, тинчлик, хотиржамлик сизга ёр бўлсин! Тангри ҳаммамизни ўз паноҳида асрасин.

Р. С. Азиз китобхон, туркумни тайёрлашда йўл қўйилган хато-камчиликлар, билиб-билмай қилинган нуқсонлар, ғализликлар учун Аллоҳдан мағфират, сизлардан эса ур сўраб қоламан.

ҚОМУСИЙ ТУРКУМ САРИ

(Муқаддима ўрнида)

Сўзни орзу ҳақида қасида айтишдан бошлайман.

Кўнгил — орзу маскани.

Орзу эса оламдан ҳам улкан ва теран.

Орзунинг чек-чегараси йўқ.

Орзу — онг ва қалб меваси, тафаккур ва туйғу ҳосиласи.

Орзу воқеликдан олдин юради. Унинг воқеликдан устунлиги ҳам ана шунда.

Орзу одамни ҳам, жамиятни ҳам коинот билан боғлаб туради.

Орзу ниятни келажакка етаклайди. Одамзод бугунги кунда нимагаки эришган бўлса, барчасининг ибтидоси орзу қилишдан бошланган.

Орзу одамни ҳаракатга келтириб туради. Агар одамзод орзу қилишни билмаса эди, бугунидек тараққиётга етиб келмасди.

Орзу инсонни курашга чорлаб туради. Кишилик тарихдан маълумки, барча эзгуликлар замирида хосиятли орзулар ётади. Инсоннинг маънавий қиёфаси унинг эзгу орзуларида ўз ифодасини топади.

Келажак бугунги орзудан бошланади, яъни орзу келажак куртаги.

Орзу одамнинг ақлини қўзғатади ва пешлайди. Ҳозирги замон фан ва техниканинг мўъжизалари ҳам дастлаб орзудан бошланган.

Орзу ҳақида қасида айтишдан сўз бошлашимизга сабаб шулким, атоқли олим, фан арбоби, моҳир педагог ва ташкилотчи, талабаю толибаларнинг, ёш олиму олималарнинг сеvimли, ҳурматли ва меҳрибон устози Ёрқин Абдуллаев „Осуда яшашнинг 99 сири“ деб аталган 99 та китобни ёзишни аввало орзу қилган. Кейин орзу ниятга айланган. Сўнгра ният мақсад даражасига етган. Мақсад эса, режа тузишга олиб келган. Бизнинг бу сўзбошимиз Бош китобга очқич бўлса, қўлингиздаги Бош китоб эса, таклиф этилажак 99 та китобга бир очқичдир.

Чунки у нашрга тайёрланаётган ва келгусида нашр этилиши назарда тутилган 99 китобдан иборат туркумнинг дебочаси бўлиб, сўз унинг тафсилоти тўғрисида бо-ради. Шу нуқтаи назардан мазкур китобнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида икки оғиз сўз айгамиз.

Биринчидан, бош китоб тўрт қисмдан иборат:

Биринчи қисмда туркумнинг мақсади, номи, таркибий тузилиши ва уни тайёрлашда қўлланилган илмий-услубий ёндошувлар диққатга сазовор услубда баён этилган, ўринли иқтибослар келтирилган.

Иккинчи қисмда туркумнинг яратилиш гоёси ва унинг долзарблиги асосланган. Муаллиф наздида осудалик ва унга таъсир этувчи омиллар (қадриятлар, неъматлар, қусурлар, муносабатлар) ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш бугунги куннинг ечимталаб муаммоларидан ҳисобланади. Бинобарин, Юртбошимиз таъкидлаганларидек:

„Киши маънавий, ботиний ўнганмасдан туриб, у сиёсий, иқтисодий ўнганмайди“.

Дарҳақиқат, маънавий баркамол инсонгина соғлом турмуш тарзи эвазига осуда яшаши мумкин.

Ана шундай мантиқий асосдан келиб чиқиб, муаллиф мазкур қисмда осудаликнинг мазмун-моҳияти, унинг бевосита қадриятлар ва уларга риоя қилиш даражасига боғлиқ эканлигини ривоятлар, ҳаётий кузатмалар, донишмандлар, олиму уламоларнинг фикрлари, социологик сўров маълумотлари асосида ёритган. Шу маънода қадриятларимиз илк бор буюк неъмат бўлиб ҳисобланган осудалик, тинчлик ва хотиржамлик билан узвий равишда боғлаб таҳлил қилинган.

Муаллифнинг Республикамиз миқёсида ўтказган социал сўрови асосида олинган 999 нафар респондентларнинг фикрлари омманинг нақадар маънавий баркамол эканлиги хусусида умумий хулосаларни чиқаришга ва осудалик билан қадриятлар ўртасидаги боғланиш кучини аниқлашга имкон беради.

Учинчи қисмда бўлажак 99 китобнинг батафсил аннотациялари берилган. Бу ерда муаллиф ҳар бир қадриятнинг мазмун-моҳиятини „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“га

асосланган ҳолда ёритган ва масаланинг ечими бўйича „Нима учун?“, „Нега?“, „Нима қилмоқ керак?“ деган саволларни кўндаланг қилиб қўйган. Бу билан у ўқувчиларга ҳар бир „Нима учун“га „Чунки“ борлигини эслатмоқчи ва уларни муаммоларга жиддийроқ қарашга, уларнинг ечимини топишга ундайди.

Дарҳақиқат, юқоридаги саволларнинг ўринли эканлиги шундаки, улар инсоният пайдо бўлганидан ҳозиргача мавжуд бўлган барча саволларнинг негизи ҳисобланади. Шу сабаб, муайян мавзу хусусидаги суҳбатдан баҳра олишни истаган одам, албатта, шу саволларни бериши керак. Ҳа, „Нима учун“ни ҳамма илмларнинг онаси, деб аташ мумкин.

Бош китобнинг тўртинчи қисмида осудалик, тинчлик, хотиржамликка оид Куръони карим оятлари, ҳадислар, мақоллар ва ҳикматлар, жаҳон адабиёти дурдоналари таркибидан жой олган донишмандлар, мутафаккирлар, олиму уламолар, шоиру ёзувчиларнинг доно сўзлари ва афоризмлари, шеърий лавҳалар, латифалар, ўз-ўзини билиш учун махсус тестлар келтирилган.

Бунда муаллиф, биринчидан, нафақат олис ўтмиш донишмандларининг фикр-мулоҳазаларини, балки улардан сўнги ва ҳозирги замондаги олиму уламолар, шоиру ёзувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини келтирган. Шу тарзда у „Куръони Карим оятлари, ҳадислар, мақоллар ва афоризмларнинг пайвандланиши“га эришган. Бу намуналарнинг китобдан жой олиши ҳар бир қадрият (муаллиф наздида „сир“)нинг осудалик билан нечоғлиқ боғлиқ эканлигини янада теранроқ англашга ва аждодларимиз яратган оқилона дурдоналардан озуқаланган ҳолда, келажагимизга назар ташлашга имкон беради.

Иккинчидан, бош китоб ўзига хос жанрда тартибга солинган ҳолда тайёрланган. Унда мақоллар жанри, афоризмлар жанри, лирика жанри, ҳажв жанри каби жанрлар алоҳида ёритилган.

Китобдаги бу хусусият ўқувчиларни сирлар алифбосини ўрганишга, ундан сабоқ олишга, тилсимли бўлиб туюлган сабабият ва моҳиятни, ҳаёт ва осуда яшаш сирларини ўрганишга шошилтиради. Ҳар бир қадрият ёки

қусур осуда яшашнинг ҳар бир сири ҳақида мушоҳада юритишга, улардан ибрат олишга ундайди.

Учинчидан, китобда юксак одамийлик, сўз санъати, халқона соддалик, олмос тафаккур, туйғулар тозалиги бутун таровати билан яшнаб ақс этган. Фикрий тафаккури жуда кенг бўлгани боис муаллиф турли фан соҳаларидан мисоллар ва иқтибослар келтирган. Улар ҳар бир китобхоннинг қалбига туганмас қувват беради. Китобдаги ифода услуби, муҳим ҳаётий масала ва муаммоларнинг содда, раvon тилда баён этилгани эса мазкур асарни ҳақли равишда маърифий-оммабоп асар деб аташга асос бўла олади.

Тўртинчидан, китоб қомусий асардир. Унда дунё, табиат ва жамият, ҳаёт ва умр, маънавият ва маърифат, ахлоқ ва одоб, умумбашарий ва миллий қадриятлар туғри-сида жаҳон ва Шарқ донишмандлари, мутафаккирлари, олиму уламолари, шоиру ёзувчилари, файласуфларининг 140 дан ортиқ доно сўзлари, 15 дан ортиқ Қуръони Карим оятлари ва ҳадислар, 20 га яқин мақол ва ҳикматлар, шунингдек, 30 дан ортиқ шеърий лавҳалар ва латифаларнинг саранжом қилинганлиги, яъни уларни йиғиб-териб, жой-жойига қўйиб, тартибга келтирилгани китобнинг залворини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам ушбу китобни қомусий асар дейиш мумкин ва лозим.

Сўзимнинг сўнгида шуни таъкидламоқчиманки, мазкур Бош китоб халқимизни чин инсон қилиб тарбиялашда, оила ва жамият тинчлигини таъминлашнинг сир-синаотларини ўрганишда бир дастуриламал булиб хизмат қилажак. Зеро, бу туркумда тилга олинган сиймолар минг йиллар оша бизга етиб келишган. Биздан кейин ҳам то қиёмат ҳар бир авлодга замондош бўлиб бораверадилар!

Азиз иним Ёрқин Абдуллаев! Шу туркумингиз туфайли Сиз ҳам ўзингизга бир маънавий ҳайкал қўймоқдасиз, муборак бўлсин!

Хулоса: қомусларни қомусий олимлар яратади.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби

*„Ёзилган нарсалар авлодлар хоти-
расида қилинган ишдан ҳам узоқроқ
яшайди“.*

Амир ТЕМУР



I ҚИСМ



**ТУРКУМНИНГ ТАВСИФИ
ХУСУСИДА**



1.1. СЎЗ ҲАҚИДА СЎЗ

Ушбу 99 та мустақил китобдан иборат туркумни тайёрлашда 1749 — 1832 йилларда яшаб ижод қилган немис шоири, мутафаккири ва олими Иоганн Вольф Гётенинг куйидаги пурмаъно сўзларига таяндим:

„Мен ўзи кимман? Мен нима қилдим? Мен кўрган, эшитган, кузатган нарсаларнинг ҳаммасини тўпладим ва улардан фойдаландим. Менинг асарларим минглаб турлитуман шахслар, донолар ва нодонлар, ақллилар ва аҳмоқлар томонидан етилтирилган; болалик, етуклик ёши, кексалик — барчаси менга ўз фикрлари, ўз қобилиятлари, ўз умидлари, ўз ҳаёт тарзини олиб келдилар; кўпроқ мен бошқалар экканини ўрдим; менинг асарим — жамоавий зотнинг асари ва унинг номи — Гёте“.

Мазкур тўплам ҳам салкам ярим асрлик илмий-педагогик фаолият маҳсулидир. Шу давр ичида Ибн Сино ва Умар Хайёмни, Беруний ва Навоийни, Амир Темур тузукларини, шунингдек, Конфуций ва Суқротни, Арасту ва Гётени ўқидим. Дейл Карнегини, Абдулла Қодирий ва Абдулла Авлонийни, Чингиз Айтматовни, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовни, Ўткир Ҳошимов ва Муҳаммад Юсуф асарларини мутолаа қилдим. Қуръони карим ва ҳадисларни қайта-қайта ўқиб тураман.

Бир қизиқ ҳолат: қанча кўп ўқиганим сайин, шунчалик кўп нарсани билмаслигимни англаб боряпман... Даҳоларни ўқиб, инсон даҳо бўлиб қолмаслиги мумкин, аммо ҳеч бўлмаганда уларни тушуниш даражасига албатта етиши аниқ.

Мен шунга ҳаракат қилдим ва Гёте услубини қўллаб, кўпроқ бошқалар экканини ўрдим. Саъдий Шерозийнинг услубини қўлладим. Яъни унинг дунё кезиб, одамларни кўриб, уларнинг турфа оламидан, феъл-атворидан, инсонга хос одамийлик, бунёдкорлик, мураккаблик, ожизлик... каби бошоқларнинг ҳар биридан бир дон олганидек, ёхуд „ҳар хирмондан бир бошоқ олгани“ каби мен ҳам ҳаётий кузатмалар, ривоятлар, оятлар, ҳадислар, донолар бисотидан, шунингдек, социологик сўровда қатнашган

1100 нафар респондентлардан жавоб берган 999 нафарининг турмуш тарзидан намуналар олиб, яъни „ҳар хирмондан бир бошоқ“ олиб ушбу жамоавий туркумни туздим ва унинг номини „Осуда яшашнинг 99 сири“ деб атадим.

1.2. ТУРКУМНИНГ НОМИ ҲАҚИДА

Юқорида таъкидлаганимиздек, туркумнинг номини „Осуда яшашнинг 99 сири“ деб атадик. Хуш, нима учун айнан **шу ном** танланди?

Сабаби, **осудалик** — бу тинчлик ва хотиржамлик. У бўлмаган жойда ҳеч қачон ҳаловат, юксалиш ва бахт бўлмайди. Хотиржам кўнгилдагина келажак ҳақида орзулар пайдо бўлади, осойишта уйгагина файз ва барака киради.

Инсон яшар экан, у ҳаётини осудаликда кечсин деб ҳаракат қилади, бироқ осуда яшаш тамойилларига риоя қилиш зарурлигини унутиб, катта хатога йўл қўяди. Ва осудаликдек улуғ неъматдан бебахра бўлади.

Бу ҳақда пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларида шундай дейилган:

„Тинчлик ва хотиржамлик икки улуғ неъматдирки, бундан кўп одамлар бебахрадирлар“.

Ана шу неъматдан баҳраманд бўлиш йўлларини, сирларини излаш, топиш, уларни ўқувчиларга етказиш нияти айнан шу мавзунини танлашга ундади. Бунда Бразилиянинг машҳур ёзувчиси ва шоири Пауло Коэло (1947 й)нинг „Алкимёгар“ асарида келтирилган қуйидаги сўзлари бизга мадад берди:

„Агар бир эзгу ниятни амалга оширмақчи бўлсанг, бу ният олам қалбида пайдо бўлади ва бутун дунё сенга ёрдам беради“.

Туркум номида „сир“ сўзига алоҳида урғу берилди. Нима учун?

Чунки, дунё сир-саноатга тўла. Ундаги жами мавжудот сирли яратилган. Яратганнинг ўзигагина маълум бўлмиш сирлари, Унинг ҳикматлари шу қадар ҳисобсизки, инсон онги ва тафаккури улар қаршисида ожизлик қилади. Ҳа, дунё англаб бўлмас сир-саноатлар маконидир.

Шуни ва „Кучоққа сигмас нарсани кучоқлаб бўлмайди“, деган нақлни назарда тутиб, осудаликни таъминловчи ва унга таҳдид солувчи фақат 99 сир (қадрият, неъмат, қусур, муносабат)ни танлаб олдим. Бунда эрамиздан олдин 551 — 479 йилларда яшаб ижод этган қадимги Хитой донишманди Конфушийнинг қуйидаги сўзларига амал қилдим:

„Жамиятни қонунлар билан эмас, ахлоқ, эзгу амаллар ва урф-одатлар билан бошқариш лозим“.

Дарҳақиқат, урф-одат, қадриятлар ҳеч бир давлат томонидан муҳрланмаган қонун, битилмаган конституциялардир. Уларга амал қилиш инсонни бевосита осудалик томон етаклайди.

Хўш, нима учун айнан 99 та сир ёхуд қадрият? Кўп ҳам, кам ҳам эмас?

Биринчидан, бу дунёнинг номи фоний. Фоний дунё эса бир кам. Ҳеч қачон, ҳеч нима тукис бўлмайди. Зероки, мукамал, тукис зот — Ярагганнинг ўзи. Ҳар нарсага қодир зот ҳам Аллоҳдир.

Бандасини эса Аллоҳ нимагадир зориқтириб қўяди. Биров мол-дунёга, яна биров фарзандга, кимдир соғлиққа зор. Ҳеч кимда 100 фоиз тукислик ёхуд бахт йўқ. Бунинг асл моҳиятини, сир-симоатини ҳали ҳеч ким англаб етганича йўқ. Бу ҳаётнинг муҳрланган қонун-қоидаси.

Иккинчидан, Аллоҳ таолонинг Куръони Карим ва ҳадиси шарифларда қайд этилган номлари 99 тадир (1-илова).

Учинчидан, ҳадиси шарифда: *„Инсон фарзанди яратилганда ёнида ўлимнинг 99 сабаби ҳам бирга яратилади. Агар шу ўлимлардан халос топиб яшасагина, унга қариллик насиб этади“*, дейилган.

Эътибор беринг, ҳадис инсоннинг атрофида 99 ажал айланиб юришини эслатапти.

Тўртинчидан, Аллоҳ таоло ўз раҳматини юз бўлак қилиб яратиб, 99 бўлагини ўзида сақлаб қолди. Унинг бир бўлагинигина ерга нозил қилди. Ана шу бир бўлак раҳмати туфайли бутун борлиқ ўзаро раҳмдиллик қилгайдир. Ҳагто от ҳам боласини майиб қилиб қўйишдан чўчиб, туёқларини эҳтиёткорона кўтариб боради.

Бешинчидан, истеъдод ҳам ўз-ўзидан юзага чиқавермайди. Иқтидорнинг 99 фоизига меҳнат туфайли эришилади. Сабр-тоқат, чидам, ғайрат, изланиш, мақсад сари интилиш, синчковлик, кузатувчанлик унда мужассамдир. Фақат ҳалол меҳнат инсонни юксакликка элтади.

Олтинчидан, инсон аслида Аллоҳ таолонинг абадий яшаш учун яратган онгли мавжудоти бўлиб, ерда 99 мартагача синов учун ҳаётга келиб кетганидан кейин, аста-секин, босқичма-босқич бутун Борлиқ — 99 минг оламнинг ҳаммасини босиб ўтиши керак, дейилади „Китоб ул-Кутуб“ китобининг „Боқий дунё“ қисмида.

Унда ёзилишича, инсон ўзининг жисми, яъни ҳозирги кўриниши билан бир мартагина бу дунёга келади, иккинчи марта келмайди. Унинг „Мен“и — аслияти, яъни инсоннинг асли ва руҳий гуруҳи танасини алмаштириб-алмаштириб, бу дунёга 99 марта келади. Ҳар гал дунёга келганда кўриниши, гавда тузилиши турлича бўлади, бир-бирига асло ўхшамайди.

Еттинчидан, куёш тузилишининг 99 фоизи куёшнинг ўзида жамланган, қолган 1 фоизи атрофдаги кичик жисмларга тегишли. Ана шулардан, аниқроғи, сайёралардан учинчиси бўлмиш Ердагина ҳаёт бор, холос.

Саккизинчидан, қуйидаги мўжизага эътибор беришингизни истардим. Кафтингизга ҳеч диққат билан разм солганмисиз? Ҳар хил чизиқлардан бошқа нарса йўқ деб ўйларсиз. Лекин ўша чизиқлар қандай маъно англатишини биласизми?

Ўнг кафтингизга қарасангиз, қуйидаги белгини кўрасиз: **11** — бу рим рақамини, яъни **18** ни билдиради. Чап кафтингизга қарасангиз, шу рақамнинг тескарисини **11**, яъни **81** ни кўрасиз. Агар биз икки кафтингиздаги рақамларни қўшсак, **99** рақами чиқади:

$$18 + 81 = 99$$

Бу рақам, яъни:

99 рақами Аллоҳнинг 99 та сифатини англатади.

81 дан 18 ни айирсак, 63 сони чиқади. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) шу ёшда фоний дунёдан боқий дунёга

рихлат қилганлар. Аллоҳнинг ҳақлиги ҳар қадамда бизга муъжизалар орқали намоён бўлаверади, аммо сирлигича қолаверади.

Тўққизинчидан, коинот тилининг ўзига хос қулайлиги ва жозибадорлиги шундаки, унда унли товушларнинг етарли бўлганлигидандир. Унда 99 та унли товуш бор.

Ўнинчидан, калима қайтаришда саноқда адашмаслик учун фойдаланадиган тасбеҳ ҳам уч қисмга бўлинган бўлиб, уларнинг ҳар бўлагига 33 тадан дона бор. Жами 99 та, дебоча билан 100 донадир.

Ўн биринчидан, Италиян ёзувчиси Данте Алигьерининг (1265 — 1325) „Илоҳий комедия“си треницада, яъни учликда ёзилган. Унда 9 айлана мавжуд, яъни:

• *Дузах* — 33 • *Арсат* — 33 • *Жаннат* — 33

Жами 99, дебоча билан 100 кўшиқ.

Ўн иккинчидан, „*Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ ил-алий ил-азим*“ калимаси 99 дардга даво бўлиб, уларнинг энг енгили гам-ташвишдир, дейилади ҳадисда.

Шундай қилиб:

Дунёнинг ишлари хамиша бир кам,
Биров учун у қисмату биров учун гам.

„Одам 99 фоиз сувдан, бир фоиз даҳодан иборат, деган гап ҳам бор. Бу дегани бир фоиз даҳо 99 фоиз сувга чўкиб кетмаслиги керак. Инсоннинг инсонлиги ҳам шунда“, дейди Эшқобил Шукур („Оила ва жамият“, № 16 — 22.04.09).

Мутахассисларнинг айтишларича, 99 фоиз ўлим асаб тизими ўз умрини яшаб бўлганидан кейингина содир бўлар экан (тасодифий ҳолатлар бундан мустасно).

Рус ёзувчиси Федор Достоевский (1821 — 1881) „Одамзод бахтининг 99 фоизини никоҳдан — оиласидан, қолган бир фоизини эса бошқа нарсалардан топади“, дейди.

Оиладаги тўқислик, тинчлик-хотиржамлик ва фарзандларнинг соғ-саломатлиги аёл бахтининг 99 фоизини ташкил қилади.

Ҳа, ҳаёт ўзининг ана шундай сирли томонлари билан қизиқарли. Ҳар қадамда бир жумбоқ.

1.3. ТУРКУМНИ ТАЙЁРЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ҚОИДАЛАР ХУСУСИДА

„Шундай бир китоб бўлсаки, кўз узмай ўқисанг, йиғласанг, кулсанг, изтироб чекиб ҳам қувонсанг“.

Бу кўпчиликнинг кўнглидан ўтадиган гап. Умуман олганда, ҳар қандай китоб ҳаёт ҳақиқатини ўзида акс эттира олсагина қалбларни ларзага солади, бой таассурот қолдиради ва унинг маънавий оламини бойитади.

Шу ниятга эришиш мақсадида, **биринчидан**, Горацийнинг „Ёзишни ўрганишдан аввал батартиб фикрлашни одаг қил“, деган фикрини ўзимга қурол қилиб олдим, **иккинчидан**, Хемингуэй услубининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган қуйидаги қоидаларга риоя қилишга ҳаракат қилдим:

- Қисқа жумлалар билан ёз.
- Биринчи хатбоши қисқа бўлиши лозим.
- Тилинг кучли бўлсин.
- Тасдиқла, инкор этма.
- Эскирган жаргон сўзлардан қўрқ.
- „Ҳашаматли“, „ҳайратли“, „улуғвор“, „буюк“ каби жарангдор сифатлардан тийил.

Фридрих Боденштедт таъбири билан айтганда: „Қисқа, ўткир маъноли иборалар омма онгига ўқдай ёриб киради, илдиз ёяди, чечак бўлиб унади, мева беради, хуллас, таъсир кўрсатишдан тўхтамайди“.

Учинчидан, Дейл Карнегининг муаммолар таҳлилидаги уч асосий йўл ва қоидани қўлладим:

- Ашёвий далил тўпланг.
- Уни таҳлилдан ўтказинг.
- Қарорни ишлаб чиқинг ва уни амалга оширинг.

Ҳаммаси кундай равшан. Шунақами?

Эрамиздан аввал 384 — 322 йилларда яшаб ижод этган қадимги юнон файласуфи, энциклопедист олим Арасту (Аристотель) ҳам ушбу қоидадан фойдаланган. Бизга ташвиш туғдириб, осудалигимизни бузиб, ҳаётимизни дўзахга айлантирадиган муаммоларга дуч келмаслигимиз учун ҳаммамиз шу қоидага риоя қилмоғимиз лозим.

Келинг, 1- қоидани кўриб чиқайлик. Нима учун далил тўплаш бу қадар муҳим? Гап шундаки, агар бизда далил

Бўлмаса, ҳатто муаммомизни оқилона ҳал этишга ҳам йўл тополмаймиз. Ашёвий далилсиз биз фақат ваҳимага тушамиз, холос. Одамларнинг ярми зарурий ва етарли далилларга эга бўлмай туриб, қарор қабул қилишга уринганлари учун ташвишдан бошлари чиқмайди, деб жиддий гапирганда Дейл Карнеги ҳақ эди.

Осудалик сирлари тўғрисида маълумот йиғиш мақсадида 99 та 99 варақли дафтарга ҳар бир сир (қадрият, неъмат, қусур, омил)лар ҳақидаги жаҳон донишмандлари, Олиму уламоларнинг юзлаб фикрлари, ривоятлар ва ҳикоятлар, ҳаётий кузатмалар тўпланди. Қўшимча равишда 999 та респондентлар ўртасида 99 та қадриятга (омилга) бўлган муносабатларини аниқлаш мақсадида қўшимча равишда қуйидаги 12 та савол бўйича сўровнома ўтказилди:

1. Ёшингиз: _____
2. Жинсингиз: *эркак, аёл*
3. Касбингиз: _____
4. Лавозимингиз: *йўқ, оддий ходим, раҳбар*
5. Маълумотингиз: *ўрта, ўрта махсус, олий*
6. Илмий даражангиз: *йўқ, фан номзоди, фан доктори*
7. Яшаш жойингиз: *шаҳар, қишлоқ*
8. Энг яхши кўрган рақамингиз: 0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 (доирага олинг)
9. Қон гуруҳингиз: _____
10. Мучалингиз: _____
11. Буржингиз: _____
12. Имзо: _____

Сўровлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан тасодифий равишда танлаб олинган қишлоқ, туман, шаҳарда, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган: оддий ишчидан тортиб то раҳбар ходимгача, оддий талабадан тортиб то академикларгача турли касб эгалари ўртасида ўтказилди.

Белгиланган меъёрлар асосида ўтказилган сўров натижалари умумлаштирилиб, хулосалар чиқарилди ва улар туркум таркибидаги 99 та китобга жо қилинди. Бунда аҳолининг ҳар бир қатлами — ёшлар, аёллар, қариялар тўлдирган сўровномаларга алоҳида эътибор берилди. Шу тарзда ашёвий далиллар тўпланди. Аммо дунёдаги мавжуд ашё-

вий далил тўпланганда ҳам, агар уни таҳлил ва талқин қилинмаса, бунинг тирноқча ҳам нафи бўлмайди. Бундай таҳлил ва талқин ҳар бир китобнинг ўзида мужассам этилди.

1.4. ТУРКУМНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ ҲАҚИДА

Туркум, мазкур бош китобдан ташқари, ўз таркибига 99 та мустақил китобни қамраб олади. Осида яшаш сирларини яққолроқ англаш мақсадида китоблар қуйидаги тўрт гуруҳ қадриятларга бўлиб тайёрланди:

- I. Моддий ҳаёт, соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган қадриятлар ва осудалик (1 — 31- китоблар).
- II. Маънавий-ахлоқий қадриятларга риоя қилиш билан боғлиқ бўлган осудалик (32 — 45- китоблар).
- III. Қусурлар ва уларни бартараф этиш эвазига эришиладиган осудалик (46 — 77- китоблар).
- IV. Ўзига, ўзгаларга ва ҳаётга нисбатан оқилона ёндашиш эвазига эришиладиган осудалик (78 — 99- китоблар).

Туркум ибтидоси осуда яшашнинг 1- сир: „Ҳаёт, умр ва осудалик“ китоби билан бошланади ва осуда яшашнинг 99- сир: „Ўлим ва осудалик“ китоби билан интиҳоланади. Инсон умри ҳам ибтидодан интиҳо сари одимлаб бориши муқаррар.

Ҳар бир китоб ўзига хос таркибий тузилмага эга. Намуна сифатида биринчи китоб мундарижасини келтирамыз:

„Ҳаёт ва осудалик“

Кириш.

I қисм. ДУНЁ

1- боб. Дунё ва осудалик.

II қисм. ҲАЁТ

2- боб. Ҳаёт ва осудалик.

3- боб. Ҳаёт тарзи.

4- боб. Ҳаёт фасллари.

III қисм. УМР

- 5- боб. Умр ва осудалик.
- 6- боб. Умр кўриш сирлари.
- 7- боб. Умр мавсумлари.
- 8- боб. Умрнинг 7 ҳикмати.

IV қисм. СТАТИСТИКА

- 9- боб. Рақамлар тилга қирганда.

V қисм

- 10- боб. Дунё, ҳаёт ва умр ҳақида:
 - 10.1. Қуръони Карим оятлари ва уларга шарҳлар.
 - 10.2. Ҳадислар.
 - 10.3. Мақоллар ва ҳикматлар.
 - 10.4. Донолар сўзи — афоризмлар.
 - 10.5. Олган сабоқларим ва хулосаларим.
 - 10.6. Шеърий лавҳалар.
 - 10.7. Латифалар.

Шунингдек, ўз-ўзини билиш учун тестлар ва судуку — қизиқарли ўйинлар ҳам китобдан жой олган.

Биргина шу китобнинг ўзида:

- дунё, ҳаёт ва умр тўғрисида 8 та Қуръони Карим оятлари (жами тўпламда 514 та);
- 19 та ҳадис (1250 та);
- 17 та мақол ва ҳикматлар (1365 та);
- 147 та жаҳон ва шарқ донишмандлари, олиму уламоларнинг доно сўзлари, афоризмлар (6815 та);
- 14 та шеърий лавҳалар (850 та);
- 17 та латифа ва лофлар, қизиқ хангомалар (1302);
- 2 та ўз-ўзини билиш учун тестлар (153 та);
- 8 та турли мураккабликлардаги қизиқарли судуку ўйинлари (792 та) берилган.

Ҳар бир китоб сўнгида мавзуга оид иловалар ва адабиётлар рўйхати келтирилган.





**ОСУДА ЯШАШ
СИРЛАРИ**



*Жаҳон ғамин ема, дўстим, беҳуда,
Ғам емагил, жаҳон ҳийлакор жуда.
Бори ўтиб кетди, йўғи ҳам йўқ,
Бор-йўғини ғам қилмай яша осуда.*

Умар ХАЙЁМ

КИРИШ

Инсон яралибдики, тинч, хотиржам, беташвиш, осуда яшашни орзу қилиб келган. Аммо инсоннинг бу дунёдаги ҳаётини асло беташвиш деб бўлмайди. 1048 — 1132 йилларда яшаб ижод этган Умар Хайём „Жаҳон ҳийлакор жуда“ деган бўлса, Муқимий (1850 — 1902) „Бу дунё қурулгон дор экан“, деб фиғон билан яшаб ўтди.

Ҳа, ҳаёт марҳаматсиз, у ҳеч қачон марҳаматли бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Инсон ҳамиша ташвиш гирдобида бўлади. Бу ташвишларнинг айримлари объектив омиллар, баъзилари инсоннинг ички руҳияти ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб осудаликка таҳдид солади.

Баъзан ишингиз юришмайди — диққат бўласиз. Болаларнинг юриш-туриши, ўқиши, қадам олиши кўнглингизда ҳавотир уйғотади, ўзингизни нотинч сезасиз. Турмуш ўртоғингиз ишхонасидан хафагазак, чеҳраси тунд бўлиб қайтади — яна юрагингиз сиқилади.

Хуллас, асабингизни таранглаштирадиган, сизни хафақол қиладиган, қон босимингизни оширадиган ва охиروқибатда, аъзойи баданингизда турли касалликларни келтириб чиқарадиган воқеа-ҳодисалар, ҳолатлар юз бериб туради. Осудалигингизни бузади.

Фикримизнинг исботи ўлароқ, умри ҳамиша ташвишда ўтган буюклар ҳаётини эслайлик. Масалан, рус ёзувчиси Лев Толстой (1828 — 1910) хотинини-ку қўятуринг, ҳатто подшоҳ билан ҳам, черков билан ҳам зиддиятга борган. Инглиз шоири Жорж Байрон (1788 — 1824) инглиз жамиятидаги сохтагарчиликлар жонига теккач, Юнонистон озодлиги учун курашга кетган ва ўша ерда қурбон бўлган.

Авлиёларнинг авлиёси, мутафаккирларнинг мутафаккири, ҳазрат Алишер Навоийнинг (1441 — 1501) миллат шаъни йўлидаги шаҳди (ўзбек адабиётини юксалтирган шаҳд)ни биламиз. Ҳатто бир қарашда ҳаёти сокингинага

ўхшатган рус ёзувчиси Антон Чеховнинг (1860 — 1904) умри ҳам пинҳону ошкор изтироблар ичида кечган. Бу буюк адиб истеъдодининг энг ҳаттол кушандаси — йўқчилик билан тинмай курашган.

Машҳур исёнкор шоир Машраб (1641 — 1711)ни исломга шак келтирганликда айблаб, дорга осилганини эсланг. Ун йиллаб қамоқда ётган турк шоири, жамоат арбоби Нозим Ҳикматни (1902 — 1963) юртидаги ҳукмрон доиралар ҳанузгача хушлашмайди.

Ўзини-ўзи отиб ўлдирган Сергей Есенин (1895 — 1925), Хемингуэй (1899 — 1961), Маяковский (1893 — 1930), захарланиб ўлган Суқрот (460 — 399), Бобур (1483 — 1530), Наполеон Бонапартларни (1769 — 1821) айтмайсизми? Кенг дунё бағрига улар сиғишмади. Энг ачинарлиси, буюк адиблар ва мутафаккирлар ҳамиша куч-қудрат тарафида эмас, балки эзилгану хўрланганлар томонида бўлишган. Ёки Ойбек таваллуд топган (1905 — 1968) ва балоғатга етган дунёнинг ғайримантиқий, ғайриинсонийлиги тўғрисида буюк ўзбек шоири Ҳамид Олимжон (1909 — 1944) шундай ёзади:

Мен бир қаро кунда туғилдим,
Туғилдим шу он бўғилдим.
Мен туғилиб қўз очган дунё,
Бузгун эди, хароб, бенаво.

Ҳа, дунё нотўқис ва у ғам-ғуссага лиммо-лим. Биз ғами, ташвиши йўқ, деб ҳисоблайдиган одамларда ҳам, аслида, ғам-ташвиш етарли. Шундай бўлмаганда „Бойлар ҳам йиғлармиди?“ Демокчимизки, ҳатто инсоният тарихида энг омадли, донгдор ва буюк одамлар ҳам ўз ҳаётларида умидсизлик ва тушкунлик лаҳзаларини бошларидан бот-бот кечиришган.

Француз ёзувчиси Мопассаннинг (1850 — 1893) „Азизим“ романида:

„Нега биз бунчалар азоб чекиб яшаймиз? Бу эҳтимол, шунинг учундирки, биз оламга руҳимиз эҳтиёжларини қондиргани эмас, танзимининг талабларини бажо этгани келамиз. Бироқ биз тафаккур қобилиятига эгамиз. Бизнинг тобора камол топиб борадиган онгимиз тирикликнинг рўё эканлиги билан сира чиқиша олмайди“.

Булар сизу биз билган ва билмаган дунё ҳақиқатларидир. Хўш, шундай экан, деб ташвишнинг қулига айланишимиз керакми? Балки бу ҳақда ҳар куни, ҳар лаҳза ўйлаш керакдир? Эҳтимол, бу ташвишлар инсоннинг қўрқув, беқарорлик, худбинлик, қаноатсизлик, ношукурлик каби ҳисларни енга олмаслиги сабаб содир бўлаётгандир?

Ушбу бош китоб — „Осуда яшашнинг 99 сири“ ана шулар ҳақида. Унда:

- Осудалик, хотиржамлик, тинчлик ва ташвишнинг мазмун моҳияти;
- Осуда яшашнинг олтин қоидалари;
- Ташвиш ва уни бартараф этиш, хотиржамликка эришиш йўллари;
- Осудалик ҳақида ривоятлар, қиссалар ва ҳаётий кузатмалар;
- Рақамлар тилга кирганда (социологик сўров натижалари таҳлили) кабилар ёритилган.

Мазкур китобнинг III қисмида ҳар бир сир тўғрисида ёзилган ва нашрга тайёрланган 99 та китобнинг қисқача аннотациялари берилган (Анонс).

IV қисмида эса осудалик тўғрисида Қуръони Карим оятлари, ҳадислар, мақоллар ва ҳикматлар, жаҳон адабиёти дурдоналари таркибидан жой олган донишманд, мутафаккирлар, олиму уламолар, шоиру ёзувчиларнинг доно сузлари ва афоризмлари, шеърӣ лавҳалар, латифалар, ўз-ўзини билиш учун тестлар, шунингдек, турли мураккабликлардаги қизиқарли судоку ўйинлари келтирилган.

Китобда оят, ҳадис ва ҳикматларнинг берилиши, ҳар бир қадрият (сир) ҳақида жаҳон ёзувчилари, файласуф ва донишмандлари, давлат арбоблари айтган гаплардан намуналар келтирилиши ҳам ҳар бир сирнинг осудалик билан нечоғлик боғлиқ эканлигини янада теранроқ англашга ёрдам беради.

Чех халқпарвар педагоги, жамоат арбоби Ян Амос Коменский таъкидлаганидек:

„Донолар бисотини ўрганиш бизни юксакликка кутариб, кудратли ва олижаноб инсонга айлантиради“.

Умрим давомида юрагимга осойиш бердим, кўнглимга-чи — хотиржамликни туйдим. Шу боис ҳозиргача гўё қорни туйган гудак мисоли қалбим осуда.

Муаллиф

2.1. ОСУДАЛИК НИМА?

„Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да¹ осуда сўзига қуйидагича таъриф берилган: „Осуда — бу тинч, беташвиш; хотиржам“. Ўзбек халқ ёзувчилари Уйғун ва Иззат Султон „Навойи“ драмасида: „**Ҳайҳот, бирор осуда дам йўқ. Кўнгли йиғлайди-ю, кўзларда нам йўқ**“, деб осуда сўзига урғу беришган бўлса, авар ёзувчиси Расул Ҳамзатов эса шундай ёзади: „**Бутун шаҳар халқи сокин уйқуда, ором олмоқдасан сен ҳам осуда**“.

„**Хотиржамликдан кўра гўзалроқ яхши нарса йўқ**“, дейилади Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам ҳадисларида. Яна айтиладики: „**Тинчлик ва хотиржамлик икки улғ неъматдирки, бундан кўп одамлар бебахрадилар**“. Дуога қўл очилганда ҳам Яратгандан биринчи навбатда тинчлик ва хотиржамликни сўраймиз. Дунёнинг фалсафий, юкли китоблари — тафаккур дурдоналарининг қайси бирини ўқиманг, барчасида осойишталик, сокинлик, хотиржамлик, тинчликдан ўзга бахт-иқбол йўқлиги эътироф этилганини ҳис этасиз.

Худо кўрсатмасин, тинчлигига дарз кетган юртда бесаранжомлик бошланади. Ҳаёт издан чиқади. Кўча-кўйда тўс-тўполон, ким-кимни отган, ўлдирган, портлаган ҳаётни кўз олдингизга келтиринг. Даҳшат-ку бу! Бола-чақангиз оёқ остида қолиб кетса, ўзингиз ит кунида жонҳалак югургиласангиз, қиргин-қийматнинг ичида яшасангиз, бундан ортиқ даҳшат борми?

Шунинг учун ҳам дунёда тинч, хотиржам яшашдан буюк неъмат йўқ. Нафас олаётган ҳавомиз, олдимиздан оққан сув, бошимизда чарақлаб турган қуёш, оёғимиз

¹ „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“ (5 жилдлик) Т.: ЎМЭ, 2006. Кейинги тушунчалар ҳам айнан шу манбадан иқтибос қилинади. Сабаби, ҳар қандай тушунча ва атаманинг луғавий маъносига асосланган одам янглишмайди, ҳуда-беҳуда ҳар мақомга йўрғалайвермайди.

остидаги ер Яратганнинг улуғ инъоми бўлгани каби, тинч, осуда кунларимиз ҳам бебаҳо, олий неъматдир. Оддий мисол. Ҳар куни бир-биримиз билан юзлашганда, „Ассалому алайкум“ деб саломлашамиз. Бу ёруғ лутф замирида ҳам „Мен сизга тинчлик, омонлик, соғлиқ тилайман“ деган эзгу ният мужассам. Шу ўринда:

Ган келди: Осуда яшаш сирларини излар эканмиз, шундай деб қоламиз: „Ҳаёт, яшаш инсон учун бир марта бериладиган улуғ неъмат, ана шу неъматнинг қадрига етиб, тинч ва осуда яшашга интилайлик. Аллоҳнинг инсонга ато этган улуғ неъматларига, гўзал фазилатларига хиёнат қилмайлик“.

РИВОЯТ

ОСОЙИШТАЛИК ҚАДРИ

Подшоҳ тажрибасиз хизматкори билан кемага тушди. Хизматкор умрида денгиз кўрмаган бўлиб, унинг машаққатини билмасди. Бир пайт у йиғлай бошлади. Уни овутишга ҳаракат қилдилар, аммо дир-дир титраётган хизматкор йиғидан ўзини тўхтатолмасди. Подшоҳнинг жаҳли чиқди. Ҳамма ноилож қолган бир пайтда кемада кетаётган бир қария подшоҳ ҳузурига келиб шундай деди:

— Подшоҳи олам, сиз изн беринг, мен уни йиғидан тўхтатишга уринай.

— Менга катта ердам қилган булардингиз, — деди подшоҳ. Қария хизматкорни денгизга улоқтиришларини буюрди. Хизматкор бир неча бор сувга шўнғиди. Кейин сочидан ушлаб, кемага тортдилар. Уч-тўрт бор сувга чўктириб олинган хизматкор бир маҳал кемага яқинлашиб, ичкарига кирди ва бир четда жимгина ўтирди.

Қария қўллаган тадбир султонни лол қолдирди ва:

— Бунда қандай ҳикмат бор? — дея сўради.

Қария жавоб берди:

— Хизматкор умрида сувда чўкмаган. Шунинг учун унга кемадаги осудалик қиймати билинмади. Ҳузур-ҳаловат, саодат ва хотиржамлик шундай неъматки, бир фалокатга йўлиқмагунча инсон унинг қадрини билмайди.

Хуш, бизнинг осуда яшашимизга нималар халақит беради?

Биринчидан, ўтмишдаги мусибатлар, йўл қўйилган хатолар ва армонлар. Агар уларни „ўтган ишга саловат“, деб „саранжом“ қилсангиз, қалбингизни ўртаётган энг оғир илдизлар, яъни ўтмишдаги нохушликлардан қутуласиз. Кўнглингиз таскин топади. Сиз осудасиз.

Иккинчидан, хоҳиш, истак ва орзу-ҳавасларнинг ўта кўпайиши. Уларга эришишдаги масъулият ҳисси ўзингизни осуда сезишингизга халақит беради.

Учинчидан, ўта беҳаловатликда бўлган одамлар ҳам осудаликда яшашлари мушкул. Ҳаётнинг асосий қисми давомида улар ҳар нарсадан ҳадиксираб, келажагидан чўчиб юришади. Ҳатто осудаликни таъминловчи бахт келиб уларнинг эшигини қоққанда ҳам „Мени тинч қўйинг, ўта бандман“, деб жавоб беришади.

Бу ҳақда Дейл Карнеги шундай дейди:

„Ҳаётингизда беҳаловатликдан қутулмоқчи бўлсангиз, ўтмиш ва келажакни темир эшик билан ўзингиздан ажратиб қўйинг. Бугунги куннинг доирасида яшанг“.

Тиббиёт бўйича Нобель мукофоти совриндори доктор Алексис Каррель шундай деганди:

„Беҳаловатлик билан курашишни эпломган ишбилармонлар ёш ўладилар“.

Бу уй бекаларига ҳам, фахрийларга ҳам, гишт терувчиларга ҳам бирдай тааллуқлидир.

Шундай қилиб, осуда яшашни истаган одам қандай қоидаларга риоя қилиш керак? Куйида ана шу 9 та қоида ҳақида.

ОСУДА ЯШАШНИНГ ОЛТИН ҚОИДАЛАРИ

Биринчи қоида: ўзига лойиқ ва муносиб бўлмаган нарсани орзу қилмаслик. Ортиқча ҳою-ҳавас катта ташвиш манбаи, бундай ҳою-ҳавасдан озод бўлиш эса, буюк осудалик манбаи.

Иккинчи қоида: ҳовлиқмай, сабр-тоқат, шукроналик билан яшаган ва нафсини тия олган одамнинг умри осу-

даликда кечади. Ҳар бир ёруғ кунга, кичкинагина ютуққа ҳам қувонинг. Фақат завқланиш туйғуси билангина ҳаётдан кўп нарса олиш мумкин.

Учинчи қоида: яхши-ю ёмонликдан нимаики етса, аввало тангри таолодан, қолаверса, ўзингиздан деб билинг. „Бошингга гар бало келса, бировданмас ўзингдан бил“ дейилган донолар бисотида.

Тўртинчи қоида: қўлдан кетадиган ва абадий туриши муқаррар бўлмаган мол билан мағрурланмаслик. Шундай бир ривоят бор:

РИВОЯТ

Искандар Зулқарнайн шундай васият қилган экан:

— Мен ўлгач, мазорга олиб бораётганда қўлимни тобутдан чиқариб қўйинглар, токи ярим дунёни эгаллаган бўлсам-да, у дунёга қуруқ қўл билан кетаётганимни одамлар кўриб қўйишсин.

Бешинчи қоида: ҳаёт уйинларидан ранжиманг. Шунда осуда яшайсиз. Сабаби, ҳаёт ҳар доим тотли неъматларни узатиб турувчи меҳрибон эмас.

Олтинчи қоида: осон ва енгил нарсага ўрганган одам умрининг охиригача нотинч ва қийналиб яшайди. Нақл бор: „Енгилнинг устидан, оғирнинг остидан юр“. Зеро, машаққатсиз осуда ҳаёт бўлмайди.

Еттинчи қоида: ичингизни ҳасаддан холи тугинг. Зеро, бошқаларнинг молига кўз олайтириш, ҳасад қилиш катта гуноҳдир. Бу нарса инсон қалбини безовта қилади, ёмонликка бошлайди. Ҳасадгўй осуда яшай олмайди, сира хурсанд бўлмайди. Бошқаларнинг осойишталиги унинг тинчини бузади, равнақини кўрса, ичини ит кемиради. Темирни занг еганидек, инсонни ҳасад емиради.

Бир араб шоири: „Ҳаммани хурсанд қилдиму, ҳасадгўйнинг кўнглини ололмадим“, деб ёзган экан.

Шу ўринда Абдулла Ориповнинг битган қуйидаги сатрлари мағзини чаксақ чакки бўлмас:

Ўзи оддийгина,
Кам йўқ устида.
Тонналаб кўмир бор
Ва лек ичида.

Саккизинчи қоида: нафсингизга эрк берманг. Тугри, балиқлар ҳам, жониворлар ҳам ширин ризқ илинжида қармоққа, қопқонга тушадилар! Айтинг-чи, бу нарсаларни тақдир иноятлари деб ўйлайсизми? Йўқ, бу тақдир тузоқларидир. Ҳаётини имкон қадар осуда яшаб ўтаман деганлар бундай саробга бой ҳаёт бойликларидан, Дейл Карнеги таъбири билан айтганда, бу дунёнинг биз шўрликларни алдаш учун жиловланмаган нафсдан, бу ўлжага эга бўлдим, деб сархуш бўлганимизда ўзимизни ўлжага айлантирадиган неъматлардан қочсинлар.

Бу неъматлар кетидан қувиш бизни чоҳга тортиб боради. Юксакликка ҳаволанган ҳаётнинг охири аниқ — қулаш. Шунинг учун нафсни итоатда сақланг, токи у қалбга бўйсунушдан чекинмасин: овқат фақат очликни қондирадиган даражада кифоядир, сув чанқоқни босса бўлди, кийим баданни совуқдан асрасин, уй-жой — қалбга, вужудга бўладиган хавф-хатарлардан химоя қиладиган бўлса, бас. Уй лойдан бўлганми ёки хориждан келтирилган қимматли тошданми, бунинг фарқи йўқ: билингки, қамиш том остида инсон олтиндан ёпилган том остидагидан ёмон яшамайди.

Кераксиз заҳмат ортидан келадиган зеб бериш ёки кўз-кўз қилиш учун яратилган нарсалардан тортининг. Ҳаддан ташқари оламан деб осудалигингизни бузманг.

ҚАТРА

ОЛАМАН ДЕБ

Инсон дунёдан оламан деб куч-қувватини олдиради, оламан деб ўзлигини олдиради, оламан деб эс-ҳушини олдиради, оламан деб борлигини олдиради, охир-оқибат дунёдан хомталаш бўлиб, афтодаҳол ўтиб кетади.

Чумчуқчалик эмасмиз учмоқда,
Балиқчалик эмасмиз сузмоқда,
Тариқчалик эмасмиз дунёда,
Оламчалик орзумиз дунёда.

Сирри Сақатий айтар экан:

— Нафсим бутун қирқ йил мендан бол истади — бер-

мадим. Нафсимнинг шумлигидан кунда бир неча марта ойнага қарар эдимки, юзим қора бўлмадимикин, деб.

Тўққизинчи қоида: осудаликда ўтган ҳар бир кунингизга шукр қилинг. Эрта тонгда уйқудан уйғонган ҳар бир киши юз-қўлларини ювиб, Яратганга шукрона айтади. Чунки у оқшом дам олишга ётаётиб омонлиқ тилайди. Ичичидан „Уйқунинг тинчини бер, ўлимнинг кечини бер“ деб илтижо қилади. Ҳадисда айтилганидек, нафас кирганда бир шукр қилиш, чиққанда эса, яна шукрона айтиш одам боласига барака ва комиллик бахш этади. Осудаликни таъминлайди.

ОСУДАЛИККА ЕТАКЛОВЧИ ОМИЛЛАР ХУСУСИДА ТУРФА ФИКРЛАР

Хуш, осудаликнинг меъёри, ўлчови ёхуд формуласи борми? Унга етакловчи йўллар-чи? Булар ҳақида рангбаранг фикрлар мавжуд.

Масалан, **тақводорлар** „Ҳузур ва хотиржамликнинг бирдан-бир чораси ибодатдир, хусусан, руҳий сиқилишларга, изтиробларга қарши бизнинг таклифимиз — намоз ўқиш, — дейишади. — Намоз ўқиётганда инсон дунё ташвишларидан фориғ бўлади. Бутунлай бошқа оламларга чўмади. Кундалик ташвишларни ва беҳузурликларни унутади“.

Тақводор ўзининг ниҳоясиз даражада меҳрибон ҳомийси қаршисида рукуъ қилиб, чексиз қудратига тасанно айтаган ҳолда, бир кунда беш марта намоз уқийди, сажда қилади ва ибодатнинг ёқимли иқлимида ҳузур ва хотиржамликка эришади.

„Бунинг учун, — дейди улар, — тонгда қуёш билан мусобақалашгандек, кун чиқмасдан уйғониб, кун бошланмасдан Аллоҳга йўналиш ва хайрли дуо-ниятлар қилиш мақсадида **бомдод** намозини ўқиймиз. Бундай ибодат ёлғончи ва мафтункор дунёга қарши кийилган, ўқ ўтмайдиган пулат қопламаси хусусиятига эга.

Куннинг серташвиш тўлқинлари ичра, **пешин** вақтида ҳаётимизни бироз тўхтатиб, пайғамбаримиз (с.а.в.): „Кўзимнинг нури“ ва „Диннинг устун“ деган намоз сари чоғланамиз.

Дунё ҳаётининг бир кунлик йўлида „аср вақти“ деган бекатда тўхтаб, яна бироз тин оламиз-да, банда эканимизни, ожизлигимизни, дунёга имтиҳон учун келганимизни ва дунёнинг ўзи бир дарахт ости бекати қадар қисқа ва фонийлигини хотирлатадиган намозимизни ўқиб, Боқий бўлган Зотдан абадий саодатни умид қилиб дуолар қиламиз.

Қош қорайганда мусулмон киши яна қиблага йўналади. Қўёш ботиши билан кунимизнинг тугаши, бир пайт келиб умримизнинг ҳам ниҳояланишига ва вақти келганда дунёнинг ҳам умри поёнига етишига ишорат қиладиган бу онларда фоний дунёнинг ичидан туриб, унинг орқасидаги боқий оламга йўналамиз-да, **шом** намозига турамиз.

Уйқуга ётишдан олдин яна бир бор бениҳоя раҳмдил бўлган соҳибимиз ҳузурига келиб, гўё кунлик ҳисобот топширгандек, кун давомида билиб-билмай қилган гуноҳларимизга истиффор айтиб, чарчоқларни бир тарафга улоқтириб, унинг бепоён раҳмат уммонига ўзимизни отгандек, **хуфтон** намозини адо этамиз. Эртанги кунга етишиб-етишмаслигимиз аниқ бўлмаган кечанинг ҳузурли онларини яшаймиз. Шу тариқа осудаликка эришамиз“.

Тибетлик монархларнинг фикрича ҳам ибодат қилиш осудаликка, хотиржам ҳолатга тушишнинг энг ишончли усули экан. Улар шундай дея мурожаат қилар эканлар:

— Эй, худоё! Ўзгартиришим мумкин бўлган нарсани ўзгартира олишим учун ўзинг куч-қудрат, ўзгартира олмайдиган нарсамга кўникишим учун матонат ва сабртоқат бергин! Шунингдек, биринчисини иккинчисидан ажрата олишим учун донолик ато эт.

Худди шу фикрга ҳамоҳанг бўлган АҚШ Президенти Э. Кеннедининг бир фикри бор:

— Эй худо, йўналишини ўзгартириб бўлмайдиган ишларга хотиржам қарашни ўргат, менинг қудратим етадиганларни бажаришга куч-қувват, биринчисидан иккинчисини ажратишга ақл-идрок бер.

Ибодат қилиш хусусида ҳиндларнинг ҳам ажойиб гапи бор:

— Агар сен севсанг, агар сен сифинсанг, агар сен қийналсанг, демак, сен инсонсан.

Тарикат илми намоёндалари „Осудаликка бир зум бўлса ҳам эришмоқ учун қабристонни бориб зиёрат қилиб туриш керак“, дейишади. Бунинг маъноси, бу жойга қадам қўядиган ҳар бир киши, дилида яхши ёки ёмон ният бўлишидан қатъий назар, инсон умрининг, омонат уч кунлик дунёнинг ўткинчи экани, бас, шундай экан, инсон инсонга ёмонлик истамаслиги, алал-оқибатда ҳаммининг бир ерга — шу индамаслар манзилига қайтиши ҳақида таъкидлаб қўйиш бўлган.

Донишмандлар „Маърифатсиз осудаликка, хотиржамликка эришиб бўлмайди“, дейишади. „Бу дунё ғамхона, ғамсиз киши девона“ шиори маърифатсиз кишиларнинг шиори, улар учун хотиржамлик бегона деб ҳисоблашади.

Ҳаётга қулиб боқувчилар эса, осуда яшаш хурсандчиликка, ўйин-кулгига боғлиқ, дейишади. Чўпондан шу саволни сўрасангиз, у, сўзсиз, нигоҳини тинч ястаниб ётган бир сурувга, бир олисдаги тоғларга қарагади.

Муслим боболар осудалик, хотиржамлик иймон-эътиқодга боғлиқ, дейдилар. **Муслима момолар** эса, осудалик — бу оила тинчлиги, деб жавоб қайтарадилар. Кимдир хотиржамлик кўнгилга боғлиқ, яъни кўнгилнинг хотиржамлиги сендан эмас, балки унинг хотиржамлигидан (Обиддин Маҳмудов) деса, файласуфлар осудалик — бу турмуш тарзига рия қилиб яшашга ва аксинча, организм учун салбий, асабийлашишга, алал-оқибат беҳаловатликка сабаб бўлувчи куйидаги туйғуларни санаб ўтишади:

- | | | |
|---------------|-----------------|----------|
| • бахиллик | • қаҳр-хуноблик | • рашк |
| • даҳшат | • иккиланиш | • шубҳа |
| • уят | • саросималик | • жаҳд |
| • нафрат | • қониқмаслик | • ачиниш |
| • тоқатсизлик | • виждон азоби | • макр |
| • норозилик | • хафагарчилик | • ғам |
| • ноумидлик | • ранжиш | • ғашвиш |
| • озор | • қўрқиш | • хўрлик |
| • ҳақорат | • ёмон кўриш | • адоват |

Американинг ўтган асрдаги энг машҳур психологи Дейл Карнеги „Қандай қилиб безовталиқдан қутулиб, яшашни бошлаш мумкин“ деган китобида дунёнинг илмини излаб, бир оддий хулосага келади: „Безовталиқдан

қутулишнинг йўли — бугун билан яшаш, одамнинг халос-кори — фақат бугун!

У бунга эришишнинг жуда содда усулини таклиф этади: кеча, яъни ўтмишнинг ғамидан ҳам, эрта, яъни келажак хавотиридан ҳам қутулиб, фақат бугуннинг ташвишини қилиш керак, вассалом. Шунда, биринчидан, кечаги нохушликлар, эришолмаган нарсаларингиз учун ачиниш ва шу каби бошқа-бошқа барча ўйловлар чекинади. Эрта учун жон куйдиришга ҳали эрта. Чунки сизнинг қўлингизда фақат бугун бор. Тонгдан шомгача бўлган кунингизни оқилона режалаштиринг. Кун мобайнида имкон қадар кўпроқ ва самаралироқ меҳнат қилишни, эзгу мақсадингиз сари дадилроқ қадамлар ташлашни ўйланг.

Олим ҳақ: умр — алоҳида-алоҳида кунлардан иборат. Шу кунингиздан розимисиз, демак, умрингиз бекор ўтаётгани йўқ.

Энди ўзбек халқининг донишмандлигига қойил қолмай илож қанча. Ким билади, Дейл Карнегидан бир неча асрлар илгари яратилгандир, ўзбек халқи гапнинг пўст калласини соддагина, лекин дангал қилиб айтган-қўйган: „Бугунги ишни эртага қўйма!“

Мен бир нарсани кўп ўйлайман: одамзоддаги қусур — кўп нарсдан норози бўлиш, шукроналик туйғусини йўқота бошлагани, бу аввало, тинчликнинг қадрига етмагандан. Мен Бахт деганда, ана шу кунимни — тинч, хотиржам ҳаётни тушунаман. Эрталаб ишга кетаман, оилам кузатади, ишдан шошилиб уйга қайтаман, оилам кутиб олади, юртим кўчасида бемалол юраман. Бошимда мусаффо осмон, оёғим остида хотиржам ер. Мени ҳеч ким отмайди, мен ҳеч кимга қурол ўқталмайман — осойишта умр кечираман. Шунга шукр қиламан.

2.2. ТИНЧЛИК ҚАДРИ

Осудалик — бу, энг аввало, тинчлик демак. „Мамлакатни энг чуқур қолоқликдан фаровонликнинг юқори босқичига олиб чиқиш учун фақатгина тинчлик, енгил солиқлар ва бошқарувдаги бағрикенглик кифоя қилади, қолганларини эса воқеаларнинг табиий оқими бажаради“, деб ёзган эди Адам Смит.



ИСЛОМ КАРИМОВ
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, миллий истиқлол ғояси ва тараққиётнинг „Ўзбек модели“ни ишлаб чиққан атоқли давлат арбоби

1. „Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли“ (1992 й).
2. „Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари“ (1997 й).
3. „Ватан — саждагоҳ каби муқаддасдир“ (2005 й).
4. „Юксак маънавият — енгилмас куч“ (2008 й).
5. „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ (2011 й) ва ҳ. к.

Ҳа, тинчликдан улуғ неъмат йўқ. Дунёдаги жамики тараққиётнинг, интилиш ва юксалишларнинг аввали тинчликдир. Хотиржам кўнгилдагина келажак ҳақида орзулар пайдо бўлади, осойишта уйгагина файз ва барака киради. Бирор-бир давлат аҳамиятига молик йиғин йўқки Президент тинчлик ҳақида, тинчликнинг қадри ҳақида тўхталмаган бўлса. Дунёнинг улкан давлатларига бўладиган расмий ташрифлар чоғида ҳам, жаҳоннинг юксак минбарларида ҳам Юртбошимиз, энг аввало, эл-юртимиз тинчлигини барча манфаатлардан устун қўяди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон дунёда тинчлик ва барқарорлик ҳукм суриши учун дадил майдонга чиққан давлатлар сирасидан мустаҳкам ўрин олди.

Шу боис, юртимиз обрўси жаҳон ҳамжамиятида тобора юксалиб борапти. Ўзбекистон нафақат минтақа, балки дунёда тинчлик, тотувлик, бирдамлик учун курашиб, муносиб мавқеъ эгаллаган давлат сифатида эътироф этиляпти. Буни ҳар қандай кўзи очиқ одам кўриб, билиб турибди. Виждонни ўртага қўйиб айтганда, юрт истиқлолининг дастлабки кунлари (1991 йил)дан то бугунгача Президент Ислоҳ Каримовнинг тинчлик йўлидаги қатъий саъй-ҳаракатлари юзлаб китобларга мавзу бўлади, ўтган ҳар бир машаққатли йўлимиз тинчлик йўлида бонг бўлиб тарихда қолади. Чунки бу йилларда халқ ҳаёти уруш оловидан сақлаб қолинди, биз ўта мураккаб, зиддиятли даврдан омон-эсон ўтиб олдик.

Ҳозир дунёдаги энг қудратли ва бой давлат Америка Қўшма Штатлари, жаҳондаги энг катта мамлакат Россия, энг тез ривожланаётган мамлакатлардан бири Япония эканлигини ҳаммамиз биламиз. Энди бир ўйлаб кўринг.

1991 йилгача Ўзбекистон деган давлатни ким биларди? Ҳеч ким! Орадан 13 йил ўтиб, Ўзбекистон юқорида биз эслатган мамлакатларнинг стратегик ҳамкорига айланишини бирорта одам тасаввур қилмаган бўлса керак. Бизнинг бугун дунё сиёсатини белгилаётган, энг йирик ва бой мамлакатларнинг яқин ҳамкорига айланганимиз эса ҳақиқат.

Мустақилликка эришганига юз йил бўлса-да, қандай номланишини ҳеч ким билмайдиган мамлакатлар бор. Ху-

дуди жиҳатдан ҳам, аҳолиси жиҳатдан ҳам Ўзбекистондан катта бўлса-да, ҳеч ким ҳисоблашмайдиган давлатлар бор.

Ўзбекистонни билишади, у билан ҳисоблашишмоқда, унинг ташаббусларига, таклифларига кулоқ тутишмоқда, қўшилишмоқда. Чунки жаҳон сиёсат майдонида бизнинг ўз йўлимиз — „Ўзбек моделimiz“, ўз ўрнимиз, айтар сўзимиз бор. Албатта, буларнинг ҳаммаси юртбошимизнинг оқилона олиб бораётган тинчлик сиёсатининг маҳсулидир.

Ҳа, юртимизнинг кўркам боғдай яшнаётгани нима туфайли? Жавоб аниқ — юрт тинчлиги туфайли. Кўнгил хотиржамлиги, оила осойишталиги, тўрт мучаси соғ-омонлиги туфайли. Бошқа нима керак? Ҳеч нарса! Оёғинг остида бир парча замин — она тупроқ, бошинг узра осуда осмон. Бола-чақанг бағрингда. Яшаяпсан, меҳнат қиляпсан.

Тинчлик туфайли дунё кўзимизга ёруғ кўринади. Тинчлик туфайли чехрамизга кулги, табассум инади, кўнглимиз хотиржам бўлади. Болалари бошида алла айтаётган она „Тинч ухла, тинчинг ҳеч қачон бузилмасин“ дея ниёт қилади. Демакки, ҳар бир гўдак туғилган хонадонда аёллар тинчлик ва хотиржамлик учун айтиладиган энг ёрқин, гўзал ва бетақрор тириклик қўшиғини куйлайдилар.

Биз бугун тинч кунларда яшаяпмиз. Тинчлик униб-ўсишимиз, эртанги кунимиз учун ойдин режалар тузиш, келажагимиз ҳақида ўйлаб, иштиёқ билан саъй-ҳаракатлар қилишимиз, эртаимизга умид боғлашимиз учун имкониятдир. Бир қултум сувни қадрлаймиз, ҳавосиз яшай олмаслигимизни биламиз.

Ер билан қуёш ҳаёт манбаи бўлиб туюлади. Шулар қаторида тинчликни ҳам инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти, усиз инсон — инсондай яшай олмайди, деб англашимиз мумкин. Мана шу ерда қуйидаги нозик бир нуқтага эътибор беринг-а!

Фил ва чумоли

- Филга айланибсан, чумоли, нечун?
- Рўзгоримдан кўнглим тинчлиги учун.
- Чумоли бўлибсан, сўйла, фил, нечун?
- Рўзгоримда тинчим йўқлиги учун.

(А. Орипов. „Ўзбекистон адабиёти ва санъати“. 28.01.2009)

„Уйида тинчи бўлсин йигитнинг аввал“, дейди мумтоз шоиримиз Абдулло Ориф. Дарҳақиқат, оилангиз бағрида тинч ўтиролмасангиз, эшигингиз тагида гумбурлаган портлаш садо берса ёки ҳаёти таҳликада қолган бирор оила аъзоси уйдан бошқа давлатларда иш излаб чиқиб қайтиб келиши даргумон бўлиб турган бўлса, ундай оилада уйинкулги, тинчлик бўладими? Албатта, йўқ!

Афғонистонда хизмат қилган кишига „Сизга нима етишмаяпти“, деб сўраганимда, кулиб: „Етишмаяпти? Агарда мен кўрган кунларни кўрганингизда эди, бир неча йиллар давомида уйдан чиқишга кўрқиб яшардингиз. Мен хотиржамгина уйғонганимга, тоза ҳаводан нафас олаётганимга шукр қиламан“, дея жавоб берди.

У бойлик, мартаба, давлату даврон сўрамади. Ёлғиз ҳолига зурриёд ҳам сўрамади. Фақат тинчлик бўлсин, деди. Унинг тинчликка шукрона айтиши замирида белбоғидаги бурда нон ва бир қултум сувнинг ҳам осойишталик туйфайли одамзодга татишига ишора бор эди.

Афғон уруши қатнашчисининг шундай тамадди қилишида англаб улгурмаганлар учун бир ҳикмат бор эди. Одам боласига кўп нарса керак эмас, деган фалсафа эди бу!

Ахир тинчликка бир кун дарз кетса, қирқ кунлик ҳаловат йўқолади. Бундай кун ҳеч қачон элимизнинг, бирорта оиламизнинг бошига тушмасин.

Америка ёзувчиси Эрнест Хемингуэй (1809 — 1961):

„Наҳотки инсоният тинчликнинг қадрига етиш учун бир марта бўлса ҳам урушнинг азоб-уқубатларини бошидан кечириши шарт бўлса?“ —

деб зорланганди. Ёки сўққабош ёш аёлнинг нидосига бир эътибор беринг-а:

„Бунақа яшагандан кўра, тинчгина ёлғиз ўтганим маъкул. Эрнинг калтаги етмагандай, қайнонанг минғирлайди. Қайнопа, қайнсингиллар „чақади“. Болаларинг жонингдан тўйдиради... Нима керак, шу азобли турмуш? Бир ўзинг ҳеч нарсани ўйламай яшашга нима етсин?“

Ана, оиладаги нотинчлик қандай хулосаларга олиб келади. Бироқ бу ёш жувонимизга шундоқ демоқчимиз:

Бу дунёга келганимизда ҳеч ким бу ҳаётда фақат ёқимли ҳодисаларга дуч келасан, деб кафолат бермаган. У ҳар доим ҳам бир маромда давом этавермайди. Бу дунёда қувончу шодликлар ила ташвишлар ҳамиша ёнма-ён юради. Чунки ҳаётда мукамал инсон бўлмаганидек, турмушимиз ҳам мукамал кечмайди. Ҳаётимизда шодиёна кунлар билан бирга баъзан дилни хира қилиб, тинчликни бузувчи воқеалар, камчилик ҳамда нуқсонлар учраб туради. Бу ҳаётий ҳақиқат! Фақат турли хил ҳаёт синовларига оддийроқ муносабатда бўлиш даркор. Шундагина тинчлигингизни таъминлайсиз.

Немис физиги А. Эйнштейнни (1879 — 1955) бир эсанг. У:

„Буюкликка йўл битта — азоб-уқубат“, —

деган бўлса, рус адабий танқидчиси, файласуф, публицист В. Белинский (1811 — 1848) ҳам:

„Ҳаёт ҳис этиш ва мулоҳаза юритиш, дард чекиш, роҳатланишдир, булардан бошқача ҳар қандай ҳаёт ўлимдир,“ —

деган. Эҳтимол, мутафаккирларимиз ҳақдир. Унутманг, осудалик ойнинг сувдаги акси каби беқарордир: буни эсда тутиб, доимо меъёрни билиб яшаш лозим. Шунда умрингиз осудаликда кечади.

Куйидаги ривоят тинчликнинг олгиндан ҳам қиммат эканлигидан далолат беради.

РИВОЯТ

ОЛТИНДАН ҚИММАТ НАРСА

Яқин замонларда бир бой ва қашшоқ этиклўз қўшни бўлишган экан. Бой кеча-кундуз олди-сотди ишлари билан банд, ҳатто кечаси билан ҳам телефон билан гаплашиб, катта-ю кичик муаммоларни ечиш билан овора, ҳамиша безовта, қошларини чимириб, боши гангиб юраркан. Этиклўз эса, эртадан кечгача устахонасида ишлаб ўтириб гоҳ ашула айтар, гоҳ хогини билан гаплашиб, чақчақлашиб кулишар экан. Буни эшитгач, хуноби чиққан бойнинг ашулага, хурсандчиликка бало борми, деб баттар бо-

ши оғриркан. Этикдўз билан уруш-жанжал қилса ҳам фойда бермабди.

Охири бир дўстининг маслаҳати билан этикдўзнинг олдига келиб, мендан сенга ёрдам, деб унга бир хум олтин берибди. Шу бўлибди-ю, эртаси кунидан бошлаб этикдўзнинг на қўшиғи, на кулгуси эшитилмай қолибди, фақат онда-сонда хотини билан жанжаллашган товуши эшитилар экан, холос.

Бир ҳафта ўтгач, этикдўз бойнинг олдига келиб, унга олтинларини қайтариб берибди. Бой ҳайрон бўлиб, нимага бундай қилганлигини сўрабди. Шунда этикдўз:

— Меҳнатим билан топганим оиламга етарли эди, менинг энг катта бойлигим — хотиним, унинг энг катта бойлиги эса, мен эдим. Сен олтин берганингдан буён уйимни тинчлик ҳам, хурсандчилик ҳам, бахт ҳам тарк этди, олтининг ўзинга буюрсин, — деб жавоб берибди.

Шу ўринда:

Гал келди: Ўзбекистон халқ артисти Фани Аъзамовнинг „Олтин девор“ спектаклида халтадаги арзимас миқдордаги олтинни қаерга яширишни билолмай, васвасага тушганлиги, уйқусидаги оромнинг йўқолганлиги, титроқ ҳолатга тушиб қолганлигини бир кўз олдингизга келтиринг-а?

Ҳаётгий кузатмалардан: қалдирғоч барча уйга ин қуриб кегавермас экан. Тинч, фаровон, жанжалсиз уйга ин қуради.

Яна бир ривоят: одоб хазинасини юрагига жойлаган бир йигит бор эди. У ўз бахтини тополмай, бир неча вақт сарсон-саргардонликда юрди. Кунлардан бир куни Анушервон¹ ходимларидан бирининг хизматига кириб қолди. У ердаги қийинчилик ва макру ҳийлаларнинг азобига қанчалик бардош бермасин, бирор фойда кўрмади. Қоронғи тунларни эса оғир хаёллар билан ўтказди.

Кунлардан бир куни Анушервон ўз мулозимларидан: „Энг мулойим нарса нима?“ деб сўради. Биров: „Шоҳи“,

¹ Анушервон одил (531 — 579) — тарих зарварақларидан жой олган ҳукмдор.

деб жавоб берди. Биров: „Товуқ патлари“, яна бирови эса: „Шоҳидан мулойимроқ нарса нима бўлиши мумкин“, деди. Шу пайтда ҳалиги йигит сарой тепасида турган эди. У мулозимларининг жавобидан Анушервоннинг кўнгли тўлмаганини кўриб, сўзлашга ижозат сўради. Ижозат бўлгач, деди: „Энг мулойим нарса тинчликдир!“ Анушервон унга офарин айтди ва уни тақдирлаб, ўз ҳақимлари орасига олди.

Ҳаётий мисол сифатида „Оила ва жамият“ газетасида чоп этилган Яйра Саъдуллаеванинг куйидаги „Чегараси бор хона“ қатрасини келтиришни ўринли деб билдик.

ҚАТРА

ЧЕГАРАСИ БОР ХОНА

Чол кампиридан ажралганига анча бўлди. Аллоҳ раҳмат қилсин, хўп ажойиб эди-да, ширин сўз, кўнгли кенг, барчага баравар. Чолини қўйгани жой тополмасди. Ота уни қўмсайди, дилида армон, кўзида ёш билан қўмсайди. Аввало, бутун бошли ҳовлининг чамандек очилган гулзорлари-ю, жилдираб оқиб турган ариқча, шовил қилувчи олма-ўриги-ю, лойдан қурилган мустаҳкам супаси, Фармонбиби айтмиш, унинг „мамлақати“ эди. Кампирдан сўнг бу чегара аста-секин торая бошлади. Чегара ўша файзли ҳовлининг кичик бир хонасига бориб тақалди-қолди. Шу ерда ота ором олади. Бир коса овқатини беминнат ейди. Уни йўқлаб келганлар билан бемалол гаплаша олади. Юрагида пайдо бўладиган дард тўлқинларини шу ерда енга олади. Чидолмай кетганда акс-садо бермиш кўз ёшларини ўзидан бошқа ҳеч ким кўрмайди, на ўғил-қизлари ва на набиралари.

Сизга айтмиш, бу „мамлакат“нинг ҳам ўз қоидаси, ўз шартлари бор. Бу жойга бақариб-чақариб кириш мумкин эмас. Эшик — чегара. Чегаранинг қўриқчиси тинчлик, осойишталик. Чол шундан ҳам мамнун тин олади. Кампири шаънига тиловат қилади.

Сўз мулкининг султони Алишер Навоий тинчлик қадрини куйидагича изоҳлайди:

„Тинч ва хотиржамлик билан ичилган ёвғон умоч, хижолат ва машаққат билан ейилган қандли кулчадан яхшироқ“.

Ҳа, тинчлик инсонга тааллуқли бўлган ҳар қандай манфаатлардан, ҳар қандай „қандли кулчадан“ кўра ус-тунроқдир. Зеро, ҳар қандай шароитда ҳам одамнинг кўнгли хотиржам тортиши керак-да! Шу ўринда:

Гап келди: Хусайн Байқаронинг: „Алишер осойишталик машъа-ли“, деб лутф қилгани унинг тинчлик посбони бўл-ганлигидан далолатдир.

„Бу дунёда ўз меҳнати, ақл-ғайрати билан кўп нарсага эришиш мумкин, — деган эди Юртбошимиз „Тафаккур“ журнали бош муҳаррири саволларига берган жавоблари-да. — Бойликка ҳам, шон-шуҳратга ҳам, илмий, ижодий кашфиётларга ҳам. Фақат бунинг учун, аввало, инсон-нинг уйида, маҳалла-кўйда, юртида, қисқача айтганда, одамнинг кўнглида тинчлик-хотиржамлик ҳукм суриши керак“.

Бу ҳикматли гап менга негадир кекса отахону онахон-ларнинг фотиҳага қўл очиб, энг аввало, „тинчлик-хотир-жамлик бўлсин, тансиҳатлик бўлсин“, деб дуо қилганла-рини эслатади. Аслида бу гапга илгарилари кўп ҳам эъти-бор қилмас эканман. Мана, шу ёшга кириб, бу тилакнинг замирида ниҳоятда улкан ҳақиқат мужассамлигини энди англаяпман. Аниқроғи, буни чуқурроқ англашимга муай-ян бир вазият туртки бўлди.

1996 йилда автоҳалокатга учраганим ва республика клиник шифохонасида даволанган кунларимда уколдан илма-тешик бўлиб кетган қўл ва оёқларимга „дам бериш“ учун ҳовлида бироз айланардим. Йўлақлардаги қатор ҳикматли сўзларни ўқиб, уларнинг орасидаги бир мақол мени жуда ҳайратлантирган: „**Инсонга азиздир икки хил неъмат, бири тинчлик бўлса, бошқаси сиҳат**“.

Бу сўзларнинг юки борлиги ва жуда улкан эканлигини ўшанда янада теранроқ англаганман.

ҚИЗИҚ, НЕГА?

Одамзоднинг табиати қизиқ: нимага зориқса, ўша қадрли бўла бошлайди. Масалан, сув тўхтаса, сувнинг

қадрига етамиз. Шошиб қоламиз. Ваҳимага тушамиз. Ахир сув олдимиздаги ариқда шарқираб оқиб ётувди-ку!.. Ушанда, бу — табиий, сув бўлганидан кейин оқади-да, тулиб оқмаган ариқ ариқми, деган уй ҳам йўқ эмас эди. Бепарво эдик. Қарабсизки, сувсиз ҳаёт қовжираркан, қуриркан, уйимизда гиёҳ ўсмаскан. Бунинг тасдиғини 2011 йилги кургоқчиликда кўрдик. Тоғ-адирларда ўтлар унмай қолди. Минг-минглаб кўйлар, моллар қуруқ ерни ялаб, қирилиб кетди. Энди тасаввур қилинг: мана шу сиз билан биз нафас олаётган ҳаво камайса, ҳаво тугаса, нима бўлади? Ҳозирча ҳаммамиз учун одатий бўлиб, биз учун туганмас туюлган ҳавосиз қолсак нима бўлади? Фанда оддий қилиб айтганимиз, кислородсиз ҳаётни мавжуд деб бўладими? Йўқ, албатта... Хуллас, биз ҳамиша ҳам қадрига етавермайдиган яна бир тушунча бор, бу — тинчлик!..

Ҳеч уйлаб кўрдингизми?

- Тинчлик, тансиҳатлик шундай бойликки, уни топиб ҳам, сотиб ҳам олиб бўлмайди, уни фақат ҳар кимнинг ўзи яратади.
- Тинчлик қадрига ғам-ташвишли кишилар, саломатлик қадрига бемор одамлар, вақт қадрига умрини беҳуда ўтказган кишилар етади.

Булар ақлли инсонларга бир дарс, қалби борларга панду насиҳат, басирларга қиссадан ҳиссадири.

2.3. ХОТИРЖАМЛИК ВА УНИНГ ОЛТИН ҚОИДАЛАРИ

Тинчлик. У туфайли хотиржамлик бор. Хотиржамлик эса, буюк неъмат. Ҳадисда шундай дейилган:

„Тангридан афа ва офият (хотиржамлик) суранглар. Чунки ҳеч бирларингиз иймондан кейин офиятдек неъматни тополмайсизлар“.

Дарҳақиқат, бу оламда ному насабсиз, молу мулксиз, шону шавкатсиз ҳам яшаб ўтса бўлади. Ахир, худди шу нарсаларсиз ҳам яшаб ўтаётганлар ёнимизда қанча? Аммо, ишонинг, хотиржамликсиз яшаб бўлмайди.

Фараз қилинг, кутилмаганда ер қаттиқ силкинди. Кимдир эшикка чопди, кимдир дуо қилди. Ҳаёт билан ўлим-

нинг энг яқинлашган вақти. Кутилмаганда жонингиз чиқиши мумкин бўлган шундай дақиқаларда, хотиржамликка раҳна солинаётганда Сиз қандай хомхаёллар ичида эдингиз, эй инсон! Сиз кимларга озор бераётгандингиз? Сиз нима ишлар қилаётгандингиз, одамлар?

Улуғ ватандошимиз Нажмиддин Кубронинг қуйидаги ҳикматли сўзлари юқоридаги саволларимизга муносиб жавоб бўла олади:

„Мен дунёни кездим. Билдимки, дунёда умрдан кўра тез ўтадиган, ўлимдан кўра яқин, орзу-хаёлдан кўра йироқ, хотиржамликдан кўра гўзалроқ нарса йўқдир“.

Машҳур Эйнштейн осуда ҳаётни севарди. Мумтоз муסיқа, айниқса, скрипка унинг жону дили эди. 1952 йилда уни Исроил президентлигига таклиф этишади. Бироқ олим бу таклифни рад этади ва бундай лавозим учун муносиб эмаслигини айтади. Тўғрироғи, қалбини илм-фан иштиёқи эгаллаган одам учун давлатни бошқаришдан кўра илмий ишлар кўпроқ қизиқтирар эди.

Олим ҳеч қачон мол-дунёга қизиқмаган. Унга дунёдаги кўплаб наشريётлар каттагина пуллар ваъда қилишади ва ҳаёти ҳақида китоб ёзиб беришни сўрашади. Эйнштейн бу таклифни ўйлаб ўтирмаёқ рад этади. Кейинчалик, у „Автобиографик қайдлар“ни ёзган бўлса-да, бунинг эвазига ҳеч нарса талаб қилмайди. Шу ўринда:

Гап келди: Машҳур француз ёзувчиси Франсуа де Ларошфуко (1613 — 1680) шундай деган: „Агар одам ўз-ўзидан хотиржамлик топмаса, у ҳеч қаерда хотиржам бўлолмайди“.

РИВОЯТ

ХОТИРЖАМЛИК — МУСАФФО ҲАЁТ

Узоқ сафардан қайтаётган шоҳ карвонига баногоҳ қароқчилар тудаси ҳужум қилди. Барча бойлигу от-уловлари тортиб олинган жабрдийдалар иложсиз, пиёда йўлга тушишибди. Манзил олис, озиқ-овқатлари ҳам қолмабди. Қоринларини тўйғизиш илинжида улар йўл-йўлакай ўтин

теришиб, бозорда сотишар ва унга егулик харид қилишаркан. Ҳатто баъзан эл ораларида бой-бадавлат одамларга қарол тушишар, қисқаси, турмуш ташвишида дуч келган ҳар қандай ишни қилишга мажбур бўлишибди.

Подшоҳ пешона тери эвазига топилган бир бурда нондан шундай тотли таъмини туйиб, нафси роҳатланар, саройида эса, ҳар қандай лаззатли таомларнинг ҳам таъмини фарқига бормаган экан.

Шу тариқа ўта мискин ва фақирона ҳаёт кечирган шоҳ ва унинг одамлари меҳнатқаш халқ билан унинг устида шоҳона ҳаёт кечираётган бой-бадавлат одамлар орасидаги тафовутни кўрибди. Меҳнатқаш чор-ночор ҳаёт кечирсада, қалби пок, хайр-саховатга мойил бўларкан. Бой-бадавлатларнинг бойлиги ошиб-гошса-да зиқна, разиллик ила халқнинг ризқини қийиш пайида бўлишаркан. Шоҳ буларнинг гувоҳи бўлиб, ўзининг тахтда ўтирган даври билан мискин кунларини қиёслабди. Шоҳлик даврида у фақат бойлик орттириш, мамлакат сарҳадини кенгайтириш, айш-ишрат тўғрисида ўйлаган бўлса, фақирлик даврида олижаноблик, ҳокисорлик, хушмуомалалик, меҳр-муруватли ва адолатли бўлиш каби сара ҳисларни ўзида мужассам этибди. Гарчанд у бундай аҳволга тушиб қолмаганида эди, шоҳ ҳаётида фақат виқорлик, кибру ҳавога берилиб, шу амалнигина ўзлаштириб яшарди. Ҳатто бу нохуш иллатнинг авж олишида ҳам улкан ҳисса қўшган бўларди.

Дунё юкин кўтариб, дарвеш юрт кезар,
Гул рухсорин эркалаб, шоҳ айшин сурар.

Шундай қилиб, шоҳ ва унинг одамлари кўплаб азобу уқубат, машаққат чекиб, ўз саройига етиб келишибди. У ўз тахтига ўтиргач, фақирликда орттирган ҳаёт сабоқлари асосида эзгу ишлар билан шуғулланибди. Турли кайф-сафо ва айш-ишратлардан юз ўгириб, халқ билан ҳамнафас яшабди, хизматини қилибди. Алалхусус, халқи бой ва фаровон ҳаёт кечира бошлабди, ҳеч ким муҳтожлик алангасида ёнмас эмиш. Бундан унинг кўнгли тўлиб, хотиржам тортибди. У умрининг поёнига қадар халқларвар, самимий ва покиза ҳис-туйғулар оғушида мусаффо ҳаёт кечирибди.

Кимки амалу бойлик чўққисинда зийрак эрур,
Фароғат нашидасидан кўнгли шодон эрур.
Кимки амалу бойлик чўққисинда бадҳақ эрур,
Эл-улус узра бир нокасу бир ноҳақ эрур.

Қиссадан ҳисса шуки, хотиржамликнинг қадри у йў-қолгандагина билинади.

ЧАҚМОҚ ФИКРЛАР

Бузрукмеҳр — Шарқда етук олим, зукко адиб, тарих зарварақларидан жой олган ҳукмдор Анушервон одилнинг вазири, унинг истагига биноан „Зафарнома“ асарини ёзиб, авлодларга мерос қолдирган аллома шундай нақл қилади:

Мен устозимдан сўрадим ва у жавоб қайтарди:

Дедим: Эй, устоз Яратгандан нима тиласам, барча яхшиликларни сўраган бўламан?

Деди: Уч нарса: соғлиқ, хотиржамлик ва бойлик.

* * *

„Хотиржамликни сақланг, фақат хотиржамлик“, дейди машҳур мультфильм қаҳрамон Карлсон. Ҳақиқатдан ҳам олтин сўзлар!

* * *

Умр бўйи оила аъзоларидан рўшнолик кўрмаган кишининг вақт-соати етиб, боши ёстиққа тегибди. Атрофга аланглаб, жон беришга қийналаётган отадан ўғил сўрабди:

— Нима излаяпсиз, отажон?

— Ҳаловат излаяпман, болам, — дея ота ҳаётдан кўз юмибди.

* * *

„Гулливер саёхатлари“ асарининг муаллифи Жонатан Свифт „Дунёдаги энг яхши докторлар — доктор **Тўғри овқатланиш**, доктор **Хотиржамлик**, доктор **Шодликдир...**“ деган эди.

* * *

— Эй фарзанд, — деди кўпни кўрган ота, — Яхшилиқ қилувчи одам **хотиржам** яшайди. Ёмонлик қилувчи эса,

ёмонликнинг қайси тарафидан келишини билолмай, ҳадиксираб, беҳаловат яшайди, хотиржам бўлмайди.

* * *

Подшоҳдан сўрадилар:

— Энг катта орзуингиз нима, подшоҳи олам?

— Қани энди, бир кеча бўлса-да, салтанат муаммоларини уйламасдан, хотиржам уйқуга кетсам.

* * *

Бойликдан сўрашди:

— Сенга нима етишмайди?

— Қувонч ва хотиржамлик, — деб жавоб берибди.

Шу уринда:

Ган келди: Бойлик, молу дунё орттиришни ҳамма ҳам ҳавас қилади. Баъзилар буни пешана тери эвазига қўлга киритишга ҳаракат қилса, баъзилар алдов, риёкорлик, хиёнат эвазига бўлса-да, бойишни хоҳлашади. Энди ҳар икки тоифа одамлар руҳиятига тузукроқ разм солинг. Биринчи тоифа кишиларда зоҳирий ва ботиний хотиржамлик, ҳаракатларида оғир вазминлик акс этса, иккинчи тоифа кишиларда, аксинча, жонсараклик, ҳар нарсадан ҳадиксираш, шубҳа-гумон изларини кўрасиз. Қолаверса, „Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқали“ ёки „Кўза кунда эмас, кунда синади“ деган мақоллар ҳам бор. Қилиб қўйган қинғир ишлари фош бўлиб, синиш кунидан ҳадиксираш уларни ана шундай ярим телба, беқарор қилиб қўйган бўлса не ажаб?

ҲАЁТИЙ КУЗАТМА

— Шуро йилларида фирибгарликда устаси фаранг бир дўкон мудири билан ҳаммаҳалла эдик, — дея эслайди таниш кекса журналист дўстим. — Бир куни тунда узоқ Хоразмдан дўстим меҳмон бўлиб келди. Ароқ сўрамоқчи бўлиб, ўша дўкондорнинг эшигини тақиллатдим. Ҳеч ким

очмади. Охири „Фалончибой, менман, зарур ишим бор“, дейишим билан эшик шақиллаб очилиб, қўшним бошини чиқарди.

— Каттиқ ухлар экансиз, анча чақирдим, эшитмадингиз, — десам, нима дейди, денг:

— Уйқу қаёқда дейсиз, ака. Кечалари уйқум келмаслигига аллақачон кўникканман. Уч-тўрт танга топаманми, деб кун бўйи елиб-югураман. Топганингдан кейинги азоб ундан ҳам ошиб тушаркан. Шитир этса, ўғри ёки милисапилиса келягтими, деб юрак ҳовучлайман. Бирор формали одам дўконга кириб келса ёки эшигим тагидан ўтса юрагим „шув“ этади. Қариндошим бўлса ҳам кечаси тўйга бормайман.

Унда ҳамма нарса бор эди: данғиллама участка ҳам, машина ҳам... Егани олдида, емагани кетида. Баъзан унинг юриш-туришига ҳавас қилардик. Аммо ўша тунги суҳбатдан сўнг мендаги ҳавас ўрнини ачиниш эгаллади. Пулинг бўлса-ю, ҳаловатинг бўлмаса, бир пиёла чойни оёқ узатиб ичолмасанг, шуям яшаш, шуям умргузаронлик бўлдими?! Доимо кўрқув, шубҳа, гумонлар гирдобида яшаш унинг бошига етди: ажалидан 5 кун бурун юрак хуружидан вафот этди...

ЯНА БИР ҲАЁТИЙ КУЗАТМА

Нопок йўл билан бойлик тўплаганлардан бирининг беваси ҳикоя қилган қуйидаги воқеа ҳам оғиздан-оғизга кўчган эди:

— Бир куни эрим қўлимга уч литрлик банка тутқазди. Қарасам, ичи тўла пул. Оғзини маҳкам беркитиб, пол остига яшириб қўйдик. Эрим вақт-вақти билан кавакка қўлини тиқиб, банканинг бор-йўқлигини текширарди. Орадан йиллар ўтиб, пул керак бўлиб қолдию, полнинг тахтасини кўпориб, банкани олдик. Банка нам бўлганми ёки ҳаво кирмаганигами, пачка-пачка ўн сўмлик қизил пуллар кўкариб, чирий бошлаган экан. Титилиб тўкилаётган пулларни кўриб, эрим кўкрагини чангаллаб қолди. Шундан кейин анчагача даволаниб, ўзига келган бўлсада, салга тутақиб кетадиган, ўзи билан ўзи гаплашадиган бўлиб қолди.

Бу воқеаларни эсларканман, драматург Иззат Сулгоннинг „Иймон“ спектаклидаги бош қаҳрамоннинг гапи қулоқларим остида жаранглаб кетгандай бўлади. У бировнинг меҳнати эвазига бойлик орттираётган ўғлига қарата: „Агар менинг уйимга пул, бойлик, давлат оқиб келса-ю, уйимдан иймон чиқиб кетса, бундай молу давлатнинг менга кераги йўқ“, дейди.

Шундай экан, аввало, ҳеч биримизни иймонимиздан айирмасин. Хотиржам яшашга нима етсин!

БЕЗОВТАЛИК ЗАМИРИДАГИ ҲАҚИҚАТ

Бу кўҳна дунё пайдо бўлганидан буён инсон ҳеч қачон хотиржам яшамаган. Сабаби, у қилган ишларидан хижолатда, бўлажак ишларидан хавотирда умргузаронлик қилади. Бу оддий ҳақиқат. Қолаверса, у турли ваҳималар, тўфонлар, офатлар қуюнида яшаган ва яшаб келмоқда. Бундан кейин ҳам шу йўсинда яшайди:

Сир эмас, кишилик жамияти ҳар томонлама тараққий этгани сари унинг қора кўланкасидек жиноий хатти-ҳаракатлари ҳам замон ва маконга мослашиб, ривожланиб бормоқда. Бугун инсоният глобаллашув жараёнида турибди, жиноятчилик ҳам чегара билмас даражага етди.

Айниқса, жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишлантираётган трансмиллий жиноятлар глобал муаммо сифатида ҳаммани ўйлантирмоқда. Башариятни ташвишга солиб турган гиёҳвандлик, терроризм ёнига кейинги йилларда одам савдоси ҳам қўшилди.

Минглаб-миллионлаб озод ва эркин яшаши керак бўлган одамлар ихтиёрий, зўравонлик билан, баъзилари эса турли алдовлар орқали қул сифатида сотилиб, ҳўрланмоқда. Уларнинг аянчли ва заҳматли меҳнати, қонли кўз ёшлари ҳисобига инсон қиёфасидаги махлуқлар қатта-қатта бойликларга эга бўлмоқда.

Энг мудҳиш жиноятлар сирасига кирувчи одам савдоси, афсуски, юртимизга кириб келди. Ачинарлиси, ҳамқишлоғини, ҳатто қариндошларини ҳам сота бошлади.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ҳар жойда аҳоли орасида хотиржамликка таҳдид солувчи, тарбияга муҳтож турли қатламлар бор. Ўғирлик ҳам, йўлтўсарлик ҳам, ич-

киликбозлик ва гиёҳвандлик ҳам айни шулардан чиқади. Хўш, уларга ким таъсир ўтказади, ким инсофга чақириб, тўғри йўл кўрсатади? Фақат милициями? Унда маҳалла фаолларининг ва бола тарбиясига кўмаклашадиган еттита қўшнининг вазифаси нима? Мактаб, оила ва жамоатчиликнинг лозим бўлган қатъий ҳамкорлиги-чи? Шу ўринда бола тарбияси хусусида:

Ган келди: Менимча, бола бамисоли икки қанотли қуш бўлса, унинг бир қаноти ота-она, иккинчи қаноти мактаб ва жамоатчиликдир. Агар улар ягона эзгу мақсад томон ҳаракат қилсалар, бола ҳаёт бўстонига парвоз қилаверади. Аксинча бўлса-чи? Унда бола учолмай, қулаб тушади. Шундай экан, биз бола камолотини фақат мактабга ёки ота-онага юклай олмаймиз. Оила, мактаб, маҳалла, жамоатчилик, қўни-қўшни боладан бир он кўз узмай, унинг иқболи, келажаги хусусида муттасил қайғурсин. Шундагина, нафақат шахс, шу билан бир қаторда, оила, маҳалла, мамлакат хотиржамлигига эришган бўламиз.

Хотиржамлик ва унинг ўта зарурлиги тўғрисида сўз юритар эканмиз, шундай деб қоламиз: ҳаёт, яшаш инсон учун бериладиган улуғ неъмат, ана шу неъматнинг қадрига етиб, тинч ва осуда яшашга интилайлик.

Аллоҳнинг инсонга ато этган улуғ неъматларига, гўзал фазилатларига хиёнат қилмайлик! Дунёнинг тинчлигини бузмайлик, зотан, ҳаётимиз осудалиги унинг хотиржамлиги туфайлидир. Вақтлар келадик, авлодларимиз ана шундай улуғ ва оддий неъмат қадрини тушунмаганимизга ҳайрон бўладилар.

ХОТИРЖАМЛИККА ЭРИШИШНИНГ ОЛТИН ҚОИДАЛАРИ

Дунёда ёмон инсонлар бўлмайди тамойилига таяниб яшаган, бутун умрини инсонлар ўртасидаги ўзаро ижобий муносабатлар муҳитини яратишга бағишлаган америкалик машҳур руҳшунос Дейл Карнеги 1888 йилнинг 24 ноябри-

да Миссури штатининг Меривилл фермасида камбағал оилада таваллуд топган.

Мавжуд нохуш ҳолатлар билан курашиш, қимматли ҳаётни майда-чуйда гаплар билан арзон баҳога „сотмаслик“ гоёси Карнеги ҳаётида йўлчи юлдуз бўлиб қолди. Унинг шу руҳдаги бир қатор асарлари дунё жамоатчилиги томонидан ҳамон севиб ўқилмоқда.

Қуйида Дейл Карнегининг хотиржамликка эришишнинг олтин қоидаларини келтирамиз:

1. Бугунги кун билан яшанг.

„Бизнинг асосий ишимиз — олисдаги мавҳум нарсага қараш эмас, балки қўлимиздаги имкониятимиз етган ишни бажариш бўлмоғи керак“, деган эди Томас Кармель. Эртанги кунга тайёрланишнинг энг мақбул йўли — ақлидрокни бир жойга йиғиб, бош шижоатни бугунги ишни осонликча бажаришга қаратиш. Бу — келгусига яхши тайёрланса бўладиган ягона йўлдир.

2. Таҳлика туғдирувчи ҳолатдан чиқишнинг сеҳрли формуласи.

Агар Сизни таҳликага соладиган вазият пайдо бўлса, қуйида айтганларимизни қилинг:

а) ўзингиздан сўранг: „Бундан ҳам беш баттар бўлса, нима бўлади?“

б) ўша „беш баттар“ аҳволга тайёрланинг;

в) юзага келган вазиятни таҳлил этинг ва уни унглашнинг энг мақбул чораларини топишга ҳаркат қилинг.

3. Таҳлика нималарга олиб келади?

Қўрқув — жонсараклик, ваҳима туғдиради. Таҳлика ҳисси бизнинг асабларимизни таранглаштиради. Ошқозон, асаб толаларига таъсир қилади. Ошқозон шираси таркибининг ўзгаришига сабаб бўлади. Булар эса, ўз-ўзидан ошқозонда яра пайдо бўлишига олиб келади. Доктор Д. Монтагу айтганидай: „Ошқозон яраси Сиз тановул қилаётган эмас, Сизни еяётган нарсалар боис ҳосил бўлади“. Қўрқув, безовталиқ, нафрат, худбинлик, мавжуд турмуш тарзига мослашмаслик — мана нималар ошқозон, юрак касалли-

гига олиб келади, қон босимининг ошиши, бод, диабет, шамоллашга сабаб бўлади. Касалликларга қуйидаги ҳолатлар ҳам сабаб бўлади: а) оилавий ажралиш, б) молиявий кўркув, в) ёлғизлик ва хавотир ҳисси, г) узоқ вақт гина сақлаш.

Кучни тиклашнинг энг яхши омиллари қаттиқ ишонч (атрофдаги кишиларга, ишга бўлган), уйқу, мусиқа ва кулгидир. Яхши ухлашни ўрганинг, мусиқани севинг, турмушнинг кулгили, қизиқ томонларини кўра билинг, ана шунда соғлиқ ва бахт доимо сизга ҳамроҳ бўлади.

„Беҳаловатлик билан қандай курашишни билмаган одам ҳаётдан эрта кетади“, деган эди тиббиёт соҳасида Нобель мукофотиغا сазовор бўлган доктор А. Каррель.

Безовталиқ ҳиссини таҳлил қилишнинг қандай усулларини биласиз?

Д. Карнеги бу саволга қуйидагича жавоб берган:

1. Безовталиқ туғдирувчи муаммоларни таҳлил қилиш ва ечиш йўллари.

Безовталиқнинг асосий сабаби — бу чалкашлиқ. Ҳаётдаги безовталиқларнинг тенг ярмига етарли билимга эга бўлмай қарор қабул қилишга уринувчи одамларнинг узлари сабабчи бўладилар. Шу боис уч босқичли таҳлилга ўрганинг:

- а) Сизни нималар ташвишлантираётганини аниқ ёзиб олинг;
- б) фактларни таҳлил қилинг ва Сиз нима қила олишингиз мумкинлигини ёзинг;
- в) нима қилиш кераклиги ҳақида аниқ бир қарорга келинг.

Ана ундан кейин тезроқ амалий ишга киришинг ва натижасидан қайғурманг.

2. Ишингиздаги муаммоларни қандай қилиб ҳал қилса бўлади?

Ёндашув қуйидагича бўлиши ҳам мумкин:

- а) Муаммо нималардан иборатлигини аниқланг.
- б) Муаммоларнинг туғилишига нималар сабаб бўлади?

- в) Муаммони ечишнинг қандай йўллари бор?
- г) Муаммони ҳал қилишнинг қайси йўли Сизнингча энг маъқул?

Ҳаловатсизлик Сизни адоийи-тамом қилмасдан қандай қилиб уни бартараф этиш мумкин?

Бу масала бўйича Д. Карнеги куйидаги маслаҳатларни берган:

1. Безовталиқ ҳиссини кўнгилдан қандай чиқариб ташлаш мумкин? Ўзингизни қўлга олинг: ташвишга ўралиб олган одам тушқунликка тушмаслик учун қандайдир фаолиятда қатнашиши зарур. Руҳий касалликларни даволашда кенг қўлланувчи „Даво — бу иш билан бандлик“ ибораси иш пайтида шифо саналади.

2. Арзимас нарсалардан хафа бўлиб, ўзингизни абгор қилманг. Майда-чуйдаларни деб, осойишталигингизни йўқотманг. Ёдда тутинг, умр ҳаддан ташқари қисқа, уни майда-чуйда ишларга сарфламаслик керак.

3. Сизга кўп ташвишлардан қутулишга ёрдам берувчи қонун. Ўзингиздан ростини сўранг: ниманинг эҳтимоли Сизни безовта қиляпти, бу нарса ўтиб кетиши мумкинми?

4. Ўтган ҳодисаларни таққосланг. Рўй берган ҳодисани тан олиш ва қабул қилиш ҳар қандай бахтсизлик оқибатига бардош беришда биринчи қадам саналади.

5. Кўнгилхиралиқ бўлганда мушкул аҳволга тушиб қолишингизга йўл қўйманг, иссиғида ўзингизни тўхтатиб қолинг. Нарса-ҳодисаларнинг меъёрини билиш — хотиржамликнинг улкан сирини ихтиро этиш, деган гап. Киши вақтида ўзини босиб олиши ва ўзига куйидаги уч саволни бериши керак:

- а) Мен куюнаётган нарса мен учун қанчалиқ қимматга эга?
- б) Ташвиш туғдирадиган ишни қачон тўхтатишим керак?
- в) Мен бу нарса учун яна қанча куюнаман? Куюниб, бунинг қийматидан ҳам кўп „туламаяпманми?“

6. Қипиқни арралашга уринманг. Қипиқни арралаш мумкин эмас, чунки унинг ўзи арраланган. Ўтган воқеа ҳам худди шундайдир. Бўлиб ўтган изтиробли ҳодисани

эслаб қайғуришингиз қипиқни арралашга ўхшайди. ...Подшоҳнинг бутун бошли отлиқ кўшинию, аскарлари ҳам ўтмишни қайтаролмайди. Шунинг учун қипиқни арралашга уринманг.

Шундай қилиб, безовталиқ Сизни ҳар доим тамом қилмасидан бурун ундан қутулиш йўллари:

1-қоида. Иш билан доим банд бўлиш безовталиқни сиқиб чиқаради. Фаол ҳаракат — бу энг яхши даво воситаларидан биридир.

2-қоида. Арзимас нарсаларга қайғурманг. Майда-чуйдаларни деб бахтингизнинг бузилишига йўл қўйманг.

3-қоида. Сизнинг аҳволингиздан қайғураётганларга нисбатан эҳтимоллар назарияси қонунини қўлланг. Эҳтимол, бундан баттар нимадир рўй бериши мумкин эди-ку?

4-қоида. Уни олдини олиб бўлмайдиган воқеа билан солиштиринг. Агар аҳвол Сизнинг ихтиёрингизда эмаслигини, уни ўзгартириш қўлингиздан келмаслигини билсангиз, ўзингизга шундай деб таскин беринг: „Ҳа, бу шундай бўлди, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди“.

5-қоида. Ўзингизни вақтида тўхтатишни уддаланг. Безовталиққа ёки бошқа ҳолатга нисбатан кўпроқ „товон тўламаслик“нинг қайси чорасини кўришни ўзингиз учун ҳал қилинг.

6-қоида. Ўтган ҳодиса ўз-ўзини гўрга тикаверсин. Қипиқни арраламанг.

Д. Карнегининг тинчлик ва бахт яратишнинг етти йўли нималардан иборат? Бахт ва ҳаловатга эришишнинг етти қоидаси-чи?

Улар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳаётингизни ўзгартириши мумкин бўлган ун саккизта сўз.

Бизнинг қандай бўлишимиз фикримиз қандай бўлишига боғлиқ. Тафаккуримиз тақдиримизни белгилайди. „Инсоннинг ўзлиги кун бўйи нима ҳақида ўйлаганидадир“, деганди Эмерсон. Бизнинг асосий муаммомиз фикрнинг тўғри йўналишини танлашдир.

Рим файласуфи Марк Аврелий айтган тақдиримизни ўзгартирадиган қуйидаги ибораларда жон бор. Ўқиб олинг:

„Бизнинг ҳаётимиз — фикримиз қандай бўлишига боғлиқ. Сиз ўзингиз ўйлаганингиздай эмас, балки Сиз нима ҳақида ўйлаётган бўлсангиз шундай кишисиз“.

Агар Сиз қалбингиз хотиржам ва бахтли бўлишини истасангиз ёруғ кунлар ҳақида ўйланг, бардам бўлинг. Шунда Сиз ўзингизни қувноқ ва тетик ҳис қилиб юрасиз.

2. Ўч олишга уриниш қимматга тушади.

Гипертония бўлган беморларнинг аксарияти хафақонликдан оғриб қолади. Уларнинг доимий азият чекиши туфайли қон босими кўтарилади. Юрагида оғриқ пайдо бўлади. Қадимдан бир мақол бор: „Кимки хафа бўлишни билмаса, тентак, кимки ўзини хафа бўлишига йўл қўймаса, у донишманддир“.

Мухолифлардан қасд олишга уриниш — бу кишининг ўзига қимматга тушади. Келинг, яхшиси, генерал Эйзенхауэр қилгандек, ўзимиз ёқтирмайдиган кишиларга вақт сарфламайлик.

3. Қандай қилсангиз миннатдан азият чекмайсиз?

Инсон табиати шундай, у ташаккур билдиришни унутиб қўйиши мумкин. Шунинг учун биз агар ҳар сафар ташаккур эшитишга ўзимизни тайёрлаб турсак, бош оғриқни кўпроқ орттириб олган бўламиз. Биз қувноқ ва бахтли бўлишни истадикми, келинг, кимнингдир раҳматини ёки миннатини ўйламайлик. Кимгадир нимадир берганимиздан ўзимиз хурсанд бўлаверайлик.

Миннат худди ёввойи ўт бўлса, миннатдорчилик атиргулдир. Уни авайлаш, суғориш, севиб ўстириш лозим. Агар бизнинг болаларимиз биздан миннатдор бўлишмаса, бунда кимни айблаш керак, деб ўйлайсиз. Менимча, фақат ўзимизни.

4. Сиз ўзингизда борини миллион долларга алиштирган бўлармидингиз?

Иккала қўзингизни миллион долларга туҳфа қилармидингиз? Оёқларингизни неча пулга сотардингиз? Қўлла-

рингизни-чи? Болаларингизни, оилангизни-чи? Ҳисоблаб чиқсангиз, ўзингиз нималарга эга эканлигингизни тушуниб етасиз. Бу бойликларингизни Рокфеллер, Форд, Морганлардаги олтинларнинг ҳаммасини тўпласа ҳам алиш-тирмас эдингиз, тўғрими?

Биз эса мана шунинг қадрига етамизми? Шопенгауэр айтганидек: „Биз ўзимизда борини жуда кам ўйлаймиз. Нукул етишмаётган нарсалар ҳақида қайғураемиз. Сиз ҳам, биз ҳам ўзимиздан уялишимиз керак. Ҳар куни эртақдагидек гўзаллик қўйнида яшаймиз-у, бироқ буларни сезмаймиз. Агар ғам-ташвишсиз, тўлақонли ҳаётда яшашни бошламоқчи бўлсак, бахтсизлигимизни эмас, омадимизни худонинг марҳамати деб, ҳисоблайлик“.

5. Ўзлигингизни топинг ва ўз-ўзингиз билан бўлинг. Унутманг, ер юзида худди Сиздек иккинчи одам йўқ.

...Дунё, инсоннинг ҳаёт тарзи эскича бўлганидек, истак ҳам ўз-ўзидан эскича бўлиши мумкин. Истамаслик эса, асаб толалари ва комплексининг қайсар жараёнидир. Ўз ақли, танаси қандай бўлса, шундай бўлишини эмас, қандайдир бошқа киши бўлишга ташна одамдан бахтсиз одам йўқ. Ташвишлардан хотиржам бўлишни истасангиз қўйидаги гапга амал қилинг: „**Бошқаларга тақлид қилмаиғ. Ўзлигингизни топинг, яратинг. Ўз-ўзингиз билан бўлинг**“.

6. Агар Сизга лимон тегиб қолса, лимонад қилинг.

Мабодо Сизга лимон тегиб қолса, безовталиқни йўқотиш учун ундан лимонад қилишингиз керак. Агар лимон тентакка тегиб қолса, у бунга рад этади ва шундай дея нолийди: „Мен толеи паст одамман. Тақдирим ўзи шундай. Бундан қутулишимнинг ҳеч қандай иложи йўқ“. Мабодо лимон доно кишига тегиб қолса-чи? У қўйидагича фикр юритади: „Бу лимонни қандай қилиб лимонадга айлантурсам бўлади?“ Инсон ва унинг яширин имкониятларини ўрганишга бутун умрини бахшида этган буюк педагог Адлер Альфред „Одамнинг энг фаройиб қобилиятларидан бири — манфийни мусбатга айлантириш саналади“, деб айтганди.

Айтайлик, биз шундай ҳолатга тушиб қолдикки, лимонад ясолмаймиз. Лекин иккита сабаб бор: нима бўлма-

син, биз буни қилишга уришиб кўришимиз керак. Биринчидан, биз ғалабага эришишимиз мумкин. Иккинчидан, ғалабага эришмаган тақдиримизда ҳам, манфийни мусбатга айлантиришга шунчаки уринишимиз орқага эмас, олдинга қарашимизга мажбур этади, салбий ҳиссиётларни ижобийсига алиштиради. Бу эса, ижодни шундай томонга йўналтирадики, ўтган ҳодисага аза тутиб ўтиришга вақтимиз қолмайди.

7. Қандай қилиб икки ҳафтада тушкунликдан фориғ бўлинади?

Машҳур руҳшунос Адлер Альфред тушкунликдан азият чеккан беморларига оддийгина қилиб шундай дер эди: „Сиз ўзингиз даволанишингиз мумкин. Бунинг учун ҳар кунни кимнидир, нима биландир шод қилишингиз мумкинлигини ўйлашга ҳаракат қилишингиз ва бу маслаҳатга риоя этишингиз даркор“. У ҳар кунни яхшилик қилишни тавсия этарди.

„Яхшилик кимнингдир чеҳрасида табассум ёритишидир“, дейдилар пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.). Нима учун яхшилик қилган кишилар кайфиятида ажойиб ўзгариш юз беради? Чунки кимнидир хурсанд қилиш иштиёқи ўзи ҳақидаги доимий фикрларини — энг асосий сабаб бўлган хавотир, кўрқув, тушкунлик туйғуларини ҳайдайди. Агар Сиз тушкунлик кайфиятини йўқотаман, хотиржамлик ва шодлик кўйнида яшайман, десангиз, ўзингиз ҳақингизда ўйламанг, бошқа кишиларга қизиқиш билан қаранг, ҳар кунни бошқаларга шодлик келтирадиган қандайдир яхшилик қилишга ҳаракат қилинг.

Бахт ва ҳаловатга эришишнинг етти қоидаси

1- қоида. „Бизнинг фикримиз қандай бўлса, ҳаётимиз шундайдир!“ Шунинг учун ҳам фикрингизни тинчлик, жасурлик, саломатлик, умид ҳақидаги ўй-хаёллар билан тўлдилинг.

2- қоида. Душманингиздан қасд олишга уринманг, акс ҳолда Сиз ўзингизга унга қарагандаям кўпроқ зиён етказасиз. Генерал Эйзенхауэрдек, ўзингиз суймаган одамлар ҳақида бир дақиқа ҳам ўйламанг.

3-қоида. а) Кимнидир миннатдор бўлмаганлигидан ранжимасдан, буни оддий ҳол деб ҳисоблайлик. Исо алай-ҳиссалом ўн нафар моховни даволаганда улардан фақатгина биттаси ташаккур айтганини эслайлик; б) Бахтга, шодликка эришишнинг ягона йўли миннатдорчиликни кутмай, қилган яхшилигингиздан қониқиш ҳосил қилишдир.

4-қоида. Бахтсизлигингизни эмас, балки барокатингизни, роҳатингизни ҳисобланг.

5-қоида. Бошқаларга тақлид қилманг. Ўзингиз билан бўлинг, чунки „ҳасад — бу жоҳиллик“, „таҳдид — бу ўзини ўзи ўлдиришдир“.

6-қоида. Агар тақдир Сизга лимон ато этса, Сиз ундан лимонад қилинг.

7-қоида. Оғриқ жойларингизни унутиш учун озгина бўлса ҳам бошқаларга севинч келтиринг. Кимгаки яхшилик қилар экансиз, билингки, бу билан Сиз, энг аввало, ўзингизга яхшилик олиб келган бўласиз.

Ризоуддин ибн Фахриддиннинг хотиржамликка чорловчи 11 насиҳатини биласизми?

Биринчи насиҳат: одамларнинг кўнгилларини оғритманг. Нодон ва хиёнатчиларга сирингизни айтманг, улар билан кенгашманг. Олим ва фозилларга эргашинг. Муруват аҳлларидан қарздор бўлсангиз, ваъда қилган кунингизда топширинг. Қўлингиздан келган хизматни ҳеч кимдан аяманг.

Ҳар куни бошингизни ёстиққа қўйган вақтингизда кун бўйи қилган ишларингизни бирма-бир кўздан кечиринг, яхши иш қилган бўлсангиз, севининг, маъносиз ишларингиз бўлса, қайғуринг, тавба қилинг. Эртаси куни нима ишлар қилишингизни яхшилаб ўйлаб, бир қарорга келинг, шу қарорингиз бўйича иш олиб боринг.

* * *

Иккинчи насиҳат: дўст, душман орасида юз қизартирадиган нарсаларни излашдан ҳазар қилинг, гузал ҳулқли бўлиш билан шараф касб этинг. Тўғри йўлдан бир қарич ҳам айрилманг. Адабсиз, тарбиясиз билан ошна бўлсангиз, улар сизни ўз йўлларига тортадилар, даражангиздан туши-

радилар. Омонатларингизга хиёнат қиладилар, сирларингизни фош этадилар.

* * *

Учинчи насиҳат: бошқаларнинг айбларини кўрган вақтингизда ўз айбларингизни ҳам тушунинг, ўз айбини кўрган киши бошқаларнинг айби билан шуғулланмайди. Ёлғончилик билан шухратланманг, ҳамманинг назаридан қоласиз. Ҳар кимнинг даражасини билинг. Билмаган нарсангизни билмайман дейишдан уятманг. Ўзингизга керак бўлмаган сўзларга аралашманг.

* * *

Туртинчи насиҳат: истаган нарсангиз бўлмай қолса, қайғуриб, бетоқат бўлманг, сабр қилинг. Келгуси кунларингизни ўйланг. Хоҳ тўғри, хоҳ нотўғри бўлган нарса учун сира ҳам қасам ичманг. Очиқ жойда қилиш уят бўладиган ишларни яширин жойда ҳам қилманг.

* * *

Бешинчи насиҳат: бир киши учун иккинчи бир киши билан орангизни бузманг. Улар мабодо дўстлашиб қолсалар, сиз уялиб қоласиз. Гўзал ишларни кўриб турувчи кўзлар ва ёзиб турувчи қаламлар бордир. Ақлингиз — энг тўғри насиҳатгўй. Нодонликдан бошқа душмандан кўрқманг. Илм нурини бузуқлик суви билан ўчирманг. Одоб-ахлоқ кийимидан бошқа гўзал кийим топилмайди, буни унутманг.

* * *

Олтинчи насиҳат: орангизда адоват, гинажўйлик давом этаётган бўлса, уларни бартараф қилиб, дўстлашинг.

* * *

Еттинчи насиҳат: одамлардан айб ахтариб юрувчи бўлманг, ўзаро келиша олмай, бир-бирингиздан узоқлашиб кетманг, балки дўстлашинг, бир оила аъзолари каби бир-бирингизга меҳр-муҳаббатли бўлинг. Зарурат бўлмаса, бировдан ҳеч нарса сўраманг, унинг миннатини кўтариб юрманг.

* * *

Саккизинчи насиҳат: ақлни биз инсонларга улуғ ҳады, улуғ неъмат деб билинг, уни соф ва комил равишда ас-рашга эътибор беринг. Уларни сақлаш ҳар кимнинг энг биринчи ва шарафли бурчи эканини унутманг.

* * *

Тўққизинчи насиҳат: иккиюзламалик, мунофиқлик, бахилликдан сақланинг. Ёлғончи, тухматчи ва чақимчи бўлманг. Ваъдангизга вафо қилинг, меҳнатсевар, ишчан, ғайратли ва матонатли бўлинг. Одамларни кулдириш учун маъносиз, адаб ва тарбияга хилоф бўлган сўзларни сўзламанг.

* * *

Ўнинчи насиҳат: ақлли одам ўзининг кимлигини, даражасини билиб, шунга қараб иш олиб боради. Ёмонликдан қайғуриб, яхшилик учун севиниш комил инсонда топилади. Молу давлатингизни, оилангизни тарбия этишда қизганманг.

* * *

Ўн биринчи насиҳат: гуноҳ унутилмайди, эзгулик ерда қолмайди. Ҳар ким нима экса, шуни ўради.

2.4. ҒАМ-ТАШВИШ, УНИНГ МУҚАРРАРЛИГИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

Ғам — бу руҳий азоб, қайғу, ғусса; алам, ташвиш, укубат, дейилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Инсоннинг, кўпинча, нотинч бўлиши унинг ғамгин, тушқунликка тушиши оқибатида юзага келади.

Айтиш жоизки, ғам инсонни қийновчи, унинг организминини емирувчи, кемирувчи, осудаликка раҳна солувчи энг оғир руҳий дарддир. Шу ўринда,

АЙРИМ ЭСЛАТМАЛАР

Қуръондан:

- ✦ Ғам-ғуссадан Юсуф (а. с.)нинг кўзлари оқариб (ожиз бўлиб) қолди. (*Юсуф сураси, 84-оят*)

Ҳадисдан:

- ✦ „Ғам-ташвиш кексаликнинг ярмига тенг“.
- ✦ „Кимнинг ташвиши кўпайса, бадани касалланади“.

Мақолдан:

- ✦ Умрни иш эмас, ғам емиради.
- ✦ Кўп қайғурдим, сил бўлдим, кўп ялиндим, қул бўлдим.

Донолар бисотидан:

- ✦ Ғам асаб зўриқишига ва кўпинча, ошқозон ярасининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. (*Ибн Сино*)
- ✦ Ташвиш билан курашишни эпломмаган ишбилармонлар ёш ўладилар. (*А. Каррель, тиббиёт бўйича Нобель мукофоти совриндори*)

Хўш, шундай экан, ғам-ташвишсиз яшаса бўлмайди-ми? Наҳотки, у инсон билан доимо ёнма-ён юрса? Наҳотки, осуда ҳаёт деганимиз алдамчи ширин тушга, саробга ўхшаса?

Ушбу саволларга жавоб битта. У ҳам бўлса инсоннинг ҳақиқатдан машаққатга яратилгани-ю, шу сабаб ғам-ташвишнинг муқаррарлигидир. Қуръони Каримнинг „Баллад“ сурасида шундай дейилади:

„Эй Муҳаммад, ота ва боболарга (яъни одам ва зурриётларига) қасамёд этурманки (3-оят), ҳақиқатан инсонни машаққатга яратдик (4-оят)“.

Бу машаққат эса инсонни ҳар хил „куй“га солади, саргардон қилади, курашга чорлайди. Рим файласуфи ва давлат арбоби Аврелий Марк (121 — 180) таъкидлаганидек: **„Ҳаёт — кураш ва саргардончилик демак“.**

Машаққат, саргардончилик, улар билан кураш инсонни доимо ҳаракатда бўлишга мажбур қилади. Қимир-қимир, ғимир-ғимир. Баъзан қарасангиз, дунёни сув босса ҳам тўпиғига сув чиқмайдиган киши юрак хуружи ҳолатида ётибди. Демак, ҳожибемалол бўлиб, пинагини бузмай юргани ёлгон. У қайғу ва ғам беғамликдан туғилишини билмаган.

Буюк сўфий, тасаввуф пирларидан бири шайх Фариддин Аттор (1119 — 1197) „Илоҳийнома“ асарида:

„Бу оламда мен беғам кишини кўрмадим, шундай одамни кўрганамда эди, этагини ушлаб тавозеъ этардим“, —

деб лутф қилгани оддий ҳақиқатни изҳор қилганидан далолат беради.

Ибн Сино айтади:

„Бир куни табобатдан хабари бор кишидан „Соқоқнинг оқариши нимадан?“ деб сўрадим. „Балғамдан“, деди у. Мен унга жавоб бериб: „Сўзингда хато бор, соқоқнинг оқариши балғамдан эмас, балки ғамдандир“, дедим“.

Филология фанлар доктори, тасаввуф илмининг пешқадам намояндаларидан бири Нажмиддин Комилов шундай лутф қиладилар:

Битмаган ишлар кўп, битмайди улар,
Кетмаган ғамлар кўп, кетмайди улар,
Оёқлар югурар тиним билмасдан,
Манзилга етмаган, етмайди улар.

Ҳа, инсон яралгандан бери машаққатлар гирдобида яшайди. Битта ташвишдан қутулса, иккинчиси, кейин учинчиси чиқади. Бу — дунё ишлари осон эмас, дегани. Бу — дунё машаққат, захматлар, дардлар уйидир, дегани. Бунда ҳар бир мўминнинг ўз дарди, ташвиши, ғами бор, дегани.

Ҳар тонг кўз очгандан уйқуга кетгунча турфа ташвишлар, адоқсиз гап-сўзлар, ўзаро муносабатлар, ваъдага қай даражадаги вафолар, муҳаббат можаролари, балоқазолардан ўзни асрашга уринишлар кундалик ҳаётимиз мазмунини ташкил этади.

Бунинг номи дунё, ҳаёт, умр беташвиш эмас, дегани.

ҲАЁТИЙ КУЗАТМА

Аслида дунё ишлари осон эмас. Ўзига яраша машаққати, захмати бор. Одам саҳарлаб даласига кетади. Кечгача қуёш нури остида ишлайди, чанг-тупроққа беланади. Бош-

қа биров қишнинг совуғида дўқонида оқшомгача тик туриб, одамлар билан муомала қилади; ҳамманинг кўнглини олиш ва рози қилишга интилади (акс ҳолда иши юришмайди, фойдадан ҳам қуруқ қолади). Учинчи бир одам эса, бировнинг қўл остида ишлайди. Мақтовдан кўра кўпроқ танбеҳ эшитади, бошлиқнинг қовоқ-тумшугига қарайди, буйруқ кутади...

Албатта, ҳеч кимга осон эмас. Ҳар ким бир юк, бир ташвиш, бир дард остида. Аммо яна жасоратланияпмиз. Нега? Чунки ўзимизни мажбур ва масъул ҳис қиляпмиз. „Мен ишламасам бўлмайди“. Каллаи саҳарлаб уридан туриб кийинамиз. Биров: „Туппа-тўғри ишинга кет“, демаса ҳам ишга шошиламиз. Негаки: „Мен ишламасам, унда аёлу болаларимнинг ҳоли нима бўлади... Бировга кунимиз қолишини истамайман“, деган ўй-фикр сизу бизни шунга мажбур этади. Очигини айтганда, ўзимизнинг мавжудлигимизни исботлаш учун курашамиз.

Пири комилнинг нақл қилишича:

— Инсон ўзининг мавжудлигини ҳис этиши, унга ташвишлар келтириб чиқаради. Очлик, яланғочлик, касаллик, муҳтожлик кабилар инсоннинг мавжудлигини эсга солувчи омиллардир. Соғлом, қорни тўқ, беҳожат одамлар ўз мавжудликлари ҳақида камроқ биладилар.

Ёхуд дунёда инсонгина мавжудлигидан боҳабар. Бошқа жонзотлар эса, ўзининг мавжудлигидан деярли беҳабар. Айниқса, соғлом, тўқ ва беҳавотир бўлса, ўзларини бутунлай унутишади. Шу уринда:

Гап келди: Ҳайвонлар, ваҳший одамлар ғам чекмайди. Агар сизни ғам Босса, демак, сиз ё ўз дардингизга нисбатан ёки бирор яқин кишингиз учун жон ачитяпсиз. Сизни қийнаган дардга жавоб изляяпсиз. Айни шу ҳолатни инобатга олган ҳолда, ғам чекишингизга сабаб бўлган ҳодисага эртароқ жавоб топинг. Ғам чекишдан қанча эртароқ қутулсангиз, руҳингизга, жисму жонингизга шунчалик яши бўлади. Лекин ўзингиз ечимини топа олмайдиган, ечими сизга боғлиқ бўлмаган дардларга ғам чекманг. Умрингизни бекорга сарф қиласиз.

Чунки:

Ҳикмат аҳлидан бири лутф этади: кунлар ўқ, инсонлар эса нишондир. Эй инсон, замон ҳар кунни сени ўқлар билан ўқлаётир ва бутун вужудингни ҳар бир ҳужайрасигача илма-тешик қилиб, кечаю кундуз илгакли игнаси билан тўрлаётир. Кундузлари ҳам, кечалари ҳам бир зумдай ўтиб кетади. Бу аҳволда сенинг вужудинг қандай қилиб соғ-саломат сақланиб қолсин?

Агар кунларнинг сенга етказётган нуқсонлари кўз ўнгингда кўргазма қилиб ёйиб қўйилган бўлсайди, ҳеч шубҳасиз, келиб, у кунлардан ўтаканг ёрилар, сўнг эса югуриб кетардинг. Тез келиб-кетган соатларинг нималарга сарфланганини кўриб, жирканардинг. Лекин Аллоҳнинг тадбири тадбирларнинг аълосидир. Дунё ташвишларидан узоқ бўлинганда ҳаёт тотли кўринади, албатта, лекин аслида сен завқ билан ўйлаган нарсалар, кимёгарнинг ханталдан олган аччигидан ҳам аччиқдир. Ҳавоий нафсга берилиб яшалган дунё ҳаётининг иснодлари шу қадар кўпдирки, бунини тушунтирмақчи бўлганлар гапира-гапира чарчайдилар. Аллоҳим, Сен бизни тўғри йўлга сол!

Қиссадан ҳисса шуки, инсон ҳали тирик экан, ғам-ғусса етиб ортади. Чунки шоир айтганидек:

Дунё номи билан дунё,
Жаннат эмас, адашма.
Кўҳна қизгин бозоридан
Фақат шодлик талашма.

Шундай бўлса-да, биз бу дунёга келганимизда:

Биринчидан, бу ҳаётда фақат ёқимли ҳодисаларга дуч келасан, деб ҳеч ким кафолат бермаганлигини;

Иккинчидан, ҳурлик истаб туғилганимиз, бироқ ҳурликка кўпроқ дуч келишимизни;

Учинчидан, қора билан оқ, тун билан кун, ёз билан қиш, яхши билан ёмон, бахт билан кулфат, тўғри билан эгри, ғам билан шодлик, тўй билан аза, ҳаёт билан ўлим... — бу курашларнинг қачон ва қаерда тугашини;

Тўртинчидан, дунёда бағри бутунни излаш сароб эканлигини;

Бешинчидан, ҳаётнинг ажиб бир қонунияти, яъни тинч, осуда ва мунаввар йилларнинг соат милларидек тез ҳаракат қилиши, машаққат ва ғурбат оғушида кечувчи йилларнинг эса қиш кечаларидек секин ва хавотирда ўтишини;

Олтинчидан, ҳаёт асал эмаслигини унутиб қўямиз.

У нафақат ёқимли ҳодисаларга бой, шу билан бир қаторда ғам-ғуссага ҳам лиммо-лим. Ҳамдардлар эса яккам-дуккам. Бироқ томошабин кўплиги ажабланарли. Бу манзара шерлар оху подасидан бир оҳуни ғажиётганда бошқалари ўз навбатини кутиб томоша қилишига ўхшайди.

Жоан Роулинг шундай дейди:

„Ҳамма одамлар ҳаёт улар учун қулай бўлишини исташади. Аслида эса ҳаёт азоб-уқубатдан иборат. Менга ушбу сўзлар жуда ёқади. Негаки, ҳаёт қулай бўлишга мажбур эмас. Ва ушбу ҳақиқат менинг кўнглимга, мен каби ҳаёт чиғирқларида ўралашиб қолганларга хотиржамлик бахш этади. Сиз чиқши йўлагини топа оласиз. Мен эса яна албатта қандайдир кўнглисизликка ўралашиб қолишимни билман. Лекин у тезроқ ўтиб кетишига умид қиламан“.

Ҳа, Жон Роулинг ҳақ. Шу ўринда битта митти ривоят.

РИВОЯТ

ДОНИШМАНДНИНГ УЗУГИ

Бир донишманднинг узугига бешта сўз ўйиб ёзилган экан. Хурсанд пайтларида бу ёзувига кўзи тушса, бирдан ғамгин бўлиб қолар, хафа чоғларида енгил тортар экан. Узукка „Бу кунлар ҳам ўтиб кетади“, деб ёзилган экан.

ХУРЛИК ВА ХҲРЛИК-ЧИ?

Биз юқорида инсон боласи дунёга хурлик даъво қилиб қадам қўяди, бироқ ҳаётда хурликдан кўра хўрликни кўпроқ тортади, деб таъкидладик. Ушбу фикримизни қувватлантириш мақсадида Бузругмехрнинг қуйидаги сўзларини келтирамиз:

„Дунё ўз ҳолича ҳаракатдан ва интиҳодан иборат; инсон аҳли эса, унинг бағридаги тутқинлар, бебахт махлуқлардир. Дунёда роҳатни кам кўрдим, фано эса бисёр экан. Ҳаётда лаззат кам, тобеълик хавфли иллатдир. Дунё эшикларини

бир зумга очса, инсон ундаги яхшилик ва ёмонликларнинг доимий рақобатда эканлигини кўраркан.

Дунё инсонга истаган нарсасини берди, балою офатлардан сақлади, лекин улар орасидаги ёмонлик, қаҳру ғазабни бардавом қилди. Уларнинг ризқини кесди, инсонларни ўз аҳлига ва болаларига бўлган муҳаббатидан нари қилди. Инсон дунёдан фойдаланди, уни барчадан устун қўйди, нари борса юз йил бу нарсалардан баҳраманд бўлди. Сўнгра жасади қариди, жамоли, куч-қудрати уни тарк этди. Барча тўпланган нарсалар талон-тарож бўлиб кетди. Бунда фақатгина тақво ва савоб ишларнинг соҳибига зарар тегмаганлигининг шоҳиди бўларканман, бутун фикру зикримни, сўзимни, амалимни савоб ишларга йўналтиришга аҳд қилдим, чунки бу ишлар ҳақиқатдан ҳам биров тортиб ололмайдиган нарсалар ва ҳақиқий эътиқод белгисидир.

Ҳануз яхшилик сари интилиб, солиҳ амалларни бажарар эканман, ёмонликдан кучим етганча йироқлашарканман, савоб ва азоб ақидаларига садоқатим билан ҳаёт кечирдим.

ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК АБАДИЙ

Дунё ҳаётини икки қарама-қаршилик, бир-бирига зид жуфтлик бир-бири билан курашиб, дунёни ва дунё ишларини ҳаракатга келтиради. Булар:

- раҳмон ва шайтон;
- хурсандлик ва ғамгинлик;
- эзгулик ва ёвузлик;
- иссиқлик ва совуқлик;
- нафс ва қаноат;
- мусбат ва манфий;
- оқиллик ва нодонлик;
- ҳаёт ва мамот;
- бойлик ва фақирлик;
- бу дунё ва у дунё (охират) ва ҳ. к.

Борди-ю аксинча, бир хиллик бўлса, бу бир хилликдан ҳаракат рўй бермайди, дунёни ҳаракатга келтирувчи қувват пайдо бўлмайди.

Инсон ҳам умр йўлида ана шу икки нурнинг таъсири остида яшашга маҳкум. Бу аснода сенга маъқул кўринган йўл — бу манзилга етказиши мумкин бўлган йўл.

Донолар „**Роҳатга роҳат билан эришилмайди**“, дейдилар. Қарама-қаршиликларнинг асл сабаби неъматлар қадрига етишимиз учундир. Агар тун бўлмаганда кундузнинг,

фақирлик бўлмаганда бойликнинг, касаллик бўлмаганда соғликнинг, ўлим бўлмаганда ҳаётнинг қадри билинмасди. Гоҳида яхши ташвиш ва машаққат ҳам неъмат бўлиши мумкин. Дейлик, агар аёл ҳомиладор бўлиш, фарзанд туғиш ва уни вояга етказишнинг азобидан қўрқса, у оила қурмайди. Лекин она бўлиш туйғуси барчасидан устун келади ва аксинча, аёл фарзанд қўрмаётган бўлса, изтиробга тушади.

Баъзан майиб-мажруҳ, девона ёки қўзи ожиз одамларга дуч келганда, ҳар бир инсон буни ўзича қабул қилади. Кимдир бепарво, кимдир ҳаётидаги ҳал қилса бўладиган, йўқотилса ўрни тўладиган камчиликлардан шикоят қилиб юргани учун ўзидан уялади, яна бошқаси ўзи рўбарў бўлиб турган одамлар ўрнида бўлиб қолиши мумкинлиги ҳақида атрофлича мушоҳада қилади ва... ҳаётнинг қадрига ета бошлайди. Шу тариқа у боқийлик муаммолари каби қарама-қаршилиқлар курашининг ҳам ҳеч қачон тугамаслигига амин бўлади.

БАҒРИ НОБУТУНЛИК-ЧИ?

Одам алайҳиссалом замонидан бери инсонлар уртасида можаро бор. Оилада, кўчада, жамиятда — ҳамма жойда. Баъзилар ҳамма нарсадан норози, отадан ҳам, онадан ҳам, жамиятдан ҳам, ҳаётидан ҳам, қўни-қўшнисидан ҳам. Ҳамма нарса ўзгарувчан, беқарор, мавҳумлик, бағри нобутунлик. Бундай ҳолатни Абдулла Орипов шундай изоҳлайди:

БУТУНЛИК

Рустам акага

Ўчоқдаги ўтин — ўша ўтиндир,
Ўша-ўша олов, ўша тутундир.
Излама, дунёда бағри бугунни,
Туғилмаганларнинг бағри бутундир.

Абдулла ОРИПОВ,

„Ўзбекистон овози“ 2003 йил, 17 май

ҚАТРА

МАВҲУМОТ

Нимамдир кам туюлаверади. Билмадим, нима экан... Нимам кам? Ишим бор. Ўқимишлиман. Ота-онам — Худо-

га шукр ҳаёт. Нима кам? Ўзимдан ўзимнинг кўнглим тўлмайди. Қилаётган ишларим, ёзаётганларим, режаларим — барча-барчаси арзимас майда-чуйдага ўхшаб туюлаверади. Сиқилиб кетаман. Иш вақтини амаллаб ўтказаману, ишхонамиз яқинидаги боққа сайрга кетаман. Мавҳумлик юрак бағримни ўртайди. Жавоб тополмаётганим — ўша саволлар кўнглини баттар гаш қилади.

Нима қилмоқ керак? Бошингни қотирганинг билан барибир жавоб топа олмайсан-ку, нодон! Ўзингни бунча қийнаганингдан не наф? Жимгина ишингни қилиб, яшай-версанг бўлади-ку! Сендан аввал ўтган не-не донишлару ақл соҳиблари жавоб топа олмаган ёки бир умр излаган саволлар ортидан сен ҳалак бўлиб нимага эришасан? Муддаонг нима? Мақсадинг борми ўзи?

Ҳеч тушуниб бўлмайди. Балки ростдан ҳам ҳаёт деган нарсанинг ўзи битмас-туганмас, охири ҳеч кўринмас мавҳумотлар занжиридир. Балки бу занжир ўз ихтиёримиздан ташқари маҳкам чулғаб оладиган ва сўнг ўз кучоғидан бўшатмайдиган, бўшатган тақдирда ҳам то суякка қадар ўчмайдиган из қолдирадиган нобутунликдир?

Билмадим. Билиш қийин...

ХАВОТИР-ЧИ?

Умр дарёси тўлқинлари ўрқачида кечиб бораётган одам турмуш шиддатлари қошида ҳамиша бардошини қалқон қила олмайди. Айниқса, тирикчилик боис азиз умрини ўткинчи **ташвишлар** қўлига гаровга топшираётган инсон доимо хавотир остида яшайди.

Шоирнинг қуйидаги сўзларига эътибор беринг-а!

Хавотир

Шодон деманг, лабим кулар, дилим вайрон,
Зийси кам сийратимдан хавотирим.
Жайрон каби жоним учун ҳушим ҳайрон,
Сайёд ила суҳбатимдан хавотирим.

Тиним билмай зулм қилар маккора нафс,
Оташ сари етаклайди ҳою ҳавас,
Савобларим гуноҳимга келгайму бас,
Кеча-тунлар гафлатимдан хавотирим.

Умр шамдек ёниб-ёниб тугар охир,
Икки малак елкам узра мудом ҳозир,
Неки амал қилган бўлсам, бари зоҳир,
Менга ҳукм-ҳужжатимдан хавотирим.

Фано ичра интиҳосин топса йўлим,
Шаҳодатни айтармикан саркаш тилим,
Борар жойим бўлармикан сокин, сўлим,
Қабр томон ҳижратимдан хавотирим.

Нурмуҳаммад ШОЁҚУБ

Мусулмонлар тақвим китоби, 2002, 2-чорак

ҒАМ-АНДУҲНИНГ ЗАҲАРЛИГИ-ЧИ?

Ҳаёт ташвишлари туфайли орттирилган ғам-андуҳ инсонни ҳатто ўлим тўшагидан ҳам турғизиш қудратига эга. Ғам-андуҳ заҳри эса, қотилдан ҳам ёмон бўлади. Бу ҳақда бир ривоят.

РИВОЯТ

ҒАМ-АНДУҲ ЗАҲРИ ҚОТИЛДАН ҲАМ ЁМОН

Жаҳолат ва разолат ботқоғига ботган бир киши Луқмони Ҳақимдан сўради:

— Одамни заҳар тез ўлдирадими ёки ғам-ташвишми?

— Ғам-андуҳ, сиқилиш заҳардан ҳам ёмон бўлади, — деди Луқмони Ҳақим.

— Бу жавобингизга мен ишонмайман, чунки мен бир умр хизматкорларимга зулм қилиб келаман, ҳар хил ғам-ташвишга соламан, лекин шу вақтгача улардан бирортаси ўлгани йўқ.

— Нима қилсам ғам-ташвиш заҳардан ҳам ёмонлигига ишонасиз? — деди Луқмони Ҳақим. Жоҳил:

— Келинг, мен сизга заҳар бераман, сиз менга ғам-ташвишли сўзлар айтасиз, кўрамиз, ким тирик қоларкин.

— Агар заҳарни ичсаму ўлмай қолсам нима бўлади?

— Агар шартни ютсангиз, одамлар ўртасида менинг бошимни танамдан жудо қилишингиз мумкин.

Бунга жавобан Луқмони ҳақим:

— Майли, кураш майдони мардликни талаб этади, орқага қайтишни эмас. Эртага шартни амалга оширамиз, тайёрланинг.

Буюк ҳаким шогирдларига учта хумни сутга тўлдиришни ва у заҳарни ичиб ҳушидан кетгандан кейин навбати билан, ҳаёт аломатлари пайдо бўлмагунча, ҳар бир соғайгунча, хумда 10 — 15 дақиқа тутиб туришни буюрди.

Синов бошланди. Луқмони Ҳаким заҳарни ичган замон ҳушидан кетиб йиқилди. Шогирдлар унинг айтганларини бажо келтириб, сутли хумларга солишди, учинчи хумга етиб борганда Луқмони Ҳаким аста-секин ўзига келиб, оёқ-қўлларига жон кирди, рангу рўйи жойига келди. Атрофдагилар ҳайрон қолишди. Жоҳил одам Луқмони Ҳаким олдига келиб, титраб-қақшаб хитоб қилди:

— Донишмандлигингизга таъриф йўқ. Энди ихтиёр сизда, менинг бошимни танамдан жудо қилишингиз мумкин.

Луқмони Ҳаким унга деди:

— Сизга бир ҳафта муҳлат. Боринг-да, бир ҳафта айшишрат қилиб юраверинг, бир ҳафтадан кейин шартнинг талабини амалга оширамиз.

Золим уйига бориб, ўлимга тайёргарлик кўриб ўтирди. Ўлим даҳшати кун сайин яқинлашиб келарди. Эрта-кеч ўлиш азобини ўйлаб, уйқусизликдан ранги сарғайди, озиб-тўзиб, гап-сўзлари ҳам пойма-пой бўла бошлади. Кунлар ўтиши билан томоғидан овқат ҳам ўтмайдиган бўлди. Охир-оқибат бир ҳафта ҳам ўтмасдан жоҳил сиқилиб, ҳаётдан кўз юмди. Бу курашга гувоҳ бўлганлар дунёда инсон ҳаёти учун ғам-ташвишдан кучлироқ заҳар йўқлигига иқроп бўлишди.

Шу боис ўлимни ўйлайверма, ўлиб кетасан, ҳаётни ўйла, шол бўлсанг ҳам юриб кетасан, деб бежиз айтмаган экан доно халқимиз. Шу ўринда:

Ғап келди: Учта хавfli душман билан курашинингизга тўғри келади. Бу — ғам-андуҳ, шубҳа ва даҳшат. Сиз уларга ҳар кун дуч келасиз. Улар вақтингизни ўғирлайди, сизни кучдан қолдиради.

Бугун худди ўша эртанги кун етиб келди.

У эса, кеча сизни безовта қилган эди.

„Қўрққанга қўш қўринади“ деган мақолни унутманг.

ТАШВИШНИНГ ҚУЛИГА АЙЛАНМАСЛИКНИНГ ОЛТИН ҚОИДАЛАРИ

Шундай қилиб, дунё машаққат, заҳматлар, дардлар уйдир, ҳар бир мўминнинг ўз дарди, ташвиши бор...

Ҳа, дунё ана шундай бир жойдир. Бундан ортигини дунёдан иташга ҳаққимиз йўқ. Нима қиламиз? Таҳаммул, сабр қиламиз, Жаноби Ҳаққа ёлворамиз, дуо этамиз. Ва-зифамиз шу. Аллоҳ таолонинг ўзига ҳавола этамиз.

Амалда эса, биз фикру хаёлимизни банд этган кунда-лик турмуш ташвишларидан қутулишимиз учун моддий поғонадан оз бўлса-да, маънан юқорига кўтарила олиши-миз керак.

Бунда ақлимизни тиниқлаштирадиган, фикримизни бир жойга жамлайдиган ва қалбимизнинг хотиржамлигини таъминлайдиган, шубҳа ва даҳшатни енгиш йўлларини кўрсатадиган қоидалар жуда қўл келади.

Хусусан:

1. Сизни ташвишга келтирган нарсаларнинг сабаб-ларини пухта ва синчиклаб аниқланг.
2. Уларнинг қайси бири асорат қолдиришини уйлаб кўринг.
3. Агар улардан хафа бўлишга ҳақиқий асосингиз бўл-са, бир хулосага келинг.
4. Сиз ҳақиқатда нимадан кўрқасиз: ўтмишданми ё келажакдан?

Шуни билинг: ғам-ғуссамизнинг 40 фоизини ҳеч бир аниқ нарсага боғлаб бўлмайди, 30 фоизи ўтмиш билан боғлиқки, уни ўзгартиришнинг иложи йўқ. 12 фоизи ўзга-ларнинг муаммолари бўлиб, улар бизни унчалик безовта қилмаслиги лозим, 10 фоизи ҳақиқий ва ўткинчи касал-лик туфайлидир.

Шундай қилиб, бор-йўғи 8 фоизи ҳақида ташвишла-нишимизга тўғри келади. Ана шу 8 фоиз хусусида фаолроқ ўйланг ва ундан қутулишга ишонч билан киришинг. Шун-да кўп ҳолатда сизнинг бахтингизга раҳна солаётган ва ўз мақсадингизга эришиш учун ютуқларингизга тўсиқ бўла-ётган ташвиш, шубҳа ва кўрқувдан қутуласиз.

Ташвишнинг қулига айланмаслик йўллари

Бунинг учун қуйидагилар ўрнини қуйидагилар, яъни:

- шукроналик ўрнини ношукрлик;
- қаноат ўрнини нафс, очкўзлик;
- маънавият ўрнини жаҳолат;
- илм ўрнини фаҳошат;
- камтарлик ўрнини манманлик;
- омонат ўрнини хиёнат;
- хотиржамлик ўрнини ғам-ғусса;
- эзгулик ўрнини ёмонлик;
- ҳалоллик ўрнини тамағирлик;
- лутф ўрнини сохта мақтов;
- рост ўрнини ёлғон;
- умид ўрнини умидсизлик;
- ҳаё ўрнини беҳаёлик;
- тақво ўрнини сохта яхши ном;
- раҳмдиллик ўрнини ғазаб;
- яхши ният ўрнини дуоибад;
- тил билан дил бирлиги ўрнини мунофиқлик;
- дўстлик ўрнини душманлик;
- сабр ўрнини шошқалоқлик;
- хулқ ўрнини бадхулқлик;
- меҳнат ўрнини танбаллик;
- тўғрилиқ ўрнини эгрилик

эгалламаслиги учун курашишимиз лозим.

ДОНОЛАР ШОДЛИК, ҒАМ-ҒУССА, ТАШВИШ ҲАҚИДА

Шодликнинг сабаби

Сукротдан бир ҳаким сўрабди:

— Сиз жуда кам қайғурасиз, доим қувноқ-шод юрасиз, бунинг боиси нима?

Сукрот шундай жавоб берибди:

— Қўлимдан келганча ғам-ғуссали ишлардан йироқ юраман, беҳудага қайғуришни хоҳламайман. Шунинг учун шодлигим қайғуимдан кўпроқ.

* * *

Деди: энг бегам одам ким?

Дедим: ҳамма ундан ризо бўлган киши.

Деди: ҳамма ундан ризо одам кимдир?

Дедим: Аллоҳ таоло зикридан (уни зикр этишликдан) ва дунёнинг фонийлигидан ҳеч гафлатда бўлмаган одам.

* * *

Пири комилнинг нақл қилишича, ғамсиз яшашнинг белгиси **тўрт** нарсадир:

1. Яхши сўз.
2. Яхши феъл.
3. Яхши ният.
4. Яхши суҳбат.

* * *

Айтинг-чи, ҳазрат Алишер Навоий фалак ғамхонасига қандай жавоб берган? Ҳазратнинг наздида ғамнинг тавси-фи нима? Бу саволларнинг жавоби „Ҳайрат ул-аброр“ мисраларида яширинган. Унда инсон ва дунё, ҳаёт ва ўлим, умр қадри ҳақида сўзлар жамланган:

Бошингга бир ғам тушса,
Жонингни қийнама.
Бир гапнинг ўзи бас,
Уни иккита қилма.
Куксингда доғ бўлса ҳам
Фароғат иста.
Малолат билан,
Доғ устига доғ туширма.

* * *

Деди: қай бир одамнинг ғами тугамайди?

Дедим: бойиб қолган фақир, паст одам қудрат соҳиби бўлиб қолса, серташвиш одам неъмат эгаси бўлиб қолса, уйин-кулги кетидан кетган одамнинг йулида говлар пайдо бўлиб қолса.

ЭСЛАТМА

Бир дўстим бор. Доим дунё ташвишлари билан банд. Дам олиш, ҳордиқ чиқариш, саёҳатга чиқиш унга ёт нарса. Бу ёруғ оламда не-не инсонлар дунё тубига етаман, деб бу ёруғ оламдан кўз юмдилар. Сен ҳам шуларнинг бири

бўлиб қолмагин, дегим келади-ю, истиҳола қиламан. Ҳар бир инсоннинг ўзгача дунёқараши булар экан. Юз йил ўтса ҳамки, у мен, мен у сингари бўла олмас эканмиз.

Кувончларимдан кўра ҳасратларим кўнглимга яқинроқ. Шунинг учун ҳам мен уларни сиздан қизганиман, дейди у.

Мени эса ташвишлар писанд қилмади. Ҳозир эса, ўзим уларнинг ёнидан зувиллаб ўтиб кетадиган бўлиб қолдим.

Қайтар дунё деганлари шудир-да!

ДЕЙЛ КАРНЕГИ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Ўн етти сўз

1817 йилнинг айна баҳор кунларида бир йигит иттифоқо қўлига тушиб қолган китобчада ўн етти сўздан иборат бир жумлани ўқидию, шундан кейинги ҳаёти бутунлай ўзгариб кетди.

У талабалик чоғида Монреалдаги оддий шифохоналардан бирида амалий машғулотлар билан банд бўлган чоғларида битирув имтиҳонларини қандай қилиб топшириш, қаерга ишга жойлашиш, тирикчилигини қандай ўтказиш гоят ташвишга соларди. Аммо ўша ўн етти сўздан иборат жумла унга ўз даврининг машҳур кишиси бўлишига ёрдам берди. У Жонс Гопкинс университети қошида машҳур Тиббиёт мактабини ташкил этди. Оксфордда қиролликнинг тиббий профессори бўлди. Бу Британия империяси тақдим этиши мумкин бўлган энг юксак унвон эди. Англия қироли унга дворянлик даражасини ҳам берди. У вафот этганда ҳаёти тарихидан ҳикоя қилувчи 1466 бетдан иборат иккита йирик жилдли китоб чоп этилди.

Уни Сэр Уильям Ослер дея улуғлашарди. Бу буюк инсонни турмуш ташвишларидан халос этиб, бутун дунёга танитган ўша „сеҳрли“ жумла қуйидагича эди:

„Бизнинг асосий вазифамиз — келажакнинг мавҳум уфқларига тикилишни бас қилиб, ҳозир қўлимиздан келадиган иш билан жиддий машғул бўлмоқлик“.

Хўш, Ослер эришган муваффақиятларнинг сирини ни мада?

„Келажаги ҳақида ортиқча қайғураверадиган одамни руҳий азоб, асабийлик ти нимсиз таъқиб этади. Бугунги

имкониятингизни тўла ишга солиб яшашга одатланинг, шунда келажакнинг ўз-ўзидан порлоқ бўлади“, дейди у.

Аmmo бу фикрни „Эртанги кунинг ҳақида қайғурмай, фақат бугунингни ўйла“ қабилида тушунмоқлик катта хатодир. Доктор Ослер „Келажакни таъминлашнинг энг мақбул йўли — бутун куч ва имкониятни бугунги юмушларни маромига етказиб бажаришга сарфламоқликдир“, демоқчи, холос.

Инсон табиатига хос энг фожиали хусусият шуки, орзу-умидларини рўёбга чиқаришни кейинга суришдир. Шундай экан, ортиқча ташвишу хавотирни миянгиздан чиқариб ташланг-да, Сэр Уильям Ослер қилган ишни қилинг, „Ўтган ишга салават“ деб, бугунги куч-имкониятингизни ишга солиб, ҳаётингизнинг мазмунли ва ёқимли бўлишига эришинг.

ИБРАТ МАКТАБИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ташвишнинг қулига айланмаслик йўллари ифода этувчи ибрат мактабини ўтайди. Унинг ҳаёт машаққатларига мардонавор бардош бериши, тушкунликка тушмасдан, мақсад сари интилиши, атрофдагиларга фақат яхшилик тилаб муомалада бўлиши, ҳар қандай шароитда бўлса ҳам рост айтиб, тўғри иш юритиши, аёлларга юксак инсоний эътиқод билан муносабатда бўлиши ва яна қанчадан-қанча ижобий жиҳатларини санаш мумкинки, бу темурийзоданинг фақат ўз даврида эмас, бизнинг давримизда ҳам юксак эътиборга лойиқлигига асосдир.

Бобурнинг бошидан бу мураккаб дунёнинг жуда кўп синоатлари, машаққатлари ўтган. Унинг беҳисоб жозибадор ғазаллари, рубоий ва қитъалари борки, гўё шоир бу мисраларни юрагининг қони билан битганга ухшайди. Унинг:

Ким кўрибтур, эй кўнгул, ақли жаҳондин яхшилиғ,
Кимки ондин яхши йўк, кўз тутма ондин яхшилиғ, —

матлаи билан бошланадиган машҳур ғазалидир.

Ғазал ёш шаҳзода Бобурнинг тушкунликка тушган, бу бебаҳо ҳаётдан ўта озурдаланиб қолган пайтида битилган.

Бобур, аввало, ўз жамиятининг ҳақиқий шахси эди. Ун икки ёшда тахтга ўтириш, парчаланиб кетган бўлса-да, давлатни бошқариш учун қанча сабот, қанча ақл, қанча иқтидор кераклигини такрорлаб ўтириш шарт бўлмаса керак. Бир ўйлаб кўринг. Биз ўша ёшда нима қилганмиз? Синфда ўқийдиган, катта танаффусни бир қўлида нон, бир қўлида китоб билан ўтказадиган, олган „беш“ ёки „тўрт“ баҳосини онасига кўрсатишга шошадиган мурғаккина бола бўлганмиз, холос. На ташвишни билардик, на элнинг ғамини.

Бундан ташқари, Бобур яшаган даврни кўз ўнгимизга келтириб кўрайлик: ватан пароканда, оға инига ғаним, ҳокимият учун қирғинбарот жанглار авж олган, кимга ишонишингизни билмайсиз... Бир қарасангиз тогангиз устингизга қўшин тортиб келади, бир қарасангиз амакиваччангиз. Тинчлик йўқ, ҳаловат йўқ, савдо ишлари издан чиққан, ҳар бир бек ўзига ҳоким. Бундан ҳам баттари, у ўн икки ёшда. Суянадиган тоғдай отаси йўқ. Яна мурғак кўнглида тарқоқ ватанини бирлаштириш, ривожлантириш орзуси.

Таҳликали, ўзинг ёрдамга муҳтож паллаларда улуг мақсадлар йўлида курашиш одамнинг шахс бўлиб тарбияланишида муҳим омилдир. Бобур шу эзгу ниятларни амалга оширишга ўзида куч топа олгани билан ҳам жуда қадрлидир.

Юрдидан бадарға бўлиш, турли хиёнатлар, сарсонсаргардонликлар Бобурнинг БОБУР бўлишида, қанчалик ачинарли бўлмасин, аҳамиятлидир. У бошқаларга ўхшаб айш-ишратга кўнгили қўйиб кетмади. Ўзида ва ўзига ишонганларда куч топа олди. У ҳақда ёзганда кўпиртириш шарт эмас. Тарихий ҳақиқатнинг ўзиёқ етиб ортади. Бобур — таъзим қилишга арзийдиган Шахс.

Биласизми?

Ҳаётдан шодмон, дали-ғули инсонлар шифокорга камроқ муурожаат этишар экан. Сабаби, улар анча сабр-тоқатли бўлибгина қолмай, унча-мунча дардларни ҳам кулгига олиб, енгиб кетаверар эканлар.

2.5. ОСУДАЛИК ВА ТАШВИШ ЖАМОАТЧИЛИК НИГОҲИДА

Ҳозирги даврнинг энг кўп тилга олинадиган ва ташвишлантираётган долзарб мавзуси нима? Бу саволга кимдир сиёсат ёки иқтисод (молиявий-иқтисодий инқироз), кимдир глобаллашув (мамлакатлар иттифоқи, ягона пул бирлиги, ягона ҳимоя тармоғи, „етти иқлим“ни боғлаб турувчи интернет тизими), кимдир „чўчқа“ ёки „товуқ“ гриппи, кимдир экология, яна кимдир терроризм ёки гиёҳвандлик, кимдир саломатлик, бошқа биров ёшлар муаммолари ёки маънавият, деб жавоб бериши мумкин.

Кўйингки, ҳар ким ўзининг дунёқараши, шуғулланаётган фаолияти, қизиқишлари, тасавури, ҳаётий кузатув ва муаммоларидан келиб чиқиб турлича жавоб бериши мумкин.

Бу саволларга биз маънавият, хусусан, қадриятларнинг қадрсизланиб бораётгани ва натижада осудаликдек улуғ неъматнинг борган сари хавф остида қолиб кетаётганини энг долзарб, деб жавоб берган бўлардик. Кўпдан бери кузатиб ва тажрибалар ўтказиб, талабалар ичида олиб борган тадқиқотларимдан, шунингдек, 2000 — 2011 йилларда Республика миқёсида ўтказилган социал сўровларда қатнашган 999 нафар респондентлар жавобларини умумлаштириш натижасида шундай хулосага келдимки, осудаликка эришишнинг негизи, аввало, маънавиятдир.

Айнан маънавият ҳам ақлимиз, ҳам қалбимиз, ҳам осудалигимизга таъсир этиб, ишимиз ва турмуш тарзимизни, феъл-атворимиз ва одобимизни одиллик, меҳр-шафқат, олижаноблик, ҳақгўйлик, ҳалоллик каби фазилатларимизни, адашиб ёки билиб туриб йўл қўйган баъзи камчиликларимизни тиниқ кўзгуда кўрсатгандай намоён этади ва юксак инсоний мезонлар билан яшашга ундайди. Шу ўринда:

Ҳан келди: Донишманд Арасту (Аристотель) айтганидек, илмда олға интилиб, **ахлоқда** орқада қолаётган киши олға боргандан кўра кўпроқ орқага юради.

Президент И. Каримов „Юксак маънавият — енгилмас куч“ номли асарларида шундай ёзди:

„Киши маънавий, ботиний ўнганмасдан туриб, у сиёсий, иқтисодий ўнганмайди“.

Дарҳақиқат, тарихий тараққиётдан маълумки, жамият иқтисодий жиҳатдан ҳар қанча қувватли бўлмасин, унинг маънавий рукнлари заиф ва миллий қадриятлари эса, қадрсизланиб бораётган бўлса, у мутлақо осудалиқда яшай олмайди. Зеро, қашшоқ руҳиятли инсон ҳеч қачон хотир-жам бўлмайди.

Хўш, миллий қадриятлар билан осудалик ўртасидаги муносабат, аниқроғи, боғланиш кучи қай даражада, уларнинг бир-бирига бўлган таъсир кучи нечоғли? Уларни миқдоран ифодалаш мумкинми?

Таъкидлаш жоизки, статистика қобилият ва истеъдоднинг ирсият йўли билан ўтишини исботлайдиган ҳеч қандай далиллар беролмаганидек, осудалик билан қадриятлар (неъматлар, қусурлар, муносабатлар) ўртасидаги боғланиш кучи бўйича ҳам ҳеч қандай далиллар беролмайди. Бу маълумотларни фақат махсус уюштирилган статистик кузатиш, яъни социологик сўровларни ўтказиш ёрдамида олиш мумкин.

СОЦИОЛОГИК СЎРОВ ҲАҚИДА

Социологик сўровлар респондентларни тасодифий танлаш асосида олиб борилди, яъни Ўзбекистон аҳолиси Бош тўплам ҳисобланиб, ундан турли касб эгалари кесимида вилоятлар, туманлар, ташкилотлар, корхоналар, ўқув юртлари, оилалардан тасодифий равишда 999 та респондент танлаб олинди.¹

Одатда, респондентларнинг сони минг кишидан иборат бўлиши керак. Жаҳонда машҳур ГЭЛАП социология хизмати ҳам худди шундай усулда иш олиб боради. Тўғри, кўпчилик минг кишининг фикри республикада истиқомат қилаётган ўттиз миллиондан ошиқроқ аҳолининг нуқтаи назарини тўла акс эттирмайди, деб ўйлаши мумкин. Бундай фикр, албатта, бир қадар ўринсиз, деб ўйлаймиз.

¹Тарқатилган 1100 анкетадан 101 таси қайтмади.

Зотан, пишиқ-пухта ва ишончли асбоблар ёрдамида бир томчи сувга қараб, ҳар қандай йирик сув ҳавзасининг таркибини хатосиз аниқлаш мумкин.

Демак, ҳамма гап, танлама кузатиш усулини қўллашда талаб қилинадиган қоидаларга риоя қилишда. Сабаби, агар сўров натижалари бўйича респондентлар кесимида индивидуал маълумотлар, яъни тўлдирилган анкеталар бўлмаса, бундай сўров ишончли бўлмайди, ҳатто минг кишини қамраб олган бўлса-да. Талаб қилинадиган қоиданинг моҳияти ҳам ана шунда.

Энг муҳими — танлама тўпламга тушган респондентлар таркибининг сифати, аниқроғи, асосий кўрсаткичлар (жинси, ижтимоий гуруҳи, ёши касби ва ҳ.к.)нинг бош тўплам таркиби билан ҳамоҳанглиги, унинг репрезентативлигидир, йўл қўйилган хато чегарасини билиш ва тўғри хулосалар қилишдир.

Ана шундай талабларни инобатга олиб танлама кузатиш қуйидаги тартибда амалга оширилди.

Дастлаб қуйидаги саволларга жавоб изладиқ.

Инсон қандай омиллар ва қадриятларга риоя қилса, у ўз ҳаётида осудаликни таъминлай олади? Ёки бир сўз билан айтганда, инсон қандай яшашни керак?

Бу саволларга ҳар ким турлича жавоб беради. Чунки одам мана бундай яшамоғи зарур, мана бундай қадриятларга риоя қилиши керак, деган аниқ бир қоида йўқ. Бироқ бизга аниқ бир жиҳат аён. Инсон яралибдики, тинч, хотиржам, осуда яшашни орзу қилиб келган. Доимо шу орзуда яшайди. Ҳар бир банда осудаликда яшасин, деб яхши ният билдирилади.

Аммо инсоннинг бу дунёдаги ҳаётини асло беташвиш деб бўлмайди. Бу ташвишларнинг айримлари, юқорида баён қилганимиздек, объектив омилларга, аксарият қисми эса, инсоннинг ички руҳияти ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб осудаликни бузади.

Масалан, нотинчликнинг айримлари инсон ўзи хоҳламаган ҳолда бажариши лозим бўлган ишлар, вазифалар, орзу-ҳаваслар, уларнинг амалга ошмаслиги туфайли содир бўлса, бошқалари оиладаги можаролар ва оила бузилиши, ишхонадаги келишмовчиликлар, фарзандлар ташвишлари,

рўзгор юритишдаги қийинчиликлар ва шу кабилар туфайли осудалик бузилади.

Инсон ҳаётидаги бундай беҳаловатликлар, қўрқув ва умидлар, турли ташвишли ўй-хаёллар уларни доимо ўз домига тортиб туради, қамчилайди, диққат-эътиборни талаб этади. Ҳаётий жараён жадаллашган сари инсон ақли қайнаб чиқаётган ўй-хаёллар, фикрлар ва мулоҳазалар гирдобида тўхтамай бетартиб ҳаракатланади. Бундай ҳолатларда „инсон сеҳрлаб қўйилгандай қарахт аҳволга тушиб қолади“ (Ш. Бўтаев).

Бу қарахтли инсонни мавжуд моддий ва маънавий қадриятларга ундайди. Булар:

✦ **Атроф-дунё — душман ва иттифоқчи кучлардан иборат.** У ёвуз сифатларга эга ва унда ёмонлик ҳукмрондир. Бундай дунёда яшаш инсон учун нақадар оғир ва у биологик яшай олмаслик хавотирига тушади. Айниқса, кексалликда унинг яшаши учун маблағлар етишмаслиги, қарилик ташвишлари ва ўлим қўрқувлари қамраб олади.

✦ **Ҳаёт кечириш — бу ёмонлик билан курашдан иборатдир.** Бу курашда баъзан инсон ёмонликни, баъзан эса ёмонлик инсонни енгади. Бунда қанчалик қаттиқ курашсак, ёмонлик шу даражада қаршилиқ кўрсатади, чунки иккилик дунёси қонунларига мувофиқ, „таъсир кучи акс таъсир кучига тенгдир“ (Ш. Бўтаев).

✦ **Дунё чеклангандир.** Ундаги ресурслар ва турли бойликлар ҳаммага етишмайди. Бошқаларни эмас, ўзимизни ўйлаб, қандай бўлса ҳам бу бойликларни ғамлаб олишга уринамиз.

Моддий-маънавий қадриятларга бундай қараш, ҳаёт кечиришни ёмонлик билан кураш деб тушуниш — осуда ва бахтли ҳаётга эмас, балки тирик қолиш учун беҳаловатлик муҳитида курашиб яшашни тақозо қилади.

Аслида инсон ва унинг ҳаёти энг олий қадрият саналади. Чунки инсон йўқ жойда бирор нарсанинг қадр-қиммати ҳақида сўзлашнинг ўзи бемаънилиқдир. Айни шу меъзондан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, қадриятларнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти баҳолаш туфайли белгиланади. Баҳолаш эса, инсонларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари, қизиқишларидан келиб чиқади.

Умуман, қадрият деганда, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган табиат ва жамият ҳодисалари мажмуи тушунилади. Миллий қадриятлар эса, мураккаб ижтимоий-руҳий ҳодиса бўлиб, у миллатларнинг тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналарини, жамики маънавий-сиёсий ҳаётининг барча томонларини қамраб олади.

Ҳамма гап инсоннинг шу қадриятларга нисбатан қандай муносабатда бўлишида. Тўғри муносабатда бўлиш инсонни ушбу қадриятларга фақат тўғрилик ва одиллик нуқтаи назардан ёндошишга ундайди. Шу йўл билан у ўз осудалигини таъминлашга эришади ва мақсад тоғларининг чўққиларига кўтарилиб бораверади.

Нотўғри муносабатда бўлиш эса, инсонни қадриятларга фақат салбий қусурлар нуқтаи назаридан ёндашишга ундайди ва уни беҳаловатликка дучор қилади.

Кўриб турибсизки, ташвиш ва муаммоларимизни ҳам, бахт-саодатимизни ҳам, ҳаётдаги барча ҳодиса ва натижаларни ҳам келтириб чиқарадиган асосий манба — ўзимиз. Ҳа, ўзимиз. Яхши-ёмон кунларимизнинг муаллифи фақат ўзимиздир. Зеро, қадриятларга ижобий ёндошган инсон осуда ҳаётни таъминласа, салбий қусур эгалари доимо беҳаловатликда яшайди. Улуғ шоиримиз Бобур Мирзо шеърига асос солган ушбу халқ мақолига эътибор беринг-а:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир, (81- китобга қаранг)

Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир. (74- китобга қаранг)

Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз, (41- китобга қаранг)

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир. (69- китобга қаранг)

Юқорида таъкидлаганимиздек, дунё икки қарама-қаршиликлар кураши қонуни асосида қурилган бўлиб, бунда ижобий ва салбий кучлар — эзгулик ва ёвузлик доимо курашда бўлади. Бу, албатта, тараққиётга олиб боради ва ибтидодан интиҳо томон ҳаракатланади. Бу ерда эзгулик осудаликни таъминласа, ёвузлик уни бузади, нотинчликни чақиради. Бошқа қадриятларда ҳам худди шундай ҳолат юз беради. Сабаби, одам пайдо бўлибдики, ҳали бирорта инсон яхши хислатларга эга бўлиб, барча ёмон хислатларни тарк этолган эмас.

Масалан:

т/р	Қадриятлар	
	Ижобий ёндошиш	Салбий ёндошиш
1.	Шукроналик	Курнамаклик
2.	Қаноат	Нафс

Қадриятларга ижобий ёндошиш эзгуликка даъват этса, салбий ёндошиш ёвузликка етаклайди. Яъни агар биз қадриятларимизга ижобий ёндошиб, уларга амал қилиб яшасак, унда худди шу ҳолатларни ўз яшаш тарзимизда топамиз. Нимага ишониб, унга амал қилсак, уша бизнинг воқелигимизга айланади. Демак, инсон ўз ўй-фикрларини ўзи шакллантиради. Ва бу ҳар бир кишининг ўз қўлида.

Агар Сиз, масалан, нолимасдан, топган нарсалар олдида йўқотганларим заррача, шунга шукронадаман, деган фикрларни ўз онгизга сингдирсангиз, ўз ҳаётингизда осудаликни таъминлайсиз ва айнан ижобий натижаларга эришасиз.

„Ҳар неъматга бирор шукр лозим ва ҳар шукрга унинг кетидан бирор неъмат“, деган эди Бобур Мирзо.

Бугунги шукримиз ортидан келгусида „бироз неъмат“нинг келиши аниқлиги тайин... Биз ўзбеклар кўникувчанмиз, ҳар қандай шароитга; ҳар бир кунимизнинг тинчлик-хотиржамлик билан ўтганига шукроналикда бўламиз. Бежизга кексаларимиз дуога қўл очар эканлар: „Шу кунларга етказганингга шукр,“ дейишмайди.

Ҳа, дунёда осуда, хотиржам яшашдан буюк неъмат йўқ. Инсон зоти борки, тинч, осуда ҳаётни орзу қилади. Бироқ осойишталикка ҳамма ҳам етишавермайди. Бундай ҳаётга, масалан:

- жаҳлини жиловлай оладиган (71- китобга қаранг);
- ўзгаларга ҳасад билан эмас, ҳавас билан қарайдиган (52- китобга қаранг);
- сабр-қаноатли (22- китобга қаранг);
- хушмуомала (90- китобга қаранг) одамларгина етишадилар.

Уларнинг саломатликлари ҳам жойида бўлади (10- китобга қаранг). Узоқ умр кўриб (1- китобга қаранг), рўз-

горларида ҳам барака бўлади (20- китобга қаранг). Ношукр бандалар (31- китобга қаранг) ҳасад қули бўладилар (52- китобга қаранг), уларни кўролмаслик дарди қийнайди (56- китобга қаранг). Бундай дардга чалинганлар, одатда, қилдан қийиқ ахтариб (87- китобга қаранг), ўз жонларига жабр қиладилар (98- китобга қаранг).

Ҳазрат Мир Алишер Навоий айтганларидек:

То ҳирсу ҳавас хирмони барбод ўлмас, (54- китобга қаранг)

То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас, (22- китобга қаранг)

То зулму ситам жонига бедор ўлмас, (74- китобга қаранг)

Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас. (87- китобга қаранг)

Дарҳақиқат, мутафаккирларнинг мутафаккири Алишер бобомиз лутф қилганларидек, то хиёнатдан воз кечмагуниimizча, то нафсни тиймагуниimizча, то зулмкор, зуравонликни тарк этмагуниimizча осудаликка эриша олмаимиз.

Шундай қилиб, қадриятларимиз билан осудалик урта-сидаги боғланиш кучини аниқлаш мақсадида социологик суров ўтказиш учун махсус анкета ишлаб чиқилди ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларига 1100 та анкета тарқатилиб, шундан 999 тасига жавоб олинди. Анкетага киририлган 12 та савол бўйича ашёвий далиллар тупланди ва қуйидаги жадваллар кесимида умумлаштирилди.

1- жадвал

1. Ёши ва жинси бўйича респондентлар гуруҳлари

гуруҳлар	Ёш	Жами	Шу жумладан	
			эркаклар	аёллар
I	18 — 28	290	194	96
II	29 — 39	265	199	65
III	40 — 50	186	94	92
IV	51 — 60	160	102	58
V	61 — 70	66	52	14
VI	71 — 80	25	20	5
VII	81 — 99	7	5	3
Жами		999	666	333

2-жадвал

II. Лавозим ва жинси бўйича респондентлар гуруҳлари

т/р	Лавозими	Жами	Шу жумладан	
			эркаклар	аёллар
1.	Лавозими йўқлар	224	127	97
2.	Одий ходимлар	433	277	156
3.	Раҳбарлар	342	262	80
	Жами	999	666	333

3-жадвал

III. Касби ва жинси бўйича респондентлар гуруҳлари

т/р	Касби	Жами	Шу жумладан	
			эркаклар	аёллар
1.	Иқтисодчилар	113	93	20
2.	Муҳандислар	70	57	13
3.	Хуқуқшунослар	81	66	15
4.	Шифокрлар	44	13	31
5.	Журналистлар	54	31	23
6.	Тадбиркорлар	48	41	7
7.	Диншунослар	25	12	13
8.	Давлаг хизматчилари	57	50	7
9.	Педагоглар	294	168	126
10.	Талабалар	182	121	61
11.	Нафақахўрлар	31	14	17
	Жами	999	666	333

4-жадвал

IV. Маълумоти ва жинси бўйича респондентлар гуруҳлари

т/р	Маълумоти	Жами	Шу жумладан	
			эркаклар	аёллар
1.	Ўрта	48	19	29
2.	Ўрта махсус	64	28	36
3.	Олий	887	619	268
	Жами	999	666	333

V. Илмий даражаси ва жинси бўйича респондентлар гуруҳлари

т/р	Илмий даражаси	Жами	Шу жумладан	
			эркаклар	аёллар
1.	Илмий даражаси йўқлар	788	491	297
2.	Фан номзодлари	143	114	29
3.	Фан докторлари	61	56	5
4.	Академиклар	7	5	2
Жами		999	666	333

VI. Яшаш жойи ва жинси бўйича респондентлар гуруҳлари

т/р	Лавозими	Жами	Шу жумладан	
			эркаклар	аёллар
1.	Шахарда	777	521	256
2.	Қишлоқда	222	145	77
Жами		999	666	333

VII. Яхши кўрган рақам ва жинси бўйича респондентлар гуруҳлари

т/р	Касби	Жами	Шу жумладан	
			эркаклар	аёллар
1.	0 — рақами	3	3	—
2.	1 — рақами	15	13	2
3.	2 — рақами	4	4	—
4.	3 — рақами	30	13	17
5.	4 — рақами	40	25	15
6.	5 — рақами	191	114	77
7.	6 — рақами	21	13	8
8.	7 — рақами	216	153	63
9.	8 — рақами	40	33	7
10.	9 — рақами	30	24	6
11.	Рақам белгиламаганлар	409	271	138
Жами		999	666	333

Изоҳ. Ҳар бир кишининг тақдир рақами бор. Шарқ халқларида, айниқса, японияликларда рақам тўғрисидаги илм (нумерология) жудаям ривожланган. Ушбу фан орқали инсон табиати, хулқ-атвори, хусусиятлари-ю, ўзига хосликларни аниқлаш мумкин. Агар киши ўзини текшириб кўргиси келса, таваллуд топган кун, ой ва йил рақамларини қўшади. Олинган рақамларнинг орасига „+“ ишорасини қўйиб чиқади. Ундан ҳосил бўлган якка рақам сизнинг тақдир рақамингизни англатади. Бу ҳақда батафсил билишни истасангиз 3- ва 78- китобларга қаранг.

8- жадвал

VII. Имзоси ва жинси бўйича респондентлар сони

т/р	Имзоси	Жами	Шу жумладан	
			эркаклар	аёллар
1.	Жуда қисқа	15	13	2
	✦ Эркинроқ	11	9	2
	✦ Ажи-бужи	4	4	—
2.	Қисқа	64	40	24
	✦ Эркинроқ	29	19	10
	✦ Ажи-бужи	35	21	14
3.	Ўрта миёна	293	126	167
	✦ Эркинроқ	162	86	76
	✦ Ажи-бужи	131	40	91
4.	Узунроқ	139	100	39
	✦ Эркинроқ	70	46	24
	✦ Ажи-бужи	69	54	15
5.	Жуда узун	65	52	13
	✦ Эркинроқ	42	33	9
	✦ Ажи-бужи	23	19	4
6.	Имзо умуман қўйилмаган	423	335	88
	Жами	999	666	333
	✦ Эркинроқ	314	256	161
	✦ Ажи-бужи	262	138	124

Изоҳ: руҳшунос олимларнинг фикрича, имзога қараб туриб инсоннинг бутун ички қиёфасини очиб бериш мумкин экан. Агар имзо узун бўлса, бу имзо эгасининг хотиржамлигидан, чидам ва сабр билан ҳар бир ишни чуқур таҳлил қилишга қодирлигидан далолат беради. Жадвалдан кўриниб турибдики, имзо қўйганларнинг 139 нафари, яъни 46 фоизга яқини узун имзога эга. Бу ҳақда бафсилроқ 78- сир (китоб)га қаранг.

9- жадвал

IX. Мучали ва жинси бўйича респондентлар сони

т/р	Мучал	Жами	Шу жумладан	
			эркаклар	аёллар
1.	Сичқон	78	60	18
2.	Сигир	82	48	34
3.	Йулбарс	80	51	29
4.	Қуён	115	88	27
5.	Балиқ	126	96	30
6.	Илон	91	62	29
7.	От	77	53	24
8.	Қуй	78	34	44
9.	Маймун	80	51	29
10.	Товуқ	53	28	25
11.	Ит	80	51	29
12.	Тўнғиз	59	44	15
Жами		999	666	333

Изоҳ: Тақдирингиз қандай бўлишини, умр йўлдошингизнинг юлдузи юлдузингизга тўғри келгани ёки келмаганини билишни истайсизми? Қадим аждодларимиз мучалларга қараб, кимнинг юлдузи кимга кўпроқ тўғри келишини айтиб беришган. Ушша тавсияларга амал қилганларнинг аксарияти бахтли ҳаёт кечиришган. Социологик сўровлар натижасида олинган маълумотларда ана шу ҳақда (5- ва 78- китобларга қаранг) ҳам баён қилинади.

X. Буржи (зодиак) ва жинси бўйича респондентлар сони

т/р	Бурж (зодиак)	Жами	Шу жумладан	
			эркаклар	аёллар
1.	Кўй	118	89	29
2.	Сигир	94	71	23
3.	Эгизаклар	100	57	43
4.	Қискичбақа	86	39	47
5.	Арслон	74	71	3
6.	Бошоқ	76	39	37
7.	Тарози	74	59	15
8.	Чаён	100	53	47
9.	Ёй (камон)	63	47	16
10.	Тоғ эчкиси	84	51	33
11.	Қовға (челак)	56	45	11
12.	Балиқ	74	45	29
Жами		999	666	333

Изоҳ: Бурж — зодиак (яъни Қуёшнинг осмон қуббасидаги йўлига жойлашган юлдузлар тузилишига кўра яратилган мучал) белгиларининг ўзига хос хусусиятларини билиш бир-биримизга нисбатан муносабатимизни (90- сир-китобга қаранг) яхшилайтиди. Инсоннинг у ёки бу фазилатларини (78- сир-китобга қаранг) қанчалик чуқур тушуниб етсангиз, унга шунчалик яхши муносабатда бўласиз.

XI. Қон гуруҳи ва жинси бўйича респондентлар сони

т/р	Қон гуруҳи	Жами	Шу жумладан	
			эркаклар	аёллар
1.	1- гуруҳ (O)	270	174	96
2.	2- гуруҳ (A)	384	251	133
3.	3- гуруҳ (B)	257	185	72
4.	4- гуруҳ (AB)	88	56	32
Жами		999	666	333

Изоҳ: Аксарият юртларда одамлар бир-бирларидан „Мучалингиз нима?“ деб сўрашса, Японияда „Қон гуруҳингиз нечанчи?“ деб сўраш одатга кирган. Чунки, японларнинг фикрига кўра, қон гуруҳи одамнинг феъл-атвори ва унинг ўзига хос сифатларини белгилашда катта аҳамиятга эга бўлган омиллардан ҳисобланади.

Қон гуруҳига қараб одамларни ишга қабул қилиш, никоҳлаш ҳамда раҳбар лавозимларига тайинлаш Японияда кенг тараққий эгган. Япон мутахассисларининг аниқлашича, қони В гуруҳига оид аёллар учун муносиб эркак топиш жуда мушкул экан. Чунки бу гуруҳдаги аёллар жуда эркин бўлиб, қайфиятлари жуда тез-тез ўзгариб турар экан. 11-жадвалдан кўриниб турибдики, 28% аёллар ана шу гуруҳдан экан. Бу ва бошқа гуруҳлар ҳақида 78-сир (китоб)га қаранг.

99 та қадриятлар ва осудалик ўртасидаги боғланиш даражаси ҳақида респондентларнинг фикрини билиш мақсадида қуйидаги жадвал тузилди ва тегишли маълумотлар йиғилди:

12-жадвал

Қадриятлар ва осудалик ўртасидаги боғланиш ҳақида респондентлар фикри

т/р	Омиллар (қадриятлар, неъматлар, қусурлар, муносабатлар)	Сизнинг осуда яшашингизга мазкур қадрият (неъмат, қусур, муносабат)нинг таъсир кучи қай даражада?				
		Жуда паст (20% гача)	Паст (20 – 40%)	Ўртача (40 – 60%)	Юқори (60 – 80%)	Жуда юқори (80 – 100%)
1.	Ҳаёт					
2.	Шукроналик					+
...	...					
99.	Ўлим					

Шу тариқа осудаликка ўз таъсирини кўрсатувчи 99 та сир (омил, қадрият) анкетага жойлаштирилди. Улар ўртасидаги боғланиш кучини аниқлаш учун анкеталар респондентларга тарқатилди. Масалан, шукроналик қадриятини олайлик. Инсон қанчалик шукур қилиб яшаса унинг

ҳаёти шунчалик осудаликда, тинч ва хотиржамликда кечади. Агар респондентда қаноатсизлик туйғуси устун бўлса, унда унинг ҳаёти доимо ташвиш, безовталиқ исқанжасида бўлади.

Демак, осудалик билан қадриятлар ўртасидаги боғланиш кучи, энг аввало, респондентнинг маънавий етуқлиги ва соғлом турмуш тарзига боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, 999 нафар респондентлар „Сизнинг осуда яшашингизга мазкур қадрият (неъмат, қусур, муносабат)нинг таъсир кучи қай даражада?“ —

- жуда паст (20 % гача)ми?
- паст (20 — 40 %)ми?
- ўртача (40 — 60 %)ми?
- юқори (60 — 80 %)ми?
- жуда юқори (80 — 100 %)ми?

деган саволга ўз муносабатларини (ҳар бир қадрият билан боғланиш кучи кесишадиган нуқтада қўшув (+) ишорасини қўйиб) билдирдилар (12-жадвалга қаранг).

Сўровнома натижаларини умумлаштириш, таҳлил қилиш осуда яшаш сирларига бир қадар жавоб топишга ва осуда яшашнинг қуйидаги олтин қоидаларини ишлаб чиқишга асос бўлди.

2.6. ОСУДАЛИКНИНГ ОЛТИН ҚОИДАЛАРИ

Осуда яшашни истайсизми? Унда осудаликнинг қуйидаги олтин қоидаларига риоя қилинг:

Биринчидан, моддий ҳаёт ва соғлом турмуш тарзини ифодаловчи қуйидаги қадриятларга риоя қилинг ва уларнинг таъминланиши осудаликка етакловчи бирдан-бир йўл эканлигини ёдда тутинг:

1 - гуруҳ

- 1- сир. Умр — ўткинчи.
- 2- сир. Табиатни асраш — инсониятни асраш демак.
- 3- сир. Инсонийликни тарқ этманг.
- 4- сир. Эркак — юрт посбони, аёл — бутун олам онаси.

- 5- сир. Умр йўлдошингизни танлашда зинҳор адашманг.
- 6- сир. Оила — бу ахлоқ маскани ва тартиб-интизомнинг зўр мактаби.
- 7- сир. Фарзанд тарбиясига лоқайд бўлманг.
- 8- сир. Оталар сўзи — ақлнинг кўзи, оналар сўзи — ақлнинг ўзи.
- 9- сир. Қайнона ва келин муносабатида уйғунликни таъминланг.
- 10- сир. Саломатликни ўйланг, унга бефарқ бўлманг.
- 11- сир. Аниқ мақсад билан яшанг.
- 12- сир. Бахтни самодан изламанг.
- 13- сир. Касб танлашда адашманг.
- 14- сир. Илмда камбағаллик айб эканлигини тан олинг.
- 15- сир. Меҳнат қилишдан қўрқманг.
- 16- сир. Интизом ва эркинлик мутаносиблигига риоя қилинг.
- 17- сир. Вақтни бой берманг.
- 18- сир. Умид ва ишонч билан яшанг.
- 19- сир. Ризқни ўйлаб қайғуга ботманг.
- 20- сир. Бойликка ҳирс қўйманг.
- 21- сир. Меъёрдан чиқманг.
- 22- сир. Нафсни тийиш керак.
- 23- сир. Сабрли бўлинг.
- 24- сир. Қисматга тан беринг.
- 25- сир. Замонанинг зайлига қаранг.
- 26- сир. Ўтмишни унутманг.
- 27- сир. Азобдан ҳам гузаллик қидиринг.
- 28- сир. Мусибатга чидамли бўлинг.
- 29- сир. Салоҳиятингизни билиб иш тутинг.
- 30- сир. Муваффақият — саъй-ҳаракат натижаси.
- 31- сир. Доимо шукроналикда бўлинг.

Иккинчидан, қуйидаги маънавий-ахлоқий қадриятлар соҳиби ва неъматларнинг эъзозловчиси бўлинг. Бу фазилатлар эгасининг хотиржам ва ҳаловатда, осудаликда яшашига ишонинг:

2 - гуруҳ

- 32- сир. Аллоҳ — иймон келтирганларнинг дўсти.
- 33- сир. Одамларга, ўзларингизга инсоф қилишни одат қилинг.
- 34- сир. Адолатсизлик — бу қабоҳат.
- 35- сир. Яхши хулқ соҳиби бўлинг.
- 36- сир. Андишасизликка йўл қўйманг.
- 37- сир. Ниятингиз пок бўлсин.
- 38- сир. Ихлос — халос.
- 39- сир. Меҳрсиз — меҳр кўрмас.
- 40- сир. Ақлингиз ялқов бўлмасин.
- 41- сир. Яхшилик шиорингиз бўлсин.
- 42- сир. Бу дунёда фақат ҳақиқат абадийлигини унутманг.
- 43- сир. Қалб амрига қулоқ солинг.
- 44- сир. Гурурнинг қулига айланманг.
- 45- сир. Иродасиз кишида ғалаба бўлмас.

Учинчидан, қуйидаги салбий туйғулар ва қусурларни ўзингиздан узоқда тутинг ва осудалигингизни таъминланг:

3 - гуруҳ

- 46- сир. Шайтонни алдаш гуноҳ эмас.
- 47- сир. Айбдор ўз соясидан ҳам кўрқмас.
- 48- сир. Асабийлашиш — умрнинг эгови.
- 49- сир. Ёлғончи — инсон деб аталишга лойиқ эмас.
- 50- сир. Одамларнинг энг қабиҳи — тухматчи.
- 51- сир. Бу жаҳон ичра юзи қаро — гийбатчи.

- 52- сир. Қалбингизни ҳасад ўти билан куйдирманг.
- 53- сир. Чақимчи — чипор илон, захри илондан ёмон.
- 54- сир. Хиёнатнинг жойи дўзахдир.
- 55- сир. Адоват эмас, адолат енгар.
- 56- сир. Бахиллик билан мартаба қозонмаслик керак.
- 57- сир. Мунофиқ — инсоннинг энг хавфли душмани.
- 58- сир. Манманлик жilовини тутган киши хорлик оловини ушлаган бўлади.
- 59- сир. Мансаб деб эркингизни пулланманг.
- 60- сир. Лоқайдлик баъзан ўлимга тенг бўлади.
- 61- сир. Худбинлик разилликнинг бошидир.
- 62- сир. Хушомадгўй — душман мақомидаги махлуқ.
- 63- сир. Рашк шубҳага, шубҳа эса душманга айланиб қолиши мумкин.
- 64- сир. Шошқалоқлик — пушаймоннинг онаси.
- 65- сир. Кўнглингизда таъма ўти аланга олмасин.
- 66- сир. Семизлик томирларни қисиб, руҳнинг сўнишига олиб келади.
- 67- сир. Жоҳиллардан юз угиринг.
- 68- сир. Гумон одамни одамдан узоклаштиришини унутманг.
- 69- сир. Ғайриқонуний иш доимо инқирозга учраши тайин.
- 70- сир. Ичкиликбозлик — бу ихтиёрий ақлдан озиш демак.
- 71- сир. Ғазаб ожизлик қуроли, жоҳиллик манбаи.
- 72- сир. Қўрқув одам организмда захар ишлаб чиқарилишига сабаб бўлиши мумкин.
- 73- сир. Сўнгги пушаймон ўлжасига айланманг.
- 74- сир. Зулм — улуғликнинг офати.
- 75- сир. Эҳтироснинг ақли бўш.
- 76- сир. Сиқилиш ич торлигидан далолатдир.
- 77- сир. Армон — ушалмаган орзу, сўниб қолган умид.

Тўртинчидан, ўзингизга ва ўзгаларга ҳамда ҳаётга нисбатан оқилона ёндошиш эвазига эришиладиган осудаликка ва унинг қуйидаги қоидаларига ишонинг ва уларга қатъий амал қилинг:

4 - гуруҳ

- 78- сир. Феъл-атворда муътадиллик ҳамиша зарур эканлигини унутманг.
- 79- сир. Ўзингизни бошқара олинг.
- 80- сир. Бурч — ҳуқуқингиздан юқори.
- 81- сир. Ваъдага вафодор бўлинг.
- 82- сир. Сирни сақланг.
- 83- сир. Сукут сақлашни уддаланг.
- 84- сир. Уйқу — энг ширин оғу.
- 85- сир. Тушингизга эътиборсиз бўлманг.
- 86- сир. Мусиқани севинг.
- 87- сир. Кайфиятингизни туширманг.
- 88- сир. Ҳаётга кулиб боқинг.
- 89- сир. Китоб мухлиси бўлинг.
- 90- сир. Бир гапдан қолишга ҳаракат қилинг.
- 91- сир. Тилга эрк берманг.
- 92- сир. Устоз отангдек улуғ.
- 93- сир. Садоқатли дўст билан дўстлашинг.
- 94- сир. Яхши кўшнига эга бўлинг.
- 95- сир. Дардингиз бўлса ҳам қарзингиз бўлмасин.
- 96- сир. Кечиримли бўлинг.
- 97- сир. Қариб боришдан қўрқманг.
- 98- сир. Касалликдан қўрқманг.
- 99- сир. Ўлимни тан олинг.

Шу тариқа осудаликка таъсир қилувчи омил (қадрият, неъмат, қусур, муносабат)лар ўртасидаги боғланиш кучининг таҳлили ва унинг батафсил баёни 300 — 350 бетга жой бўлган мустақил 99 китобда ўз аксини топди.

2.7. РАҚАМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

Социологик сўров натижасида олинган 999 та анкетанинг қайдлар қисмида респондентларнинг „Ғам-ғусса, ташвиш, безовталиқнинг сабаблари“ тўғрисидаги фикрларини умумлаштириб, гуруҳларга бўлганда қуйидаги статистик тақсимотга эга бўлди (13-жадвал):

13-жадвал

Ташвиш, безовталиқ, ғам-ғусса сабаблари бўйича
респондентлар гуруҳлари

Гуруҳлар	Ташвиш сабаблари	Респондентлар сони (киши)	Жамига нисбатан фоизда
I.	Ҳеч бир аниқ нарсага боғлаб бўлмайдиган	369	37
II.	Ўтмиш билан боғлиқ	260	26
III.	Ўзгалар муаммолари билан боғлиқ	170	17
IV.	Ҳақиқий ва ўтқинчи касаллик билан боғлиқ	110	11
V.	Ютуқларга тўсиқ бўлаётган	90	9
	Жами	999	100

Жадвалдан кўриниб турибдики, 369 нафар респондент, яъни жами сўралганларнинг 37 фоизи ҳеч бир аниқ нарсага боғлаб бўлмайдиган сабаблар туфайли ташвишга тўшар эканлар.

Аслида бу сабаблар туфайли бўлиши мумкин бўлган ғам-ғусса, безовталиқ ҳақида кўп ҳам ўйлаш керак эмас. Сабаби, бу ташвишлар инсоннинг ички руҳиятидан, кўпинча, ношукрликдан келиб чиқади. Булар-бўлмасга улар жаҳл отига минишади.

26 фоиз респондент ўтмишда содир бўлган, утиб кетган ва тугалланиб бўлганлардан афсусланиш билан ўзининг ҳозирини ёмонлаштиради. „Ўтган ишга салавот“ демасдан, ўзини ташвиш гирдобига тортади. Бу ғам-ғуссани ўзгартиришнинг иложи йўқлигига эътибор беришмайди.

170 нафар респондент, яъни 17 фоиз кишиларни ўзгалар муаммоси билан боғлиқ сабаблар ташвишга солади. Эҳтимол, айримлар бу ғам-ғусса уни ташвишга солмаслиги керак, дейиши мумкин. Бироқ бу дунёга келган ҳар бир инсон қўнғил гадоси, ширин сўз талабгори. Инчунин, биз бир-биримизга улашаётган меҳр ҳам, бир-биримизнинг оғиримизни енгил қилиш ҳам том маънодаги эзгуликка йўналтирилган ташвишдир. Оқибат бор жойда, кўпинча, ғам-ғусса бўлмайди.

Респондентларнинг 11 фоизи (110 киши)ни ҳақиқий ва уткинчи касаллик билан боғлиқ сабаблар ташвишга солар экан (98- сир-китобга қаранг). Улар „Иссиқ жон бедард бўлмас“, „Дард берган — дармон ҳам беради“, „Дард меҳмон, тана қўрғон“ деган ҳаётда синалган мақолларни тан олмайдилар ёки улар шунчаки айтилган мақоллар-да, деб ўйлайдилар. Аслида, оптимизм руҳида бўлмоқ кишини ғам-ғуссадан халос қилади.

Ва ниҳоят, респондентларнинг 90 нафари (9%) уларнинг ютуқларига тўсиқ бўлаётган сабаблар туфайли ташвиш тортарканлар (30- сир-китобга қаранг). Ана шу 9% хусусида ўйлаш ва ундан қутулишга ишонч билан киришиш керак (18- сир-китобга қаранг). Шунда кўп ҳолатда сизнинг бахтингизга раҳна солаётган ва ўз мақсадингизга эришиш учун ютуқларингизга тўсиқ бўлаётган ташвиш, шубҳа (68- сир-китобга қаранг) ва қўрқувдан қутуласиз (72- сир-китобга қаранг).

Ушбу сабабларнинг салмоғи касб кесимида ҳам бириридан кескин фарқ қилади (14- жадвалга қаранг).

Сўров натижалари турли касб эгаларини турлича сабаблар, турли даражадаги ташвишлар ўз исканжасига олганлигига гувоҳлик берапти.

Масалан, 34,8 фоиз нафақахўрларни IV сабаб ўз домига тортганлиги сабабли, улар „Дорилар кўпайди, бироқ касалликлар озаймапти“, десалар, журналистларни эса, бу сабаб 7,1% га ташвишга солар экан. Чунки улар ишининг тинимсизлиги касаллик тўғрисида ўйлашга ҳам вақт қолдирмайди.

Касблар кесимида ташвиш сабаблари

т/р	Касблар	Сабаблар гуруҳи ва ташвиш фоизлари				
		I	II	III	IV	V
1.	Иқтисодчилар	38,1	25,9	16,9	9,1	10,0
2.	Муҳандислар	37,8	23,2	17,9	11,3	9,8
3.	Ҳуқуқшунослар	34,5	26,2	18,1	8,1	13,1
4.	Шифокорлар	32,7	27,3	21,1	10,1	8,8
5.	Журналистлар	39,3	27,9	19,9	7,1	6,8
6.	Тадбиркорлар	28,8	30,6	12,2	8,3	11,1
7.	Диншунослар	30,9	23,0	25,1	10,5	10,5
8.	Давлат хизматчилари	25,7	28,0	23,1	11,8	11,4
9.	Педагоглар	37,7	26,4	17,1	8,9	9,9
10.	Талабалар	39,5	21,9	18,2	5,3	15,1
11.	Нафақахўрлар	8,7	26,1	17,1	34,8	3,3





АНОНС



ёхуд

99 сир тўғрисида
нашрга тайёрланган
ҳар бир китобнинг

АННОТАЦИЯСИ

Китоблар аннотацияси

„Анонс“ сўзи у ёки бу бўлажак воқелик тўғрисида олдиндан тарқатилган эълон тушунчасини билдиради.

Шу маънода мазкур анонсда сўз бугунги кунда нашр этишга тайёр ҳолга келтирилган „Осуда яшашнинг 99 сири“ туркум таркибига кирган 99 та китоб ва уларга ёзилган батафсилроқ аннотация тўғрисида бормоқда.

Ҳар бир китоб аннотацияси ва сўзини ўқиб, Сиз муҳтарам китобхон, қадриятларимиз ва осудалигимиз ўртасидаги боғланишнинг билвосита эмас, балки кўпроқ бево-сита эканлигига „инсон ва дунё бошдан оёқ янглиш асно-сида қурилганлиги, фарёд ва нолалар, туганмас изтироб ва ғалаёнлар гирдобиди эканлигига“ (Ницше) ишонч ҳо-сил қиласиз.

Изтиробларсиз ёзилган китоб бир жўнгина воқеликка айланиб қолишини назарда тутиб, ҳар бир китоб фожиавий воқеликларни кенг қамраб олган. Барча қадриятлар бўйича осудалик ва хотиржамликка эришишнинг олтин қоидалари тавсия этилган. Шу билан бир қаторда осуда-ликни бузадиган хавфлар, уларга қарши кураш ва барта-раф этиш бўйича зарурий қоидалар ишлаб чиқилган. Да-лиллар келтирилган. „Рақамлар тилган кирганда“ рукнида 999 нафар респондентлардан олинган жавоб анкетала-рининг батафсил таҳлили амалга оширилган.

Аннотациялар матнининг охирида келтирилган мута-факкирлар, файласуфлар, ёзувчи ва шоирларнинг сурат-лари ҳамда асосий асарларининг рўйхати Сиз муҳтарам китобхонларнинг улар тўғрисидаги тасаввурларингизни янада равшанлаштиради, деган умиддамиз.


Расмларнинг жойлаштирилиши эса, таваллуд қилган ва яшаган йиллари бўйича занжирланди (кейинги бетдаги мундарижага қаранг). Бу уларнинг қайси даврда ижод қилганларини билишда асқотади.

*„Моддий ҳаёт инсон учун бирламчидир.
„Аввал иқтисод, кейин сиёсат“ дейилиши
ҳам бежиз эмас. Қорни тўқ, усти бут, бош-
панаси бор инсонгина осуда яшай олади“.*

Муаллиф



3.1. МОДДИЙ ҲАЁТ ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ОСУДАЛИК



ёхуд

31 та китоб

АННОТАЦИЯСИ

Расмлар мундарижаси

Т/р	Даврлар	Бетлар
I.	Қадимги дунё (то милодий IV асргача)	100
II.	Ўрта аср (IV — XVI асрлар)	136
III.	Маърифатпарварлик даври (XVI асрдан XX аср бошларигача)	182
IV.	XX асрдан то ҳозиргача	254

Аннотациялар мундарижаси

Китоб рақами	Китоблар номи	Бетлар
1.	Ҳаёт ва осудалик.....	99
2.	Табиат ва осудалик.....	101
3.	Инсон ва осудалик.....	103
4.	Эркак, аёл ва осудалик.....	105
5.	Эр-хотин ва осудалик.....	107
6.	Оила ва осудалик.....	109
7.	Фарзанд тарбияси ва осудалик.....	111
8.	Ота-она ва осудалик.....	113
9.	Қайнона-келин ва осудалик.....	115
10.	Саломатлик ва осудалик.....	117
11.	Мақсад ва осудалик.....	119
12.	Бахт ва осудалик.....	121
13.	Касб ва осудалик.....	123
14.	Илм ва осудалик.....	125
15.	Меҳнат ва осудалик.....	127
16.	Интизом ва осудалик.....	129
17.	Вақт ва осудалик.....	131
18.	Ишонч ва осудалик.....	133
19.	Ризқ ва осудалик.....	135
20.	Бойлик ва осудалик.....	137
21.	Меъёр ва осудалик.....	139
22.	Нафс ва осудалик.....	141
23.	Сабр ва осудалик.....	143
24.	Қисмат ва осудалик.....	145
25.	Замон ва осудалик.....	147
26.	Ўтмиш ва осудалик.....	149
27.	Азоб ва осудалик.....	151
28.	Мусибат ва осудалик.....	153
29.	Салоҳият ва осудалик.....	155
30.	Муваффақият ва осудалик.....	157
31.	Шукроналик ва осудалик.....	159

„Ховлиқмай, сабр-тоқат билан яшаган ва нафсини тия олган одамнинг умри осудаликда кечади“.

Муаллиф

1- сир. Ҳаёт ва осудалик

Бу дунё ўткинчи, кўз юмиб очгунча умр ўтади. „Калпакчалик умр кўргандаймиз“ бу „беш кунлик дунё“ да дейишади. Бойми, камбагалми, зиёлими, омими — ҳар бир инсоннинг кунлардан бир кун кўксидан ўрлаб чиқадиган дуди — оҳи шу! Ҳамма бараварига келадиган умумий тўхтаб ҳам шу!

Умрнинг шу қадар тез ўтишини билмай яшаётганимизнинг ўзи барча ҳаловатсизликларимиз, нотинчлигимиз ва пушаймонларимизнинг энг каттасидир.

Хўш, шундай экан, нега умрнинг бир марта берилгани ва унинг жуда ҳам қисқалигига эътибор бермаймиз? Нега жаннатдан қувилган шайтоннинг измига тушиб умримизнинг ярмини ғафлат тўрига тушишига изн берамиз? Нимани бой берган бўлсак, қачон тойилган бўлсак, қачон муаммолар исканжасида қолган бўлсак, шайтон йўлидан борганимизни тан олмаймиз?

Энг даҳшатлиси, ота-онамизга шу қисқа умр даврида хизмат қила олдикми? Эл-юртга нафимиз тегдимми? Бу оқар дарёдек ўтаётган ҳаётда ўз ўрнимизни топа олдикми? Одамларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлиб, оғирини енгил қила олдикми? Умримиз поёнида ортга боқсак қалбимизга таскин берувчи бирор-бир хайрли ишимиз кўринадиган бўлдимми? Ўтган умримизга ачинмаймизми? Ҳаётимиз ўзимиздан мамнун бўлдимми?

Саволлар кўп. Жавоблар-чи?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сирини“ номли туркумнинг 1- сирини тўғрисида бўлиб, унда:

- умрнинг уч кунлик эканини зинҳор унутмаслик, шу қисқа муддатда эзгу ишлар қилиб қолиш лозимлиги;

- биринчи кун — бу инсоннинг дунёга келган куни эканлиги;
- иккинчи кун — кишининг уйланиб, оилали бўладиган, фарзандлар кўриб, ота-она деган номга сазовор бўладиган, эзгу ишлар билан ном қозондиган кун эканлиги;
- учинчи кун — дунёни тарк этадиган кун эканлиги ва у кишининг ўзига боғлиқ эмаслиги;
- бизнинг умримиз қисқа эмас, уни ўзимиз қисқа қилиб қўйишимиз;
- барча исрофгарчиликларнинг ичида энг ачинарлиси умр исрофгарчилиги эканлиги;
- ҳар кимнинг бу ёруғ дунёга фақат бир мартагина саёҳат қилиш имконига эга эканлиги;
- умр қисқа, деб нолиш ўрнига ундан самарали фойдаланишга интилиш лозимлиги;
- инсон умри неча йил яшаши билан эмас, балки нечоғли қолдирган эзгу амаллари билан ўлчаниши;
- узоқ яшаш сирлари кабилар ёритилган.

1. ҚАДИМГИ ДУНЁ

(ТО МИЛОДИЙ IV АСРГАЧА)



Зардушт

(Эрамизгача 628 — 551 йй)

У Каёнийлар шоҳи гуштаси ибн Луҳраси даврида зухур қилиб „Занда“ — „Авесто“ китоби билан янги динга асос солган, дунёда яккахудоликни тарғиб этган илк мутафаккирлардан бири.

„Табиатни асраш инсониятни асраш
ва осудаликни таъминлаш демакдир“.

Муаллиф

2- сир. Табиат ва осудалик

Осудалик, энг аввало, табиатнинг барқарорлигига боғлиқ. Табиат — бу оламдаги нарсаларнинг ҳаммаси, бутун борлиқ, мавжудот, деб тавсиф берилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Қадим Шарқ фалсафаси бўйича бутун борлиқ тўрт нарсдан — ер, сув, ҳаво ва куюшдан (олов)дан яралган.

Ер — бутун ер юзидаги бойликларнинг онаси. **Она Ер** — буюк сайёра, одамзоднинг орзу-истаклари рўёби учун чексиз ва адоғи йўқ сахнадир. У инсоният ниманики — урушми, сув ва олов тўфонларими, зилзила-ю қурғоқчиликми, қаҳатчиликми, шафқатсизликми — кўрган бўлса, бари-барига гувоҳ. Инсоният учун она замин силкинмаслиги, унинг гуллаб-яшнаши ўта зарур.

Сув — табиатнинг шарбати. У ерда ўсадиган гул-гиёҳга, дов-дарахтга, қимирлаган жонга шарбат улашади. Ер юзининг 70 фоизи сув билан қопланган. Ана шу сувнинг атиги 2,5 фоизи ичимлик сувидан иборат. Сув шундай тенгсиз қимматбаҳо бойликки, усиз нафақат осудалик, балки ер юзида ҳаёт бўлмайди.

Куюш (олов) — табиатнинг оташ фарзанди. У зулматни қувади, Ер бағрини иситади. Паррандаю даррандага ҳаёт нашидасини, ҳаёт нафасини улашади. Нур улашади.

Ҳаво — табиатнинг асл фарзанди, у билан дунёда тирлик бор. Димоқларга малҳамдек киради у. Юракларга жон, иликларга дармон бахш этади.

Ана шу тўрт нарса табиатнинг тўрт устун. Табиатни йўқ қиладиган ҳам, осудалигини таъминлайдиган ҳам ана шу тўрт устун. Улар яхлит бир бўлиб оламга, бутун борлиққа жон улашади, **ҳаёт** бахш этади.

Хўш, шундай экан, бугунги кунда табиатга нисбатан лоқайд, бешафқат муносабатда бўлмаяпмизми? Ахир халқимизда офатнинг тури кўп, аммо уларнинг ичида энг

хавфлиси лоқайдлик, деган гап бор-ку! Бу бежизга айтилмаган. Зеро, мана шу лоқайдлик туфайли инсоният неча оғир дардларга мубтало бўлди ва бўлишда давом этмоқда.

Наҳотки, машхур олим Қ. Циолковскийнинг „Инсоннинг табиат ишларига аралашуви охир-оқибат кулфат келтиради... Бунинг натижасида ер сайёраси тезлик билан қисқариб боряпти“, деган сўзларида қанчалик теран ҳақиқат борлиги биз учун сабоқ бўлмаяпти?

Табиатни ўз ҳолига қўймаслик, унга зўровонларча салбий таъсир кўрсатиш XX асрнинг иккинчи ярмида, айниқса, кучайдики, охир-оқибатда у экологик хавфнинг ўсишига олиб келди.

Хуш, айтинг-чи, биз табиатнинг объектив қонунларига риоя қиляпмизми? Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сирини“ номли туркумнинг 2- сирини тўғрисида бўлиб, унда:

- табиат билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи; табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш лозимлиги;
- табиатнинг ҳеч кимга бўйсунмаслиги;
- экологик маданиятнинг юксаклиги — чинакам инсонийлик белгиси эканлиги;
- экологик хатар — ёши, жинси, дини, иқтисодий ва сиёсий мавқеидан қатъий назар, ҳаммага бирдек хавф солиши, унинг чегара билмаслиги;
- экологик ҳалокатни тиканли симлар, ҳарбий кучлар билан жиловлаб бўлмаслиги кабилар ёритилган.



Эзоп

(Эраминизгача VI — V аср)

Қадимги юнон масалчиси.

1. „Қотил“.
2. „Бева аёл ва товуқ“.
3. „Тулки ва лайлак“ каби масаллар.

„Инсон табиатнинг ва Худонинг
вазифасини ўз зиммасига олмаслиги
керак“.

Муаллиф

3- сир. Инсон ва осудалик

Хуш, инсон ким? У қачон пайдо бўлган? Диний ақи-
даларга кўра, тангри таоло одамни олти кунда яратган.

Якшанба — осмонни яратди. **Душанба** — ой, қуёш, юл-
дузларни яратиб, фалак ичига жойлаштирди. **Сешанба** —
қушлар, қурт-қумурсқалар, фаришталарни яратди. **Чор-
шанба** — сувни яратди, еллар, булутларни чиқарди, да-
рахтлар, ўт-ўланларни яратди, ҳаммага ризқ-рўз улашди.
Пайшанба — жаннат ва дўзахни, раҳмат ва азоб фаришта-
ларини ҳамда ҳурларни яратди. **Жума** — Ҳазрат Одам Ато-
ни яратди ва унинг чап қовургасидан Момо Ҳавони дунё-
га келтирди. Уларни ўзининг ердаги халифаси деб атади.
Инсон ана шундай буюк, муҳтарам ва мукаррамдир. Ин-
сон бўлиш эса — бу катта илм. Лекин инсонийлик тўғри-
сида диплом йўқ.

Инсон бўлишнинг қийинлиги меъерининг мубҳам-
лиги, талабларнинг қатъийлиги билан боғлиқ. Инсон
бўлиш учун киши ўзида камтарлик, бировнинг дардини
тушуна олиш, адолат, интизом, ростгўйлик, бағрикенг-
лик, ҳалимлик, сабр-бардош ва яна бир қанча фазилат-
ларни ўзида мужассам этган бўлиши керак.

Бироқ ҳамма ҳам шу фазилатларга эгами? Биз барча-
миз бу қадар юксак таъриф ва тавсифларга эгамизми?
Инсон синоати нима? Нега у ақлий қуввати, қилни қирқ
ёрадиган заковати билан мўъжизаларни яратишга қодир
бўлгани ҳолда, гоҳо тубан ишларга қўл уради?

„Одам борки, одамларнинг нақшидир,

Одам борки, ҳайвон ундан яхшидир“, —

деган Ҳазрат Алишер Навоийнинг бу сўзлари бежиз ай-
тилмаган. Одамларнинг нақши некбин ақл эгалари бўлиб,
инсониятга эзгулик келтирса, ҳайвонсифат одамлар инсо-
ниятга қулфат келтиради.

Бир эсланг-а! Тарихда ўз номини қолдириш мақсадида бетакрор ва ягона Артемида ибодатхонасига ўт қўйиб, култепага айлантирган телба ёки ярим телба Герострат ҳам, инсоният бошига иккинчи жаҳон урушининг оловини ёқиб, 50 миллиондан зиёд бегуноҳ одамларнинг ёстигини қуритган Адольф Гитлер ҳам, ўзининг бемаврид буйруғи билан тинч яшаб турган япон халқи бошига „кичкинтой“ („малыш“) ва „бақалоқ“ („толстяк“) номли атом бомбасини ташлатиб (1945 йил август — Хирасима, 9 август — Нагасаки), бир зумда тегишли равишда 100 000 ва 70 000 кишининг жонини олган АҚШнинг 33- президенти Гарри Трумен ҳам инсон эдилар-ку!

Ёки Мирзо Улуғбекдек буюк сиймонинг боши ўғли Абдуллатиф фатвоси ила кесилиши-чи? Бу не ҳол!

Ҳа, инсон қудратли, шу билан бирга, у ожиз. Инсон иймонли, инсон жоҳил. Инсон ҳаёли, инсон сурбет. Инсон олижаноб, инсон мараз. Инсон заковатли, инсон худобехабар. Хуллас, ҳамма сифат унда бор. Инсонийлик фазилатларини оддий, содда ва тушунарли қилиб баён этиш ёки шарҳ этиш осон эмас.

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сирини“ номли туркумнинг 3- сирини тўғрисида бўлиб, унда:

- инсон, инсонийлик ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- инсоннинг барча махлуқотлар ичида энг онглиси ва шу билан бирга, энг тубани эканлиги кабилар ёритилган.



Пифагор

(Мил. авв. 580 — 500 йиллар)

Юнон математики ва файласуфи.

1. Пифагорчилар диний-фалсафий мактабининг асосчиси.

2. У ўз асарларини ёзма равишда ҳеч қаерда қолдирмаган. таълимотини ўқувчиларга оғзаки тарзда баён қилган ва уларни яширин ҳолда сақлаган.

„Аёл — ҳаё, вафо, садоқат тимсолидир“.

Муаллиф

4- сир. Эркак, аёл ва осудалик

Аёл! Оддийгина сўз. Аммо шу оддийгина сўзда минг битта рангли олам мужассам. Аёл сиймосида она, опа, хола, сингил, қиз, умр йўлдош, қайнона, момо, улар сиймосида эса, меҳр-шафқат мужассам. Аёл — жамият кўрки, таянчи, меҳр-мурувват ва эзгулик тимсоли.

Таниқли шоирамиз Турсуной Содиқова аёлни қуёшга қиёслайди: „Қуёш аслида иккита, — дейди у. — Бири кўкда, бири эса, „аёл“ номи билан заминда яшайди. Аёл малҳами дунё! У нур манбаи! Жумлаи оламини — қуёш, одамлар қалбини эса аёл иситиб туради! Демакки, қуёш шу туришида ҳали мукамал эмас, унинг туқислиги аёл биландир!

Онасиз, опа-сингилсиз, умр йўлдош ва маҳбубасиз, қизингиз, хола-аммаларсиз ёки қўшни момоларсиз қолишни бир тасаввур қилинг-а! Тепангизда 10 та қуёш бўлса-да, баҳорингиз қишга айланиб, ёзингиз изғирин бўлгай!“

Ҳа, аёлсиз ҳаёт тонги ва оқшоми файзсиз, кундузи эса, гамгиндир. Аёлни тушунмагунча эркак киши ҳаётдан ҳеч ёлчимайди. Аёл — номус, шарм-ҳаё, одоб, олижанобликнинг энг нозик ўлчови, раҳмдилликни тарбиялашнинг олий мактабидир. Француз ёзувчиси Ромен Роллан:

„Эркаклар амалга оширган барча эзгу ишлар аёлларга бўлган муҳаббат туфайли бунёд бўлган“, деб бежиз айтмаган.

Хўш, Аллоҳ яратган мўъжизаларнинг энг нодири бўлган аёлга муносабатимиз қандай? Унинг феъли сир-синоатга тўлалиги, мингта фасли, мингта ранги борлигини билламизми? Уни чексиз саҳифали ўқилмаган китобга менгашнинг сабаби нимада? Нега Аллоҳ яратган аёл деган зотни жонимизга, кайфиятимизга, ўнгу сўлимизга қўрган қилиб қўйгани учун шукроналар айтмаймиз? Ҳаётимизнинг осуда кечиши ҳам айнан аёлга бориб тақалишини наҳотки билмасак? Ҳа, саволлар кўп, саволлар чексиз.

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 4- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- аёл ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- аёлсиз — ҳаёт шони ғариб, умр — қувончсиз эканлиги;
- дунёнинг гузаллиги ҳам аёллар билан эканлиги; яхши аёл қалб қувончи, унинг топилмас хазина эканлиги;
- бу дунёда аёл севгисидай катта бахт, аёл исёнидай оғир гуноҳ йўқлиги;
- аёл эркаклардан тамоман бошқа хилқат эканлиги; аёлларга муомала қилиш қоидалари;
- номуносиб аёлга она ва қайнона бўлиш насиб этмаслиги;
- оиланинг осойишталиги-ю ҳаловатини аёл номли хилқат таъминлаб туриши;
- аёлнинг билимли, шарм-ҳаёли, тўғри, камтар ва фаросатли бўлиши;
- сабр аёлдан, тарбия аёлдан, фарзанд туғиш аёлдан, кечирриш аёлдан, миллатнинг келажаги аёлдан эканлиги;
- ичига ўт тушса ҳам, бағри кулга айланса ҳам зоҳири сокин кўринадиган, эгилмайдиган қояларни ичига ютиб тураверадиган ҳам аёл эканлиги;
- эркакларнинг захирадаги бойлиги ҳам аёл эканлиги қабилар ёритилган.



Конфуций (Юн-Цзи)

(Эрамизгача 551 — 479)

Қадимги Хитой донишманди.
„Муҳокама ва суҳбатлар“.

„Хотинингнинг фикрини қўлаб-қувватла ва ҳукмрон бўлиб юравер“.

Муаллиф

5- сир. Эр-хотин ва осудалик

Эр-хотин деганда никоҳ аҳдида бирлашган икки жинс жуфтлиги тушунилиб, бу жуфти ҳалоллик тор маънодаги оилани англатади. Ривоят қилишларича, ер юзида биринчи шундай оила Одам Ато ва Момо Ҳаво томонидан барпо этилган. Улар ўзларининг муҳаббати, заминга, ҳаётга бўлган меҳрини ана шу жуфтлик туфайли авлодларга мерос қилиб қолдирган.

Хўш, бу жуфтликнинг осудаликни таъминлашдаги ҳиссаси қай даражада? Ёхуд осудалик кўпроқ хотинга боғлиқми ёки эркакками?

Нима учун „Ит вафо, хотин жафо“ дейишади? „Наҳотки, ўша вафонинг бир мисқоли ҳам хотинларда топилмаса?“ (А. Жўраев). Русларда эр — бош, хотин — буйин. Буйин қаерга қайрилса, бош унга итоат этади, деган ибора бор. Бунга нима дейсиз? Оила иноқлигининг сири кўпроқ кимга боғлиқ?

Нима учун оиладаги мурасасизликларнинг сабабчиси деб кўпроқ хотинлар тилга олинади? Чунки эркакларнинг ҳар уч хатосининг иккитаси хотин туфайли, дейди севикли шоирамиз Турсуной Содиқова.

Яна нима учун „Онасини кўр-у, қизини ол“, „Эрни эр қиладиган ҳам хотин, қаро ер қиладиган ҳам хотин“, дейишади? Нега буюк файласуф Суқрот: „Уйланасанми, уйланмайсанми — барибир пушаймон ейсан“ деган? „Мен ҳали ўлмасдим, ўлишни ҳам истамасдим. Лекин ўялпман. Бу ҳам бўлса хотинимнинг дастидан“. Ажабо, машҳур ёзувчи Лев Толстойнинг изтиробини нималардан экан?

„Эркак киши аёл устидан раҳбардир“, дейилади Курьони каримда. Нима учун ақлу макри қирқ туяга юк бўладиган, яралишдан жонсарак аёл раҳбар сайланмаяпти? Эрга итоатга буюриляпти? Бу бежиз эмас. Аёлнинг эрига итоатда бўлиши Худо томонидан буюрилган.

Демак, эркак — оила устун, оила раҳбари. Хуш, ҳамма эркаклар ҳам „устун“лик вазифаларини оқлаптиларми? Оилага етакчилик вазифасини бажара оляптиларми? У оилада хотинининг қадрини ўз ўрнига, болалар қадрини ўз ўрнига, қайнона-қайнота ҳурматини ўз ўрнига қўя оляптими? Оила юкини торта оляптими? Ўз хотинининг пири, устози бўла оляптими? Умр йўлдош танлашда бой ва мансабдор оила, ёлғиз ҳусни қидириб, ақл-одобга эътиборсизлик қилмаяпмизми? Хуш, бугунги турмуш йўлдошингиз қанчалик Сизни қониқтиряпти?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номи туркумнинг 5-сири тўғрисида бўлиб, унда:

- эр-хотин ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- инсонга танмаҳрам зарур эканлиги;
- умр йўлдош танлашнинг сирлари ва ўзига хос хусусиятлари;
- оила раҳбари айнан эр эканлиги, бу унга Аллоҳ томонидан буюрилганлиги;
- эркакларга Аллоҳ томонидан буюрилган юмушлар;
- ислом одобига кўрсатилганидек, аёл эркакдан ўзини пастда тутмоғи лозимлиги;
- эр-хотиннинг бир-бирларини қанчалик қониқтираётганликлари;
- аёлнинг ҳақиқий зийнати либос ёки ҳусн эмас, балки ҳаё эканлиги;
- аёл, хусусан, хотин зотини ёқтирмайдиган буюклар фикрлари кабилар ёритилган.



Гераклит

(Мил. авв. 544 — 483)

Юнон файласуфи.

1. „Табиат ҳақида“.

2. „Ҳамма нарса ҳаракатда, ҳамма нарса узгаришда“ деган таниқти иборанинг муаллифи.

„Оила миллат парвози учун илк учин майдонидир“.

Муаллиф

6- сир. Оила ва осудалик

Оила — бу эр-хотин, уларнинг бола-чақалари ва энг яқин туғишганлардан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуи, деб таъриф берилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Демак, эр-хотин — икки тирик вужуднинг, икки оламнинг ўзаро иттифоқидан пайдо бўлган учинчи бир олам — бу оиладир.

Иттифоқ иборасида аҳиллик, тотувлик, деган маънолар ҳам бор, албатта. Агар оила ҳақиқатдан тинч-тотув, осуда, аҳил бўлса, олам гулистон. Акс ҳолда, турмуш дўзахга айланади, оила эса, зиндоннинг ўзи бўлади-қўяди. Эр ва хотин эса, бир-бирига рақиб ва рақоба бўлиб қоладилар. Бунинг жабрини эса, улардан кўра болалари, яқин қариндошлари тортадилар. Жамиятга, хусусан, жамиятнинг биринчи ва бирламчи зарраси бўлган оилага моддий ва маънавий зиён етади.

Шуни унутмаслигимиз керакки, оила ҳам Аллоҳнинг инсонларга файзу фароғат бериш учун тузган муқаддас уюшмасидир. Бир-бирига керак ва тиргак бўлиш учун бир оилага бирлашган эру аёл ҳам муқаддас жуфтлик, яъни „жуфти ҳалолдир“.

Бу ёруғ дунёнинг ҳатто энг гузал гўшалари кўнглингизга тегиб, унинг энг қизиқ томошаларидан ҳам воз кечиб, энтикиб талпиниб келадиган жойингиз ҳам, оёғингизни узатсангиз ҳамма чигилингиз ёзиладиган, қайноқ сув ичсангиз-да, қўй ёғидек сингийдиган жон озиғи маконингиз ҳам шу уйингиз, оилангиз эмасми?! Данғиллама уйингиз, буюму бойлигингиз сизга бу кайфиятни асло бермайди.

Унинг азизу мукаррамлиги бу остонадаги одамлар билан сербаланд. Улар отангиздир, онангиздир, жуфтингиздир, болаларингиз-у яқинларингиздир. Сиз ҳамиша уларга талпинасиз. Зеро, Яратганнинг ўзи кўзга кўринмас

ришталар билан юрагингизнинг жон томирини уларга боғлаб қўйган.

Бас, шундай экан, нима учун айрим янги оилаларимизнинг бахтли кунлари қисқариб борапти? Турмуш қуришади-ю озгинагина яшаб: „Бир-биримизни тушунмадик, характеримиз тўғри келмади“, деб кўзлари жовдираб турган болаларидан воз кечиб кетишади. Бунга ким айбдор? Бу саволга ҳеч ким асосли жавоб беролмайди.

Балки бу илмсизликдир! Ундай бўлса, олий маълумотли келин-куёвларимиз эрта ажрашиб кетаётганлигини қандай баҳолаш мумкин? Ҳа, оила деб аталмиш бу сирли масканнинг ўз илми ва кўрсатмалари борлиги шу „ажралиш“ нуқтасида сезилади.

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 6-сири тўғрисида бўлиб, унда:

- оила ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- оилавий ҳаётнинг ҳеч қачон сидирға қувончдан иборат эмаслиги;
- оиладаги муросасизликлар сабаби „Муроса-ю мадора“ тамойилига риоя қилинмаётганлиги ва бунга кўпроқ хотин сабабчи эканлиги;
- оилавий низолар, уруш-жанжалларнинг туб илдизлари;
- оила — бу доимий руҳий зуриқиш гулдастаси эканлиги;
- оила деб аталмиш бу сирли масканнинг ўз илми ва кўрсатмалари борлиги кабилар ёритилган.



Лао-Цзи

(Эрамингача IV—III аср)

Қадимги Хитой ёзувчиси, файласуф.

„Эзгулик йўли ёки куч ва ҳаракат ҳақида“.

„Яхши тарбияланмаган фарзанд учун ота ҳамиша маънавий зиндонда бўлади. Ўзи озод бўлгани билан, руҳи азоб чекади“.

Муаллиф

7- сир. Фарзанд тарбияси ва осудалик

Фарзанд эр-хотиннинг меҳр-муҳаббати асосида қурилган ихтиёрий иттифоқ мевасидир. Абдурауф Фитрат айтганидек:

„Уйланишнинг биринчи мақсади фарзанддир. Авлодни тарбиялаш инсониятнинг хизматидир. Қачонки, биз яхши ахлоқ эгаси бўлган фарзандларни тарбияласак, шундагина буйнимиздаги бу хизмат мажбуриятдан соқит бўламиз. Кимки, бадахлоқ болаларни тарбия этса, инсониятга хизмат эмас, душманлик қилган бўлади. Жамият уларнинг фарзандларидан безор бўлади. Хуш ва яхши ахлоққа эга бўлган фарзанд иймон соҳиби бўлган ота-онадан бўлади, агарда ота-она ахлоқсиз бўлсалар, уларнинг тарбияси соясида ўсган фарзанд ҳам бадахлоқ бўлади“.

Агар шундай бўлмаганда бутун дунё муаллими деб ном қозонган не-не алломай замонлар, олиму фузалолар ўз фарзандлари, зурриётлари кўрсатган „каромат“лар олдида ер чизиб қолишармиди? Мирзо Улуғбекдек буюк сиймонинг боши ўғли Абдуллатиф фатвоси ила кесилармиди? Шайхлар „Ҳақ таолонинг икки Яҳёси бор: бири — наби, иккинчиси — вали!“ деган таърифга сазовор Яҳё бин Муоздайин донишманд инсоннинг жонига ўз фарзанди қасд қилгани не ҳол!

Ва бунинг акси: ўз дилбанди Ҳумоюн Мирзо ўрнига азиз жонини инъом этган Бобурмирзо мардлиги, матонати мозийдан барчамизга аён. Энди тарих гилдираги ортга айланиб, ота ўлим тўшагида ётса, Ҳумоюн Мирзо ҳам ўзини садқа қилишга куч-қудрат топа олармиди? Буниси жумбоқ! Шунинг учун ҳам ўзбек маърифатпарвар зиёлилардан бири Абдулла Авлоний XX аср бошларида тарбия масаласига жиддий эътибор қаратиб, у миллат келажагини белгилайдиган ўта муҳим масала эканлигини, айтиб:

*„Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё саодат,
ё фалокат масаласидир“, —*

деганида нақадар ҳақ эди.

Баъзан ўйланиб қоласан киши. Нега инсоният қадимдан бугунгача тарбия мавзусида ўлмас асарлар яратган-у, бу масала ҳануз долзарб бўлиб қолмоқда? Нега фарзандларимиз камоли тўғрисида етарлича гашвиш чекмаймиз?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 6- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- тарбиянинг инсон камолоти, насл тозалиги ва миллат равнақининг асосий шартлари ва гарови эканлиги;
- фарзандларга тўғри тарбия бериш, оқ-қорани танитиш, яхши ёмоннинг фарқига боришни ўргатиш ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи эканлиги;
- фарзанднинг ота-она олдидаги 80 та қарзи;
- фарзанд тарбиясидаги сир-синоатлар;
- тарбияда танаффус бўлмаслиги;
- тарбия масаласида огоҳлик, ҳушёрлик ва масъулиятни зинҳор унутмаслик лозимлиги;
- тарбияга ҳамма масъул эканлиги;
- аччиқ данак экиб, ширин мева кутмаслик, ҳар бир киши экканини олиши;
- ота-она билан фахрланиш улкан бахт, аммо фарзандлар билан фахрланиш ҳаммага ҳам насиб қилавермаслиги кабилар ёритилган.



Цицерон Марк Туллий

(Мил. авв. 490 — 425)

Рим ёзувчиси.

1. Сиёсий, ҳуқуқий мавзуда чоп этилган юзлаб маърузаларнинг 58 таси бизгача тўлиқ ва қисман етиб келган.

2. Нотиқлик санъати, сиёсат ва фалсафага бағишланган 19 та асари, 800 дан зиёд мактублари ҳозирга қадар сақланиб қолган.

„Менга яхши оналарни беринг, мен дунёни яхшилаيمان“.

Олдос Хаксли (инглиз ёзувчиси)

8- сир. Ота-она ва осудалик

Она — дунёда энг табаррук зот. Она — ҳаёт боши, фарзанд ижодкори. Севимли шоирамиз Турсуной Содиқованинг таъбири билан айтганда, аёл она бўлгач, баланд пардаларда жаранглаши тўхтади — жами қўнгироқларини боласига илиб қўяди-да, бутун вужуди қулоққа айланиб, уни тинглагани тинглаган! Фикрати битта дуода михланиб қолган: „Илоҳим, боламини асра, боламини асраб берсанг бўлди!“ Жисми-жони шу жумлани туну кун шивирлаб яшайди.

Она фарзанди учун ҳар қандай қийинчиликларга бардош беради, чидайди, фарзанди учун чекилган бу ниҳояси йўқ кулфат, машаққатлардан хафа бўлиш ўрнига, аксинча, ўзини бахтиёр ҳис этади. Она фарзандининг эмизакли айёмида ширин уйқудан кечиб, бедорлик дардини тортган онларини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Йиғисининг боисини англаш учун ўртанган ҳолатларини, тили чиқмаган чақалоқнинг истагини кўз олдингизга келтиринг.

Айниқса, ҳар куни фарзандини ифлос ва чиркинликдан тозалаши, ўзининг барча зарур ишларини ва дам олишларини йиғиштириб қўйиб, ҳамиша фарзанд билан банд бўлишини тасаввур қилинг. Она учун гули лола бўлган фарзандининг либосини ювиб тозалайди, ямаш ва тикиш, иссиқ ва совуқдан асраш, ҳар бир азият чекувчи нарсалардан эҳтиёт бўлиш каби ишларни меҳр билан бажаради.

Фарзанди касал бўлиб қолса, фақат жисмонан эмас, руҳан изтиробга тушади. Кўз ёшларини оқизиб, кечалари ухламай, алам ва огриқ азобида ётган фарзанди устида ўтириши — буларнинг ҳамма-ҳаммаси фақат онага хос. Бола ҳам она дейди, она ҳам ОНА дейди.

Хўш, айтинг-чи, онадек улуғ зотнинг шундай изтироблари ҳар доим ҳам ёдимиздами? Улар олдида бир умр

қарздорлигимизни биламизми? Баъзида „онамиз ёнимизда-ку, юрибди-ку“, деб, кўнгилни тўқ қилиб, кўнгил олишга шошилмаслигимиз тўғрими? Аммо биз ўйламаган, кутмаган пайтда айрилиқ келади-ю, шундагина она биз учун ёруғ дунёдаги ёлғизгина дўстимиз эканлигини наҳотки англамасак? Англаш учун айрилиқни қутмаслик, онаизорларимизни йўлимизда интизор қилмаслик оддий ҳақиқат эканлигини наҳотки билмасак?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 8- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- ота-она ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- жаннат оналар оёғи остида эканлиги;
- ота-онанинг қадр-қимматини на бойлик, на зебу зар билан ўлчаб бўлмаслиги;
- жаҳонда нимаики оқ бўлса, унга она сути тимсол эканлиги;
- онани ҳам она, машҳурларни ҳам она туғишини;
- баъзи ота-оналарнинг кексалик умрларини „қариялар уй“ларида ўтказаётганлари;
- нимаки жўшқин ва қайноқ бўлса, унга ҳам она меҳри тимсол эканлиги;
- нимаки чидамли, сабр-тоқатли бўлса, ота-она иродаси тимсол эканлиги;
- кимда-ким пок муҳаббат, меҳридарёлик даъво этса, онанинг пок қалби тимсол эканлиги, шу боис, она юртим ва она тилим дейишимиз кабилар ёритилган.

Сулаймон
алайҳиссалом
(Соломон)

Довуд алайҳиссаломнинг ун икки ўғлидан кенжаси; мил. авв. 1033 йилда туғилиб, 973 йилда вафот этган; отаси каби ҳам пайгамбар, ҳам подшоҳ бўлган; 20 ёшида тахтга ўтирган; унга девлар, парилар, инс-жинслар, ҳайвонот дунёси, қуш, қумурсқалар, даррандалар ва шамол устидан ҳукмронлик ҳам берилган; 700 хотини, 300 чўриси бўлган; 40 йил подшоҳлик қилиб, 60 ёшида оламдан ўтган.

„Тарихнинг энг давомли, адоғи йўқ ва энг аччиқ уруши келин-қайнона урушидир“.

Муаллиф

9- сир. Қайнона-келин ва осудалик

Осудаликни бузадиган, унга кушанда бўладиган ўта хавфлардан бири — бу қайнона-келин муносабатидаги нотинчлик. Сир эмас, оилавий муносабатларда келишмовчиликлар бўлиб туриши табиий. Лекин энг кўп тилга олинадиган ва оиладагиларнинг ҳаловатини, тинчлигини бузадигани — бу қайнона-келин муносабатларидир. Дунёнинг энг эски уруши ҳам қайнона-келин урушидир. Одам алайҳиссалом замонидан бери инсонлар ўртасида можаро бор. Сабаби, бу дунё — имтиҳон дунёси. Шу сабабли инсонни баъзан қайнона билан, баъзан қайнота билан имтиҳон қилади. Эҳтимол, қайнона ва қайнотаси бўлмаганларнинг имтиҳони йўқдир?

Бор! Имтиҳонсиз дунё йўқ. Масалан, Ҳазрати Одам Ато ва Момо Ҳавонинг на қайноталари, на қайноналари бор эди. Шунга қарамай, улар имтиҳондан қутулмадилар. Яратган уларни шайтон билан имтиҳон қилди. Шайтон Момо Ҳавони чалғитди. Ман этилган жаннатмакондан олмани узиб ейишни даъват этди. Одам Ато шу ишни бажарди ва Яратганнинг буюрганига зид иш қилди. Уларнинг ўртасида низо чиқди ва жаннатдан ҳайдалишди.

Ҳа, дунё имтиҳон дунёсидир. Бу ерга ҳаммамиз синаш, синалиш ва танланиш учун жўнатишганмиз. Шу ҳақиқатларга қарамай, биламизки, кўп кишилар, айниқса, қайнонаси билан шикоят қилади. Социологик тадқиқотлар натижалари оиладаги жанжалларнинг 60 — 70 фоизи қайнона айби билан содир бўлишини исботлади. На илож, рақамлар жуда ҳам ўжар.

Хўш, нега қайнона ва келин муаммоси минг йиллардан буён инсонларнинг бошини қотириб келяпти? Нима учун хилма-хил давлатлар, бутун-бутун халқлар бир-бири билан тил топишиб, аҳил яшаётган бир пайтда бир хонадондаги икки аёл ўзаро мурося қилолмайди, бири иккинчисининг ҳаётини заҳарлайди?

Севимли ёзувчимиз Турсуной Содиқова қайноналарга шундай саволлар билан мурожаат қилади:

„Айтинг-чи, келин фарзандингиз қатори фарзандми ёки хизматқорми? Агар фарзанд бўлса, нега қизингизга буюрмаган ишни келинга буюрасиз? Нега қизингиз бажарган ҳар бир ишга шукур келтириб, дилингизда-ю тилингизда миннадор бўласиз-у, келиннинг бажарган ишини кўрмай, бажара олмаган ишини санаб юрасиз?

Қизингиз хато қилса кечирасиз, хафа бўлса юпатасиз. Нима учун келинни кечирмайсиз, кайфияти билан ишингиз йўқ? Келин қилган овқатни ейсиз, у супуриб-сидирган жойларда елпиниб ётасиз, аммо тилингизда тинмай унинг гийбати бўлади? Бир эркакни эпақага солиб юриш ўзи гурбат. Унинг хизмати, эрнинг хизмати, бола инжиқлиги дастидан чўзилиб-чўзилиб узилишга келган келинга тинмай кесатиқ қиласиз?

Нима қилиш керак? Келин бечоранинг гуноҳи нима? Хўш, қайнона ва келин ўртасидаги азалий можаролар, ихтилофлар абадийми? Унинг не сабаблари, омиллари, баҳоналари бор? Ана шу ихтилофга барҳам бериб, муроасага келиш мумкинми?“

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 9- сири тўғрисида бўлиб, унда ана шу саволларга жавоблар атрофлича ёритилган.



Суқрот

(мил. авв. 470 — 399)

Юнон файласуфи. „Черков тарихи“ унинг бизгача етиб келган ягона асари ҳисобланади. У асар Рим империясининг бир ярим асрлик тарихини ўз ичига олади.

„Осудалик, энг аввало, саломатлик
демакдир“.

Муаллиф

10- сир. Саломатлик ва осудалик

„Саломатлик“ сўзига *тан-жони соғ, сиҳат-саломатлиги, соғлиғи яхши, эсон-омонлик*, деб талқин берилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Инсон борки, тинч ва осуда, бахтли-саодатли умр кечирishi орзу қилади. Бироқ бунинг учун кишига, биринчи навбатда, сиҳат-саломатлик зарур экани ҳеч кимга сир эмас. Зотан, одам соғ бўлмаса, унга ўйин-кулги ҳам, хотиржамлигу қувончли онлар ҳам татимайди.

Ҳа, ҳаёт соғлиқ билан чароғон. Минг афсуски, буни қачонки тўшакка миҳланган пайтларимиздагина кўпроқ ҳис қиламиз. Атрофга қаранг, тақдирми, пешонами, Аллоҳнинг қудратими, бу ҳаётда турфа ногиронлар бор. Уларнинг ягона орзу-умидлари СОҒЛИҚ. Соғларга ҳавас билан яшашади. Соғлар-чи? Соғлиқ қадрига етишяптими?

Аслида, тирикликнинг ўзи буюк неъмат, буюк бахт. Оёқлар олиб юрса, қўллар таом едирса, шу бахтни авайлаш, асраш керак. Гоҳо-гоҳо оғриб қолсангиз, дунё кўзингизга тор бўлиб кетади. Бор бойлигингиз билинмайди, кўринмайди. Соғлиқни излайсиз.

Буюк комик актёр Эд Уинндан „Ҳаётда Сиз учун энг азиз нарса нима?“ деб сўрашганда, у: „Агарда соғлиқ бўлмаса, бойлик ва обрў арзимас нарсалардир“, деб жавоб берган. Дарҳақиқат, бу қандай ҳолки, инсон обрўли ва бадавлат бўлса-ю, соғлиғи бўлмаса. Дунёда бирор-бир одам йўқки, сиҳат-саломатликни бирор нарсага алмаштиради. Инсон машҳурликка эриша олиши мумкин, аммо бу ҳам тулиқ бахт ёхуд тулиқ осуда ҳаёт дегани эмас.

Биласиз, Ибн Сино ҳазратлари инсоннинг ўртача умри 120 — 150 йил бўлиши кераклигини бежиз айтиб кетмаганлар ва эндиликда дунё генетик олимлари бу башоратни илмий жиҳатдан исботлашди ҳам. Аммо бугун одамзод ўртача дейиладиган умрдан ҳам анча паст яшаяпти.

Унинг асосий сабабини тадқиқотчилар саломатлик учун қайгурмаслик, соғлом яшашнинг жуда оддий қоидаларига ҳам амал қилмаслик оқибати дейишмоқда.

Хўш, ҳар қандай хасталикнинг олдини олиш ёки соғлом турмуш тарзига амал қилиш учун бизларга нималар халақит берапти? Наҳотки, ҳаётнинг ёзилган ва ёзилмаган қонунларига риоя қилиш жуда мушкул бўлса?!

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 10- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- саломатлик билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- соғлиқдан буюк неъмат йўқлиги ва касалликдан олдин соғлиқни ғанимат билиш лозимлиги;
- соғлиққа панд берувчи омиллар ва сабаблар;
- бетоб подшодан соғлом гадо минг карра бахтиёр эканлиги;
- сиҳат-саломатликни сураб кўпроқ дуо қилиш лозимлиги;
- соғлом турмуш тарзига риоя қилиш йўллари;
- бахтимизнинг ундан тўққиз улуши соғлиғимизга боғлиқлиги кабилар ёритилган.



Демокрит

(Эрамизгача 460 — 370 йиллар)

Қадимги юнон материалист-файласуфи. Унинг ўз даврида ёзган асарлари 70 тадан ортиқ бўлса-да, бугунги кунда уларнинг биронгаси сақланмаган.

1. „Гуллар ҳақида“.
2. „Ҳиссиёт ҳақида“.
3. „Шеърият гўзаллиги ҳақида“.

„Инсонни фақат эзгу ва собит мақсад муваффақият сари етаклайди“.

Муаллиф

11- сир. Мақсад ва осудалик

Мақсад — бу муддао, мурод, яъни у ёки бу ниятга эришмоқ учун кўзда тутилган муштарак орзу. Айнан, шу мақсад киши фаолиятини амалга оширишга, ўз орзуларининг ушалишига йўналтиради. Ўзини билган, умрининг моҳиятини англашга интилган одам боласи борки, катта-ми-кичикми, бирор мақсад билан яшайди, ўша мақсадини рўёбга чиқаришга интилади.

Мақсадсиз одам ҳеч нарса қила олмайди, мақсади катта бўлмаган одам буюк ишларга эриша олмайди. Наполеонни „Уйғонинг, сизни буюк ишлар кутмоқда!“ деган сўзлар билан уйғотишгани унинг мақсади буюк бўлганидан далолатдир. Майда ишларга зеб берган одам буюк ишларга ноқобил бўлса, улуғ инсонларнинг мақсадлари ҳам улуг бўлади.

Улар оламшумул ишларни амалга ошириш учун бутун борлиқларини багишлайдилар. Натижада ғоят улкан ишларни бажариб, тарих саҳифаларидан мангуга жой оладилар. Искандар Зулқарнайн, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Навоий, Шекспир, Бобур, Неру сингари инсонларнинг амаллари фикримиз далили бўла олади.

Бундай буюк зотларни бутун инсониятнинг фарзандлари башарият юлдузлари деб тан оладилар. Улар ўз замонларидаёқ ўзлари мансуб бўлган миллат, мамлакат доирасидан чиқиб, олдиларига қўйган мақсадлари ва амалга оширган ишлари билан оламшумул моҳият касб этганлар.

Ҳар ким бирор ишнинг талабида қадам қўйса, бу ишнинг қийинчиликларига чидаши, мақсад каъбаси сари йўлга чиққан одам заҳмат саҳросидан чўчимаслиги, ундаги барча ғовларни енгиб, муродига етиши керак. Бўрон пайтлари кўчага чиққан Цезар айтган экан:

„Мақсадим бўрондан эсон-омон чиқиш эмас, кўзлаган манзилга албатта етиб боришдир“.

Хўш, айтинг-чи, Сизнинг аниқ мақсадингиз борми? Ёки „Нимадир қилиш керак ...“, „Нимадир дейиш керак...“, „Нимадир ёзиш керак ...“ қабилидаги мақсадсиз кишиларнинг гапи соясида яшаб келяпсизми? Мақсадсиз ёки аниқ мақсади йўқ кишилар осуда яшашларини таъминлай олишлари даргумон эканлигини биласизми?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 11- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- мақсад билан осуда яшаш ўртасидаги боғланиш кучи;
- дарёда сузмаган қирғоққа, ҳаётга интилмаган мақсадга етолмаслиги;
- ҳаётдаги мақсад инсон қадр-қиммати ва бахтининг асоси эканлиги;
- инсон бор кучини ишга солиши учун ўз олдига илҳом бағишлайдиган бирор-бир эзгу мақсадни қўймоғи лозимлиги;
- мақсад — бу навбатдаги босқичда „жанг“ билан забт қилинадиган бамисоли чўққи, буни зинҳор унутмаслик лозимлиги;
- миқдоран ўлчовга, меъёрга эга бўлмаган мақсад — бу сароб эканлиги;
- ўз кучига яраша мақсад қўйиш лозимлиги;
- номуносиб воситаларни оқловчи мақсад ҳеч қачон юксак мақсад бўлолмаслиги кабилар ёритилган.



Ангисфен

(Эрализгача тах. 435 — 370 йиллар)

Қадимги юнон файласуфи, кинизм назариясининг асосчиси. Сукрот мактабининг машҳур намоёндаси, кўплаб афоризмларнинг муаллифи.

„Барча инсонлар бахтли ҳаёт кечиришни орзу қиладилар-у, бироқ бунинг учун Осуда яшаш тамойилларига риоя қилиш зарурлигини унутиб, катта хатога йўл қўядилар“.

Муаллиф

12- сир. Бахт ва осудалик

„Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да „бахт“ сўзига шундай таъриф берилган: „Бахт — бу ҳаётдан тўла хурсандчилик, мамнунлик ва беармонлик ҳолати, омад, толеъ, иқбол“. Инсон борки, бахтли бўлишни орзу қилади. Бахт ҳақида ҳаёл сурмаган, унинг ҳаяжонли лаҳзаларини юракдан ҳис қилишни истамаган одам топилмаса керак.

Хўш, неча асрлардан бери инсоният орзусида яшаб, ҳаммани ўзига илҳақ қилган бахт ўзи нима? Одамзод бу саволнинг жавобини умрининг охиригача излайди. Сабоби, унинг мезонини ҳамма ўз қаричи билан ўлчайди. Ким учундир бу бойлик бўлса, яна ким учундир соғлиқ. Кимдир маънавий тўқисликни, бошқа биров моддий тўқисликни бахт деб тушунади.

Ким учундир бахт — бу шуҳрат, мартаба. Яна ким учундир бир бурда нонни ҳалол қилиб ейиш — бахт. Кимдир бахтни муҳаббатдан ва яна кимдир алланималардан ахтаради. Хуллас, ҳар бир инсон бахт тушунчасини ўзича талқин қилади. Чунки бахтни ҳеч ким тўлиқ англаб етмаган. Агар уни тўла-тўқис англашнинг иложи бўлганда эди, аҳамияти бир пуллик бўларди.

Модомики, ҳаммани бирдек бахтли қилишнинг иложи йўқ экан, унда ўзгалар бахтидан ўз бахтини излаганлар ҳақ эдими? Бундайлар қаторига не-не зотлар кирмаган дейсиз: икки олам сарвари, Улуғ яратувчини ўз ҳабиби деб билган Муҳаммад (с.а.в), „Туркий тилда кўп ва хўп ёзган“ (Бобур таърифи) улуғ бобомиз Алишер Навоий, буюк юнон файласуфи Платон, ўрта асрларда илм-фанни юқори чўққига олиб чиқишга интилган инглиз олими ва файласуфи Френцис Бекон, ўша машҳур „паҳмоқсоч“ Эйнштейн, донишманд Лев Толстой... Бу рўйхатни хоҳлаганча давом эттириш мумкин.

Хуш, шундай улуғ зотлар нега ўзгаларни бахтиёр этишни мақсад қилишган? Эҳтимол, ўзгаларнинг бахтли бўлиши бизнинг ҳам бахтли бўлишимиздир? Биз билмайдиган нимадир бор шекилли!..

Эҳтимол, форс-тожик шоири Фаридиддин Атторнинг (1150 — 1230) ушбу шеръий сатрлари бахт ва бахтиёрлик тушунчасига бироз аниқлик киритар?


Тўртта нарса бахтиёрлик белгиси,
Кимда бўлса ушбу тўрт кўпдир эси.
Асли поклик бахтиёрликка далил,
Бадаслга тожу тахт эрмас ҳазил.

Бахтиёрларнинг иши доим савоб,
Кимки бадбахдир иши доим азоб.
Қалби покликдир яна бошқа далил,
Кимни қалби пок бўлмас запил.

Умримиз беш кун каби дунёда оз,
Ўйламайдир кимники ақли саёз
Яхшимас қувмоқ даҳрнинг лаззатин,
Айламоқ лозим эрур эл хизматин.

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 12- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- бахт билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- умр — ўткинчи. Бахт сароб. Қисмат беаёв эканлиги;
- Яратганни таниган инсон ҳамма нарсадан бахтни топа олиши мумкинлиги ёхуд бахтимиз оёғимиз остида эканлиги;
- бахтли бўлиш сирлари, уни инсоннинг ўзи ярага олиши, яъни инсон асл бахтни ўзидан, ичидан ахтариши лозимлиги;
- бахт формуласи, унинг мезони кабилар ёритилган.



Диоген

(Эрамингача тах. 412 — 323 йиллар)

Қадимги юнон файласуфи. Антисфеннинг шогирди, киниклар мактабининг асосчиси.

„Тўғри танлаб олинган касб одамнинг қисматига айланиб қолади“.

Муаллиф

13- сир. Касб ва осудалик

„Касб — бу иш-фаолиятнинг маълум тажриба, тайёр-гарлик талаб этадиган бирор тури, соҳаси, ҳунар“ дейилган „Ўзбек тилининг изоҳли лугати“да. Ҳаёт деб аталмиш бу мўъжизада ҳар бир жонзот ўзича умргузаронлик қилади. Кимдир яшамоқ учун бошқаларга зугум ўтказади, тилкалайди, охири ўзи ҳам бир кун бошқа зўравондан тилкапора бўлади. Қай биридир умрбод пана-панада зўрлардан яшириниб кун кечиради, қўрқиб, титраб ризқини териб ейишни касб қилиб яшайди.

Ҳаётнинг гултожи бўлмиш инсонлар ҳам турлича яшайдилар. Ҳар ким ўз имкони, иқтидори ва олган тарбиясига яраша бирор-бир касб эгаси бўлиб фаолият кўрсатади. Кимдир меҳнат қилиб ўзига ҳалолидан ризқ топади, кимдир ўғирлик қилиб умргузаронлик қилади. Яна кимдир умрбод ижод билан, яратувчилик билан шуғулланади, кимдир одамларни алдаш, фирибгарлик, ёлғон-яшиқ ишлар, хуфиёна ҳаракатлар билан кун кўриш, бойлик орттиришни касб қилиб олади.

Ҳалол, пок яшаш ва бахтли бўлишни ният қилган инсон, энг аввало, ўзига муносиб касб-қор танлайди, ёшлигидан бирор-бир касбга меҳр бериб, интилиб яшайди. Яқин кишилари, устозларнинг ишини кўриб, ҳавас қилади. Шу орзу-ҳавас, меҳр туфайли ҳам қайсидир киши „Мен отам қаби етук шифокор бўлмоқчиман“, деса, иккинчиси „Ўқитувчи ёки муҳандис бўламан“, дейди, учинчи бир киши иқтисодчи ёки қўли гул уста бўлишни орзу қилади.

Ҳа, тўғри танланган касб киши умрини, ризқини мувозанатда сақлайди. Ундан ҳам муҳими, ҳақиқий ҳунарманд, касбли одамдан ўғри, юлгич, лоқайд ва исрофгар чиқмайди, чунки у меҳнат қилиш, ясаш, яратиш азиятини яхши биледи. Дунё неъматларини қадрлайди, чунки ўзи бир нарсага эришиш заҳматини туйиб кўрган.

Касбу коринг, хунаринг бўлса, насибанг тайин, қишлигинг, ёзлигинг тайин, бир маромда осуда умр кечирансан, ризқинг ўзи орқангдан эргашиб юради.

Хунарни қадрламаган оч қолади.

Байт:

Ҳар ким анжир сотиб қорни бўлса тўқ,
Унга шу хунардан устун хунар йўқ.
Инсон хунаридан ҳурмат кўради,
Дунёда не экса шуни ўради.

Хуш, муносиб касб танлаш учун нималар қилиш керак? Ушбу ҳақида жиддий ўйлаганмисиз?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сирини“ номли туркумнинг 13- сирини тўғрисида бўлиб, унда:

- касб ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- инсон бахтли бўлиши учун, аввало, ўзига муносиб касб-кор танлаши лозимлиги;
- касбнинг хилини эмас, балки тилини топган бўйиши мумкинлиги;
- ҳалол касб қилиш тоғни кўчиришдан оғир эканлиги, яъни ҳар бир касбнинг машаққати борлиги;
- ўз касбини севиш, унинг фаҳри билан яшаш ва унга садоқат билан ишлаш буюк бахт эканлиги;
- Аллоҳ таолонинг хунароманд мўминни севиши;
- хунар, касб-кор инсон ҳаётининг безағи эканлиги;
- касбда кўнимли, садоқатли, фидойи, ташаббускор бўлиш лозимлиги кабилар ёритилган.



Платон

(Эр. олд. тах. 427 — 347 йиллар)

Қадимги юнон файласуфи, Суқрот шогирди, Арастунинг устози.

1. „Қонунлар“.
2. „Давлат“.
3. „Хатлар“.

„Илмда адашмаслик, билим олишда эса, алданмаслик керак“.

Муаллиф

14- сир. Илм ва осудалик

„Кишининг ўқиш, ўрганиш ва ҳаётий тажриба орқасидан орттирган билими маълумот, дониш илмдир“, дейилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Донолар ҳеч вақт илм ўрганмасдан туриб бирор ишга киришмасликка, ҳар илмни ўрганган киши унга амал қилишига, амални сидқу ихлос билан бажаришга, илм эгаларини инкор этмасликка, доимо илмнинг қадрини баланд тутишга, унга гард юқтирмасликка даъват этадилар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир ҳадисларида: *„Олим бўл, ё илм толиби бўл, ё илм эшитувчи бўл, ё илмиларни яхши кўрувчи бўл, аммо бешинчиси бўлмагилки, ҳалок бўласан“*, деганлар. Бешинчиси илм ҳам олмаган, илм олишга ҳам интилмаган, ҳеч бўлмаганда, олим ва илм толибларини яхши ҳам кўрмаган кишидир.

Педагогика фанининг асосчиларидан бири Абдулла Авлоний „Илм — дунёнинг лаззати. Илм инсон учун гоят олий ва муқаддас бир фазилатдир. Зероки, илм бизга ўз ақволимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур“, деб ёзган эди. Илмли кишининг хор бўлмаслиги, ҳамиша эл назарида қолишига доир кўплаб ривоят ва афсоналар бор. Маърифатли одам атрофни қўлидаги чироқ билан эмас, кўнглидаги чироқ билан ёритиб, нур таратади. Унинг қалби ҳам, руҳияти ҳам доимо тетик, ўзида бори билан ҳеч қачон қаноатланмайди, ҳеч нарса билмаслигини камтарлик қилиб тан олади.

Ривоят қилишларича, улуғ алломанинг ҳузурига кириб келган шогирдлардан бири шундай дейди: „Устоз, мен билимларнинг барчасини эгаллаб бўлдим, мени бир имтиҳон қилиб кўрсангиз“. Аллома ажабланибди: „Ахир бу мумкин бўлмаган ҳол-ку?! Қани, синасам-синай. Охурдаги хашакни сутга айлантириб бер-чи?“ Шогирд ажабла-

ниб, елка қисибди: „Қандай қилиб?“ Устоз кулибди: „Бир сигир қилган ишни билмайсану, билимлиман, деб мақта-насан...“, дея устоз ўз шогирдига дашном берган экан.

Қиссадан ҳисса шуки, одам қанчалик кўп билса, ўқиб ўрганса, шунчалик ўзининг ожизлигини сезиб боради. Чунки илм — бу чексизликдир. Буюк алломамиз Ибн Сино ҳам билиминг чуқурлашган сари билимсизлигинг ҳам ойдинлашиб бораркан, деб қуйидаги сатрларни келтиради:

Жаҳонда қолмади, мен билмаган фан,
Ёздим бор жумбоқни тафаккур билан.
Ва лекин тузукроқ ўйлаб қарасам,
Билдимки, ҳеч нарса билмас эканман.

Эътибор беринг, бу сўзлар шунчаки камтарлик ифода-си сифатида тилдан учмаган. Чинакам донишманд эгалла-ган илмни атрофдагилар юксак деб кадрласалар-да, унинг ўзига билими кам бўлиб гуюлаверган ва илм олиш ҳара-катидан то сўнгги нафасига қадар тинмаган.

Айтинг-чи, илмнинг осудаликка бўлган даҳлдорлиги нималардан иборат? Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сир“ номли туркумнинг 14- сирини тўғрисида бўлиб, унда:

- илм билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- илм олиш ҳар бир инсон учун фарз эканлиги;
- билимсизлик нотинчликнинг дояси эканлиги;
- илм олишнинг машаққатлари;
- илмнинг бойликдан устунлиги;
- олимнинг уйқуси жоҳилнинг ибодатидан афзал-лиги кабилар ёритилган.



Искандар Зулқарнайн

(мл. авв. 356 — 323)

Улуғ саркарда ва кўмондон Искан-дар Зулқарнайн (Александр Македон-ский) дунёнинг ярмини босиб олган. У ўз даврининг буюк кишиси эди.

„Ғам-ташвишдан холи, юзи
ёруғ бўлиб осуда яшашни иста-
санг меҳнат қил“.

Муаллиф

15- сир. Меҳнат ва осудалик

Турмушни ҳар жиҳатдан беками-қўст, беташвиш ўт-казиш инсоннинг қўлида. Бунинг манбаи эса, меҳнат. Ҳазрат Навоий инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган ва уни ҳамиша азизу мукаррам этган омиллардан бири меҳнатдир, деб лутф этадилар. Зеро, меҳнат дунёдаги барча шодлик ва эзгуликларнинг манбаидир. Ҳар қандай бахт қошонасининг эшиклари фақат ва фақат меҳнат калити билан очилади.

Ривоят. „Бир донишманддан сўрадилар:

— Ҳаёт машаққатларини қандай енгиш мумкин?

Донишманд жавоб берди:

— Тоғдаги тош йўнувчи устанинг меҳнатини кўрган-мисизлар? У бир парча тошни тоғдан ажратиб олиш учун юз марта болға уради. Тош метиндай тураверади. Юз биринчи уришда эса, тош бўлинади. Гуё сўнгги болға зарби ишни ҳал қилгандек. Аслида юз марта болға урилмаганида юз биринчисида тош ҳеч вақт бўлинмас эди“.

Ҳаёт машаққатларига чидаб яшаган одам бир кун мақсадига эришади. Меҳнат қилган ҳаётдан нолимайди, кишиларни алдамайди, меҳнатсиз турмуш эса, бандасини ҳар балога бошлайверади. Ноҳалол, ноқонуний йўл билан пул топиш, гадойчилик қилишга етаклайди. Қамоққа тушишга ундайди. Оила аъзоларнинг боши қашшоқликдан чиқмайди.

Улуғ мутафаккир ёзувчи Л. Н. Толстой: „Агар бирор кун ишламасам, ўзимни ўзим ўлдирардим“, деб бежиз айтмаган. Ялқовлик дунё ва охиратда хайрсиз бир нарсадир.

Ҳўш, нима учун баъзан ўз-ўзимизни алдаймиз. Ўзимизни нима биландир банддек қилиб кўрсатамиз? Бошқаларнинг назарида, ўзимизни меҳнат қилаётгандек кўрсатишимиздан не наф?! Ахир ҳаракатларимиз ўз ҳаётимизнинг фаровон бўлиши, осуда яшашимиз учун-ку?! Агар

Ўзгаришлар осудалигимизни, оромимизни бузадигандек туюлса, ҳаммасини асл ҳолича гашлаб қўя қоламиз. Меҳнатдан кўра дам олишни, илм олишдан кўра ўйин-кулгини афзал кўрамиз. Ҳақиқатдан кўра бўхтонни, ишончдан кўра умидсизликни хуш кўрамиз. Қумурсқаларда бўладиган тиришқоқликни, асалариларда бўладиган ғайрат ва шижоатни унутамиз. Биз бунга кўниқиб қолганмиз ва кўпчилик шундай қилгани учун, беихтиёр Сиз ҳам шуни такрорлайсиз. Нега ўзингизга ўхшамайсиз, ўзингизни ўзгартирмайсиз, ўзингизни таҳлил қилмайсиз?!

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 15– сири тўғрисида бўлиб, унда:

- осудаликнинг бевосита меҳнатга боғлиқлиги;
- меҳнатсиз ҳаёт ўғирлик эканлиги;
- оламни гўзал кўриш, иштиёқимиз, кайфиятимиз, муносабатимиз, аввало, меҳнат-шижоатимизга боғлиқлиги;
- дангасанинг косаси оқармаслиги, унинг нафратга лойиқлиги;
- дангасалик дегани умрни очлик, ташналик, яланғочлик ва оҳ-воҳ чекиш билан ўтказиш эканлиги;
- ялқовликнинг охири хўрлик эканлиги;
- дангасага булут сояси ҳам юк эканлиги;
- буюк аллома Баҳовуддин Нақшбанднинг „Дил ба ёру, даст ба кор“ деган машҳур ҳикматининг бу-гунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги кабилар ёритилган.



Эпикур

(мил. авв. 341 — 270)

Юнон файласуфи.

1. У 300 га яқин асарлар ёзган.
2. Табиат тўғрисидаги 37 та китоб унинг бош асарларидан ҳисобланади.

„Осудаликка интизом кучи билан эришилади“.

Муаллиф

16- сир. Интизом ва осудалик

„Интизом — бу кишиларнинг амал қилишлари, буйсунишлари лозим бўлган қатъий тартиб, қоидалар“, деб тушунча берилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да.

Мақсадни истиқболдаги муваффақият билан боғлайдиган омил — бу тартиб-интизом.

Амир Темурнинг ҳарбий даҳо эканлиги бутун жаҳонга маълум. Унинг бу даражага эришишида интизомлилиги, отасининг насиҳатларига бир умр амал қилиши асосий сабаб бўлган. У бу ҳақида шундай ёзади: „Бир кун отам амир Тарағай менга деди:

— Темур, сенга васиятим шуки, ота-боболарингдек, шариат буйича иш тут. Росулulloҳнинг авлодларини ҳурмат ва эҳтиром қил, сенга тобеъ халққа раҳмдил ва меҳрибон бўл. Қариндош-уруғчиликни узма, бировга ёмонлик қилма. Ҳар бир махлуққа раҳмдил бўл“.

Абдулла Авлоний „Интизом деб қиладурган ибодатларимизни, ишларимизни ҳар бирини ўз вақтида тартиби ила қилмакка айтилуру. Агар ер юзида интизом бўлмаса эди, инсонлар бир дақиқа-да яшолмас эдилар“, деб таъкидлайди.

Интизом — шахс фаолиятида ахлоқий фазилатларни амалга оширишда, қўйилган мақсадга эришишда, ўз кучига ишонишда, бошқаларнинг ёрдамсиз вазифаларни ҳал этишда, мустақил фикрлай олишда, бирор ишни бажаришда бошқа томонга чалғимоқчи бўлган кучларнинг таъсирига берилмасликка, қарашлари ва ишончлари асосида ҳаракат қилишда, ўз вазифаларини ҳал этиш ва ма-лакаларини эгаллашда муҳим аҳамиятга эга.

Интизомли киши аччиқ бўлса ҳам тўғри сўзлайди, рост гапирган одамни ҳурмат қилади. Ёлгончи ва хушомадгўйларга қарши курашади. Вақтнинг қадрига етмаганларни жинидан ҳам ёмон кўради.

Бунга немис файласуфи Иммануил Кантнинг ҳаёти ва турмуш тарзидан мисол келтириш мумкин. Шаҳар кўчаларидаги уйларнинг пештоқидаги соатлар Кантнинг кундалик иш ва яшаш тартиби, унинг йўлдан ўтиб-қайтишига қараб тузатиб турилгани буюк олимнинг ўзига нисбатан ниҳоятда талабчанлигидан, интизомлилигидан далолат беради. Нимжон, касалманд бўлиб туғилган Кант оқилона кун тартибини ҳеч қачон бузмагани учун узоқ ва энг муҳими, ҳар жиҳатдан соғлом ва сермазмун ҳаёт кечирган.

Хуш, айтинг-чи, Сиз ҳам шундай феъл-атворга эгамисиз? Ҳаётда Сиз ўзингизни интизомли деб ҳисоблайсизми? Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 16- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- интизом ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- интизом инсоннинг ақл ва фикрининг ҳақиқий мезони эканлиги;
- интизом яхши хулқларнинг манбаи эканлиги;
- интизомли киши ҳар бир ишни ўз вақтида қойилмақом қилиб бажариши;
- интизомли киши турмуш қоидаларига онгли равишда муносабатда бўлиши;
- интизомли киши ўз фаолиятида аниқ ва интизомли бўлиб, меҳнат вазифаларига, жамоат топшириқларига масъулият билан қараши;
- интизомли ҳар бир киши ўз устида доимий ишлаши лозимлиги кабилар ёритилган.

**Исо
алайҳис-
салом**
(Исус
Христос)

Милоднинг биринчи йилида туғилган; 30 ёшида пайғамбарлик келган ва унга учинчи илоҳий китоб — Инжил нозил бўлган; Исо алайҳиссалом 33 ёшида осмонга кўтарилганидан сўнг, ҳаворийлари ҳар тарафга тарқалишиб, Инжил китобини ёзиб тарқатганлар ва христиан динини барпо қилганлар. (Ҳозир амалда бўлган милодий йил ҳисоби — янги эра, унинг туғилган кунидан бошлаб ҳисобланади.)

„Вақт — ғанимат, беҳуда ўтса —
надомат“.

Муаллиф

17- сир. Вақт ва осудалик

Бу дунёда вақт деб аталмиш одамзоднинг душмани борки, у ҳали бирор кишига шафқат қилмаган. У биз ўйлаганчалик вафодор эмас. Шу оддий ҳақиқатни англаган ҳолда инсон бу дунёга қисқа муддатга синов учун келганини эсдан чиқаради. Одамлар бу дунёга меҳмон тариқасида келганлигини, унинг эгаси борлигини нимагадир тушунмайдилар ва бутун танаси, ақл-идроки ва ҳирси билан бу моддий дунёга, унинг бойликларига занжирлаб ташлангандай боғланиб қоладилар ва қисқа вақт ичида барча бойликларни ишғол қилиш пайида бўладилар.

Шу билан улар ўзларига ўзлари ҳалдан ташқари муаммо яратадилар, уларга эришолмасалар бу дунёдан норози бўладилар, изтироб чекадилар, касаллик гулдастасини орттирадилар. Таассуфки, баъзан бу оддий ҳақиқатни ҳамма ҳам тушуниб етавермайди. Гоҳида кичикроқ бир тadbирларни ўтказиш учун ҳафталаб, ҳатто ойлаб вақт сарфлаймиз-у, бебаҳо лаҳзалар бой берилаётганини ўйламаймиз. Ёхуд бирор нарсамиз қўлдан кетса куйинамиз-у, вақтимиз йўқолгани ҳақида ўйлаб кўрмаймиз.

Беҳуда сарфланган вақт эса қачондир кишини виждон азобига дучор қилиши муқаррар. Шу ўринда XVIII асрда яшаган америкалик шифокор Говард Пеккнинг бу борада битган куйидаги ҳикматли сўзининг мағзини чақсақ чакки бўлмас: „*Вақтни бой бериш ўзини ўзи қатл этиш билан баробар*“. Бу аччиқ ҳақиқатни тан олмай иложимиз йўқ.

Ҳўш, биз ана шу ҳақда ўйлаяпмизми? Вақтимиз қадрига ета оляпмизми? Олтинга тенг дақиқалардан унумли фойдаланаяпмизми? Наҳотки, вақт кескир қилич эканлиги, агар сиз уни кесмасангиз, у сизни қиймалаб ташлашини тушунмасангиз? Ёки ғанимат дамларни фойдали ишларга бағишламоқ учун кимнингдир даъватини кутиб ўтириш шартми? Имкон қадар ўзимиздан яхши ном қол-

дириш учун фурсат кугмоқлик кейинги надоматга сабаб бўлмайдими?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сирини“ номли туркумнинг 17- сирини тўғрисида бўлиб, унда:

- вақтимизнинг бир қисми куч билан тортиб олинши, бир қисмининг умарилиши, бир қисми эса, дангасалигимиздан бекорга оқиб кетиши;
- вақт деб аталмиш олий ҳакам ҳаётимиз давомида қилинган амалларнинг барчасини сарҳисоб қилиши;
- вақт утаяпти, деймиз. Бўлмаган гап. Вақт эмас, биз ўтиб кетаётганимиз, вақт биздан аввал ҳам бўлган, биздан кейин ҳам бўлиши;
- вақт гилдираги ҳеч кимга, ҳеч нимага қарамай, бир маромда айланаётганлиги;
- ганимат фурсатни бой бераётганларнинг хонадо-нида ҳеч қачон тукин-сочинлик, тинчлик-хотир-жамлик бўлмаслиги;
- вақтни беҳуда совуриш — исрофнинг энг оғир тури эканлиги;
- вақтни бой бериш узини-узи қатл этиш билан баробар эканлиги;
- вақт югурмаётганлиги, фақат инсониятнинг кўнгли осойиш ва хотиржам эмаслиги, инсониятга кўнгли хотиржамлиги етишмаётганлиги;
- вақтдан унумли фойдаланиш қоидалари ва осудаликни таъминлаш йўллари кабилар ёритилган.



Сенека

(Мил. авв. 4- мил. 65)

Рим файласуфи, давлат арбоби, шоир ва ёзувчи.

1. „Медея“.
2. „Эдип“.
3. „Геркулес“ трагедиялари ва бошқа асарлар муаллифи.

„Ишонч орзу ва мақсадга етакловчи таянч йўлдир“.

Муаллиф

18- сир. Ишонч ва осудалик

Ҳаётда инсонни яшашга, эзгуликка интилишига даъват этувчи бир неча омиллар мавжуд. Ишонч ана шу омиллардан биридир. Ишонч — қушни парвозларга ундовчи қанот, юксак манзилларга чорловчи маёқ. Одамзод ана шу туйғу билан тирик. Бу туйғу ҳамиша одамларни яшаш учун курашга, эзгу амалларга ундайверади.

Ўзбек халқи қадим-қадимдан бир-бирига ишониб келган. Айниқса, ишончи бор кишилар элда эъзозланган. Халқимиз ҳаётда тўғрилиги туфайли ҳурмат қозонган кишиларга ишонч билан қараганлар. Унинг номини ҳамма жойда фахр билан тилга олганлар. Кимдир уни ёмонламоқчи ёки унга тухмат қилмоқчи бўлса, уни ҳимоя этиб, „Яхши одам“, „Соф виждонли“, „Ҳимматли одам“, „Элпарвар одам“ деб баҳо берганлар.

Ҳўш, ақл-заковат ва донишмандлик бобида тенги йўқ кимсалардан бирортаси айтсин-чи, инсон нималарга ишонсин, қай бир умид билан яшасин, умуман, бу дунёда умрбоқий нарсанинг ўзи нимадир?

- Бойликми? Уни тортиб оладилар.
- Буюкликми? Уни камситишлари мумкин.
- Ҳашамат ва дабдабами? У гойиб бўлади.
- Гузалликми? У сўлиб кетади.
- Қонунларми? Улар ўзгариб туради.
- Камбағалликми? Ундан нафратланадилар.
- Бола-чақами? Улар ўтиб кетаверадилар.
- Дўсларингизми? Улар сизни сотиши мумкин.
- Шон-шухратми? Ҳасад ундан ўзиб кетади.

Шундоқ бўлса-да, одамзод барибир ўз умри давомида ишончга таяниб яшайди, умид билан яшайди. Ҳар қандай умид ва ишонч юракларни қувончга тўлдиради, осудаликни таъминлайди. Шундай экан, ишонч қачон кўнгилларни

тогдек юксалтириши мумкин? Қачонки, у алдамаса, ўзини оқласа, ижобатини топса. Агар ишонч аталмиш туйғу миллат, мамлакат ҳаётига дахлдор бўлса-чи? Унинг ортида эртанги ёруғ кунларнинг умидлари бўй кўрсатиб турса-чи? Унда ишончнинг юки юз карра ортади.

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сирини“ номли туркумнинг 18- сирини тўғрисида бўлиб, унда:

- ишонч ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- ҳар қандай шароитда ҳам инсон ҳамиша ишонч ва умид билан яшаши кераклиги;
- тушкунлик беҳаловатликнинг ини, умрнинг заволи эканлиги;
- ҳар бир киши ўз келажагининг нурафшон бўлиши учун курашиши, изланиши шартлиги;
- орзу-умиднинг чексиз эканлиги, унинг бирига етганинг ҳамон навбатдагиси бошланиши;
- дилдаги орзу-умидлар билан иқбол ўртасида бир кўприк борлиги, у ҳам бўлса, эзгулик сари тинимсиз интилиш лозимлиги;
- мутлақо беташвиш яшаш қийин, лекин ташвиш рўй берган тақдирда тушкунликка тушмай, уни мардонвор енгиб ўтиш иродали инсоннинг иши эканлиги кабилар ёритилган.

Муҳаммад
(соллаллоҳу
алайҳи
вассаллам)

Араблардан чиққан бешинчи ва бугун ба-
шариятга юборилган охирги пайғамбар. Ми-
лодий 571- йил 21- апрелда туғилиб, 632- йил
8- июнда 61 ёшларида вафот этганлар; 610- йил
рамазон ойида 40 ёшларида биринчи ваҳий
келиб, пайғамбарлик неъматини берилган ва у
зогга туртинчи, охирги илоҳий китоб — Қуръ-
они Карим нозил қилинган; Муҳаммад алай-
ҳиссалом охирги умумбашарий дин — Ислом
динининг асосчисидир.

„Карвон кўп. Бироқ ҳар бирининг ўз ризқи бор“.

Муаллиф

19- сир. Ризқ ва осудалик

Ризқ ва осудалик. Буларнинг ўртасида қандай боғлиқлик бор? Ёки боғлиқлик йўқми? „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да „ризқ“ сўзига қуйидагича таъриф берилган:

„Ризқ — бу ҳаёт учун зарур озуқа, овқат, насиба“.

Сир эмас, инсонлар, одатда, кунлари яхши ўтмаслигидан, турмушлари ёмонлашувидан ва рўзгорларининг кемтик бўлишидан ҳамиша ҳадикда яшашади. Ҳамма ана шу кемтикларни тўлдириш учун эртадан кечгача югуради. Ҳаётини яхшилаш учун бутун билими, заковати, бойлиги, салоҳиятини сарфлайди. Бу йўлда ақл бовар қилмайдиган „тадбир“ларга, ҳийла-найрангларга ҳам боради. Оқибатда „ризқ ахтариб“ руҳий хотиржамликдан, оилавий фарогатдан, маънавий камолотдан маҳрум бўлади.

Инсон ўз ризқи билан туғилади ва ҳозиргача ҳеч ким ризқи тўхтаб қолиб, очликдан ўлмаган. Аллоҳ ҳаммага ризқни меҳнатига яраша беради. Ундан кўп ҳам эмас, кам ҳам эмас. Ҳамма насибасини инсон ўзи териб ейди.

Донолар айтади: „Дунё йўл бошида ёқиб қўйилган оловга ўхшайди, кимки ундан бир оз олиб, ўз йўлини ёритишга сарф этса, фойда олади, кимки кўпроқ олишга интилса, куйиб қолиб, ўзига азоб беради“.

Ривоят. Ҳотамтой ҳазратлари узоқ сафарга тараддуд кўраётиб, танмахрамларидан сўрадилар:

— Сенга сафардан қайтиб келгунимча қанча заҳира қолдирай?

— Умрим охиригача етадиган даражада.

— Эй хотин, мен сенинг қанча умр кўришингни билмайман-ку.

— Буни ёлғиз Аллоҳ билади. Шундай экан, қанча ризқ беришни ҳам Яратганнинг ўзи билади, ўзи беради.

Хўш, шундоқ экан, унда нега одамлар ато этиб қўйилган ризққа қаноат қилмай, ўзларини ҳар тарафга

уришади? Фақат ҳалол йўл билан, касб-ҳунар орқасидан тирикчилик ўтказишга буюриб қўйилганига қарамай, ғайриқонуний (ҳаром) йўллар билан ризқ излашади? Нега ўзгаларни алдашади, ҳақиқага хиёнат қилишади? Нима учун ёлғон ва зулм билан бировларнинг мол-мулкани тортиб олишади? Ёки ёмон, сифатсиз молларини алдаб сотишади, тарозидан уриб қолишади, судхўрлик қилишади?

Айтинг-чи! Ризқни ўйлаб қайғуга ботиш керакми ёки ризқ талабида елиб югуриб, ҳаракагга тушиб, интилиб қайғуга ботмасдан яшаш керакми?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 19- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- ризқ ва осуда яшаш ўртасидаги боғланиш кучи;
- Аллоҳ яшириб қўйган ризқни қаердан, қачон, қанча топиш йўллари;
- ҳалол ризқ-рўз излаш, унга эришиш инсоннинг осуда яшашидаги мезонлардан бири эканлиги;
- ризқни кенгайтиришга сабаб бўлувчи 21 омил;
- шукронасини келтира оладиган кимсанинг ҳалол мол-дунёни кўпайтириш учун интилиши лозимлиги;
- Аллоҳнинг ато этган неъматларига яхши муносабатда бўлиш, унинг берган неъматларига шукроналик қилиш кабилар ёритилган.

II. ЎРТА АСР (IV — XVI АСРЛАР)



Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий

(783 — 850)

Машҳур ўзбек математиги, астроном,
географ.

1. „Ал-жабр ва-л-муқобала“.
2. „Ҳинд ҳисоби ҳақида“.

„Мол-дунёга ҳирс қўйиш инсонни муқаррар таназзулга бошлайди“.

Муаллиф

20- сир. Бойлик ва осудалик

„Бойлик — бу дунё, мол-мулк“ дейилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Хўш, айтинг-чи, бой бўлиш осудаликни ёхуд тинч-хотиржам яшашни таъминлайдими? Ёки пулим, бойлигим кўпайса, хотиржам бўламан, ҳеч кимга боғлиқ бўлмайман, деб ўйлаш мумкинми?

Биров: „Бойликка нима етсин, тилинг бурро, мартабанг жойида, ҳамма ҳурмат қилади, истаган нарсангга эриша оласан, бошқага мутеъ бўлмайсан“, деб маслаҳат беради. Яна бошқаси: „Аллоҳ сени қандай яратган бўлса, шу ҳолингча сабр қилиб, кўниб яша ва бунинг учун Яратганга шукрона айт, шунда хотиржамликда яшайсан, ҳеч қанақа ғам-ташвишинг бўлмайди“, деб маслаҳат беради.

Айтинг-чи, бойлик ва соғлиқ ҳеч қачон бир кўчадан юра олганми? Улар бир-бири билан келиша олганми? Ёки ҳаддан ташқари бойлик тўплаган шох чиқарганми? Афсуски йўқ! Билакс, бойлигини қўлга киритгунча соғлигидан, асабидан, яқинларидан, хотиржамлигидан ажраб бўлган. Оқилона яшашни мақсад қилиб олган инсонда эса бундай ташвишлар йўқ. Қоринни битта тўйдиради-да, мазза қилиб қотиб ухлайди. Бойларга ўхшаб элликка кирмай туриб қандли диабет, қон босими, юрак хуружи каби беш-олти хил касаллар „гулдастаси“ни орттирмайди.

Хўш, унда ким ҳақ? Ҳаётда бой бўлган маъқулми ёки оқилона ҳаёт кечирган аълороқми? Бойлар бошқалардан бахтлироқ яшашадими? Пул, мол-дунё инсонга чинакамига саодат келтира оладими? Бойларнинг ҳаётда ушалмай қолган орзу-армонлари йўқми? Улар афсус-надомат чекмайдими?

Донолар айтадилар:

„Дунё йўл бошида ёқиб қўйилган оловга ўхшайди, кимки ундан бир оз олиб, ўз йўлини ёритишга сарф этса,

фойда олади, кимки кўпроқ олишга интилса, кўйиб қолиб, ўзига азоб беради.

Байт:

Дунёда умринг бир кунчалик ҳам эмас, шундай экан
Ўн йиллик ризқингни сақлаб нима қиласан?
Сенга тегишли ризқ у ердан юборилади,
Сен ўша берилган ризқингнигина бу ердан ололасан.
Бир кунлик тарихга эгадир жаҳон,
Юз йиллик бойликни қилмайлик орзу.

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сирини“ номли туркумнинг 20- сирини тўғрисида бўлиб, унда:

- бойлик ва осуда ҳаёт кечириш ўртасидаги боғланиш кучи;
- мол-дунёнинг фойда ва зарарлари;
- бойлар ва бошқаларнинг ўз ҳаётларига муносабатлари қандай бўлиши;
- мол-дунё келганида ёки унинг йўқлигида қандай йўл тутиш қабилар ёритилган.



Рудакий
(858 — 941)

Форс-тожик шоири.

1. 130 мингга яқин иккиликлар;
2. 40 га яқин туртликлар ва рубойлар.

„Инсоннинг энг катта ютуғи
меъёрни билишида“.

Муаллиф

21- сир. Меъёр ва осудалик

„Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да: „Меъёр — бу ўлчовли миқдор, даража, норма“ деб изоҳланган. Аслида дунё, ҳаёт денгизимиз битилган ва битилмаган қонунлардан қурилган — меъёр, мезон. Биз эса меъёрни бузиш билан андармон бўлиб, қўпчилигимиз ўзимизга берилган битта умрни ҳам яшай олмай, кун кўриб юраверамиз. Шу боис, дунёга келган инсон „Қайдан келдим, қайга кетаман, ўткинчи ҳаётнинг мен учун асосий мезони (меъёри, ўлчови, қоидаси ва шунга ўхшаш) нима?“ деб бир умр бош қотиради. Унинг тўғри жавобини топиши, умрини шу асосда қуришига „меъёр“ деб аталмиш қадрият имкон беради.

Ана шу меъёрга риоя қилмаган инсон қанчалик ақлли, доно, истеъдодли бўлмасин, ўзига инъом этилган неъматларнинг манбасини билолмайди, бу неъматларнинг қадрига ҳеч қачон етолмайди. Адашади. Умри нотинчликда, беҳаловатликда ўтади. Унинг кўнглида осудалик ҳеч қачон ин қурмайди.

Биз биламизки, дунё қарама-қарши томонлар таъсири остида яшайди ва ривожланади. Бахт ва бахтсизлик, рост ва ёлғон, яхши ва ёмон, бой ва камбағал, иймонли ва иймонсиз, инсофли ва инсофсиз қабилар доимо ёнма-ён юради.

Хўш, айтинг-чи, улар ўртасидаги масофани қайси мезонлар асосида қандай қилиб ўлчаш мумкин?

Сўради:

— Оқил умрининг мазмуни нимада?

Деди:

— Қаноат билан яшашда.

Сўради:

— Бу нени англатади?

Дели:

— Асосан, уч нарса: мақбул бўлмаган юмуш билан шуғулланмаслик; куч-қудрати ва имкониятидан ташқари бўлган ҳою-ҳавасларга берилмаслик; барча нарсанинг ўртасини топиш ва ўшайга сабр, шукр қилиб яшашда.

Ана шу меъёрларга биз доимо риоя қиламизми? Афсуски йўқ! Меъёрни сақлаб ҳузур-ҳаловат қилиб яшашни билмаймиз. Меъёрдан чиқиб кетмаслик ҳаётнинг бош қоидаси эканлигига эътибор бермаймиз; меъёрдан ошса, ҳар қандай фаолият фойдадан кўпроқ зарар келтиришини унутиб қўямиз.

Булар ва бошқа қадриятларга нисбатан меъёрнинг қай даражада бўлиши ва улар нималарда ўз ифодасини топиши ушбу 21- китобда ўз аксини топади. Унда:

- дунёда ҳар нарсанинг ўлчови, мезони, меъёри, баҳоси борлиги;
- умр ўлчови ёлғиз Аллоҳга, мазмуни эса, кўп жиҳатдан инсоннинг ўзига боғлиқлиги;
- ўртача йўл энг хавфсиз йўл эканлиги;
- ҳар нарсанинг ҳам ўз меъёрида бўлгани маъқул эканлиги;
- „Қозиқнинг боши ҳам, охири ҳам бўлма, ўртаси яхши“ деган нақлнинг, қайсидир маънода, тарбиявий қувватга эга эканлиги кабилар ёритилган.



Форобий

(873 — 950)

Ўрта Осиёнинг мутафаккири.

1. „Фанлар таснифи тўғрисида“.
2. „Фуқаролик сиёсати“.
3. „Платон ва Арастуларнинг фалсафий художўйлик карашларидаги умумийлик“.

„Фақат сокин нафсгина осудаликни таъминлайди. Шу боис нафсни хор тутган маъқул“.

Муаллиф

22- сир. Нафс ва осудалик

„Нафс — бу ейиш-ичишга, мол-дунёга бўлган эҳтиёж“, дейилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Нафс бандаси нафсидан бошқани ўйламайдиган, нафси тиниқ нафсини тия оладиган, ҳар нарсага суқ билан қарайвермайдиган, нафси бузуқ овқатдан сира қайтмайдиган, нафсини тия олмайдиган, нафси ҳаддан ташқари авж олган ҳакалак отган бўлади.

Демак, нафс деганда, кишининг ўз жисмоний эҳтиёжларини қондиришга бўлган интилиши тушунилади. Бу эҳтиёж эса инсон туғилганидан то ўлгунича мавжуд бўлади. Мирзо Бедил таъбири билан айтганда, инсон туғилар экан, ҳали кўзини очмай, оғзини очади. Инсон ўз ризқи, ўз нафси билан туғилади. Нафс фақат еб-ичиш, жисмоний эҳтиёжни қондириш эмас. У бирмунча кенг тушунча бўлиб, мол-дунёга ҳирсу ҳавас, ҳашам-дабдабага ўчликдан тортиб, мансаб учун талашишгача бўлган барча салбий жиҳатларни ўз ичига олади.

Нафс — бу банданинг комилликка етиши йўлидаги энг асосий тўсиқ. Дунёдаги барча ёвузликлар нафснинг маҳсулидир. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) нафснинг гоят хатарли эканлиги ҳақида шундай дейдилар:

„Нафс шундай балойи азимдурки, уни оддий хошининг ўзи билан енгиб бўлмайди, унга қарши жиҳод эълон қилиш керак“.

Ҳа, Аллоҳ таоло нафсни бор нарсаларнинг энг ёмони қилиб яратган. У шайтоннинг дўсти. Шайтон инсоннинг нафси, ҳою ҳаваслари орқали тўғри, ҳақ йўлдан осонгина тойдиради, натижада инсон беихтиёр ҳалокат сари одимлай бошлайди. Ана шундай ҳолларда ҳазрати Имом Ғаззолий айтганларидек, нафсга „тўхта“ дейишга ўргансак, кўпгина бало-офатлардан омон қолишимиз мумкин.

Хўш, айтинг-чи, биз ҳар биримиз нафсимизга „тўхта“ деганмизми? Уни тия олганмизми? Унинг ёмонликка буюрувчи сифатларини била оламизми? Улар қандай сифатлар?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 22- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- нафс билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- нафснинг ёмонликка буюрувчи сифатлари;
- нафсни хор тутиш лозимлиги;
- нафсга қул бўлиш барча балоларнинг боши эканлиги;
- ўз ихтиёрини нафсига топшириб қўйган кимса борган сайин тубанлик чоҳига қулаши аниқ эканлиги;
- нафснинг мудом насиҳатга муҳтож эканлиги, уни тарбиялаб бориш зарурий амал эканлиги;
- нафс мол-дунё меҳридан узилсагина сокинлашиши;
- нафснинг домига дош бериш сирлари;
- ҳакалак отган нафсга эрк бериш оқибати фожиа билан тугаши муқаррарлиги;
- шоирларнинг нафсни дажжол деб, аждаҳо, душман, рақиб, ит, шайтон каби сифатлари билан аташ сабаблари;
- осон имлашиб, осонгина етаклашиб кетаверишнинг оти Нафс эканлиги ва у ёнимизда турган хатар эканлиги кабилар ёритилган.



Фирдавсий

(934 — 1030)

Форс-тожик шоири.

1. „Шоҳнома“.
2. „Юсуф ва Зулайҳо“.

„Барча нотинчлик сабрсизликдан келиб чиқади“.

Муаллиф

23- сир. Сабр ва осудалик

Сабр — бу ошиқмасдан кута билиш ёки ўзини тия олиш, тоқат, чидам, бардош“, деб талқин этилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Сабр нафсни қайғу-аччиқланишдан, тилни шикоятдан ва аъзоларни ташвишдан тутиб туришдир. Тинч ва осуда яшашни истаган киши ҳар ишда ошиқмай, оҳиста ҳаракат қилади, нафсини фалокатдан, ғурурдан сақлайди. Сабр бошимизга келган бало ва қазоларга чидамли бўлишни талаб этади.

Ислом динида сабр юксак ахлоқий фазилатлардан бўлиб, мўмин-мусулмон кишининг руҳий таянчи ва ҳидоятга бошловчи омил ҳисобланади. Сабр ҳақида Қуръони каримда 70 мартаба зикр қилингани ҳам бежиз эмас. Бошқа ҳеч қайси фазилат бу миқдорда зикр этилмаган.

Сабр-қаноатли киши ҳаётининг аччиқ-чучугига бардош беради. Садоқат билан оила тутади. Фарзандларини ақлли, ахлоқ-одобли қилиб тарбиялайди. Сабрли кишида меҳр-мурувват, инсоф-диёнат мавжуд бўлади. У ўз кучи билан кун кечиради. Топганига қаноат қилиб яшайди. Ҳалол меҳнат қилиб, ҳеч кимдан бирор нарса тама қилмайди. Бойликларга учмайди. Ҳаётда учрайдиган турли қийинчиликларга бардош беради. Турли-туман сўзларга, қайғу-аламларга сабр-қаноат билан чидайди.

Ҳуш, бизнинг ҳаётимиз ҳам худди шундоқми? Ёки билиб-билмас сабрсизлик билан бемаврид хатти-ҳаракатларга изн бериб қўймаёпмизми? Нима учун инсон сабрли бўлишга чорланса-да, аммо мана шу фазилат унда кам топилади? Ахир юриш-туришда, истак-хоҳишда бойлигу камбағалликда, боринги, муҳаббат бобида ҳам уларнинг ўрни қанчалик эканлигини биламизми? Баъзан кўнгил амрига қулоқ солиб, ҳаддимиздан ошиб кетамизу, сабр ва қаноатни унутамиз. Шундай пайтларда ўз қилмишларимизни шайтон бўйнига юклаймизу қўямиз. Уйлаймизки,

шайтон бор-йўғи васвасага солувчи, холос. Қилаётган қилмишларимиз эса сабрсизлигимиз ва қаноатсизлигимиз оқибати эмасми? Биз сувга, нонга қанчалик эҳтиёжманд бўлсак, сабрга ҳам муҳтожлигимиз шу даражада бўлиши керак эмасми?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 23-сири тўғрисида бўлиб, унда:

- сабр — бу осуда яшашнинг энг биринчи омиларидан эканлиги;
- сабр қилмоқ нима экани;
- сабр-тоқатли одамларнинг нимага эришишлари; сабр билан кутган одамларга ҳамма нарса ўз вақтида келиши;
- юз йил яшаш учун кишига юз йиллик сабр кераклиги;
- сабрнинг шодликлар калити ва мушкулотлар очқичи эканлиги;
- сабрнинг кучи — ғазабни шижоатга, шиддатни ҳалимга, катталиқни тавозеъга, ёмонликни эса, яхшилиқка айлантириши;
- барча нотинчликлар сабрсизликдан келиб чиқиши; сабрнинг ҳам чегараси борлиги, ундан кейин эса сабр косасининг тулишлиги;
- сабр аччиқ, аммо унинг ширини борлиги;
- сабр манфаатининг кўплиги ва унинг натижаси улўғлиги кабилар ёритилган.



Абу Райхон Беруний

(973 — 1048)

Машҳур ўзбек олими.

1. „Аждодлардан қолган ёдгорликлар“.
2. „Ҳиндистон“.
3. „Юлдузлар илми асослари“.

„Бу дунё чидаганга яратилган. Шу боис инсоннинг қисмати унга чидашдан иборат. Шундагина унинг умри осудаликда кечади“.

Муаллиф

24- сир. Қисмат ва осудалик

Эскилардан эшитганим бор, инсон ўз қисмати билан дунёга келармиш. „Қисмат — бу ҳар бир кишининг пешонасига битилган кўргулик, ёзмиш ёхуд тақдири азал“, дейилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Тақдир такбир этилади, юксакдан берилади. У омади нарса эмас, уни лотереяда ютиб бўлмайди, ё буюртириб бўлмайди. Энг ёмони, ундан қочиб қутилишнинг иложи йўқ! Инсон шу қисқа умри давомида тинмай ҳаракат қилади. Гоҳ иймон билан, гоҳ шайтонга илашиб, яхши-ёмон амалларни содир этади. Унинг жами ишлари бир хирмонга йигилиб Аллоҳнинг тарозисига тушади ва шунга яраша бандасига қайтим берилади. Бу бизнинг устимиздан чиқарилган ҳукм, унинг бошқача номи тақдир. Руҳан кучли одамлар тақдир йўлини қуришга, ўзгартиришга ва яратишга қодир. Хассос шоиримиз Ғофур Фулом ҳам шундай эътироф этган:

Тақдирни қўл билан яратур одам,
Ғойибдан келажак бахт бир афсона.

Дарҳақиқат, бандаи ғофил тиришиб-тирмашиб, „Ўз тақдиримни ўзим яратаман“ деб қолади. Аллоҳ рози бўладиган йўл билан ҳаракат қилса, ниятига етади ҳам. Аммо ўз қисматидан доимо нолийдиган одамлар эса, тақдир чизигини босиб ўтолмайдилар. Оқ-қора, эгри ва тўғри, узун ва қисқа, нурли ва нурсиз... — буларнинг барчаси тақдир чизиқларидир. Инсон умри давомида ана шу чизиқларни босиб ўтади. Қай бир нуқталарда бу чизиқлар туташади, қай бирида айро тушади. Қувончу изтироблар, йўқотишу топишувлар бор бу йўлда. Абдулла Орипов дейди:

О, инсон қисмати, бунчалар чигал,
Бунчалар хилма-хил фожиа ва аза...

Қизиқ, ҳинд хиромантлари (кафтга қараб, тақдирдан башорат этувчилар) бундай деган эканлар: „Тақдир — бир

учи инсоннинг, иккинчи учи Худонинг қўлида турувчи ингичка ипдир. Инсоннинг тақдири Худонинг қўлида экан, бошқа бир қисми, ўзининг ҳам қўлида эканлигини унутмасликлари керак“. Тўғри-да, агар инсон: „Пешонамга шундай ёзилган“ деса, бориб омонат деворнинг тагига туриб олса ва девор қулаб, уни босиб қолса, буни тақдирга йўйиб бўладими? Инсон ҳар бир ишнинг амалга ошиши йўлида кучи етганича, имкони борича ҳаракат қилганидан кейингина тақдир ҳақида гапиришга ҳақли. Бу ўринда бир донишманднинг танбеҳлабгина айтган „ўз тақдирингга ёрдам бер“, деган ўғитини эшлаш ҳам ёмон эмас. Хўш, қисмат шунчалик беаёвми? Тақдир чизиқлари шунчалик чигалми? Берилган тақдир зайлига чора-тадбирлар борми? Уни ўзгартириб бўладими? Ёки тақдирга тан бериб, унга чидаб яшаш керакми? Эҳтимол, унинг осудаликка ҳеч қандай дахлдорлиги йўқдир?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 24-сири тўғрисида бўлиб, унда:

- қисматнинг осудаликка бевосита дахлдорлиги ва улар ўртасидаги боғланиш кучи;
- бу дунёни чидаганга чиқарганлигини бир дақиқа ҳам унутмаслик лозимлиги, шундагина ташвишдан фориғ бўлиб, осуда яшашга эришиш мумкинлиги;
- ҳеч ким фожиа ва кўнгилсизликлардан кафолатланмаганлиги;
- тақдир инсон режаларини чил-парчин қилиши мумкинлиги ва у кимга нималарни раво кўришини олдиндан билиб бўлмаслиги;
- ҳаёт ташвишларидан ҳеч ҳам дилтанг бўлмаслик;
- Аллоҳ барчамизнинг тақдиримизни турлича яратганлиги кабилар ёритилган.



Ибн Сино

(980 — 1037)

Ўрта аср Шарқнинг қомусчи олими.

1. „Тиб қонунлари“.
2. „Ал-ҳикмат ал-Арузий“.
3. „Яқун ва натижа“.

„Аллоҳ таоло айтади: бирортангиз замондан нолиманглар“.

Ҳадисдан

25- сир. Замон ва осудалик

„Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да „замон“ сўзига шундай таъриф берилган: „Замон — бу кечирилаётган давр ва унинг тартиб-қоидалари“. Масалан, *бурунги замон (Амирлик даври). Ҳозирги замон (бозор иқтисодиётига ўтиш даври), охир замон (қиймат яқинлашган вақт)* ва ҳ. к. Даврлар ўзгаради, шу аснода биз ҳам ўзгарамиз.

Маҳмудхўжа Беҳбудий шундай дейди: „Замоннинг ўзгариши ила баъзи расм-русум ва одатлар ўзгариб турадурки, бу ўзгариш бобомиз ҳазрати Одам замонасидан бери воқе бўлиб келмоқда“.

Албатта, замондаги ўзгаришлар инсонларни яхшилик томон йўналтириши ва улар асрлар оша кўз қорачигидай асраб келинаётган бебаҳо фазилатлар асосида ривожланмоғи, ота-оналаримизнинг ҳаёт имтиҳонида такрор-такрор синалган, чархланган, сайқалланган, гўзаллашган, пировард натижада яшовчан бўлиб қолган қадриятлар негизда бўлиши адолатли, сув-ҳаводай зарурий ҳолдир. Бу одий ҳақиқат.

Шундоқ бўлса-да, нима учун одам боласи замондан нолийди? Ўтмишдаги ҳамма нарсага тақлид қилади? Замоннинг зайлига қарамай, хижолатда бўлади? Кўпчилик юрган йўлдан юрмайди? Ёки нима учун ҳамиша муқаддас бўлган „уят“, „андиша“, „гуноҳ“, „савоб“, „одоб сақлаш“ каби тушунчалар ўрнини „бетгачопарлик“, „кўполлик“, „ҳеч нарсадан тап тортмаслик“, „жоҳиллик“ каби салбий тушунчалар борган сари эгаллаб боряпти? Энг даҳшатлиси, инсонлар ўртасидаги муносабат ҳам ёмон томонга ўзгариб боряпти!

Ака-ука, опа-сингил, оға-ини орасидаги ҳар хил гап-сўзларни, уруш-жанжалларни эшитавериб, бунинг устига газета-журналлардан ўқийвериб, одамларга нима бўляпти ўзи, дейсиз. Ҳайратдан ёқа ушлаб, бир-бирлари билан уй-

жой талашган, бир-бирини судга берган. Арзимаган пул ёки мол-мулк учун бир умр юз кўрмас бўлиб кетишган. Ахир дунёда ўзингиз учун энг қадрдон бўлган одамларни наҳотки шу майда-чуйдалар, вақтинчалик ҳою-ҳавасларга тенгласангиз?

Бу Сизнинг қонингизда ўрмалаб юрган шайтоннинг изнидир. Шу ўринда улуғ немис шоири Гётенинг „Фауст“ достонидаги қуйидаги доҳиёна фикрига эътибор беришингизни истардим:

Илму маърифатдан ўзгарди олам,
Олам — янги, демак, янги шайтон ҳам.

Уқоридаги салбий ҳолатлардан Аллоҳ норози. У Ҳақ таолонинг „Одамлар замондан нолиб, менга озор беради“ деган каломини эслатмоқда! Ахир у қандай озорланмасинки, ундан тинмай муқофот олиб турган бандалар шайтоннинг ишини қилсалар!? Мана, ўша ичувчига уй берди, пул топадиганга ақл берди, хотин, бола-чақа, касб берди. У эса, буларни исроф қилмоқда, оиласига зулм ўтказмоқда! Анави осмондан чалпак ёғилишини кутиб ётган йигитга эркак деган мартаба берди, ватан берди, соғлиқ берди, навқирон ёшлиги қўлида, у эса, ҳатто ўз ватани, яъни бирламчи онасини бозорга солишга мойил турибди!

Бу ҳоллар даҳшат эмасми?!

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли 99 та китобдан иборат туркумнинг 25- сири тўғрисида бўлиб, у Ҳақ таолонинг „Бирортангиз замондаги полиманлар“ деган хитобига бағишланади.



Аҳмад Яссавий

(1041 — 1166)

Туркийзабон шоир, Ислом дунёсида „Яссавия“ деб ном олган таълимот асосчиси.

1. „Девони ҳикмат“.
2. „Меърож ҳикояси“.
3. „Муножотнома“.

„Ўтиб кетган кун мутлақо ортга қайтмайди. У умрнинг бир парчасини олиб кетади“.

Муаллиф

26- сир. Ўтмиш ва осудалик

Ҳаммаси бўлди. Ҳаммаси ўтди. Аммо бўлганни ҳам, ўтганни ҳам унутмаслик керак. Токи йўл қўйилган хато ва адашувлар яна давом этмасин. Яна нотинчлик, беҳаловатлик қўнглингизда қўним топмасин. Шуни билингки, ўтмиш эшигини беркитиб қўйиб, келажак эшигини ахтарманг, барибир тополмайсиз. Гарчи инсон умри оқар сувга ўхшаб ортга қайтмаса-да, инсон ўтган кунларига назар солиш имкониятига эга. Яхши кунлар келганда оғир кунларни унутиб юбориш ёмон, ёмон кунлар қолдирган сабоқларни унутиш эса, ундан ҳам ёмон.

Донолар хотиралар уйгонса гўзал, дейишади. Хайриятки, одамга хотира ато этилган. Нима ўтди, нима қолди, нима таскин ва тасалли бағишлайди, нималар армон қўли ила дилни эзади, эришганларинг нимаю, йўқотганларинг нима — ҳамма-ҳаммасини хотира гоҳ эслатади, гоҳ қайта жонлантириб боради. Шу боисдан ҳам инсон балки ўтмишдан ажралишни истамайди. Эслаш, қўмсаш қийноқларига чидаб, ўтган кунларини хотирлаб яшашдан унинг ўзини чекламаслигига бир сабаб балки шудир? Эҳтимол, инсон умрини безаб, унинг осудалигини таъминлаб турувчи омиллардан бири ҳам ана шу хотиралар ҳисобланса ажабмас.

Шундай экан, барчамиз ҳам ўтмишга айланган онларимизни қониқиш билан ёдлай оламизми? Ўтмишни унутмай, уни аниқ ва равшан хотира билан ёдга олган кишигина келгусини ҳам равшан кўришга қодир бўла олишини биласизми? Нега бир думалаб бойваччага айланган мардум биродарини, ночорроқ ҳамсоясини оёқ учида кўрсатади? Омади чошиб, бирор мансабни эгаллаган бошқаси оёғи ердан узилиб, кечагина бир майизни бўлиб еган ҳамдамига осмони фалақдан келиб муомала қилади?! Нега бундай?

Негаки, бугуннинг эгаси, бугуннинг хўжайини — у! Эртанги кундан қўрқмайди. Эртанги кун ҳам ўзимники, деб ўйлайди. (У кимники бўлишини қайдан билибсан, эй осий банда?!)

Айтинг-чи, ўтган умрингиз даврида йўл қўйган янглишганларингиз, адашганларингиз ёхуд билар-билмас қилган хато ва камчиликларингиз, бировларга қилган ёмонликларингиз сарҳисобини бирор марта қилганмисиз?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 26- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- ўтмиш ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- одамзод кечаги кунни эслаши, қўмсаши, у билан фахрланиши, аммо ўтмиши учун яшолмаслиги, бунинг иложи йўқлиги, бесамарлиги;
- „Дам шу дамдир, ўзга дами дам дема“, „Бугунингни кўриб турсанг-чи, эртага бир гап бўлар“ деган нақллар фоний умрининг барча фаслларига бирдай дахлдор қатъий ақида ёки ҳикмат эмаслиги, уларнинг бир мавриди гап эканлиги;
- ўтмиш эшигини беркитиб, келажак эшигини ахтариб, уни топишга уриниш нодонлик эканлиги;
- яхши кунлар келганда, оғир кунларни унутиб юбориш ёмон, оғир кунлар қолдирган сабоқларни унутиш эса, ундан ҳам ёмон эканлиги кабилар ёритилган.



Умар Хайём

(1048 — 1131)

Шарқ мутафаккири.

1. 300 — 400 та қисқа турглик ва рубоийлар муаллифи.
2. „Математиканинг мураккаб саволлари“.
3. „Эвклид хулосаларидаги мураккабликларга шарҳ“.

„Жисмоний азоб вақтинча, аммо руҳий азоб узоқ давом этадиган беморликдир“.

Муаллиф

27- сир. Азоб ва осудалик

Ҳаётда ҳар нарсани яхши томондан кўрувчи, келажакка ишонувчи некбин (оптимист) бўлиб яшаш керак. Ҳар бир нарсадан, хусусан, азобдан ҳам гўзалликни, яхшиликни қидира олиш ёхуд ҳар бир нарсада эзгуликни кўра билиш лозим.

Бордию бирор фалокат кутилмаганда ҳамла қилиб қолганда ўзингиз томонга қуёш чиқишини кутишни ўрганинг. Агар бир киши сизга пиёлада лимон суви берса, бир чимдим шакар кўшиб шарбатга айлантира билинг. Агар сизга илон ҳада этилса, унинг қимматбаҳо терисидан фойдаланинг. Агар чаён чақиб олса, билингки, у газандалар захрига қарши энг яхши ваксина ва иммунитетдир.

Хуллас, салбий натижани (хоҳ у жисмоний ёки у руҳий азоб бўлсин, қатъий назар) аниқ билиб, қайғуга ботиб юргандан кўра, касал бўлса „Зора шифо топган бўлсам“ деган илинжда яшаш афзал бўлиб, азалдан гўзалликни қидириш керак. Бирор-бир нохуш воқеани ҳам яхшиликка йўймоқ хосиятлидир. Илло, фаришталар яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам омин, дейдилар.

Донолар айтади:

Уч киши борки, уларнинг бадани ёки жони доимо азобда бўлади. Биринчиси, ҳеч бир қуролсиз, менга етиб келмайди деб, душман сафига ўзини урган жангчи. У жангда ўлмаса ҳам бирорта душман қиличидан захм ейиши муқаррардир. Иккинчиси, ёш ва соҳибжамол хотинга уйланган қари киши. Ёш хотин уни захарлаб ўлдирмаган ҳолда ҳам ёш ва чиройли йигитларга тама кўзи билан қарайди. Учунчиси, бола-чақаси бўлмаган пулдор киши. Уни гарчи ўғрилар ўлдириб кетмаса-да, унинг ўзи бойлигини кимга қолдириш ҳақида қайғуриб, азобда ўтади.

Хўш, сиз оламда ҳар қандай воқеа, ҳодиса содир бўлмасин, унинг ортида бирор-бир хосият ҳам бўлишига

эътибор берганмисиз? Ёки халқимиз кишининг кўз ўнгидаги воқеалар у ёқда турсин, ҳатто кўрган гушини ҳам ҳамиша яхшиликка йўйишига нима дейсиз? Нега биз ёмонликка дучор бўлганимизда жуда азобланишимизга йўл қўямиз? Ахир қаттиқ қайғуриш билан ўз-ўзимизга жабр-ситам қиламиз-ку? Нега?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли тўп-ламнинг 27- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- азоб ва осудалик ўргасидаги боғланиш кучи;
- инсон илоҳиёт арзандаси бўлиши билан бирга фи-роқ даштида азобни ҳам кезиб чиқишга ҳукм этилганлиги;
- азоб чекмаслик инсонга хос эмас, азобга чидамас-лик эса, унга ярашмаслиги;
- тақдирнинг шафқатсиз зарбасидан, ёмонлик ва оғир кулфатлар қуршовидан қутулиб чиқиш йўл-лари;
- ғам-қайғуга дош бера олиш — бу донолик аломати эканлиги;
- омадсизликка учраган пайтларда тақдирдан нолиб азобланмаслик;
- бу дунёда инсоннинг бошига тушган синовларга бировни айбдор қилмаслик;
- бошига тушган синовга бардош бера олганларгина осуда ҳаётини таъминлаши мумкинлиги кабилар ёритилган.



Низомий Ганжавий

(тах. 1141 — 1203)

Буюк Озарбайжон шоири.

1. „Маҳзан-ул асрор“.
2. „Хусрав ва Ширин“.
3. „Лайли ва Мажнун“.
4. „Ҳафт пайкар“.
5. „Искандарнома“.

„Мусибатсиз соф ҳаёт йўқ. Унга мар-
донавор чидаш керак“.

Муаллиф

28- сир. Мусибат ва осудалик

Инсон боши тошдан, ҳар қанча ғам-балоларга ҳам дош беради, дейишади. Беҳудага қарияларимиз „Бошинг тошдан бўлсин“, деб дуо қилишмайди. Чунки бирор инсон ғам-кулфатлардан, балолардан ҳимояланган эмас ва бирор киши йўқки, ҳаётида мусибат офатларига учрамаган бўлса. Кимнингдир уйи, мол-мулки арзимас бир сабаб билан ён-гинга учраб ёниб кетиши мумкин ёки кимдир энг суюмли фарзандидан, яқинларидан жудо бўлиб қолиши мумкин. Баъзиларга Худо тузалмас бир дардни бериб қўйган. Кимдир узоқ йиллар эгаллаган мансабидан ҳайдалган. Бошқаси хотини (ёки эри) билан ажрашган. Севгани ташлаб кетган, пули ёки мулкани ўғирлатган, деҳқончилиги офатга учраган, тижорати синган ва ҳоказо.

Наҳотки, дунё ҳаёти фақат ташвишлардан, бало-офатлардан иборат? Эҳтимол, Аллоҳ суйган бандаларини синаш учун уларни ана шундай ғам-ташвишларга мубтало қилиб қўяди, устига турли балоларни юбориб туради, деган сўз тўғридир.

Хўш, одамлар тушкун кайфиятга тушиб, диллари зулматга тўлганида қандай йўл тутишлари керак? Ором-фароғатни йўқотмаслик учун, дилдаги ғашликларни даф этиб, осудаликни, хотиржамликни таъминлаш учун нима қилиш лозим?

Америкалик сиёсий арбоб ва публицист Томас Пейн шундай дейди:

*„Мен бошга ташвиш тушганда табассум қиладиган, қай-
ғуни енга туриб, куч оладиган ва тафаккурни мардлик ман-
баи ҳисоблайдиганларни эъзозлайман“.*

Яна бир гап. Ҳаммамизда неки бошга тушса, „Бу ҳам эҳтимол яхшиликкадир“, деган тасалли бор. Мусибатни ҳам вазминлик ва хотиржамлик билан қабул қилиб, унинг ечимларини осудалик билан топишга ҳаракат қилсак, бу

ҳам мусибатни енгишнинг, ғашликларни даф этишнинг маъқул йўлидир.

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 28- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- мусибат билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи, ҳаёт асло бир маромда кечмаслиги, у оқ ва қора кунлардан ташкил топгани, ойнанинг ўн беши ёруғу, ўн беши қоронғи эканлиги, тун кунга алмашганидай, қиш ўз ўрнини ёзга бўшатганидай, ҳамма нарса навбати билан алмашиб туриши;
- „дунёи чархпалак“, деб қўйишгани бежиз эмаслигини, хурсандчилик ортидан, албатта, хафагарчилик, бахт ортидан бахтсизлик, соғлик ортидан беморлик, ёшлиқдан сўнг қарилик келишини, уларни тўхтатиш ёки ўрнини алмаштириб қўйиш инсонларнинг қўлидан келмаслиги, буларнинг барчаси Яратганнинг иродаси эканлиги;
- ҳар бир инсоннинг оқилона яшаш тарзига риоя қилишига боғлиқлиги;
- ҳамма нарса қазою қадарда битиб, муҳрлаб қўйилганлиги;
- тақдирдан қочиб, қисматни эса алдаб бўлмаслиги кабилар ёритилган.



Жалолоддин Румий

(1207 — 1273)

Шарқ мутафаккири.

1. „Маснавийи маънавий“.
2. „Ҳикматлар“.

„Қўлингиздан келмаган ишга ҳеч қачон қўл урмаг“.

Муаллиф

29- сир. Салоҳият ва осудалик

„Салоҳият — бу қобилият, иқтидор, „салоҳиятли“ сўзи эса, катта салоҳиятга эга бўлган, иқтидорли“, деб таъриф берилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Ўзини англаган инсон ўзи нимага қодирлигини яхши тушунади, қўлидан келмайдиган ишга ҳеч қачон қўл урмайди. Ақли, билими ва тажрибаси етмаган ишга қўл уриш ёки унга бош-қошлик қилиш энг катта жиноятдир. Салоҳияти етмаган ишга киришган одам ўз жонига қасд қилган бўлади. Инчунин, бундай шароитда зўриқиш ҳолати вужудга келади ва у кишини сиқув остига олади, осудаликни бузади. Чираниб ишлаш ва яшаш эса, умрнинг эгови.

Сукрот шундай дейди:

„Ўзини англаган инсон ўзи учун нима фойдалилиги ва нималарга қодирлигини яхши тушунади. У қўлидан келадиган иш билан шуғулланиш асносида ўз эҳтиёжини қондиради ва саодатга эришади. Ҳар қандай хато ва бахтсизликдан холи бўлади. Бунинг натижаси ўлароқ, у ўзга одамларни қадрлай олади ва улардан эзгулик йўлида фойдалана билади. Оқибатда ўзини кулфатлардан асрайди“.

Файласуфдан сўрадилар:

— Қандай одамни ақли деб ҳисоблаш мумкин?

— Ўзининг имкониятларини яхши билган ва имкони йўқ нарсаларнинг ортидан қўймайдиган одамни, — деб жавоб берибди файласуф.

Хўш, айтинг-чи, шулар тўғрисида ҳеч ўйлаб кўрган-мисиз? Бу ишни бажариш қўлимдан келармикин деб ўзингизга савол берганмисиз? Бирор ишга ёки лавозимга тавсия этилаётганда ўз имкониятингиз ёки салоҳиятингизни чамалаб олганмисиз? Шунга мос равишда лавозимга ёки бирор ишга розилик берганмисиз?

Сир эмас, биз, кўпинча, қоғозбозлик туфайли ўзимиз ёқтирмаган ишлар билан шуғулланишга мажбур бўламиз.

Бундай ҳолларда қўл силтаб: „Ҳаёт шундай бўлса, на илож?“ деб қўникиб кетаверамиз. Бизнинг „хоҳлайман“ ва „шундай бўлиши керак“ларимиз ўртасида ўтиб бўлмас тўсиқ пайдо бўлаётганидек туюлаверади. Балки бу тўсиқни олиб ташлаш имкони бордир?

Балки шундай бўлиши керақдир? Ахир ҳалқда „Бошга тушганни кўз кўрар“ деган, қийин ҳаётга қўнишга мажбур қиладиган нақллар ҳам бор-ку?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 29- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- салоҳият ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- одамларни ўзларига муносиб жойларга ўтқозиш лозимлиги;
- салоҳиятга мос ҳолда масъулиятни олиш лозимлиги;
- ўзининг имкониятларини яхши билган ва имкони йўқ нарсаларнинг ортидан қувмайдиган одам энг ақлли одам эканлиги;
- кўнгил тусамаган ишга қўл урмаслик лозимлиги; қўлидан келадиган иш билан шуғулланиш кишини ҳар қандай хато ва шармандалиқдан, кулфатлардан холи қилиши;
- барча масъулиятни бўйинга олиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермаслиги;
- инсон бирор-бир ишни бажаришда ўзини зўриқтирмайдиган даражада ишлаши учун меъёрий даражани англаб етиши ва унга амал қилиши кераклиги кабилар ёритилган.



Ҳофиз Шерозий

(1326 — 1389)

Форс шоири.
„Девон“ — 600 дан ортиқ шеърлар туплами.

„Муваффақият ҳавода шамол каби эсмайди, меҳнатдан келади“.

Муаллиф

30- сир. Муваффақият ва осудалик

Муваффақият... Бу сўз тилга олиниши билан ҳар биримиз беихтиёр ўйга толамиз ёки ютуқларимизни эслаб хурсанд бўламиз. Туғилганимиздан то шу кунгача эришган ёки эришолмаган нарсалар кўз олдимиздан ўтади. Қай бир нарасада муваффақият биздан юз ўгирди?

Хўш, муваффақият ўзи нима? Унинг ўлчови борми? „Муваффақият — бу бирор ишда эришилган натижа, галаба“, деб талқин этилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да.

Алберт Эйнштейн муваффақиятни қуйидаги формулада ифода этади:

$$A = X + V + Z$$

Бунда:

- A — муваффақият;
- X — меҳнат;
- V — сўз (тил, муомала);
- Z — ўйин.

Ҳаёт ҳеч нарсани сизнинг олдингизга тайёр қилиб олиб келиб қўймайди. Фақат тинимсиз меҳнат (X) эвазига мақсадингизга эришишингиз мумкин. Ҳатто луғатларда ҳам „муваффақият“ сўзи „меҳнат“ сўзидан кейинда туради. Агар одатдаги тер тўкиб меҳнат қилиш инсоннинг руҳий ва жисмоний соғлиғига қанчалик ижобий ёрдам беришини кўз олдингизга келтирсангиз, шунчалик асабийлик, умидсизлик, нотинчлик ва ташқи босимни енгиб чиқиш осон кечади.

Дунёда кишини ҳайратда қолдирадиган нарсалардан бири — бу айтган сўзимиз (V)нинг муваффақиятимизга кўрсатадиган таъсири. Айтадиган ҳар бир гапимиз бизнинг оёқ-қўлимизни бутунлай боғлаб ташлаши ёки бизни юксакларга олиб чиқиши мумкин. Нимани эккан бўлсак, ўшани ўраимиз.

Учинчи омил, А. Эйнштейн таъкидлаганидек, ҳаёт — бу ўйин (Z). Муваффақият қозониш учун унинг қоидаларига амал қилиш керак. Ўйиндан ташқари ўйинга қатнашишдан бош тортиш керак. Қоронғиликда адашиб юради-ганлар қаторига қўшилиб қолманг, мўлжални аниқ олиб ишланг ва муваффақиятга эришинг.

Хўш, айтинг-чи, муваффақиятга элтувчи бу омиллардан хабарингиз бормиди? Ўзингизнинг ютуқларингизни ушбу ўлчовларда ўлчаганмисиз?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 30-сири тўғрисида бўлиб, унда:

- муваффақият билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- машаққатли меҳнат, қатъият, жушқин истак, бой берилган нарсаларга чидаш, интизом, тадбиркорлик, саросималикдан ҳар қандай йўл билан ўзини четга олиш кабилар муваффақиятга элтувчи омиллар эканлиги;
- умрни муддат билан эмас, меҳнат ва фақат у туфайли эришилган муваффақият билан ўлчаш лозимлиги;
- юракдан чиқариб фидокорона қилинган меҳнат роҳатидан афзалроқ ҳеч нарса йўқлиги;
- Л. Н. Толстой: „Агар бирор кун ишламасам, ўзимни ўзим ўлдирардим“, деб бежиз айтмаганлиги кабилар ёритилган.



Амир Темур

(1336 — 1405)

Буюк саркарда.

„Темур тузуклари“

„Ношукрлик замирида чексиз хоҳиш-истаклар ётади“.

Муаллиф

31- сир. Шукроналик ва осудалик

„Шукроналик — бу бирор нарсадан мамнунликни, миннатдорчиликни ифодалаб, „ташаккур“, „раҳмат“, „миннатдорман“, „розиман“, „тақдирдан, ҳозирги аҳволдан мамнунман“ каби маъноларда қўлланилади дейилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Шукроналик афсус-надоматларнинг юзага келишига йўл қўймайди, аксинча, кишиларда қониқиш, мамнунликнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Ота-боболаримиз бизни ўтган ҳар бир кунга шукур қилиб яшашга ўргатишган. Тани-жонинг соғлиги, кўзинг ёруғ оламини кўриб тургани, томирингда қон айланиб турганига шукур қилишинг керак, деб уқтиришган.

„Аллоҳ берган бу неъматларни гапиришлик неъматга шукур қилишдан ҳисобланади“, дейилади ҳадисда.

Хўш, айтинг-чи, биринчи қиладиган ишимиз: бориға шукур қиляпмизми? Табиат олами ранг-баранг, ғоят бой сайёрада туғилганимиз учун шукур қиляпмизми? Ҳаёти-мизни ҳаёт қилаётган сув қошида эҳтиром бажо қила оляпмизми? Кўкракни тўлдириб тоза ҳаводан нафас олиш имконияти борлиги учун шукрона айтишни биламизми?

Ахир усти бут, тўрт мучали соғлигидан, тинч-тотув замонда яшаб, эмин-эркин ҳаёт кечираётганидан қаноат ҳосил қилмаса, бу ношукурлик эмасми? Ҳар куни эрталаб уйғонганда шу мусаффо тонгга етказганидан, фоний ҳаётининг бир муборак куни бошланганидан Аллоҳга шукроналик келтириб, ҳалол меҳнат ила топган насибасига қаноат қилиб яшамоқлик ҳар қандай инсон учун бахт эмасми, аслида?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сирини“ номли туркумнинг 31- сирини тўғрисида бўлиб, унда:

- шукроналик билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;

- шукроналик замирида яширинган сир-синоатлар;
- ношукурлик ҳечам оқлаб бўлмайдиган иллат эканлиги;
- ношукурликнинг илдизлари, унинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш йўллари;
- яхшини кўриб фикр қилиш, ёмонни кўриб шукр қилиш лозимлиги;
- жаҳонда фақат ёмонликдан ясалган бирор инсон йўқлиги, биримиз мўл неъматлар, биримиз тақчиллик ичида шукур ва сабримиз синалаётганини билолмагунимизча мўмин бўлолмаслигимиз;
- ким неъматга шукур қилса, хайр-саховат қўлини кенг очувчи эканлиги;
- ким тақчилликда қаноат, сабр қила олса, у олам подшоҳларидан ҳам бойроқ эканлиги;
- бирор нарсани бошқада бор, менда йўқ дейишнинг ўзи тангрига шукур қилмаслик эканлиги; шукроналик — бу бир жойда тўхтаб қолиш деган гап эмаслиги;
- бугунги шукронамиз ортидан келгусида, албатта, „бирор неъмат“нинг келиши аниқлиги тайин эканлиги;
- қаноат энг улкан дарахт, шукрона эса, энг олий, энг хуштаъм мева эканлиги кабилар ёритилган.



Мирзо Улуғбек


(1394 — 1449)

Давлат арбоби, астроном.


1. „Зижи кўрагоний“.
2. „Рисолайи Улуғбек“.
3. „Тўрт улус тарихи“.

„Бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унутиш гуноҳ бўлади. Нуқул пул ва фойда кетидан қувсак-да, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса — бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ“.

Ислом КАРИМОВ



**3.2. МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ
ҚАДРИЯТЛАРГА РИОЯ ҚИЛИШ БИЛАН
БОҒЛИҚ БЎЛГАН ОСУДАЛИК**



ёхуд

14 та китоб

АННОТАЦИЯСИ

Аннотациялар мундарижаси

Китоб рақами	Китоблар номи	Бетлар
32.	Иймон ва осудалик	163
33.	Инсоф ва осудалик	165
34.	Адолат ва осудалик	167
35.	Одоб ва осудалик	169
36.	Андиша ва осудалик	171
37.	Ният ва осудалик	173
38.	Ихлос ва осудалик	175
39.	Меҳр ва осудалик	177
40.	Ақл ва осудалик	179
41.	Яхшилик ва осудалик	181
42.	Ҳақиқат ва осудалик	183
43.	Қалб ва осудалик	185
44.	Фурур ва осудалик	187
45.	Ирода ва осудалик	189

„Иймонсиз одамлардан қурқиш керак, сабаби улардан ҳамма нарсани кутиш мумкин“.

Муаллиф

32- сир. Иймон ва осудалик

„Иймон“ арабча сўз бўлиб, *ишонч* маъносини билдиради. „Ўзбек тилининг изоҳли лугати“да ҳам „Иймон — бу худога бўлган ишонч, эътиқод“ деб талқин этилган. Иймон қалбнинг дури бўлиб, кишини эътиқодли, эзгуликка, ҳалол ва пок бўлишга ундайди. Шуни ёдда тутмоқ лозимки, иймон уч нарсанинг бутунлигидан ҳосил бўлади: эътиқод, иқрор ва амал. **Эътиқод** — ишонч, **иқрор** эса, сўзда буни тан олиш, **амал** — яхши ишлар билан буни исботлашдир.

„Иймони муфассал“нинг ўзбекча таржимаси қуйидагича: „Аллоҳга, унинг фаришталарига, китобларига, пайгамбарларига, қиёмат кунига, яхши-ёмон тақдирга ва улгандан кейин қайта тирилишга иймон келтирдим“. Булар иймоннинг энг асосий рукнлари — устунлари ҳисобланади.

Буюк аллома ва саркардаларнинг ҳаёти ва фаолияти шуни кўрсатмоқдаки, иймонли, инсофли киши доимо эл ҳурматида бўлади. Тинч-осойишта яшайди. Сабаби, иймонли кишининг қалби тиниқ ва беғубор бўлиши билан бирга, маърифатпарвардир. Одамларга, ўз халқига бўлган муҳаббати, садоқати, яхшилиги, дўстлиги, инсофи билан бошқалардан ажралиб туради, бу эса, унинг инсоний фазилатлари баланд эканлигини кўрсатади ва қадрини оширади. Иймонли одам шундай саховатлики, унинг юзидан нур ёғилиб туради. Бу нур кишиларни ўзига сеҳрлаб қўяди. Зиё, нур, фикр товланиб турган бундай иймонли одамлар осуда яшовчи кишиларнинг тимсолидир.

Алишер Навоий ҳазратларининг „Ҳайрат ул-аброр“ достонидаги биринчи боб иймон ҳақида бўлиб, унинг ҳаёт, инсонийлик моҳиятида тутган ўрни белгилаб берилади: „**Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур, балки нишонин анга иймон эрур**“, яъни ким бу дунёда инсон деб аталибдики, инсонлигининг белгиси иймондир.

Хуш, айтинг-чи, биз ўзимизни иймонлиман деймиз-у, нега ёлгон гапирамыз? Нега лафзимизда турмаймиз? Нега куракда турмайдиган ҳақоратларни тилга олишдан ҳазар қилмаймиз? Нега инсофсизликка, виждонсизликка, андишасизликка йўл қўямиз? Наҳотки, „Иймонсиз!“ дейишдан ортиқ ҳақорат бўлмаслигини тушунмасак? Ахир бу ҳақорат замирида Худога ишонч-эътиқоди йўқ, Худодан, диндан қайтган, виждонсиз, разил, диёнатсиз тушунчалари ётганини наҳотки билмасак?!

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 32- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- иймон ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- иймоннинг инсон ҳаёти, инсонийлик моҳиятида тутган ўрни;
- инсонийликнинг белгиси иймон эканлиги;
- иймонли одамнинг инсофли, андишали, ор-номусли, шарм-ҳаёли, виждонли, эътиқодли, ўзининг аниқ маслагига эга бўлиши;
- *„Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Ҳар кимда бу икки йўқ — иймон йўқ ва ҳар кимда иймон йўқ — андин одамийлик келмак имкони йўқ!“* (А. Навоий), яъни иймонсиз одам эмаслиги кабилар ёритилган.



Абдурахмон Жомий

(1414 — 1492 й.й.)

Форс-тожик шоири, олим.

1. „Саломон ва Абсол“.
2. „Юсуф ва Зулайҳо“.
3. „Етти тахт“.

„Инсоф — бу адолат ва виждон амри билан иш тутишдир“.

Муаллиф

33- сир. Инсоф ва осудалик

Инсоф — бу адолат ва виждон амри билан иш тутиш туйғуси ва қобилияти, ишда, кишиларга муносабатда ҳалоллик, тўғрилиқ, баробарлик, тенглик, софдиллик ва ҳақиқатгўйликдир. Ўзгани ўз ўрнига ва шунингдек, ўз ўрнига ўзгани хаёлан қўйиб кўриш ҳам инсофга киради.

Тўқ очни, бой камбағални, бахтли бахтсизни, толеи баланд толеи забунни, омадли омадсизни, соғлом беморни ўз ўрнига қўйиб кўролса ёки аксинча, олам гулистон — инсофлилар сафи кенгайиб кетади. Агар киши бирор ишни тўғри бажарса, унда ички қониқиш пайдо бўлади, атайин нотўғри бажарса, инсофдан чиққан бўлади.

Инсоф бир гўзал либос бўлса, инсофсизлик кўримсиз либосдир. Инсофнинг чегарасидан ўтиш инсофсизликка элтади. Унга дуч келган киши эса пушаймонлик комига тушиши муқаррар. Уларнинг ҳам, ҳаётдан кўрадиган моддий манфаатининг ҳам баракаси, аввало, инсофдандир. Инсофи йўқнинг иймони йўқ, деб бежизга айтилмаган. „Инсоф — дин соф“ деган нақл ҳам бу тушунчанинг нақадар теран мазмунга эга эканлигидан далолат беради.

Ўтмишда иймонни дарахтга қиёслаганлар. Ушбу дарахтдан бешта, яъни, инсоф, ҳаё, адолат, шафқат ҳамда марҳамат шохлари униб чиққан. Кишида ана шу фазилатнинг лоақал биттаси бўлса, у иймонлидир. Агар бирортаси ҳам бўлмаса, бу унинг иймонсизлигидан далолат беради. Ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам: „*Аллоҳга сифинаман де, сунгра инсофли бўл*“, деб амр қиладилар. Чунки инсофли одамларда яхшилик қилиш, виждон амри билан иш тутиш, ўз дўстларидан айб қидирмаслик, ноҳўя ҳаракат қилса ҳам, уни яхши йўлга бошлаш, ўз айбига иқрор бўлса, узр сўраш, узрини қабул қилиш, бошқалар учун машаққатни ўз устига олиш, фақат ўз манфаатини кўзламаслик, очиқ юзли, ширин сўзли бўлиш, муҳтожлар-

нинг ҳожатларини чиқариш, мулойим бўлиш каби олижаноб хислатларини куриш мумкин. Бунинг натижасида уларда мулойимлик, хушмуомалалик каби ахлоқ сифатлари камол топади.

Лекин, сир эмас, кейинги пайтларда одамлар ўртасидан меҳр-оқибат нега кўтарилиб боряпти? деган савол кишини қаттиқ уйга толдиради. Ахир бу ёруғ дунёга келиш, даври даврон суриш вақтинчалик, деган фикр наҳотки бир лаҳза булса ҳам хаёлимизга келмаса?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 33- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- инсоф билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- инсофлилик, очиққўнгиллилик, самимийлик инсофнинг энг олий хусусиятларидан эканлиги;
- ноинсоф кимсалар ҳаётда мақсади йўқ ёки нотўғри орзу-умидлар билан яшовчи одамлар эканлиги;
- ноинсоф одамларнинг хаёлларини ҳаракатлантирувчи куч керагидан зиёда ўз манфаатлари эканлиги;
- ноинсоф кимсаларнинг худбин бўлиши, фақат ўзидан бошқани уйламайдиган, ҳурмат қилмайдиган кишилар эканлиги кабилар ёритилган.



Алишер Навоий

(1441 – 1501)

Ўзбек шоири ва мутафаккири.

1. „Ҳайрат ул-аброр“ (1483).
2. „Лайли ва Мажнун“ (1484).
3. „Фарҳод ва Ширин“ (1484).
4. „Сабъайи сайёр“ (1484).
5. „Садди Искандарий“ (1485).

„Адолатсиз одамгина адолатдан
кўрқади“.

Муаллиф

34- сир. Адолат ва осудалик

Дунёни мувозанатга солиб турувчи ё мувозанатдан чиқариб турувчи бир неча тушунчалар мавжуд. Бу тушунчаларнинг энг кучлиси, энг таъсирчани **Адолат** ва **Адолатсизликдир**. „Адолат — бу одилона ва холисона иш тутиш, ҳаққонийлик; адолатсиз — бу адолатни поймол этувчи, адолатга хилоф иш тутувчи“, деб тушунча берилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да.

Шайх Саъдийда шундай фикр бор: „Мардлик билак кучида ва шамшир ўйнатиш санъатида эмас, балки ўзни тута билиш ва адолатли бўлишдадир“.

Амир Темур бобомиз ҳам „Куч — адолатда!“ деганлари бежиз эмас. Адолатпарвар раҳбарнинг ахлоқий хислатлари бемалол қонун ўрнини босади.

Адолат Аллоҳни танишда, кишилар ўртасида ҳукм чиқарганда, оилада, фарзандлар ўртасида одиллик билан иш тутишда ва бошқа кўринишларда намоён бўлади. Ҳаётнинг осудалиги ҳам, кишиларнинг низоларсиз тинч-тотув яшаши ҳам худонинг ер юзидаги буюк ва қудратли ўлчови бўлган ана шу адолатга боғлиқдир.

Адолат бизга: „Ўзингизга истаган ва орзу қилган нарсани бошқаларга ҳам истанг, истамаган нарсангизни бошқаларга ҳам истаманг, ўзингизни қандай кўрсангиз, бошқаларни ҳам шундай кўринг“, деб тавсия қилади. Шу боис инсоният яралгандан бери адолатни қадрлаб яшаган. Адолат бўлган жой гуллаб-яшнаган, халқ эркин бўлган. Адолат оёқ ости қилинган жойларда эса, разолат ҳукм суриб, жамият тубанликка юз тутган.

Ҳикмат. Сукрот ҳақим айтади:

— Олам адолат билан пойдор,
Зулм билан эса, хору зор.

Байт:

Зулм асосига қурилган бино
Ғазаб оташидан вайрон бўлажак!

Хўш, айтинг-чи, адолагсизлик билан адолат беллашганини сезган ҳол дарҳол адолатга мададкор бўлганмисиз? Ёки адолат тантанаси учун курашдан қўриқиб, муроса-созлик кайфияти билан яшаш маъқулни? Эҳтимол, ҳақиқат ва адолатни кўргандирсиз? Ёки адолатни букмоқчи бўлган кишининг йўлига тўғаноқ бўлганмисиз?

Умуман, ўзингиз қанчалик адолатлисиз?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли 99 китобдан иборат туркумнинг 34-сири бўлиб, унда:

- адолат билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- адолатнинг амалдаги ҳақиқат эканлиги;
- адолатнинг учта асосий талаби;
- адолатли бўлиш — бу адабнинг устунни, инсонийликнинг асоси эканлиги;
- тўғри, адолатли сўзлаб ўлмоқ, ёлғон гапириб қутулмоқдан афзал эканлиги;
- адолатли айтилган сўз айтувчига ҳам, эшитувчига ҳам бирдек манфаат келтириши;
- адолатли кишининг соғлом бўлиши, ғам-хатар ва кулфат ундан юз ўтириши, одамларнинг ишончли кишисига айланиши;
- инсоният тириклигининг давомийлигини таъминлайдиган бирдан-бир манба ҳам адолат эканлиги; адолат динимизда ардоқланган энг улўф хислатлардан бири эканлиги;
- мусулмон киши адолатли бўлишни энг зарур хислатлардан деб ҳисоблаши кабилар ёритилган.



Леонардо да Винчи

(1452 — 1519)

Италян мутафаккири, олими, рассоми.

1. „Мона Лиза“.
2. „Муסיқачи портрети“.
3. „Мадонна Литга“.

„Одоб кишилар орасидаги тинчлик ва тотувликни таъминлайдиган улуғ фазилатдир“.

Муаллиф

35- сир. Одоб ва осудалик

Одоб нима ўзи? „Одоб — бу ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги яхши ахлоқ, тарбия, хушмуомалалик“ дейилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Одоб — бу инсоний фазилатлардан энг улуғи бўлиб, нафсни тийиш, ёмонликни тарк этиш, беҳаёлардан ўзини олиб қочиш. Эҳтиёткорлик қилиш ва уялиш, шарм-ҳаё ва номусни сақлаш кабиларни англатади.

Одоб бозорда сотилмайди. Уни яхши мактабларда ўқитиб, сара китоблар мутолаа қилдириб ёки кундалик панду насиҳатлар билан яратиб бўлмайди, бу ҳаракатлар билан инсоннинг мавжуд фазлига фазл қўшиш, яхши томонларига янада ишлов бериш мумкин, холос. Масалан, боланинг одоб пойдевори унинг наслу насаби, онасидан узатилаётган қондадир. Бола баданидаги қоннинг пичирлашига ва кўзи кўриб, кузатиб турган нарсаларга қараб ҳаракат содир этади ва шу жараёнда одоб шаклланади.

„Киши ўз боласига одобдан кўра афзалроқ нарса қолдиrolмайди“, дейилган ҳадисда.

Минг афсуски, биз фарзандларга иморат, мол, пул қолдириш орзусида яшаймиз. Шу ишнинг ижросига калламиз билан шўнғиб кетганмиз. Фарзанд тарбиясига эса, эътиборимиз етмайди. Вақт йўқ. Назорат йўқ.

Юсуф Хос Ҳожиб одобни шакллантиришда ота ролини улуғлаб, бежиз шундай демаган: „Болога отанинг меҳнати сингган бўлса, унинг феъл-хулқини жадал ўрганади. Ота фарзандини тергаб тарбияласа, унда феъл-йўриқ яхши бўлади, ота ва онасининг юзини ёруғ қилади. Агар назорат қилувчиси бўлмаса, ундай фарзанд ярамас ва нобакор бўлади. Бундай фарзанддан умидингни узавер. Эй ота, ўғил-қизни тергаб тарбиялагин, токи кейин пушаймон бўлмагин“.

Яна бир гап. Араб донишманди Абдурахмон Қосим одоб ҳақида гап кетганда айтиб эдилар: „Мен йигирма йил имом Молик хизматида юрдим. Шундан 18 йилида одоб, икки йилида илм ўргандим. Бугун таассуфдаманки, уша икки йилда ҳам одоб ўрганмоқ жоиз экан“.

Хўш, айтинг-чи, фарзандларимиз бугунги кунда бошларидан одоб қашшоқлигини кечирмаяптими? Ота-оналар уларга одоб нима эканлигини кўрсата оляптиларми? Ўр-нак бўла оляптиларми? Нима учун бугунги йигитларнинг гурури, қизларнинг ҳаёси камайиб боряпти? Наҳотки „Бо-ла азиз, одоби ундан ҳам азиз“ деган оддий бир мақолнинг моҳиятини тушуна олмасак?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли тур-кумнинг 35- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- одоб ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи; қашшоқлар ичида энг оғири одоб-ахлоқ йўқчиллиги эканлиги;
- одоб одамнинг маънавий етуклиги мезони эканлиги;
- одоб — бу инсоний фазилат, киши қадрини баланд қилувчи қимматли сифат эканлиги;
- одоб кишилар орасида тинчлик, тотувликни таъминлайдиган, Аллоҳ рози бўладиган улўф фазилат эканлиги;
- одобнинг икки хиллиги: ҳикмат одоби ва хизмат одоби, биринчиси поклик ва тўғри йўлга етакласа, иккинчиси бадавлатлик ва обрўга етказиши каби-лар ёритилган.



**Абу Ҳамид Муҳаммад
ал-Ғаззолий**

(1058 — 1111)

Форс-тожик файласуфи.

1. „Файласуфларнинг мақсадлари“.
2. „Файласуфларнинг раддияси“.
3. „Дин ҳақидаги фаннинг туғилиши“.
4. „Олам жавони“.

„Ўз виждонидан андиша қилмаган киши ҳеч кимдан ва ҳеч нимадан уялмайди“.

Муаллиф

36- сир. Андиша ва осудалик

„Ўзбек тилининг изоҳли луғати“ да: „Андиша — бу уят, шарм-ҳаё, ор-номус маъносини англаиб, кетини, оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб, эҳтиёткорлик билан мулоҳаза юритишдир“, дейилган. Бир донишманд андиша (уят)ни „виждоннинг сиртқи кўриниши“, дебди.

Демак, андишасизлик билан беадаблик, беадаблик билан ахлоқсизлик орасида хитой девори йўқ, буларнинг ҳар бири виждонсизликнинг турли босқичидир. Модомики, шундоқ экан, андиша (уят) жамиятимизни бало-қазодан сақлайдиган буюк посбон, осудалигимизни таъминлайдиган улуғ қадрият, дейиш мумкин.

Андиша (уят) шафқатсиз қонундан ҳам кучлироқ, қудратлироқдир. Қонун фақат кўзи тушганда, шубҳа пайдо қилгандагина жиноятчининг қўлини ушлайди, йўлини тўсади. Уят эса, ҳамиша одобсиз, ахлоқсиз жиноятчининг тепасида туриб, ноҳўя иш қилиш учун қўл кўтаргани қўймайди. Ҳар қандай қонунга ҳам чап бериш мумкин, лекин уятга чап бериб бўлмайди, чунки қонун одамдан ташқарида, уят эса, одамнинг кўксига бўлади.

Содда қилиб айтганда, андиша — бу ўзгаларни бутун асраш, уларнинг осудалигини таъминлаш йўлидаги фидойиликдир. Хўш, биз ҳамма вақт ҳам шу фидойиликни қилишга тайёرمизми? Албатта йўқ! Хусусан:

- ваъда берамизу, устидан чиқмаймиз. Хижолат чекиш йўқ.
- бандасининг қузига тик қараб ёлгон гапирамыз. Тап тортиш қаёқда!
- бировнинг ҳаққини паққос урамызу, қўзимизни лўқ қилиб тураверамиз. Бор, қўлингдан келганини қил!
- ҳар қандай тадбирларни қўллаб, ўзганинг тагига сув қўямизу, шарм-ҳаё, андиша „эскилик сарқити“, деб ўрнини эгаллаймиз.

- фарзандларимизнинг онасини ҳар турли бозорларга йўллаб, муштипарнинг топиб келганига „ино-марка“ олиб минамиз. Номусларга ўлмоқ қани?
- мол-дунёмиз ғайриқонуний йўл билан орттирилганини ҳамма билади, ўзимиз ҳам биламиз. Лоақал, ерга қарамоқ, қизармоқ хаёлимизга келса-чи!
- кирдикорларимиз оламга овоза, биз эса, адлу инсофдан лоф урамиз. Охиратда ҳам бир иложи топилар...

Уялмаймиз, уялмаймиз... Нега шундай?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сирини“ номли туркумнинг 36- сирини тўғрисида бўлиб, унда:

- андиша ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- андиша — бу яхшилик дунёси оғиб кетишидан сақлайдиган мувозанат эканлиги;
- андиша — жами яхшиликларнинг яратувчиси эканлиги;
- масъуллиқ, бурч, уят, меҳрибонлик, фидойилиқ, вафо — ҳамма-ҳаммасининг замирида андиша борлиги;
- атрофдаги баджаҳллар, қон босими ошганлар, инфарктлар, асабийлар, ошқозон касалликлари билан жабр тортаётганларнинг барчаси андишасизликнинг зарбасига учраган кишилар эканлиги кабилар ёритилган.



Заҳириддин Муҳаммад Бобур

(1483 — 1530)

Ўзбек ёзувчиси, шоҳ ва шоир.

1. „Бобурнома“.
2. „Мубаййин“.
3. „Ҳарб иши“.
4. „Аруз ҳақидаги рисола“.

*„Инсон узининг кимлигини фақат
ниятлари билан эмас, ишлари билан
исботлаши керак“.*

Муаллиф

37- сир. Ният ва осудалик

„Ният — бу кўнгилдаги истак-орзу, аҳд, мақсад“, деб таъриф берилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Ҳаётий бир ҳақиқат бор: инсоннинг оёғу қўлини, тилини унинг нияти бошқаради. Одам юзини ёруғ қиладиган ҳам, хонумонини барбод қилиб, осудалигини бузадиган ҳам унинг ниятидир. Киши доимо яхши ният билан яшамоғи керак. Боболаримиз бекорга: „Яхши фикр, яхши ният, яхши гапга ҳам, ёмон фикр, ёмон ният, ёмон гапга ҳам фаришталар „омин“ („шундай бўлсин“) деб турадилар“, деб бежиз айтмаганлар.

Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам — ҳамма-ҳаммаси ниятга яраша бўлади. Яхши, пок ниятдан яхшилик, яхши ишлар, эзгулик ва аксинча, ёмон, салбий, гаразли фикрлашдан ёмонлик, ёвузлик келиб чиқади. Инсон нимани хоҳласа, шуни қилади. Ва шунга қараб ажрини олади. Агар ниятингиз яхши бўлса, уни амалга оширишга ихлос билан уринаётган бўлсангиз, қадамни маҳкам босаверинг — йўл-йўлакай қўллайдиган Яратганнинг ўзидир!

Мен бир пайтлар бир донишманднинг „Менинг ҳузуримга келаётганингизда ишларингизни қўйиб, ниятларингиз билан келинг“, деган гапини ўқиб, унчалик туншунмаган эдим. Кейинроқ Ҳаким ат-Термизийда: „Ҳар қандай йўқотишдан қўрқмаслик керак. Фақат ниятни йўқотишдан қўрқинг“, деган фикрга дуч келдим ва ўша донишманднинг фикрига калитни топдим.

Бу дунёда яхши ниятини йўқотиб қўйишдан қўрқиб қолмаслик керак. Ҳўш, ҳеч эзу ният қилганмисиз? Эҳтимол, бундай савол Сизни ажаблантираётгандир? Албатта-да, дунёдаги ҳар бир инсон яхши ният қиладди, бахтли бўлишни истайди. Балки бунинг ёмон томони йўқдир? Чунки одамзод ҳамиша яхши яшашга интилиб келган.

Аммо тонг ёришаётган пайтда: „Бугун бирор-бир савоб иш қилишим керак“, дея аҳд қилдингизми? Кимдандир одамгарчилик юзасидан ҳол-аҳвол сўрашни, ҳеч бўлмаганда йўловчиларга табассум билан салом беришни ният қилсангиз, шунинг ўзи эзгу ният эмасми? Наҳотки, покиза ният билан қадам қўйган, дили пок, қўнгли соф одам қайси бир хонадонга қадам қўйса, ўзи билан ўша хонадонга дўстлик ва оқибатни олиб кириши ёки дили бузуқ, нопок киши қадам қўйса, иғво ва фитна уругини сочиб кетишини ҳар биримиз англай олмасак?

Ҳа, афсуски, худди шундай. Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 37- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- ният билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- ҳар қандай шароитда ҳам инсон ҳамиша пок ният билан яшаши кераклиги;
- дили бузуқларнинг йўли қоронғи ва эгри эканлиги;
- нопок ниятнинг ҳосили фожиа бўлиши;
- салбий ва ғаразли ниятларни йўқ қилиб, уларни яхши ниятлар билан алмаштириш зарурлиги;
- ҳар бир нарсадан иллат эмас, балки фазилат қидириш лозимлиги;
- яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам — ҳамма-ҳаммаси ниятга яраша бўлиши;
- ҳар бир кишига бетакрор ва ухшаши йўқ шахс сифатида қараш лозимлиги;
- нияти пок, орзулари улў инсонлар доимо осуда ҳаёт кечиришлари кабилар ёритилган.



Фузулий

(1498 — 1556)

Озарбайжон шоири.

1. „Лайлову Мажнун“.
2. „Ҳафт жом“.
3. „Шикоятнома“.

„Ихлос — халос“ Бу сўзнинг тоши жуда оғир.

Муаллиф

38- сир. Ихлос ва осудалик

„Ихлос — бу чин юракдан берилиш, астойдил муҳаббат, меҳр“, дейилган „Ўзбек тилининг изоҳли лугати“да. Яъни ихлос — бу астойдиллик, диққат, сабр, кучни бир нуқтага тўплаш, шайтонни нари итариш, кўтаринкилик, меҳнатнинг натижасига эришишдир. „Ихлос — халос“, дейди халқимиз. Халқнинг тилида ўлмай келяптими, демак, бу сўзнинг тоши оғир. Бир кунига ярайдики, халқ бу зил юкни кўтариб юради.

Қаники, ҳар биримиз ҳам эгилсак-да, пойимизда сочилиб ётган халқнинг сўзларига меҳр билан қулоқ тутсак, мағзини туйсак ва амалиётимизда қўллаб кўрсак. Шунда муаммоларимиз бирин-кетин камайиб бораверади, ҳаётимиз осуда кечаверади.

Борди-ю, биз бу ишда беихлос бўлсак-чи? Унда биз ишнинг кўзини билмаймиз. Бирор раҳбар қаноати ва ё қўл остига кирмасак, ҳолимиз паришон, ишларимиз ярим-ёрти қолади. Чунки қаршимиздаги душман кучлидир: шайтон ва нафс. Булар биз учун жуда ҳам таҳликали икки унсур. Ожизмиз. Ёлғиз қолгудек бўлсак, боз устига беихлос бўлсак, Аллоҳ асрасин, жарлик тубига тушиб кетиб, парча-парча бўлиш хавфи аниқ.

Хўш, жонни қийнамагунча фароғат топиш мумкинми? Жонни қийновда ушлаб турган ўша ихлос эмасми? Айтинг-чи, ҳамма хунарманд, ҳамма истеъдодли ва ҳамма лаёқатли кишида ихлос бор, деб ўйлайсизми?

Нима учун инсон ўзини ёлғиз сезади? Нима учун кучкуватга тўлган баъзи ёшлар нарсалардан кўрқади? Нима учун дунё унга бошдан-охир беҳузурлик бўлиб туюлади? Нима, ҳаётнинг ҳеч қандай ҳузури, сурури, қувончлари йўқми?

Биродар, кўзингизни очинг. Ихлос аралашган жойдагина мурудингизга егасиз, юрагингизга ўт тушса, яъни

оловдай гуриллаб бир ишга киришсангиз мақсадингизга эришасиз.

Инсон ҳар қанча ҳаракат қилмасин, агар ихлос бўлмаса, ҳаракати унга фойда бермайди. Фақат ихлос билан қилинган ҳаракат фойдали ва мақбулдир.

Хуш, бу ихлосни қандай қилиб қўлга киритиш мумкин?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сир“ номли туркумнинг 38- сир тўғрисида бўлиб, унда:

- ихлос билан осудалик ўртасидаги боғлиқлик кучи;
- ихлосни қўлга киритиш йўллари ва сирлари;
- ихлос билан иш бошлаётган одам Яратганга тавakkал қилиб турган киши эканлиги;
- Яратганнинг унга берган жисмоний ва маънавий имконларига суяниб турган киши эканлиги;
- бундайларга Яратганнинг мукофоти кўплиги;
- киши эринмай, ихлос билан яхши ишга чоғланаверса, Худо уни йўл-йўлакай ёрлақаб, яъни ақлини чархлаб, ишнинг кўзини биладиган қилиб, бировга зорикмайдиган даражага етказишлиги кабилар ёритилган.



Сааведра Сервантес

(1547 — 1616)

Испан ёзувчиси.

1. „Дон Кихот“.
2. „Галатея“.
3. „Персилес ва Сихизмуна“.

„Эҳтимол, одам жойга, бойликка тўйиши мумкин, ammo энг арзон бўлган меҳрга доимо муҳтожлигича қолади“.

Муаллиф

39- сир. Меҳр ва осудалик

Дунёда ҳамма нарсанинг ўз ўлчови бор, дейишади. Аммо шундай нарсалар борки, унинг на ўлчови бор, на мезони. Меҳр ана шундай ўлчаб бўлмайдиган неъмат ҳисобланади. „Меҳр — бу инсоннинг ўз туғишганларига, яқин кишиларига ва умуман, одамга бўлган самимий муҳаббати, сидқидилдан севувчи“, дейилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Унинг чек-чегараси йўқ. Бошқаларга қанча меҳр берсангиз, ўзингизга шунча ортиғи билан қайтади.

Меҳр! Тўрттагина ҳарфдан иборат бу сўзнинг замирида қанчалар маъно, мазмун мужассам. Ватан, замин, ҳаёт, ота-она, фарзанд, қариндош-уруғ, яқинлар-у ёру дўстлар, оила, касб, ишга меҳр...

Оддий ҳақиқат. Бир киши дунёга келиш ва яшашнинг асл моҳиятини излаб олам кезибди. Бутун курраи заминни айланиб чиқибди-ю, лекин муроди ҳосил бўлмай, қайтиб келибди. Қарасаки, шу ахтаргани бундан ўн йил муқаддам ташлаб кетган хонадонидида қолган экан. У ҳам бўлса ота-она, жигарлари, оила, қон-қариндоши, ёру биродарлари, бир сўз билан айтганда, инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат экан. Зотан, одамзод ҳам меҳрнинг ҳосиласидир.

Назаримда ҳаётда меҳр-оқибат танқислиги сезилиб бормоқда. Ҳамма қаёққадир шошган, ҳеч кимнинг ортиқча вақти йўқ, мулойимлик борган сари ўз ўрнини қўполликка бўшатиб бераётгандек. Таниқли грузин адиби Нодар Думбадзе ўз асарларидан бирида: „Хайриятки, ер юзида гўдаклар билан қариялар бор. Агар улар бўлмаганда эди, инсоният қилмиши, хато ва гуноҳлари учун осмон ерга қапишиб қоларди... Болалар ва кексаларнинг доимо меҳрга муҳтожлиги туфайли ҳам самовотнинг бизга раҳми келади...“ деган фикрни айтади. **У меҳрга муҳтож, самимиятга**

интиқ инсон юраги ер шаридан-да оғирлигини ёзади. Бу талқинни Н. Думбадзе абадият қонуни дейди.

Ҳа, бир мулойим табассум, бир оғиз ширин сўз қудрати олдида не-не муаммолар ҳал бўлмаган, дейсиз. Ўз вақтида айтилган ширин сўз, берилган тасалли, инсонни хотиржамлик айлаши, унинг умрига умр қўшиши ҳақида жуда кам ўйлайдиган бўлиб қоляпмиз.

Нима бўляпти?! Замонми ёки одамлар ўзгариб боряптими?! Қалб ўзгача сезадиган бўлиб қолганми?! Нима бўляпти, ахир?! Бу содда ва равон дунёни чалкаштирган ўзимиз эмасми?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 39-сири тўғрисида бўлиб, унда:

- меҳр — осуда яшашнинг муҳим омили эканлиги ва улар ўртасидаги боғланиш кучи;
- меҳр — бу бамисоли қуёш, бамисоли сув ёки ҳаво, бамисоли ер эканлиги;
- меҳрнинг ўлчаб бўлмайдиган неъмат эканлиги;
- аслида ҳаммамиз ҳам меҳр гадоси эканлигимиз;
- моддийликнинг ўрнини қоплаш осон, аммо маънавий эҳтиёжни, меҳрталаб кўнгил эҳтиёжини қондириш мушкул эканлиги;
- меҳр булогидан улашмоқ ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиз эканлиги;
- инсонни бу дунёда ушлаб турувчи ҳам меҳр эканлиги кабилар ёритилган.



Бруно Жордано

(1548 — 1600)

Италян файласуфи ва шоири.

1. „Қоинот ва оламларнинг чексизлиги ҳақида“.
2. „Сабаб, ибтидо ва умумийлик ҳақида“.
3. „Замонамизнинг риёзиётчи, файласуфларига қарши 160 та асосий қоидалар“.
4. „Қаҳрамонона ташаббускорлик ҳақида“.
5. „Қиёматдаги базм“.
6. „Ўттиз ҳайкал чироғи“.

„Ақлини тўғри ишлатган одамгина
ақлимдир“.

Муаллиф

40- сир. Ақл ва осудалик

„Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да ақл тушунчасига қатор таърифлар берилган. Хусусан, „Ақл — бу одамнинг билиш, фикр юритиш қобилияти, заковат даражаси, фаҳм-идрок, зеҳн, донишмандлик, етуклик“. Ақл ва фаросат куёшга ўхшайди, бепарволик туфайли тушиши мумкин бўлган доғларга ўрин қолдирмайди. Айнан инсон ақл-зеҳни билан яхши ва ёмонни, фойда ва зарарни ажрата олади.

Бир донишманд: „Ақлинг билан қара, кўз хоиндир, қалбинг билан эшит, қулоқ ёлғончидир!“ деган экан. Ақл раъйнинг ҳақиқий ўлчови, фикр эса, ақлнинг кўзгусидир. Инсон бир ишга киришар экан, энг аввало, у шуни ақл каби адолат ўлчовида ўлчаб, келтирадиган фойда ва зарарини ўйлаб, сўнгра ҳаракат қилиши лозимдир. Ўзи унча тушунмаган бир иш ҳақида шу ишни яхши тушунган тажрибақор маслаҳатини олиш тавсия этилади.

Инсон — тирик жон. У ҳаётнинг маъноси ва даражасини фақат тўқчилик ва йўқчилик билан ўлчайди. Суриштириб келганда, тўқчилик ақлнинг меҳнати, ақлнинг фаоллигидан ҳосил бўлади. Йўқчилик эса, бунинг акси.

Ақлсизлик увадалари ичида турли қинғирликлар беркиниб ётади. Қинғирликлар билан эришилган тўқлик қанча чиройли кўринмасин, омонатдир. Фаҳм-идрокли кишилар тўқликнинг эгаси ақл бўлишини истайди. Ақлгина буюк ва мутгасил ўзгаришларга қодир. Ақлнинг бардавомлиги хотиржамликнинг, фаровонликнинг боши ва давомидир.

„Ҳадиси шариф“да шундай дейилади: „*Киши намоз ўқиб, рўза тутувчилардан бўлиши мумкин, яхшиликни ёйиб, ёмонликдан қайтаргувчилардан бўлиши мумкин, аммо қиймат кунни унинг ақли муқофотланади*“.

Ўтмиш ва келажак нуқтаи назаридан қараганда ҳам ҳар бир инсон, энг аввало, ўз авлоди давомийлигини ўзининг ақл-идроки ила таъминлайди. Бир донишманд: „Инсон ўзининг орзу-нияти кичик ёки улканлигига қараб буюк ёки муъжаз бўлиши мумкин“лигини таъкидлаганда ана шуни назарда тутган бўлса, ажабмас.

Хуш, айтинг-чи, ақл ҳар доим инсонга ҳам ўрнига шодлик, ғусса ўрнига қувонч, йиғи ўрнига кулги келтирадими? Агар шундай бўлса, нима учун „Билимдонлик балоси“ („Горе от ума“) асари ёзилган? Мен ақлсизман, деган инсонни учратганмисиз?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 40- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- ақл билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- ақл эгаларининг икки сифаги;
- барча кишиларнинг ақлга муҳтожлиги;
- доноликнинг фойдаси ҳамда нодонликнинг зарари;
- одамларга ҳурмат қўзи билан боқмоқ ва раҳм қўзи билан қарамоқ ақллилик ва донолик белгиси эканлиги;
- ақлли одамнинг етти хил киши билан ўзаро маслаҳат қилмаслиги;
- ақл ёшда эмас, бошда эканлиги;
- нодон одам молни, ақлли одам эса, фазлу камолни қолдириши кабилар ёритилган.



Шекспир

(1564 — 1616)

Инглиз шоири ва драматурги.

1. „Гамлет“.
2. „Ромео ва Жулиетта“.
3. „Қирол Лир“.

„Ҳамма нарсани яхшиликка йўйинг
ва кимгадир кераклигингизни ҳис этиб
яшанг“.

Муаллиф

41- сир. Яхшилик ва осудалик

Инсониятни буюк ишларга бошлаб, тараққиётга ҳисса қўшадиган ажойиб фазилатлардан бири — яхшилик. Чунки ҳамма эзгу амаллар доимо яхшиликдан бошланиб, яхшиликка етаклайди.

Динимизнинг ва ундан сув ичадиган миллий одоби-мизнинг мазмун-моҳиятига эътибор берилса, „Яхшилик қил!“ деган ягона фалсафа, ягона буйруқ жаранглаб туради. Бу гапда хосият кўп. Айтиш мумкинки, осудаликнинг калити шу шиорда!

Биз эса яхшиликнинг қадрига етмаймиз. Қаранг, мол-дунё қадри баланд, тилнинг мартабаси юксак, золимнинг зулми билан ҳисоблашурлар, муттаҳамнинг ошиғи олчи, ҳаттоки сурбетнинг соясига салом берурулар ва афсуски, кўп ҳолларда яхшиликнинг қадри сезилмас. Бу шунчаки гина ёки янги гап эмас, бу сиз билан бизни изтиробга солган, уйга чўмдирган, гоҳида ботинда тан олиб, зоҳир-да сир бой бердирмайдиган ҳақиқатдир.

Шу ўринда ҳазрат Саъдийнинг яхшилик борасида битган қуйидаги ҳикматлари мағзини чақсак чакки бўлмас:

Ҳар бир нафасдир, ҳар дам ганимат,
Ҳар бир дамга беринг оламча қиммат.
Ҳар ким кетар экан, экканин олар,
Ундан яхши ёки ёмон ном қолар.

Байт:

Яхшилар кетидан агар чопарсан,
Истагин бахтингни шундан топарсан.
Яхшига яхши бўл, ёмонга ёмон,
Гулга гул бўлгину, тиконга тикон.

Ҳа, яхшилик — дунёнинг калити. Надоматларким, қўли ва тафаккурида шу ноёб очқич билан фоний дунёдан

афсусланиб ўтганлар қанча?! Нега яхшиликни кутиб яшашимиз баробарида унинг қадрига етмаймиз, чин баҳони бермаймиз? Нега яхшиларни оғринтириб, ёмонлар тегирмонига сув қуямиз? Нима учун ёмондан қўрқиб унинг истагини бажо айлаймиз, бир ишорасига юз амални қаторлаштирамиз? Нега яхшиликнинг қадрини тушириш орқали ёмонликка йўл очаётганлигимизни фаҳмламаймиз? „Бир яхшининг заволи минг ёмоннинг камоли“ эканлигидан нега чўчимаймиз? Нега?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 41-сири тўғрисида бўлиб, унда:

- яхшилик ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- инсонларнинг умрбод бир-бирлари учун муруватга буюрилганлари;
- яхшилик ҳамманинг амали — фарзи эканлиги;
- унинг ибодат ўрнини босиши, яъни Аллоҳнинг ризолигини олиш учун қилиниши;
- қилча яхшиликнинг филча шарофати борлиги;
- бегараз яхшиликнинг хосияти кўп эканлиги, савоби бисёрлиги, инсон учун оламда бундан кўра савобли ишнинг йўқлиги;
- кишиларга ёмонлик қилмаган кўни хотиржам ухлай олмайдиган баъзи шахслар борлиги;
- яхшилик каломининг номи битта, лекин кўриниши хилма-хиллиги кабилар ёритилган.

III. МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ДАВРИ

(XVI асрдан XX аср бошларигача)



Ларошфуко де Франсуа

(1613 — 1680)

Француз файласуфи.

1. „Мемуарлар“.
2. „Йигирма йилдан сўнг“.
3. „Уч мушкетёр“.

„Дунёда нимани бепардоз кўрсангиз ҳам чирой бериб тураверади? Бу саволга битта тўғри жавоб бор. Бу — ҳақиқат“.

Муаллиф

42- сир. Ҳақиқат ва осудалик

„Ҳақиқат — чиндан ҳам бўлган, бор нарса, ҳақиқий аҳвол“, деб талқин этилади „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да.

Хўш, инсон ўз фикр ва уйларида чин бўлса нима бўлади? Аслида ҳам шундай бўлиши керак эмасми?

Афсуски, йўқ. Сабаби, ҳақиқат истаган инсон борки, барча изтиробга маҳкум. Ҳаққа етмоқ йўли узоқ. Одамзоддаги ҳайвонийликни чекламоғу инсонийликни барқарор этмоқ нақадар мушкул иш. Ана шу мушкуллик барча изтироблар дояси. Изтироблар ўз галида нотинчлик, беҳаловатлик сари етаклайди.

Биламизки, ҳақиқат айтилганда кишининг сийрати сувратига айланади. Альбер Камюнинг машҳур „Бегона“ қиссаси қаҳрамони Мерео ана шундай қилган эди. Шу боис тақдир унга қаттиқ келди. Йўқ, у ишдан ҳайдалмади, бошлиқдан дашном эшитмади, ҳамкасблари билан сенменга бормади. Бор-йўғи — ўлимга ҳукм этилди. Самимият учун туланиши мумкин бўлган „арзимас“ товон бу, тўғрими?

Айтишларича, бир буюк файласуф бочканинг ичига кириб, ҳаётни тарк этган экан. Нимага энди шундай бўлди? Ичидаги ҳақиқат шундай кенг жаҳонга сигмай қўйган.

Хўш, бундай шароитда қандай йўл тутиш керак? Ҳар қандай ҳақ гапни айтишнинг ҳам вақти ва ўрни бор-ку!

Ҳикоят: Кўр киши қоронғу кучада қўлида чироқ, елкасида кўзача билан йўлда кетмоқда эди. Эзма бир одам йўлда унга йўлиқиб, деди:

— Эй нодон, сенинг учун кеча-кундузнинг фарқи йўқ, ёруғлик билан қоронғулик баб-бараварку, чироқнинг нима фойдаси бор?

Кўр киши кулиб айтди:

— Бу чироқ ўзим учун эмас, сенга ўхшаган кўнги

кўзи кўр беҳабарлар учундир, токи менга урилиб, кўзачамни синдириб қўймагайсан.

Мана, ўз ўрни ва ўз вақтида айтилган ҳақиқат.

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 42- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- ҳақиқат билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- ҳақиқат аччиқ, лекин унинг нашидаси изтироб эмас, балки тотли, лаззатли эканлиги;
- ҳақиқатдан буюкроқ нарса йўқлиги;
- ҳақиқат битта, аммо сохталаштирилгани мингта эканлиги;
- юксакроқ ҳақиқатлар ҳам борлиги, бироқ уларни билиш ёхуд „овоз чиқариб айтиш“ фақат кулфат келтириши;
- фаний дунёда ҳақиқат излаб, ҳақиқат топгандан кўра, ёлгон сузлаб маргабаси орگانлар кўплиги; нима учун Арасту: „Афлотун менинг дўстим, лекин ҳақиқатнинг қадр-қиммати ундан устунроқдир“, дегани;
- ҳақиқат бор, фақат унинг доимо кечикиши, ҳақиқат изловчи зулмат аро дайдиб юрувчи эканлиги; ҳаётда ҳақиқат учун курашувчиларнинг бисёрлиги, ҳақиқат эгилади, букилади, аммо унинг синмаслиги;
- баъзи одамларнинг бузуқ тарозига ўхшаб, нимаики бўлса, ўлчаб, баҳолаб ташлайвериш, лекин бирор марта ҳақиқатга яқин кела олмаслиги;
- азиятсиз ҳақиқатга эришиш орқали осудаликни таъминлаш йўллари кабилар ёритилган.



Жан де Лабрюйер

(1645 — 1696)

Француз ёзувчиси.

„Характерлар“ (16 бобдан иборат якка-ю ягона асари бўлган).

„Қалб амрига қулоқ солинг, азизлар!..“

Муаллиф

43- сир. Қалб ва осудалик

Қалб — бу кишининг ҳис-туйғу ва кечинмалари ман-баи, яъни юрак, кўнгил, дилдир. У инсонга берилган буюк инъом. Уни авайлаш, софлигича гард юқтирмаслик ҳар биримизнинг бурчимиз. Бу омонатга хиёнат қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Зеро, инсон қалби одамга бахт ҳам, изтироб ҳам бера олиш кучига эгаки, осудалик айнан шу кўнгил ҳолатларида ўз аксини топади.

Энг эътиборлиси — „қалб“ сўзи Куръони каримда 130 дан зиёд ўринда зикр этилган. Шунинг ўзи ҳам қалбнинг инсон ҳаётида, унинг осуда яшашини таъминлашда қанчалик муҳим ўрин тутишини кўрсатади. Ҳаёт аслида кўнгилдан бошланади. Ўғил уйламоқчи ёки қиз узатмоқчи бўлишса ҳам, аввало, „бир-бирларига кўнгиллари борми?“ деб сўраб қолишади. Ахир оила муқаддас ном, муқаддас жой. Кўнгил билан мустаҳкам.

Пул, бойликни ҳаракат билан топса бўлади. Лекин кўнгил-чи, кўнгил?! У бозорларда сотилмайди, тарозида тортилмайди, уни қўл билан тутиб бўлмайди. Шу боисдан, „Инсон кўнгли нозик, жуда ҳам нозик“, дейишади. Гоҳо бир оғиз ширин сўз билан кўнгил юксакларга кўтарилади, гоҳо бир оғиз ёмон сўз билан вайронага айланади.

Хўш, биз ҳар доим ҳам инсон қалбига йўл топмоқликка ҳафсала қиламизми? Ердаги одамни хўрлаш, қалбига озор бериш унинг кўкдаги ҳимоячисини инкор қилиш дегани эмасми? Инсон кўнгли нозик, жуда ҳам нозиклигини биласизми? Яқинларингиз билан дийдорлашиб, тез-тез кўнгил сўраганмисиз? Ота-онангизга талпиниб, улар билан бирпас бўлса-да, дилдан суҳбатлашганмисиз? Сўзларига қулоқ солганмисиз? Қаровсиз кўнгилларни кўтаришга интиланганмисиз? Қалб синса, уни бутлаш жуда қийин эканлиги тўғрисида ҳеч ўйлаганмисиз?

Умуман, ўзини, ўз қалбини мукамал даражада

тушунадиган инсон бормикин дунёда? Ўзгалар ички оламининг поёнига етган одамни учратиш мумкинми?

Даргумон.

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 43- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- қалб ўзи нима, унинг осудалик билан боғлиқлиги қай даражада;
- қалбга истак билан эмас, умид билан қараш лозимлиги;
- ўз қалбидан қочиб, яширинишга ҳали ҳеч ким муваффақ бўлмагани;
- инсон қалби билан ҳазиллашиб бўлмаслиги;
- қалб айниса, бутун вужуд айниши, у нечоғли соғлом бўлса, бутун вужуд ҳам соғлом бўлиши;
- қалб хасталиги жисм хасталигидан кўра оғирроқ эканлиги;
- гуноҳларнинг оқибати қалбнинг ўлими билан натижаланиши;
- қалб хасталигининг муолажаси жуда ҳам оғир эканлиги;
- қалб хасталигининг давоси, бу ҳақда муътабар манбаларда нима дейилган, бундан қандай хулосалар қилиниши лозимлиги;
- инсон ҳаёти ва фаолиятини қалбдан айри тасаввур этиб бўлмаслиги, кўнгилнинг бадан мулкининг полшоҳи эканлиги кабилар ёритилган.



Бенжамин Франклин

(1706 — 1790)

Америка сиёсий арбоби, олим.

1727- йилда Филадельфияда хусусий босмахонани ташкил қилиб, „Пенсильван газетаси“ни нашр этди.

1731- йилда Америкада биринчи оммавий кутубхона ва файласуфлар жамиятига асос солди.

„Фурурнинг қулига айланманг, такаб-
бур бўлманг, биродар“.

Муаллиф

44- сир. Фурур ва осудалик

„Ўзбек тилининг изоҳли лугати“да „фурур“ сўзига қуйидагича таъриф берилган: „Фурур — бу инсоннинг ўз қадр-қимматини билиш, уни ҳурмат қилиш ҳисси. Ёхуд инсоннинг бирор нарсадан мамнун бўлиб фахрланиш ҳисси, фахр, ифтихор“.

Ўзига ортиқча бино қўймоқ, гердаймоқ, кеккаймоқ, димоғдорлик қилмоқ — булар фурур эмас, балки такаббурликка киради. Такаббурлик — бу маънавий заифлик дегани. Улуғлар такаббурликка шундай нисбат берадилар. Чиндан ҳам инсондаги энг гўзал хислатлар орасида фурур ва такаббурлик майса баргидаги тиниқ томчи каби омонат туради.

Фурур озгина меъеридан ортса, такаббурликка айланади. Унинг остонасида бошга бало ёғдирувчи қанча офат ва қусурлар пайт пойлаб ётади. Шу вадан фурурли киши ҳар қадамини ўлчаб босмоғи, сўзини ўйлаб сўзламоғи ақлга ишора.

Оқилнинг жоҳилга, сахийнинг бахилга, тўғрининг эгрига, яхшининг ёмонга айланиши учун, эҳтимолки, маълум муддат керакдир, аммо фурур билан такаббурлик сарҳади атиги бир нафаслик масофа, гўёки қош ва қовоқ орасича йўл.

Фурурли инсонга хавф солувчи иллатлар шу қадар кўпки, санаб адоғига етиш амри маҳол. Агар фурурга дарз кетса, дарҳол манманлик, унинг ортидан димоғдорлик, иззатгалаблик, такаббурлик, шухратпарастлик, ўзгаларни тан олмай, ўзига маҳлиёлик ва ҳаттоки сурбетлик каби қусурлар дўлдай ёғилаверади. Шу боис ҳам машойихлар такаббурликни улуғликнинг офати, дейишади.

Омади келиб, мансаб пиллапоясидан тез кўтарилган баъзи раҳбарларнинг феъл-атвори, юриш-туриши, хатти-ҳаракатида ана шу „офат“ қиёфаси яққол сезилиб қолади. Айримлари эса, оддийгина саломга алик қайтаришни ҳам

мурувват деб тушунишади. Ҳа, такаббурлик шундай ҳусн-бузарки, ундан киши чехрасида жуда хунук доғ қолади.

Хўш, шундай экан, Сиздаги гурур меъёр чегарасидами? Шу саволни ўзингизга ҳеч берганмисиз?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли 99 китобдан иборат туркумнинг 44-си тўғрисида бўлиб, унда:

- гурур билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- такаббур киши оламни менинг оёқларим кўтариб турибди, деб чириқлаётган читтакка ўхшаш эканлиги;
- одамлар бадбўй нарсалардан қандай ҳазар қилсалар, димоғдор, такаббур кишилардан ундан кўра ортиқроқ жирканиши;
- кишининг хасталик билан кўзи ожиз бўлиб қолса, айб эмас, аммо кўзини такаббурлик пардаси босса, у барча касалликларнинг энг оғири эканлиги;
- такаббур ва кибри ҳаволи киши ўзининг бу жирканч касалини пайқамаслиги, ҳатто ўзини камтарларнинг камтари деб ҳисоблаши кабилар ёритилган.



Жан Жак Руссо

(1712 — 1778)

Француз ёзувчиси ва педагоги.

1. „Янги Элоиза“.
2. „Эмиль“.
3. „Жамоа шартномаси“.

„Иродали кишининг нигоҳларида ўзига нисбатан қатъий ишонч, хотиржамлик ва мағрурлик нишона бериб туради“.

Муаллиф

45- сир. Ирода ва осудалик

„Ирода“ арабча сўз бўлиб, луғавий жиҳатдан *хоҳиш, истак, қасд, мақсад* маъноларини билдиради. Диний таълимотга кўра, ирода икки хил бўлади. Биринчиси, Аллоҳнинг иродаси, иккинчиси, бандасининг иродаси. Аллоҳнинг иродаси доимо инсон иродасидан устун туради. Шунинг учун ҳам, одатда, инсон кўп нарсаларни истайди, лекин Аллоҳнинг айтгани бўлади. Чунки бандасининг хоҳиш истаклари, мақсадларининг чегараси йўқ, беҳаду беҳисобдир. Буни тартибга солиб туриш учун ҳам Аллоҳ иродаси зарур.

Шу билан бирга, диний таълимотда „Сендан ҳаракат — мендан баракат“ деган кўрсатма ҳам бор. Шу кўрсатмага комил ишонч ва ихлос билан амал қилган одамлар асло кам бўлмайдилар. Аллоҳ таолонинг даргоҳи кенг, марҳамати улуғдир.

Ўзини тута билишлик, дадиллик, қатъийлик, чидам, тоқат, изчиллик ва шу каби фазилатлар ироданинг муҳим сифатларидир. Ирода кучи шу сифатларнинг қай даражада намоён бўлишига қараб белгиланади. Киши юксак гоъвий тамойилларга асосланган онгли қатъият ва сабот билан ўз ҳаракати йўлидаги тўсиқларни енгар экан, у кучли ирода эгаси бўлади.

Тарихдан маълумки, барча даҳолар, умуман эса, ўзини шахс сифатида танита олган ҳамма кишилар кучли ирода эгалари бўлишган. Инсоннинг ўз хатти-ҳаракатини онгли равишда тартибга солиш ва кўзланган мақсадни амалга оширишда учрайдиган тўсиқларни бартараф этиш лаёқатига **ирода** дейилади.

Мен шунини хоҳлайман, деган билан иш битмайди. Бу, олма пиш, оғзимга туш, дегандек гап, холос. Иродали одам эса, мен шу ишни бажаришим шарт, деб ўз олдига

вазифа қўяди ва уни амалга оширишга дадиллик ва қатъият билан киришади, мақсадига эришади.

Хўш, айтинг-чи, Сиз иродали одаммисиз? Ёки ирода-си йўқ одаммисиз? Мақсадни, вазифани ва умуман, ҳар қандай ишни бажариш, юзага чиқариш учун матонатли ва қатъиятлимисиз?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 45- китоби тўғрисида бўлиб, унда:

- ирода билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- одам фаолиятининг барча турлари ва ҳар қандай меҳнат кишидан инсоний иродани талаб қилиши; ироданинг фақат меҳнатда пайдо бўлиши ва тобланиши;
- ироданинг онгдаги фаолияти ҳаракат мақсадини белгилашда, азму қарорни ижро этишда намоён бўлиши;
- ирода жараёнидаги ички ва ташқи тўсиқлар; ўз ҳаётингиз билан яшаш учун мустақкам ироданинг зарурлиги;
- иродасиз киши даражасига тушиб кетмаслик йўллари;
- ирода кучининг қай даражада намоён бўлишига қараб белгиланадиган сифатлар қабилар ёритилган.



Махтумқули


(1733 — 1783)

Машҳур туркман шоири.


1. „Керакмас“.
2. „Булмас“.
3. „Бўларсан“ ва бошқа шеърлар.

*„Эй инсон, ўзингни бегуноҳ фаришта деб
кўрсатишга уринма! Вужудингни тафтиш
эт — бағринг тўла дев. Ичингдаги жаҳо-
латни енг! Адоватни қув! Ҳасадни парчала!
Хасисликни ўлдир!“*

Алишер НАВОИЙ



**3.3. ҚУСУРЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ
ЭВАЗИГА ЭРИШИЛАДИГАН
ОСУДАЛИК**



ёхуд

32 та китоб

АННОТАЦИЯСИ

Аннотациялар мундарижаси

Китоб рақами	Китоблар номи	Бетлар
46.	Шайтон ва осудалик	193
47.	Қусур ва осудалик	195
48.	Асаб ва осудалик	197
49.	Ёлгон ва осудалик	199
50.	Тухмат ва осудалик	201
51.	Ғийбат ва осудалик	203
52.	Ҳасад ва осудалик	205
53.	Чақимчилик ва осудалик	207
54.	Хиёнат ва осудалик	209
55.	Адоват ва осудалик	211
56.	Бахиллик ва осудалик	213
57.	Мунофиқлик ва осудалик	215
58.	Манманлик ва осудалик	217
59.	Мансабпараслик ва осудалик	219
60.	Лоқайдлик ва осудалик	221
61.	Худбинлик ва осудалик	223
62.	Хушомад ва осудалик	225
63.	Рашк ва осудалик	227
64.	Шошқалоқлик ва осудалик	229
65.	Тамагирлик ва осудалик	231
66.	Семизлик ва осудалик	233
67.	Жоҳиллик ва осудалик	235
68.	Гумон ва осудалик	237
69.	Ғайриқонуний иш ва осудалик	239
70.	Ичкиликбозлик ва осудалик	241
71.	Ғазаб ва осудалик	243
72.	Қўрқув ва осудалик	245
73.	Афсус ва осудалик	247
74.	Зулм ва осудалик	249
75.	Эҳтирос ва осудалик	251
76.	Сиқилиш ва осудалик	253
77.	Армон ва осудалик	255

„Инсон эътиқоди кучли бўлса, ҳеч қачон ўз хатоси ва нотинчлигини шайтонга тункамайди“.

Муаллиф

46– сир. Шайтон ва осудалик

Шайтон нима ёки ким? Шайтон — бу одамларни дин йўлидан оздирувчи, жинойтга, разолатга бошловчи махлук, иблис“, дейилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Диний ақидага кўра, Аллоҳ таоло Одамни гўзал ва мукамал суратда яратиб қўйди ва фаришта Азозилга Одам аллайҳиссаломга таъзим қилишни буюрди. Азозил эса: „Мен нурдан яралган бўлсам, бу эса тупроқдан яратилган бўлса-ю, нега мен унга таъзим қилар эканман“, деб тақаббурликка берилиб, Аллоҳнинг амрини бажаришдан бўйин товледи. Шунда Аллоҳ тақаббурлиги учун Азозилни Шайтони лаъин дея лаънатлаб, жаннатдан қувиб юборишга амр этди. Лекин Шайтон шайтонлик қилиб, Аллоҳга ёлвориб сўради: „Менинг маконим, масканим Одамнинг қон томирида бўлса...“ Аллоҳнинг даргоҳи кенг эмасми, Шайтоннинг бу илтимосини қабул этди. Шу-шу Шайтон одамнинг қон йўлидан юради. Юраги юрагимиз ёнида уриб туради. Ҳар дақиқада кайфиятимизга таъсир қилиб осудалигимизни бузади.

Шайтон бизларни ваҳималарда чарчатиб, ўзи роҳат қилади. Гумонлар билан кўнглимизни йиғлатиб, ўзи қаҳқаҳа уради. Кўксимизга ҳасад солиб, унинг ўтида бутун соғлигимизни куйдириб, кул қилиб ўзи қувватга тўлади! У хулосага асло шошилмайди. Агар рақибингизни ёмонлай бошласангиз сизга қўшилиб у ҳам ёмонлайди, мабодо мақтасангиз, мақтайверади ҳам. Унда бурд, субут, қатъият, эътиқод деган нарсанинг ўзи йўқ. Аммо барчада етишмайдиган фидойилик, яъни инсонни йўлдан уришга бўлган аҳдига фидойилик унда ўта кучли. У ҳамиша ўрта йўлда ҳушёр туради ва мақсадига эришади.

Ривоят. Нуҳ пайғамбар биринчи ток кўчатини ўтқазибди. Унинг олдида шайтон келиб сўрабди:

— Бу кўчатинг кўкарса нима бўлади?

— Узумзор, — деб жавоб берибди пайгамбар.

— Мени шерик қилмайсанми?

Нуҳ пайгамбар рози бўлибди. Шайтон нима қилибди денг? У қўй, шер, маймун ва чўчқани узумзорга ҳайдаб келибди-да, уларни сўйиб, қонлари билан тоқларни сугорибди. Ўшандан бери шароб ичган маст одам аввал қўйдек ювош бўлар, кейин шердек ваҳшийлашар сўнгра маймунга айланар ва охирида чўчқадек ахлатга ағанар экан.

Хўш, шундай экан, нега биз гуноҳни қилиб, уни шайтонга тўнкаймиз? Бунга шайтон айбдор, деймиз-у, лаққа унинг гапига кирамиз? Нега вужудимизни шайтон батамом эгаллаганига гофил турамиз? Ўзимизни хўшёр тутмаймиз? Ҳа, энди, жаҳл чиққанда ақл кетади, деб уни ҳам Шайтоннинг иши деб биламиз? Нега?..

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 46-сири тўғрисида бўлиб, унда:

- шайтон одамнинг томирида юриши ва барча нотинчликларнинг сабабчиси эканлиги;
- „шайтон“ни тушуниш жуда мушкул иш эканлиги;
- шайтоннинг кириш йўллари;
- шайтоннинг ҳийлалари;
- шайтоннинг табиати, яшаш тарзи;
- шайтоннинг белгилари;
- ўртада шайтон борлиги;
- шайтонга изн бермаслик лозимлиги;
- юракнинг шайтонга бўйсунмаслиги лозимлиги кабилар ёритилган.



И. В. Гёте

(1749 — 1832)

Немис шоири, мутафаккир.

1. „Ёш Вертернинг изтироблари“.

„Адашиш ҳар бир инсонга хос нарса. Аммо бу йўлда давом этиш — нодонлик аломати“.

Муаллиф

47- сир. Қусур ва осудалик

„Қусур — бу камчилик, нуқсон, айб, хато“, дейилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Луқмони ҳақимдан: „Айбсиз одам борми ўзи?“, деб сўрашганда: „Агар одам айбсиз бўлганда у ҳеч қачон ўлмас эди“, деб жавоб берганлар.

Ҳа, инсон англаб бўлмас сир-синоатлар макони. Хоҳлаймизми-йўқми, ҳар биримизнинг табиатимизда икки турдаги сифатлар шаклланган. Биринчиси, инсонга хос олижаноб фазилатлар бўлса, иккинчиси, унинг тамомила акси бўлган қусурлардир.

Тан олишимиз керак, барчамиз ўзимизни мукамал, қусуримиз йўқ, деб айтамузу, аксарият ҳолларда номақбул хатти-ҳаракатимиз, гап-сўзларимиз билан у қусурларимиз ўзимизда борлигини билар-билмас очикдан-очик намоен қиламиз. Ҳа, минг афсуски, худди шундай! Бу оддий, исбот талаб этилмайдиган ҳақиқат!

Маълумки, „Айбини билган авлиё“, дейилади халқ мақолида. Уни тан олиш эса, иймондандир. Диний ақидага кўра ҳам беайб фақат яратган эгамнинг ўзидир, бандасига нисбатан эса, беайб парвардигорнинг ўзи, дейилади. Демак, ҳар бир бандада қандайдир даражада бўлса-да, **қусурлар** мавжуд. Сабаби, бу дунёда лаънати шайтон бор экан, ҳар бир инсон хатодан, гуноҳга қўл уриб қўйишдан холи эмас.

Фикримизнинг далили сифатида Аҳмад Донишнинг инсон ҳақидаги қуйидаги фикрларини келтирамиз: „Инсон зуваласи — **шайтоний**, **ҳайвоний** ва **малоикавий** хислатлардан иборат қорилган хамирдан узилгандир. Шу боис у доимо хато қилишга мойилдир. Чунки унинг руҳида ижобийликдан кўра, салбийликка яқин бўлган иккита — **шайтоний** ҳамда **ҳайвоний** хислатлар устундир“.

Хўш, шундай экан, нега биз ўзимиздаги бор айбимизни бўйнимизга олмаймиз? Нега хатоимизни юзимизга солишганда худди илон каби ҳамлага ўтаверамиз? Нима учун ўзимизнинг айбимизни била туриб, ўзгалар айби ҳақида оғзимизни кўпиртириб гапирамиз? Нега инсонга алашмоқлик хос эканлигини тан олмаймиз? Нега?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 47-сири тўғрисида бўлиб, унда:

- қусур ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- инсон пайдо бўлибдики, ҳали бирорта кимса барча яхши хислатларга эга бўлиб, барча ёмонларини тарк этолмаганлиги;
- ҳамма одамларнинг ўз хатоларини яхши билиши; Одам Ато ҳам гуноҳ қилган-ку, дея ўзини овутиб, шу тариқа инсоннинг хатолар уммониغا фарқ бўлиши;
- дунёга берилиш, мол-дунё ортидан қувиш, ортиқча ҳою ҳавасга берилиш ҳам гуноҳ эканлиги;
- кўнгилни ранжитиш, ота-онага қўполлик қилиш. мақтовга берилиш, бировга туҳмат қилиш ҳам гуноҳ эканлиги;
- фанодан Бақо томонга кун сайин яқинлашсак-да, охиратдаги жазони унутиб қўйиб, яна ва яна гуноҳга ботиб бораётганимиз кабилар ёритилган.



Гегель

(1770 – 1831)

Буюк немис файласуфи.

1. „Халқ дини ва насронийлик“.
2. „Мантиқ илми“.
3. „Ҳуқуқ фалсафаси асослари“.

„Азизлар, асабга эрк берманглар!“

Муаллиф

48- сир. Асаб ва осудалик

„Асаб — бу бош ва орқа миядан барча аъзоларга тарқалган ва уларнинг фаолиятини бошқариб турадиган жуда ингичка нерв томирлари тизими ва шу томирларнинг ҳар бири; нерв“, деб таъриф берилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Салга асабийлашаврадиган, бўлар-бўлмаста қизишиб, тутақиб кетадиган, зарбаси тез, жиззакиларни асабий киши деб айтишади. Асаблар фаолиятининг бузилганлиги натижасида касалликка чалинган кишиларни асабий касал дейишади.

Ҳа, асаб — бу инсон танасидаги бутун аъзоларнинг руҳий ва жисмоний зўриқиш ҳолатидир. Асаб толалари бутун танамиз бўйлаб чатишиб кетган. Шу толаларнинг умумий узунлиги тахминан миллиард метрни ташкил этади, яъни бу Ердан Ойгача бўлган масофа демакдир. Асаб толалари ўз-ўзини тиклаш қобилиятига эга. Агар шундай бўлмаганда инсонлар ҳаёт зарбаларига дош беролмас эдилар.

Аммо шуни унутмаслигимиз керакки, бир киши, масалан, арзимаган бир нарсадан хафа бўлиб, асабини бузса, ўртача 100 минг дона асаб толаси ишдан чиқади. Нобуд бўлган асаб толалари жуда секинлик билан, яъни бир кеча-кундузда тахминан бир миллиметрга (100 минг донанинг бир фоизигина) тикланади, холос.

Ана энди ўйлаб кўрайлик. Дуч келган нарсага эътибор бериб, асабимизни ҳуда-беҳудага бузаверсак, оқибати нима бўлади? Оқибати вой бўлади, соғлиққа эса катта зиён этади. Наҳотки, шундай оддий ҳақиқатни тушунмасак? Гуноҳларимизни Худо кечирар, бироқ асаб тизимларимиз уларни ҳеч қачон кечирмайди-ку!? Нега шунга эътибор бермаймиз? Арзимайдиган нарсалар деб қий-чувлашиб ўзимизни талаймиз? Нега, нега?

Хўш, инсон ўз ҳаётида турли асаб таранглашувлари ҳолатларига дуч келмаслик учун нима қилиш керак? Дуч

келганда оқибатини бартараф этиш учун нималарга риоя қилиш керак?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 48-сири тўғрисида бўлиб, унда:

- асаб билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- осудалик асабни сақлайдиган асосий омил эканлиги;
- асабийлашишнинг беш хил сабаби ва уларнинг олдини олиш йўллари;
- вайрон бўлган асабнинг турли касалликлар ва хасталикларнинг макони эканлиги;
- руҳни согломлаштирмай туриб, танани даволаб бўлмаслиги;
- асабийлашишни кучсизлантиришнинг японча уч усули;
- бўшашиш — ҳаёт, таранглашиш — ўлим эканлиги;
- асабийлашиш ҳар қандай одамни ҳам адои тамом этиши;
- асаблар бизни ҳеч қачон кечирмаслиги;
- гам-андуҳларни шамолга учираш лозимлиги;
- асабийлашиш даражаси аёлларда эркакларникига нисбатан икки баробар юқори эканлиги;
- инсоният учун энг тансиқ бўлган сокин нафс, осойишта ҳаёт, руҳий хотиржамлик ҳанузгача орзулигича қолиб келаётганлиги кабилар ёритилган.



Бетховен

(1770 — 1827)

Немис композитори, пианист.

1. „Фиделио“ операси.
2. „Прометей ижоди“ балети.
3. Фортепиано учун 32 та соната ва ҳ. к.

„Ҳақиқат ковушини кийгунча ёлгон
ярим дунёни яланг оёқ кезиб чиқаркан“.

Муаллиф

49- сир. Ёлгон ва осудалик

„Ёлгон — бу ҳақиқатга зид, нотўғри, уйдирма, сохта, ясама, қалбаки“, деб талқин этилган „Ўзбек тилининг изохли луғати“да.

Одамзод яралибдики, ёлгон билан ростгўйлик бирга яшаб ва ўзаро курашиб келади. Ростгўйлик эзгуликка етак-ласа, ёлгон унинг соҳибини бебурд ва шармсор қилади, уни барча неъматлардан маҳрум этиб, турли офатларга дучор этади. Алдовларга ўралашиб қолган кишининг кўнгил хотиржамлиги бўлмайди. Гарчи аччиқ, гоҳида ўз манфаатларига зид бўлса-да, рост гапириб яшайдиган одамнинг руҳи осуда, виждони пок, уйқуси ширин, кунлари нурли, энг асосийси, ўзига, эртасига ишонч бўлади.

„*Ким бизни алдаса, у биздан эмас*“, дейилади ҳадисда. Бас, шундай экан, баъзан ўйланиб қоласиз: нега ёлгон гапирамиз? Одам нима сабабдан ёлгон гапларга зарурат сезади? Хўш, айтинг-чи, Сиз неча йил умр кўрдингиз? Ҳаётингизнинг қанча қисми одамлар билан мулоқотда ўтди? Яна қанча пайт овқатланиб, ухлаб яшадингиз? Неча марта ёлгон гапирдингиз, неча марта ўз-ўзингизни, ота-онангизни, умуман, сиз билан суҳбатда бўлган, сиздан бирор-бир саволнинг жавобини сўраган одамларни алдагансиз? Бирор марта ростгўй бўлишнинг фойдалари ва ёлгончиликнинг зарарларини ҳис қилдингизми? Ёлгон гапириб, бу алдовингиз фош бўлганида мулзам бўлиб қолмаганмисиз?

Агар шу саволларга „Мен бирор марта ёлгон гапирмаганман“, деб жавоб берсангиз, сиз шу жавобингиз билан ўзингизга ёлгончи деган тамғани босган бўласиз, ҳа, худди шундай!

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сирини“ номли туркумнинг 49- сирини тўғрисида бўлиб, унда:

- ёлғон ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- ёлғон гапиришимизга мажбур қиладиган ўнта энг асосий сабаблар;
- ёлғон замирида ётган инсон эволюцияси; ҳаётда ҳеч қачон тўғрилиқ билан эгрилик муроса қилолмаслиги;
- кўпинча, тўғрилиқ ва унинг таянчи бўлган рост-гўйлик иложсиз аҳволда қолиш сабаблари;
- нима учун тўғри гапнинг тўқмоғи борлиги, тўғри гап туққанингга ҳам ёқмаслиги;
- энг кўп ишлатиладиган ёлғонлар;
- фитна қўзғатувчи ростдан маслаҳатли ёлғоннинг яхшилиги;
- ўзига ва ўзгаларга яхшилик тилаган кишининг ёлғондан тийилиши лозимлиги;
- нега дунёда ростгўйлар нақадар оз-у, ёлғончилар сони бунчалик кўплиги кабилар ёритилган.



Шопенгауэр

(1788 – 1860)

Немис файласуфи.

1. „Ирода эркинлиги ҳақида“.
2. „Этиканинг икки асосий муаммоси“.
3. „Ахлоқ асослари ҳақида“.

„Тухматчининг қуроли ёлгончиликдир“

Муаллиф

50- сир. Тухмат ва осудалик.

„Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да: „Тухмат — бу бировни айблаш ёки қоралаш мақсадида ўйлаб чиқарилган асоссиз даъво, бўҳтон“, деб таъриф берилган. Тухмат, бўҳтоннинг илдизи эса, ёлгондир. Тухмат ёлгонсиз яшай олмайди. Туғилиши ҳам, қувватга кириши ҳам, галабаларга эришиши ҳам айнан ёлгон туфайлидир.

„Сув балоси, ўт балоси, қуруқ тухматдан Ўзинг асра!“ деган дуони кўп эшитганмиз. Донишмандларнинг фикрича, тухмат балоси барча балолардан ҳам баттар экан. Сув ва ўт балоси бехос келса-да, тўхтатиш чорасини кўриш мумкин. Бироқ тухмат балоси бошланганида инсон, кўпинча, чорасиз қолади. Тухмат сели ёпирилган қатагон йилларида қанча жонлар олинди, қонлар тўкилди, етимлар ва тулларнинг кўздан оққан ёшлари дарё бўлди.

Тухмат туфайли одам ишдан ҳайдалади, қамалади, оиласи бузилади, ҳақиқат қарор топгунига қадар ёмон отлиқ бўлади... Бир номарднинг тухмати бир одамга қаратилган бўлса-да, бундан жамият жабр кўради. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби улуғлар ҳам тухмат қурбонлари бўлишган. Тухмат уруғини эса, ўша қурбонлар билан бир дастурхонда нон еб, чой ичганлар экдилар. Зулм дарахти униб чиққанда қувондилар. Жамият эса, ўзининг оқил фарзандларидан жудо бўлдики, бу тараққиётга ўта салбий таъсир этди.

Тухматчилар одамларнинг фақат камчиликларини кўрадилар-у, фазилатларига эътибор бермайдилар. Улар баданнинг нуқул газак олган азбосига кўнмоқчи бўлаётган пашшага ўхшайдилар. Тухматдан муддаосига етиш учун баъзида ёлғиз ўзи ҳаракат қилади ва унинг ҳаракатини ғараз бошқаради. Бир ўзининг кучи етмаса, шерик излай бошлайди. Ажабки, икки ақлли одамнинг ўзаро тил топишиши қийин, тухматчиларнинг бирлашиб олиши эса, ғоят осон.

Тухматчилар инсон зотига иснод келтирувчи ҳар қандай иллатдан ҳеч бир уятсиз фойдаланаверадилар. Ғанимни йўлдан олиб ташлашгандан кейин эса, бир-бирларига туҳмат тошларини отишдан ҳам тоймайдилар. Кўпинча, уларни шу ҳаракатлари фош қилиб қўяди.

Тухматчи муродига қисман етиши мумкин, бироқ ҳеч қачон мутлоқ ғолиб бўла олмайди. Тухматчилиги фош бўлиб, шармандалик ёки хорлик жандасини кияди. Аммо... унгача кўп одамларни сарсон қилади, жабр майини ичишга мажбур этади... Ҳатто ўлимга ҳам олиб боради.

Ҳа, туҳмат — бу кечириб бўлмайдиган қабиҳ иллат!

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли 99 та китобдан иборат туркумнинг 50-сири бўлиб, унда:

- туҳмат ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- туҳмат балосига йўлиққан одамнинг чеккан изтироби ғоят оғир эканлиги;
- туҳматчи ўз нишонига покдил, виждонан оқил кишиларни олиши;
- туҳматчи ўз мақсади йўлида иродасиз, маслаксиз шахслардан фойдаланиши;
- пок одамларнинг ҳаётини заҳарлаш йўлида туҳмат қилаётган иблисни кўриб кўрмасликка олаётган киши ўз бошига тушганда пушаймон қилиши;
- туҳматчи билан ёлғончи ўртасидаги чегарани аниқлаш жуда қийинлиги кабилар ёритилган.



Томас Карлейль

(1795 — 1881)

Инглиз ёзувчиси, тарихчи, файласуф.

1. „Француз революцияси тарихи“.
2. „Чартизм“.

„Гийбатчининг кириш сўзи: бир гап эшитдим, сизга ичим ачиганидан айт-япман, ярамас фалончи сиз тўғрингизда шундай деса бўладими!?.“

Муаллиф

51- сир. Гийбат ва осудалик

Осудаликни бузадиган, унга кушанда бўладиган хавфлардан яна бири — бу гийбат. „Гийбат — бировни орқаваротдан ёмонлаб гапириш, фисқи-фасодни қўшиб-чатиб, кўпиртириб тарқатишдир“, дейилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да.

Демак, кимнингдир шахсий ҳаётини четдан туриб ўзгалар билан муҳокама қилиш, бировнинг юриш-туришини, турмушини ўзи яхши билмаган ҳолда уни ёқтирмайдиган сўзлар билан у тўғрида гапириш гийбатдир.

Албатта, гийбат оддий кўрингани билан ўзидан жуда ёмон излар қолдирувчи гуноҳи кабирлардандир. Бу ҳақда кўпгина оятлар нозил бўлган, рубоийлар ёзишган, ҳадислар ривоят қилинган. Қуръони Каримнинг „Хужурот“ сураси 12-оятида шундай марҳамат қилинади:

„Эй мўминлар, кўп гумон(лар)дан четланинглар! Чунки баъзи гумон(лар) гуноҳдир! (Ўзгалар айбини қидириб) жосуслик қилманглар ва бирингиз бирингизни гийбат қилмасин! Сизлардан бирор киши ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишини хоҳлайдими?!.“

Гийбатнинг тарихи жуда узоқ. Одам борки, бу иллат бор. Бунинг касофатидан қанча соф одамлар оғир дардларга чалинган, дўстлар душманга айланган, туғишганлар бегоналашиб, оилалар, жамоалар тарқалиб кетган, қишлоқлар ёвлашган, давлатлар ўртасида урушлар келиб чиққан ва ҳоказо.

Гийбатчи гийбат қилганда қуйидаги жирканч мақсадларни кўзлайди: бировга қора суркаб, ўзини оқроқ қилиб кўрсатиш, кўпчилик фикрини асосий ишдан чалгитиш, парокандаликни келтириб чиқариш, бировнинг тили билан бировни обрўсизлантириш, қайсидир аламини олиш,

бировлар қийналишидан ҳузурланиш, ғараз, ҳасад, фисқ-фасод ва бошқалар.

Руҳшунослар таҳлилига кўра, ғийбатнинг 57 фоизини сергап, хуштавозе — маҳмадоналар, 26 фоизини камгап-писмиқлар тарқатар экан. Ғийбатчилар табиаган қурқоқ, тез таъсирчан, сергумон (гумон иймондан айирар), сершубҳа, хаёлига келганини орқа-олдиға қарамасдан вайсайверадиған, асабий, қизиққон, ўзини бошқаларнинг назаридан четда қоляпман, деб талмовсирайдиған, ҳасадгўй кимсалардир.

Шуниси ачинарлики, ғийбатчилар ва ғийбатчилик борган сари кўпайиб, уруглаб боряпти. Хўш, бунинг илдизи ва сабаблари нимада? Шунчалик бу қусур жозибалими? Ғийбат қилиш гуноҳи азим экан, ўзимизни гуноҳ ботқоғига ботиришдан не фойда?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 51- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- ғийбат ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- ғийбат ва унинг сабаблари, оқибатлари, уларни бартараф этиш йўллари;
- халқимизда ғийбатчини худонинг душмани дейиши;
- ғийбатнинг ватани битта: у ҳам бўлса, нияти бузуқ икки кишининг қалби эканлиги;
- ғийбатчиларда ҳасад, кўра олмаслик, ярамас феъл-атвор каби салбий хислатларнинг мавжуд эканлиги кабилар ёритилган.



Насафий Азизиддин

(XIII аср)

Шоир, тасаввуф фалсафасининг йирик вакили.

1. „Комил инсон“.
2. „Сунгги мақсад“.
3. „Ҳақиқатлар қаймоғи“.
4. „Сирлар калити“.
5. „Инсон нафси“.

„Ҳасад — бу ичиқораликдан бошқа хислат эмас“.

Муаллиф

52- сир. Ҳасад ва осудалик

„Ҳасад — бу кишининг муваффақиятини, устунлигини кўролмаслик туйғуси; гайирлик, бахиллик“, дейилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Ҳасад кишининг ўзидан бировнинг зиёдлигини ҳис этиш ёки бирор мусобақада ўз мағлубиятини тан олиш билан муроса қила олмаслигидир. Бу иллат инсонни тубанликка бошлайди, қалбини тирнайди, ярадор қилади. Чунки ҳасад унинг ич-этини еб боради, вужуди ўт бўлиб ёнади. Ўзини қўйишга жой тополмайди. Дарёга чопади, сувга чопади. Лекин қани энди, бу оловни сув билан ўчириб бўлса!

Ўзига яқин тутганларга кўнглини очади. Кимнидир қоралайди, кимдандир арз қилади. Кимнингдир ютуғини камситади. Гўё ўзини ҳақиқатгўй „арбоб“ қилиб кўрсатади. Аммо... Одамлар кар эмас, одамлар кўр эмас, унинг оғзидан ҳасад деб аталмиш „фужур“ илон бўлиб ўрмалаб чиқаётганини кошкийди билишмаса!

Таажжуб! Бу илон, аввало, унинг ўзини кемираётганини бу кас билармикин?

Ҳа, одамлар, кўпинча, марҳаматингиз эвазигагина замбаракларидан ўқ отиб, ҳасад шамширларини ялонғочлаб, сизга душманлик қилишади, алаmidан, ҳасадидан, кўролмасликдан сизни ёқтирмайди. Очiq душманлик кўрсата олмаса ҳам, чекка-чеккада гийбатингизни қилади, туҳмат гаплар тарқатади, обрўйингизни тўкишга уринади, ҳеч бўлмаганда, бир гашингизга тегиб кўяди, хотиржамлигингизни бузади.

Қизиқ. Ҳасадгўйлар қайдан пайдо бўлар экан-а? Адолат тарозисига қўйиб кўрсак, ҳавас билан яшайдиганлар кўпми ёки ҳасадчилар?

Ўзини инсофли, адолатпеша қилиб кўрсатадиган кимсалар ҳам, тил учуда жавобни қойил қиладилар: „Йўғ-е, наҳотки... шахсан мен бировга ҳасад қилмайман...“. Уларга

„Хуш, сизга ҳасад қиладиганлар йўқми?“ деб савол бериб кўринг. Фигонидан тутун чиқиб кетади: „Э, сўраманг, мени кўролмайдиганлар дастидан „Дод!“ дегим келади... „

Ана сизга мантиқ!

Ким кимга ҳасад қилади? Ҳасад балосининг илдизи қаерда ўзи? Ҳасаддан қутилиб бўладими?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 52-сири тўғрисида бўлиб, унда:

- ҳасад — одамзоднинг энг қабиҳ қушандаси эканлиги;
- унинг ўткир тирноқлари — ғийбат, заҳарли тили — туҳмат, мақсади — кулфат эканлиги;
- унинг кишининг бирор-бир фазилатига нисбатан уйғонган шайгон васвасаси, дунё бўйича урчиб кетган иллат эканлиги;
- ҳаёлида ҳасад олови аланга олган одам ўзгаларга ёмонлик қилишдан ҳам ўзини тиёлмаслиги;
- юқори поғонага кўтарилаётганларга ҳасад кўзи билан қараш айб, аммо ўз-ўзидан бораётганларнинг йўлига тўғаноқ бўлиш эса, ундан ҳам каттароқ гуноҳ эканлиги;
- улуғвор, шарафли ишлар қилган одамларга рашк ва ҳасад қилгандан кўра, уларга эргашиб, изларидан бориш кабилар орқали ҳасаддан чекланиш, ундан қутулиш йўллари ёритилган.



А. С. Пушкин

(1799 — 1837)

Рус шоири.

1. „Руслан ва Людмила“.
2. „Евгений Онегин“.
3. „Капитан қизи“.

„Аслида, чақимчилик кўп ҳолларда яширин амалга оширилади“.

Муаллиф

53- сир. Чақимчилик ва осудалик

Осудаликни бузадиган, унга кушанда бўладиган хавфлардан бири — бу чақимчиликдир. „Чақимчи — кишининг гапини бировга етказувчи, гап ташувчи, бировлар устидан махфий маълумот, хабар етказиб турувчи, туҳматчи“, деб изоҳ берилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да.

Чақимчилик одамлар томонидан қаттиқ қораланадиган ва шунинг баробарида сира тугамайдиган энг хавфли гуноҳ саналади. Битта гап ташувчининг рағбатлантирилиши юзлаб ғийбатчига қанот бағишлайди. Чақимчидан ҳамма ёшдаги одамлар ҳазар қиладилар. Ҳатто болалар ҳам бундай иллатли ўртоқларига „кулоқ“ деб лақаб қўйиб оладилар. Жиноят оламида, айниқса, ўғрилар даврасида чақимчига тамға босилиб, ўлимга ҳукм қилинади.

Агар мозий саҳифаларини варақласангиз, не-не салтанатлар қудратли империялар „бир оғиз гап“нинг қурбонига айланганидан ҳайратланиб, ёқа ушлайсиз. Отани боладан, акани укадан, дўстни дўстдан айирган ҳам орамиздаги беозор, бесуқум, гўеки сизга жонини ҳадя қилгувчи чақимчи эмасми?

Агар хиёнат аралашмаганда, Улуғбекдай зот ажалидан бурун рихлатга чекинармиди? Жалолиддин Мангуберди Мовароуннаҳрни мўғуллардан озод қилишга саноқли кунлар қолганида амакиваччасининг чақимчилиги туфайли яна тузоққа илинмасмиди? Ҳусайн Байқаро набираси Мўмин Мирзони елкасида эркалатиб ўстирган эди-ю, аммо чақимчилар макри туфайли уни ўз қўли билан ўлдиртирди. Чақимчилик орқасидан шоир ва шоҳ Бобурга заҳар берилди. Бу, албатта, мозийдан хунук муждалар. Кошки, авлодлар ўзларининг уятли, аламли хиёнатларидан етарли сабоқ чиқара олишса эди. У ҳолда бугун бизнинг сўз бойлигимизда, эҳтимолки, „чақимчилик“ атамасига ҳожат қолмасмиди? Бахтга қарши, бу иллат йўқолиш ўрнига кўпайиб, уруғланиб бораётганлиги ачинарлидир.

Масаланинг нозик жиҳати шундаки, кўпинча, чақимчининг ошиғи олчи туради, доимо давра тўрини эгаллайди, ўз соябони соясида паноҳ топади.

Гап ташувчи анойилардан эмас, у пайт пойлаб айнан тафаккури теран, ишбилармон, жамият равнақига ҳисса қўшадиган, изланувчан, асосийси, келажаги кўзга кўришиб қолганларни нишонга олади.

Қайси жамоада раҳбар сезгир, иғвоғарлик пайини қирқадиган, адолат кўргони соҳиби саналса, ундай макондан чақимчи жуфтакни ростлайди. Акс ҳолда, чақимчилик шу даражада кучаядики, бошлиқнинг ўзи ҳам ўзига нисбатан ишончни йўқотиб қўяди.

Ҳа, инсон умр бўйи синов майдонида яшайди. Бу имтиҳонга тоб беролмаганлар қанча. Инсонийлик фазилатларини бир четга суриб, мўмин-мусулмонга иснод келтирувчи қусурлардан „либос“ кийганлар-чи? Нега разолат йўли сон-саноксиз-у, ҳидоят манзили ягона? Нега биров осонгина ҳақни танийди, бошқаси қиёматгача аросатда сарсону саргардон? Нега?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли 99 та китобдан иборат туркумнинг 53-сири бўлиб, унда:

- чақимчилик ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- чақимчи аҳиллик тарафдори эмас, балки унинг фосиқ эканлиги;
- чақимчилик орқасидан ҳар қандай тубанликлар рўй бериши мумкинлиги;
- чақимчилар элнинг гуноҳини ўз бўйнига олувчилар эканлиги кабилар ёритилган.



Оноре де Бальзак

(1799 — 1850)

Француз ёзувчиси.

1. „Горио ота“.

2. „Евгения Гранде“.

„*Хиёнат — бу катта гуноҳ, хиёнатчи эса, иймонини йўқотган гуноҳкордир*“.

Муаллиф

54- сир. Хиёнат ва осудалик

„Хиёнат — бу аҳдини бузиш, бировнинг ишончини ёки ишониб топширган нарсасини суиистеъмол қилиш“, деб изоҳ берилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да.

Хиёнат! Дунёни ларзага келтирадиган сўз бу! Бу сўзни турлича талқин қиламиз: омонатга хиёнат, муҳаббатга хиёнат, оилага хиёнат, Ватанга хиёнат, ота-онага хиёнат, дўстга хиёнат... Хиёнат инсонга жуда ёмон ва оғир таъсир қилади — тушкунликка, ғазабга, қалбда сўз билан таърифлаб бўлмайдиган оғриқ пайдо бўлишига, айбдорлик, уят ҳиссига, қўрқувга сабаб бўлиб осудаликни бузади.

Инсон ҳар қандай гуноҳни кечира олар, аммо хиёнатни кечириш ҳар қандай олижаноб одамнинг ҳам қўлидан келавермайди. Айтайлик, дўстга хиёнат қилиш. Бу ҳақда ўйлар эканман, шу заҳоти хассос шоир Тошпўлат Аҳмадининг „Хиёнат“ деган тўртлиги ёдимга тушди:

Дўстни дўст сотганда — виждон йиғлайди.

Дўстни дўст сотганда — иймон йиғлайди.

Эл-юртин ким сотса, қабридан туриб,

Фитрату Қодирий, Чўлпон йиғлайди.

Дарҳақиқат, дўстга хиёнат қилиш — бу иймоннинг заифлигидандир. Мунофиқликнинг белгиси шу. Мунофиқ эса, ҳаминша қўлтиғимиз остида яшайди. Алқисса, дўстлик нон, туз каби муқаддас, унга хиёнат қилган киши умрбод дўстсиз ўтади.

Омонатга хиёнат эса, охир-оқибат дўзах билан „тақдирланади“. Шунинг учун пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом „*Омонатни яхши сақламагanning иймони йўқдир, аҳдида турмагanning эса, дини йўқдир*“, деб айтганлар. Аллоҳни унутган инсон хиёнатга қўл уради.

Хиёнатнинг кўп-ози, катта-кичиги бўлмайди. Бир ҳовучи ҳам бир тоннадай азоб келтиради.

Хўш, айтинг-чи, эшигган кишининг вужудига титроқ ва нафрат олиб кирувчи хиёнат ўтмишда нега жуда кам учраган-у, бизнинг замонамизда нима сабабдан тез-тез қулоққа чалинадиган бўлиб қолди? Бунга замон айбдор-микин ёхуд одамлар? Нега „сохта садоқат“ соҳиблари кўпайиб боряпти?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сир“ номли 99 та китобдан иборат туркумнинг 54- сир тўғрисида бўлиб, унда:

- хиёнат ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- хиёнатнинг сабаб ва илдиэлари;
- хиёнатнинг оқибатлари;
- хиёнатдан қўрқиш лозимлиги;
- хиёнат қурбонларининг нолишлари;
- эркакларни хиёнатга нималар мажбур қилиши; аёлларни хиёнатга нималар мажбур қилиши;
- кишиларни алдаш, уларга хиёнат қилиш энг оғир гуноҳлардан эканлиги;
- халқига, Ватанига хиёнат қилиш умуман кечириб бўлмайдиган гуноҳ саналиши кабилар ёритилган.



Фейербах

(1804 — 1872)

Немис файласуфи.

1. „Бекондан Спинозагача бўлган янги фалсафа тарихи“.
2. „Ўлим ва боқийлик ҳақидаги фикрлар“.
3. „Фалсафа ва христианлик“.

„Адоватнинг бош сабаби кўролмасликда“.

Муаллиф

55- сир. Адоват ва осудалик

„Адоват — бу ўзаро низо, душманлик, бировга нисбатан бўлган кек, қасд, хусумат“, деб тушунча берилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да.

Абу Усмон Хирий айтади: „Адоват илдизи уч нарсада: мол-мулкка ҳирсда, одамларнинг иззат-икромдалигини кўролмасликда, уларнинг ҳурматларига эришиш учун сохта интилишида“.

Дунёда адоватдан ёмони йўқ. Адоватни шайтон макр-ҳийла билан одам вужудига сингдиради. Уни юқтирган одамлар ҳеч вақт ёруғ нарсани кўра олишмайди. Тинчлиги бузилади. Беҳаловатлик уни чулғаб, хотиржамлигига раҳна солади.

Бу ҳақда Суқрот ҳаким айтади:

„Мен душманним бўлган бир одамга адоват қилмайман, адоват қилсам, душманнимнинг хусумати яна ҳам зиёда бўлади. Мен яхшилик билан муомала қилиб, душманнимнинг адоватини муҳаббатга айлантираман, ўзимга дўст қиламан“.

Ҳа, бировдан ўч олиш энг ёмон одат. Бундай одамлардан яхшилик кутиш, омонлик тилаш бефойда. Ундайларнинг жазосини Аллоҳ беради. Амир Темур бобомиз айтганларидек:

„Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни Парвардигори оламга топширдим“.

Эътибор беринг-а! Амир Темурдек буюк шахс ўч олиш пайида эмас, балки уни Парвардигори олам ихтиёрига ҳавола қилди. Бу ҳақиқий мардликнинг аломати эмасми?

Бировга қасд қилган паст бўлади. Афсуски, баъзилар буни тушунмай, қасд қилиб, ўч олиш учун пайт пойлайдилар. Кўпинча бу қабиҳ ниятларига мансабдорлик ғазабини кўзгатиш билан етмоқчи бўладилар. Аммо бировга чоҳ қазиб, ўзи унга қулаган кимсанинг ҳолига тушадилар.

Яъни кек сақлайдиган, фақат ўч олиш нияти билан яшайдиган дили қора қасоскор шахснинг ўзи ҳам пировардида олган ўчларининг қурбони бўлади.

Донолар шундай дейди:

„Адоватга дучор бўлмай десанг, мол-дунёдан қўл юв, муҳаббат топай десанг, яхшилик ва эҳсон қил!“

Ҳар ким дунё учун урса агар чанг,
Бало чанги уни айлади сарсон,
Ҳар ким элга берса бойлигин агар,
Барча балолардан бўлди соғ-омон.

Шундай экан, нега бу фоний дунёда адовагли, аламидан туйиб, қасос, ўч олиш қасдига тушган одамлар борган сари кўпайиб борапти? Сабаби нимада?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 55- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- адоват билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- адоватнинг калити қўролмасликда эканлиги;
- ўч олишдан кўра, унга эътибор бермаслик яхшироқ эканлиги;
- қасд олишдан майда ва пасткаш қалбгина роҳатланиши;
- қасос — ожиз қалбнинг ёвуз мероси эканлиги;
- ўч олувчи одамларнинг ҳаёти доимо нотинч бўлиши;
- ўта аламзада бўлиш ўта нафратланган одамимиздан ҳам тубанлаштириб юбориши мумкинлиги кабилар ёритилган.



Муҳаммадризо Огаҳий

(1809 — 1874)

Таниқли ўзбек шоири, тарихчи, давлат арбоби.

1. „Тавиз ул-ошиқин“.
2. „Риёз уд-давла“.
3. „Гулшани давлат“.

„Бахилнинг ҳаёти ҳеч қачон осудаликда кечмайди“.

Муаллиф

56- сир. Бахиллик ва осудалик

„Ўзбек тилининг изоҳли лугати“да „бахил“ сўзига қуйидагича таъриф берилган: „Бахил — бу бировга ҳеч нарса ни раво кўрмайдиган, қизғанчиқ, хасис, нокас“. Устозлар айтишган: „Агар лаёқатинг, истеъдодинг, мартабанг бошқалардан бироз юқорилашдими, демак, бундан буён сенга нисбатан сендек бўлолмаётганларнинг бахиллиги келаверади. Дарҳақиқат, инсон ўзидан ўзиб кетаётган одамни кўрганида гижиниб, унга ёмонлик қилишга уринади, лекин ундан ошириб бир иш қилолмайди. Бунинг отини „бахиллик“ дейдилар. Бахилларнинг бири камбағалликдан кўрқиб зикналик қилса, бошқаси мол-дунёни жуда севиб, йиғишга тиришади. Учинчиси эса, нафсининг очкузлиги туфайли бошқа кишига хайр-эҳсон қилиш ҳақида гап бориб қолса, дарҳол сўздан қайтиб, турли хийла-найрангларга ёпишиб, хайр-эҳсон қилишдан бош тортади.

Ҳусайн Воиз Кошифий айтади:

„Бир олим, фозил одам турмушдан анча қийналиб қолди. Бир бахил бойнинг ҳузурига бориб:

— Сиз муҳтож кишиларга ёрдам қилиш учун дунёингиздан бир қисмини ажратганингизни эшитдим. Мен ёрдамга муҳтож одамман, шунинг учун ёрдам сўраб ҳузурингизга келдим, — деган эди, бахил бой ёрдам бермасликка баҳона қидириб:

— Мен фақат кўр одамларга ёрдам қилмоқчиман, — деди. Олим ундан юз ўгириб, қайтиб кетаётиб айтди:

— Сиз янглишасиз, мен ҳақиқий бир кўр одамман. Агар ҳақиқий кўр бўлмасам эди, сиздек бахил кишидан ёрдам сўраб келмасдим!

Бахил бой айтган гапига пушаймон қилиб, бир хизматчиси орқали пул юборади, олим қабул қилмайди“.

Бахиллар ўзи учун яшай олмай кетади. Ўйлагани, пойлагани, нишонга оладигани — Сиз! Бахилнинг бегонаси жуда кам бўлади, у сизга энг яқин жойлашиб олади.

Қай балолиғ кун келади-ю, сизга ғашлиғи пайдо бўлади: афзаллик жиҳатингизни кўрди дегунча, оқара-қўқара бошлайди. Сиз ўзингизни ундан нарироқ оласиз, битган ишларингизни яшириб, ютуқларингизни қаерга берки-тишни билмай қоласиз! У эса, изингиздан тушиб олади, ўзингиз айтмаган нарсаларни бировлардан суриштириб, ҳидлаб-искаб билиб олади, яна дарди оғирлашади.

Қитмирлик билан бундан кейинги режаларингизни билмоқ истайди. Кўнгил бўшлиқ қилиб айтиб қўйсангиз, ҳали бошламаган, ё бор, ё йўқ ишлар учун ҳам касал бўла бошлайди, шўрлик! Тавба, у ўзи учун қачон яшайди, дегингиз келади.

Хўш, нега улар „Бахилнинг боғи кўқармайди“, деган оддий ҳақиқатни тан олишни хоҳлашмайди? Нима учун у шўрликлар „Тома-тома кўл бўлур“, деган мақолни фақат ўзгалар фойдасига деб билишади?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сирини“ номли туркумнинг 56- сирини тўғрисида бўлиб, унда:

- бахиллик нима? Унинг сабаблари ва оқибатлари;
- бахилликнинг ҳам бало, ҳам ҳосиятли эканлиги;
- бахиллар борлигига шукрона келтириш жоизлиги; бахиллик юздаги чирой, дилдаги нурнинг кушандаси эканлиги;
- мўмин-мусулмонлар орасида орийатсиз, мунофиқ ва пасткашлик сифатида баҳоланадиган бу иллатнинг муқимлигича қолиб келаётганлик сабаблари;
- бахилга йўлиққанга бир қийин, унинг ўзига эса, минг бир қийин эканлиги кабилар ёритилган.



И. С. Тургенев

(1812 — 1870)

Рус алиби.

1. „Рус повести ва Гогол повестлари ҳақида“.
2. „Н. В. Гоголга мактуб“.
3. „1847 йил рус адабиётига нигоҳ“.

„Мунофиқ ҳамиша қултиғингиз
остида яшайди“.

Муаллиф

57- сир. Мунофиқлик ва осудалик

„Ўзбек тилининг изоҳли лугати“да „мунофиқ“ сўзига шундай таъриф берилган: „Тили бошқа, дили бошқа, сўзи ва иши бир-бирига тўғри келмайдиган, самимийлиги йўқ, икки юзламачи“.

Ҳикоя. „Хўрозлар касалигини билиб қолган мушук товус патлари билан ясаниб, уларни кўргани борибди. Ясантусан қилиб олган мушук хўрозларга:

— Аҳволларингиз қандай, яхшимисизлар? — дебди.

— Кошкийди, биздан ҳол-аҳвол сўрамасанг, башарангни кўришга тоқатимиз йўқ, — деб жавоб берибди хўрозлар“.

Сиртдан ҳамдардлик билдиргани билан, маккорлик ва мунофиқлик бир хил кишиларнинг ичида бўлади. Беҳудага ҳазрат Алишер Навоий: „Тилинг бирла кўнглингни бир тут“, демаганлар. Аслини олганда мунофиқ юмшоқ ва мулойимгина. Гуё сўзларини мураббога ботириб олганга ўхшайди. Шунчалик тавозеъ билан гапирадики, эриб кетасиз. Мулозаматни ҳам жойига қўяди. Гапларида бирор-бир сохталикни сезмайсиз. Ёлгон билан рост ўртасида, сурат билан сийрат ўртасида адашиб кетасиз. Беихтиёр унинг сўзларига ишона бошлайсиз. Уни ёмонотлиқ қилганлардан ранжийсиз. Унга иззат кўрсатасиз.

Аmmo... Мунофиқдан кўрқулик...

Сездирмайгина чил беради. Отингизни сотади. Йўқ жойдаги айбларни тўнкайди. Чумолидан фил ясайди. Кулиб туриб, жонингизни олади. Кўзларингизга қараб айб излайди. Ва... ўзича тонгандай ҳам бўлади. Кўнглидаги ғаламислик шубҳага айланади.

Сўнг... Шубҳасига ўзи ҳам ишона бошлайди ва наздида шубҳа ҳақиқатга айланади. Ўзи қандай бўлса, кўзига шундай бўлиб кўринасиз. Кейин эса... бошқаларни ҳам ўзи кашф этган „ҳақиқат“га ишонтиришга уринади.

Шундай оҳангда гапирадики, уни тинглаган ишонади. Ишонтира олади. Ва... Баъзан сизга унинг кўзлари билан

қарай бошлашади. Қолган юзлаб, минглаб кўзлар қолиб кетаверади. Сиздан айб қидиришади, айб ясашади. На боши, на охири бор айб. Унинг ўзидан эса „Сен ўзинг кимсан?“ Нима каромат кўрсатяпти? деб сўрагувчи мард топилмайди. Кейин... унинг кўзи билан нишонга олишади. Найза отишади ва у юрагингизга келиб тегаети. Осудалингизни бузади.

Шу ўринда шоиримизнинг тасаннога лойиқ тўртлигига эътибор беринг-а!

Мунофиқ кир излар тирноқ остидан,
Мағзава сочади баланд-пастидан.
Ёнингга йўлатма, субҳатидан қоч,
Кўплар ўлиб кетди унинг дастидан.

Хўш, мунофиқликнинг ана шундай ўта хатарли ижтимоий касаллик эканлигини билармидингиз?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли 99 китобдан иборат туркумнинг 57-сири бўлиб, унда:

- мунофиқлик билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- мунофиқликнинг учта белгиси;
- мунофиқликнинг ўта хатарли ижтимоий касаллик эканлиги;
- мунофиқнинг тирноқ остидан кир излаши;
- мунофиқнинг тили бошқа, дили бошқа эканлиги;
- олдинда сени кўкларга кўтариб, мақтаб, орқаваротдан сени ёмонловчи мунофиқ кишини дўст тутмаслик кабилар ёритилган.



Аҳмад Дониш

(1826 — 1897)

Ўзбек тарихнавис олими.

1. „Асл Бухоро мангит амирларининг қисқача тарихи“.

2. „Ноёб воқеалар“.

Манманлик жиловини ушлаган киши
хорлик оловини ушлаган бўлади.

Муаллиф

58- сир. Манманлик ва осудалик

„Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да „Манман — бу ўзини катта тутадиган, босар-тусарини билмай қолган, такаббур“, деб изоҳ берилган. Манманлик камтарликнинг акси.

Сир эмас, биз тупроқдек хокисор бўлишга интиламиз, аммо билиб-билмай, манман бўлиб қолганимизни англамай қоламиз. Кимдир қутилмаган мансабдан, кимдир тасодиф туфайли келган бойликдан, яна кимдир эса, ўзининг кимлигини англамай туриб бурнини осмонга кўтариб олади. Шунда: „Фалончи илгари самимий киши эди. Шу мансаб курсисига ўтирди-ю, атрофдагиларни кўзи кўрмай қолди, оёғи ердан узилди“, деймиз.

Унинг оёғи ердан узилиб, шон-шуҳрат кўкларидида балқигач, борлиққа муносабати ҳам ўзгаради. Аввало, ўзининг Ердан эканлигига шубҳа қила бошлайди. Қолаверса, мислсиз кўклардан қуйига — Ерга боққанида, назари пашшага ўхшаш алланималарга тушади. Ҳолбуки, ўша „алланималар“ — инсонлар, ўзи бир замонлар Ердалигида, унинг яхши-ёмон, иссиқ-совуқ кунларида ёнида турган дўстлари эди.

Амал курсиси уни шу аҳволга туширди. Аввал дўстларини, ҳатто энг яхши одамларини унутади. Кибрга берилади. Катта давраларда аввалги дўстларини, ўтмишини эслаб, кинояомуз кулиб қўяди. Собиқ дўстларини кўрганда осмондан келади. Уларнинг самимий суҳбатларидан кулади, билмайдики, ўзининг худбинлик ботқоғига ботиб бораётганини...

Вақти келиб амалдан тушгач, базму жамшидлар ҳам, сохта ёру дўстлар ҳам ўз-ўзидан йўқолади. Атрофи бўмбўш бўлиб қолади. Бундай пайтда аввалги дўстлари олдига қайтишга юзи чидармикин?

Ҳа, мансаб ҳавоси „оғир“лик қилса, бундан-да ёмони йўқ. Эски чориғини унутган киши қанча юксакликка бўй чўзса, у шунчалик хавfli тус ола бошлайди. Улардаги

самимийлик, меҳр, инсонгарчилик, ҳурмат яшин тезлигида сўниб боради. Ёки шундай эмасми? Бу ўринда бир нуқтага алоҳида эътибор бериш фойдадан холи бўлмас.

Аллоҳ таоло айтади: „**Менинг қудратим бутун оламда намоён, лекин ўзим барча нигоҳлардан пинҳонман**“. Ана шуни шиор қилган инсон ҳеч қачон манманлик ботқоғига ботмайди, кўп роҳат топади.

Қуръони Каримнинг „Исро“ сураси 37- оятида шундай марҳамат қилинади: „**Ер юзида кибрланиб юрмагин! Чунки сен (оёқларинг билан) зинҳор ерни теша олмайсан.**“

Ҳа, манманлик ва бошқаларни менсимаслик оғир гуноҳ ҳамда унинг оқибати ёмон.

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сир“ номли 99 та китобдан иборат туркумнинг 58- сир бўлиб, унда:

- манманлик ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- манман одам, кўпинча, ёвуз одамдан кўра ҳам хавфли эканлиги;
- манман одам нафақаг душманини, ҳаттоки дўстини ҳам аямаслиги;
- манманлик — бу ақлнинг етишмаслиги оқибати эканлиги;
- манманликдан ортиқ одобсизлик йўқлиги;
- манман ва тақаббур кишининг боши азоб-укубатдан чиқмаслиги;
- манманликнинг кўчаси чўтир эканлиги;
- манманлик нодонларга хос хусусият эканлиги;
- манман кишининг умри фожиа билан тугаши муқаррарлиги кабилар ёритилган.



Федор Достоевский

(1821 — 1881)

Рус ёзувчиси.

1. „Қамбағал одамлар“.
2. „Қиёфадош“.
3. „Нурафшон кечалар“.

„Мансаб инсон қувиб ов қиладиган нарса эмас“.

Муаллиф

59- сир. Мансабпарастлик ва осудалик

„Мансаб — бу масъул вазифа, амал, вазифа“, дейилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Унга мансаб беришди. У энди — амалдор. Во ажаб! Ўзидан бошқани танитай қолди. Илгари ака-акалаб, устоз-устозлаб юрган кишиларнинг олдидан виқор билан ўтадиган бўлди. Саломлашиш ҳам зўра бош ирғаш билан бажариладиган бўлди. Одамлар уни кўрганда, у қовоғини солиб димоғини кўтарди. Бурнидан пастини кўрмай қолди. Гўё она қорнидан арбоб бўлиб туғилгандай.

Қизиқ, кўпчилик ҳам уни танитай қолди. „Бу ўша ўзимизнинг фалончими? Йўғ-э... кимнинг кимлигини билмоқчи бўлсанг ё мансаб бер, ё бойлик экан-да...“ Ҳовлиснинг бир четда қолиб кетган эски чориғи эса ҳайрон: шўрлик эгам нега мени унутди? Оёғи ердан узилди-микин?!

Ҳа, оламда кишини ақдан оздирадиган, осий қилиб кўядиган иллатлардан бири — мансаб ва мансабпарастликдир. Бу дардга йўлиққанлар нотинч бўлади, умри осудаликда эмас, балки азобда ўтади, гуноҳ халтаси эса тўлиб-тошади. Нечунким, улар у ёки бу мансабни эгаллаш пайига тушиб, ҳар қандай жирканч ишлардан қайтмай-дилар. Охир-оқибат тубанликка юз тутадилар.

Қози Аҳмад Фаффорий шундай дейди: „Мансабпараст бошда шон-шуҳратга эга бўлади, охири — дорга“. Ҳа, мансабда жоду бор. Унга берилдингми, қурбонига айланасан. Истеъдодли публицист Ашурали Жўраев ўзининг „Саҳифага сизмаган сатрлар“ китобида шундай ёзади: „Мансабни юқорига осилиб чиқадиган арқон деб билган бир мансабпараст охир-оқибат ўша арқон билан осилади“.

Хўш, наҳотки, улар мансаб — бу инсон қувиб ов қиладиган нарса эмас, балки инсон зиммасига юкланадиган юксак масъулият эканлигини тушунмасалар? Паст кетиб,

тубанлик йўлига кириб кетишади, котиржамлигини бузади? Нега шундай?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 59- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- мансаб ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- мансаб — бу инсон зиммасига юкланадиган юксак масъулият эканлиги;
- мансабпараст одам ҳамиша пасткаш бўлиши;
- мансабпарастликка берилиш азалдан доноларни беақл қилиб келганлиги;
- мансабпарастлик машҳурликдан кўра, кўпроқ ожизлик белгиси эканлиги;
- мансабпарастларнинг қош-қовоғига қараб иш юритиш қобилиятсиз ва истеъдодсиз шахсларнинг одати эканлиги;
- кишининг лавозим даражаси билан ақли камолоти ўртасида мутаносиблик бўлмоғи шартлиги;
- мансабпарастлик бор жойда инсонпарварлик ва ҳаққоний раҳбарлик йўқлиги;
- мансабга учган, унинг кетидан қувган кишилардан ҳеч ҳам камтарликни кутмаслик;
- дардига малҳам истаб ҳузурига кирган кишиларни осмонга боқиб, кибру ҳаво билан қабул қилган мансабдорда на қалб, на фаросат борлиги;
- мансабпарастликнинг уқ илдизлари ва уларни бар-тараф этиш йўллари кабилар ёритилган.



Ницше

(1844 — 1900)

Немис файласуфи.

1. „Шопенгауэр мураббий сифатида“.
2. „Ахлоқнинг моҳияти“.
3. „Ёвуз донишмандлик: ҳикматлар ва доно сўзлар“.

„Дашном эшитмай десангиз, лоқайд бўлмаг“.

Муаллиф

60- сир. Лоқайдлик ва осудалик

Инсонга хос бўлган қусурлар ичида яна бир қусур бор. Бу лоқайдлик (бефарқлик)дир. „Лоқайд — бу аҳамият, эътибор бермай, бепарволик билан, қизиқмай, бефарқ“, дейилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Айнан шу иллат туфайли кўпинча панд еймиз. Кўз ўнгимиздаги кўнгилсизликларни кўрмай қўямиз. Шундоққина ёнимизда содир этилган бўлса-да, эътиборсизлик туфайли уни сезмай қоламиз. Сўнг ваҳимага тушамиз, безовта бўламиз. Фафлатда қолиб, тинчлигимиз бузилади.

Поляк ва рус ёзувчиси Бруно Ясенский шундай дейди: „Совуққон одамлардан кўрқ. Улар ўлдирмайдилар ва мунофиқлик қилмайдилар, аммо индамай қилган разилликлари туфайли ер юзида сотқинлик ва қотиллик ҳукм суради“. „Қаердаки лоқайдлик — у ерда хато, қаердаки совуққонлик — у ерда жиноят бор“, дейди немис ёзувчиси Г. Лихтенберг.

Лоқайдликни қоралаб, Саъдий Шерозий шундай дейди: „Гар сен ўзгаларнинг қайғусига лоқайд қарсанг, инсон деган номга нолайиқсан“.

Демак, бефарқлик, совуққонлик ёхуд лоқайдлик инсоннинг осудалигини бузувчи энг хавфли душманлардан биридир. Жамиятда содир этиладиган жиноятлар замирида, кўпинча, биз ёнидан кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олиб, аҳамият беравермайдиган одобсизликлар ётади. Бас, шундай экан, нима учун биз атрофимизда содир бўлаётган воқеа, ҳодисаларга бефарқмиз? Нега калондимоғ, бетарбия ўсаётган маҳалладошингизнинг боласини кўрсангиз парво қилмайсиз? „Ўзингдан каттага салом бер! Ўрнингдан туриб жой бўшат! Кексаларни ҳурмат қил! Аёл кишига ёрдам бер! Ёш болага тўғри гапир! Одобли бўл! Ҳаёли бўл!“ каби иборалар ўзаро муносабатларимизда камайиб кетмаяптими?

Агар буни инкор этадиган бўлсак, нега ҳар дақиқада ёнимизда баланд овозда уят, куракда турмайдиган сўзлар билан сўкиниб ўтаётган, кекса одамга йўл бермай, туртиб бораётган ёшларни кўриб, „Бетарбия“, „Ота-онангга лаянат“, деган сўз дилимиздан ўтади? Нега? Лоқайдлик тўнини сал узокроқга улоқтириш вақти келмадимикин? Наҳотки, лоқайдлик — бу хавfli қусур, унда таназзул бурчаги борлигини тушунмасак?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 60-сири тўғрисида бўлиб, унда:

- лоқайдлик билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- лоқайдликнинг ўта хавfli қусурлиги;
- унинг турли-туман кўринишлари ва оқибатлари;
- бефарқлик туфайли кичик кўнгилсизликлардан энг катта кўнгилсизликлар сари борилиши;
- лоқайдлик қалбнинг оғир касали эканлиги;
- ишонч йўқолган жойда лоқайдлик пайдо бўлиши;
- лоқайд кишининг юзидаги ҳимоя воситаси, ниқоб пардани очиб, унинг асл юзини элга кўрсатиш йўллари кабилар ёритилган.



Лев Толстой

(1828 — 1910)

Рус ёзувчиси.

1. „Севастопол ҳикоялари“.
2. „Уруш ва тинчлик“.
3. „Анна Каренина“.

„Худбин киши ҳеч қачон улуғлик даражасига етолмайди“.

Муаллиф

61- сир. Худбинлик ва осудалик

„Худбин — бу ўзини ёки ўз манфаатини ҳаммадан юқори кўрувчи одам, эгоист“, деб таъриф берилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Худбинлик инсондаги курсурдир. У инсондаги „мен“. Инсониятни доим „Нега мен эмас?“ деган ўй қийнайди. Худбин одам „Ҳамма менга хизмат қилсин“, „Ҳамма мен билан ҳисоблашиши шарт“, „Ҳамма мени ҳурмат қилиши шарт“, деб ҳисоблайди, аммо ўзи „Яшаб қолиш керак“, „Ўзим биламан“, „Бошқа билан нима ишим бор...“ қабилда биров билан ҳисоблашишни хаёлига ҳам келтирмайди.

Рус ёзувчиси И. С. Тургеневнинг фикрича: „Худбинларнинг уч тоифаси бўлади: биринчиси — ўзи яшаб, бошқаларнинг яшашига ҳалақит бермайдиган худбин. Иккинчиси — ўзи ҳам яшаб, бошқаларга кун бермайдиган худбин. Учунчиси — ўзи ҳам яшамай, бошқаларнинг яшашига ҳам кун бермайдиган худбин“. Энг тубан шахс иккинчи тоифадаги худбин кишидир, чунки у бошқаларнинг иқболини ўйламайди, лекин ўз манфаати йўлида ҳеч қандай жиноятдан ва тубанликдан қайтмайди. Худбинлик инсонга заволлик келтиради. Кимки худбин бўлса, халқ назаридан қолади. Чунки у фақат ўзини ҳурмат қилади. Фақат ўзини севадиган одамни эса, ҳамма севади, ҳурмат қилади, десак ёлғон бўлади.

Тўғри, худбинлик билан ўзини ҳурмат қилиш туйғуси ўртасида қандайдир ўхшашлик бор. Ягона ўхшашлик жиҳати — иккиси ҳам „мен“га асосланади. Фарқи: худбинлик марказида ўзини ўзгалардан устун кўйиш турса, ўзини ҳурмат қилиш — ўзгаларни ҳам ўзига тенглаштириш дегани. Ўзини ҳурмат қилган одам ўзини ўзи назорат қила олади.

У қонунни бузмайди, ўз қадриятини оёқости қилмайди, энг муҳими, ҳеч қачон ўзига хиёнат қилмайди. Ўзи-

нинг олдида ўзи жавоб бера олади. Шу нуқтаи назардан ўзни англаш ўзимизни ҳурмат қилишдан бошланади. Ўзини ҳурмат қилган одам ҳеч қачон изза бўлмайди, ноқулай вазиятга тушмайди, қоқилмайди. Худбинлик туфайли кимдир Сизга ҳурматсизлик қилган бўлса, демак, у ўзига ҳурматсизлик қилган бўлади.

Ҳикмат: ҳар кимсага менсимаслик назари билан қарама. Эҳтимол, уларнинг кўриниши аянчли бўлса-да, вужуди одамийлик хислати билан лиммо-лимдир. Зеро, улуғлар: „Ҳар кечани қадр бил, ҳар кимни кўрсанг Хизр бил“, деб бежиз айтмаганлар.

Хуш, шундай экан, нега одамлар фақат ўзини уйлайдиган, ҳамма нарсадан ўзига манфаат излайдиган одам бахтли бўлолмаслигини тушунмайдилар? Нега?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 61-сири тўғрисида бўлиб, унда:

- худбинлик ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- худбинликнинг уч гоифаси;
- шахсий худбинлик — разилликнинг боши эканлиги;
- фақат ўзига яраган одам бошқа ҳеч нарсага ярай олмаслиги;
- „Бошқаларсиз яшай оламан“, дегувчи худбинлар катта хатога йўл кўювчилар, лекин „Менсиз ҳеч ким ҳеч нарса қила олмайди“, дегувчи худбинлар эса, янада кўпроқ адашувчилар эканлиги ёритилган.



Марк Твен

(1835 — 1910)

Америкалик ёзувчи.

1. „Шаҳзода ва қашшоқ“.
2. „Гекльберри Финн саргузаштлари“.

„Кимки хушомадга учса, ҳимоясиз
қолиши тайин“.

Муаллиф

62- сир. Хушомад ва осудалик

„Хушомад — бу бировга тамагирлик билан хизмат қилиш, юзаки иззат-икром, мақташ ва шу кабилар хушомадгўйлик, лаганбардорлик“, деб талқин этилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да.

Хуш, хушомадгўй ким?

„У, — дейди француз ёзувчиси Ж. Лабрюйер, — эпчил ва зийрак ақл эгаси бўлиб, сал кўзингиз тушиши биланоқ етти букилиб кулимсирайди, ҳар бир сўзингизни энтикиб қарши олади ва нима қилсангиз, ҳаммасини кўр-кўрона олқишлайди“.

Хушомад майда одамларнинг иши, улар ўзлари ҳавас қилган раҳбар шахсларнинг ҳаётини муҳитига кириб олиш учун яна ҳам майдалашишга тайёр кимсалардир. Улар пасткаш одамлар бўлиб, одамни ўзига мақташ хушомадгўйлик, лаганбардорлик белгиси эканлигини билатуриб ўзларини билмасликка оладилар, раҳбарга бўйсунгандек кўриниб, кейин ҳукмрон бўлиш учунгина хушомад қилдилар.

Лаганбардорликнинг хусусияти шундаки, у ўз манфаати йўлида раҳбарининг хато ва камчиликларини билса ҳам, уни огоҳлантириш ўрнига кўкка кўтариб мақтайди.

Албатта, мақтов бол каби ширин, ҳаммага ёқади. Лекин у асосли бўлиши керак. Аксинча, у бол эмас, оғу бўлади. Ноўрин мақтов кишини йўлдан оздиради! Ўзига ортиқча баҳо берадиган қилиб кўяди. Натижада киши хушёрликни бой беради. Шу боис, инсон зоти ўзига нисбатан мақтовга ким томонидан ва нима учун айтилаётганига қараб баҳо бермоғи лозим.

Бир донишманд айтган экан:

„Мен душманларим бўлгани учун эмас, балки хушомадгўйлар борлиги учун бу дунёдан чекиндим. Чунки улар менга одатда бўладигандек, зарар етказганлари учун

эмас, балки булган-турганимдан ҳам ортиқча баҳо бера-верганлари туфайли шундай қилдим. Мен бу ёлғонга чидай олмадим“.

Бундан хулоса шуки, хушомадгўй ва лаганбардорнинг мақтагани оқил киши учун тилёғламаликдан, риёкорликдан бошқа нарса эмас. Аммо, минг афсуски, бу оддий ҳақиқатни ҳамма ҳам вақтида тушунавермайди. Тушуниб етганида эса кеч бўлади. Шундай эмасми?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 62-сири тўғрисида бўлиб, унда:

- хушомад ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- одамни ўзига мақташи хушомадгўйлик белгиси эканлиги;
- барча хушомадгўйлар, одатда, алдамчилар эканлиги;
- оқил кишилар ҳеч қачон хушомад қилмасликлари;
- хушомадгўй душмандан ҳам ёмон, улардан қочиш лозимлиги;
- қабиҳ хушомадгўй ва алдамчидан кўра ошкора душман яхши эканлиги;
- кимки хушомадга учса, ҳимоясиз қолиши;
- хушомад — хунук ҳол. Лекин қалбга йўлни қандай топа олиш мумкинлиги кабилар ёритилган.



Томас Эдисон

(1847 — 1931)

Таниқли америка олими, ихтирочиси ва тadbиркор. У телефон, телеграф, киноаппаратлар тизимини такомиллаштирган. Чўғли электролампа ва электровозни кашф этган. Телефон мулоқоти учун „Алло“ сўзини биринчи бўлиб истеъмолга киритган.

„Рашкчи ҳеч қачон осуда яшай
олмайди“.

Муаллиф

63- сир. Рашк ва осудалик

„Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да „Рашк — бу яхши кўрган кишисини бировдан қизғаниш“, деб талқин этилган. Севги, муҳаббат нуқтаи назаридан, рашк — бу ошиқнинг севгилисига бўлган оташин муҳаббатидан вужудга келадиган исёнкор туйғу. У баъзан онга бўйсунса, баъзан бўйсунмайди. Нима бўлганда ҳам у турли кўринишларда, турли мазмун ва ҳолатларда ўзини намоён этади.

Масалан, йигит ўзи севган ёрини, эр ўзи яхши кўрадиган рафиқасини бошқа бировлардан рашк қилса, билинги, йигит севикли қизига, эр яхши кўрган хотинига кўнгил қўйган, муҳаббатини берган, меҳрини, қалбини тақдим этган. Булар шу йигитнинг, шу эрнинг бағоят азиз, ниҳоят нозик туйғуларидирки, уларни қадрламай, ҳимоя қилмай бўлмас!

Инсоний нуқтаи назардан айтганда, шу муқаддас аталгучи туйғуларни ҳимоя қилмаган, унга жонини тикмаган йигит ҳам, эр ҳам эркак эмасдир!..

Нима қилайликки, биз инсонлар орасида дардманд рашк деган ғайри табиий туйғу ҳам учраб туради. У, баъзан, соғлом рашк кучайгандан кучайиб бориб, дардга айланиб кетган ҳолларда юзага чиқса, баъзан бесабаб, бедалил хаёлий рашк васвасаси мияга ўтириб қолганда юзага келади.

Бу хилдаги дардманд рашк айрим эркакларда (аёлларда ҳам, албатта) энгил-елпи кечиб, оила аъзоларида айтарли ташвиш туғдирмаса, айримларда ўта кучли ғазаб юзага чиқиб, қўлоқ эшитмаган ташвишларни, азобу уқубатларни келтириб чиқаради. Бунда, энг аввало, рашкчи шахс изтиробда қолади. Эҳтимол, рус шоири Михаил Лермонтовнинг: „Рашкка ҳаммаси равшан — фақат йўқдир исботи“ деган ҳикмати тўғридир?

Хўш, шундай экан, нега биз меъёридан ортиқ тахликали рашкка йўл қўямиз? Наҳотки, ортиқча рашк уй ҳаё-

тининг заҳари эканлиги, унинг оилага қушанда бўладиган хавфларнинг бири эканлигини тушунмасак? Рашкнинг меъёрида бўлиши учун нималарга риоя қилиш керак?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 63- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- рашк нима, унинг пайдо бўлиш сабаблари ва оқибатлари;
- рашк — бу оилага қушанда бўладиган хавфлардан бири эканлиги;
- чинакамига севган одам рашк қилмаслиги;
- рашкнинг қаерда, қачон ва нима учун портлашини билиб бўлмаслиги;
- рашкларнинг тўқсон фоизи гумон эканлиги;
- гумон ва рашк — ишонч ва ҳурматнинг танқислигидан келиб чиқишлиги;
- рашкнинг купу — кони зарар, маълум сарҳаддан ошмаган табиий рашк эса ижобий эканлиги;
- рашкнинг баайни ловулаган оловга ўхшаш эканлиги: масофа сақланса, у безарар, лекин унинг ичига тушилса, куйдириб кул қилиши;
- „севги телескопдан, рашк эса, микроскопдан қаралиши“ни унутмаслик;
- рашкнинг қандай кўринишда намоён бўлиши одамнинг феъл-атворида боғлиқ эмаслиги ёритилган.



Абай Қўнанбоев

(1845 — 1905)

Қозоқ шоири.

1. „Қара сўздер“.

2. 170 га яқин шеърлар муаллифи.

„Шошқалоқлик пушаймонлик билан
натижаланади“

Муаллиф

64- сир. Шошқалоқлик ва осудалик

„Шошқалоқлик — бу ўйлаб ўтирмасдан, шошиб, пала-партиш иш тутадиган, шошма-шошар, ҳовлиқма“, дейилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да.

Ҳовлиқиш, шошилиш пушаймонликнинг сингласи. Шошма-шошарлик пушаймонликдан ажралмайди. Шошилиш бўлган ерда надомат ҳам бўлади. Бирор ишга киришган одам, аввало, у ишнинг оқибати нима бўлишини яхшилаб ўйлаши керак. Ўйланмасдан қилинган ишнинг оқибати эса „вой“ бўлади.

Жамшид ҳам Анушервон каби тўртта узук ясашиб, унинг ҳар бирига битгадан сўз ёздириб қўйган. Биринчи узукда: „Оҳисталик ва чора“ деган сўзлар ёзилган бўлиб, бунинг маъноси: „Шошилиш ёмон хислат, барча ишларни шошилмай, чора-тадбирларини топиб қилмоқ керак“, дегани эди.

„*Ҳовлиқмагин, чунки Аллоҳ ҳовлиқувчиларни суймас*“, дейилган Қуръоннинг Қасос сураси 76- оятида. Демак, бир ишни бошлашдан олдин у ишнинг кетини, қандай натижа беришини ўйлаш лозим. Қилинаётган ишдан фойдани кўзлаш билан бирга ундан зиён кўриш мумкинлигини ҳам ўйлаш керак. Фойда келтирадиган иш эканига қаноат ҳосил қилинганидан кейингина у ишга киришиш лозим. „Бир ишга киришмай туриб, ундан қутулиб чиқиш йўллари мўлжаллаб қўй“, дейди улуғ бобомиз Соҳибқирон Амир Темур.

Сўрадилар:

— Билимсиз ким?

— Шошиб иш қиладиган ва ўз билганидан қолмайдиган.

— Надомат чекувчи ким?

— Шошқалоқ ва ўзбилармон, — деб жавоб беришибди.

Ҳа, шошқалоқ, ҳовлиқма бошқаларни назар-писанд

қилмайди, бошқалар билан ҳисоблашмасдан, ўз фикрини ўтказишга уринади, андишани билмайди, худбин бўлади. Ўзбилармонлигидан қолмайди.

Хўш, айтинг-чи, Сиз шошқалоқмисиз? Эҳтимол секин шошиб, ҳамма ишни шошмай бажарган маъқулдир?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 64- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- шошқалоқлик билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- шошқалоқлик кони зиён эканлиги;
- шошқалоқлик катта хатоларга олиб келиши;
- ҳовлиқма киши худди пуч ёнғоққа ўхшаши, у бўлар-бўлмаста шовқин солиши;
- ҳовлиқма киши мансаб топса ўшқирishi, мансабдан тушса мулойим тортиши;
- оҳисталик барча ишларнинг камолга етишига омил эканлиги, шошма-шошарлик эса, кўп ишларга зиён келтириши;
- ҳар бир ишда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилган киши ҳамма вақт муваффақият қозониши, билиб-билмай, пала-партиш бир ишни бошлаган кишининг пушаймон қилиши муқаррар эканлиги кабилар ёритилган.



Бернард Шоу

(1856 — 1950)

Инглиз ёзувчиси.

1. „Цезарь ва Клеопатра“.
2. У 92 ёшида „Байанта миллиардлари“ номли сўнгги пьесасини ёзиб тугатган.

„Кунглингизда тама ути аланга олмасин“.

Муаллиф

65- сир. Тамагирлик ва осудалик

„Тама — бу бировдан бир нарса кутиш, бировдан ўлжа олишга булган интилиш, умидворлик, илинж“, деб таъриф берилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Шундай вақт бўладики, кишида тама ути аланга олгач, кўзи ҳеч нарсани кўрмай қолади. Тама кишиларнинг рангини саргайтиради, обрўйини тўқади.

Масалан, бир оғиз сўз устоз-шогирд ўртасидаги „тама“ хусусида. Агар устоз-шогирд муносабатларига „тама“ аралашса, ўзаро ҳурматга чексиз путур етади. Энг ёмони устоз шундай йўл тутса, шогирд буни ибрат намунаси деб қабул қилиши мумкин. Тан олиш керак, бундай ўзаро муносабатларда миннатдорчилик, совға, ҳадя кўринишидаги тама бор нарса. Ноиложки, бу янглиғ амал устознинг виждонига ҳавола.

Шу ҳақда Ўйлар эканмиз, беихтиёр бир ривоят ёдимга тушади.

Ривоят. Айтишларича, Арасту оғир бетоб бўлиб ётиб қолади. Шогирди Искандар Зулқарнайн уни кўргани келади ва устозига: „Сизга нима керак бўлса, барини муҳайё этаман, истак-илтимосингизни айтинг, устоз“, дейди.

Ҳовлисида қуёш нурида тобланиб ётишни ихтиёр этган Арасту сўзлашга чоғланади. Искандар, „Устоз мендан нимани илтимос қиларкан“, деб ўйлайди. Шунда Арасту Искандарга қараб „Сенга бир илтимосим бор, иложи бўлса, қуёш нурини тўсма“, дейди.

Ҳадя хусусида Қайс ибн Соида ўз ўғлига қилган насихатида шундай дейди:

Бир кишига ҳадя олиб боришса, у асло қабул қилмас эди. Ундан сабабини сўрадилар. У айтди:

— Ҳадя беришнинг икки сабаби бор. Бири шуки, биздан ҳадя берувчига ҳеч қандай манфаат етмай қолган. Шунинг учун ҳадя эвазига биздан бирор нарса талаб қил-

моқчи. Иккинчиси шуки, биздан бирор манфаат кўрган. Ҳада орқали яна ҳам катгароқ фойда топмоқчи! Ҳар икки ҳолда ҳада олиш нодурустдир!

Ҳа, тамадан хору зорлик келиб чиқади.

Байт:

Ким тама қилса, ўзни хор айлағай,
Хорликдан ўзни бемор айлағай.

Хўш, айтинг-чи, биз тамадан узоқдамизми? Ёхуд бо-рига қаноат қилувчимизми?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли 99 китобдан иборат туркумнинг 67- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- тамагирлик билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- тама барча балоларни келтирувчи ва жумлаи офатларни қўзғатувчи эканлиги;
- тамаси кўп кишининг инсофи ҳам оз бўлиши;
- тамагирлик уламолар қалбидаги ҳикмагни ҳам кет-кизиши;
- тама порахўрликка йўл очиб бериши кабилар ёритилган.



Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат

(1859 — 1909)

Ўзбек шоири ва мутафаккири.

1. „Гимназия“.
2. „Фан ҳақида“.
3. „Шоир вазифаси ва поэзиянинг кўгаринкилиги ҳақида“.

„Фақат овқат талаб қиладиган қорин эгасига сервазликни таъминлайди“.

Муаллиф

66- сир. Семизлик ва осудалик

Семизлик мавзуси ҳеч қачон долзарблигини йўқотмаган. Айниқса, бугунги кунда! Чунки у оммалашиб бормоқда. Статистик маълумотларга қараганда, семизлик ҳозирга вақтда бутун дунё аҳолисининг 20 — 30 фоизини ташкил қилмоқда. Бу кўрсаткич АҚШда — 20, Германияда — 30, Россияда — 26, мамлакатимизда — 24 фоизни қамраб олган.

Семизлик — биологик ҳолат. Миср, грек, рим ва ҳинд маданиятига оид асарларда семизлик салбий ҳолат сифатида тасвирланган. У нафақат тиббий, балки ижтимоий муаммо эканлиги, беҳаловатликнинг асосий сабабчиларидан бири эканлиги қайд этилган.

Буюк бобомиз Абу Али ибн Сино: „Семизлик томирларни қисиб, руҳнинг сўнишига олиб келади“, деб ёзади. Сервазн кишиларда юрак хуружи икки баравар кўп учраб экан. Соҳа мутахассисларининг фикрича, семиз кишиларнинг 69 фоизи 69 ёшгача яшаса, озгинларнинг 90 фоизи шу ёшгача умр кечиришлари мумкин экан.

Шунингдек, вазни ҳаддан зиёд оғир кишиларнинг 30 фоизи, нормал вазнлиларнинг эса 50 фоизи 70 йил умр кечиришини инobatга олсак, шифокорларнинг тавсиялари бежиз эмаслигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз, холос.

Шу ўринда тиббиёт тажрибалари 35 — 40 ёшларида ҳар йили 10 — 12 килограммдан семира бошлаган киши ўз умрини беш йил ичида етти йилга қисқартиришини ҳам кўрсатаётганини таъкидлаш мумкин. Бу-ку майли, ундан ачинарлиси ҳам бор.

Гапнинг пўст калласини айтганда, нафақат аёл киши, балки семириб кетган эркак киши ҳам ечиниб туриб ўзини кўзгуга солиб кўрса, бедаво ҳолатга келиб қолган қад-қоматидан ўзи ҳуркиб кетадики, унинг „астагфирул-

лоҳ“ дейишдан ўзга чораси қолмайди. Бу оддий ҳақиқатга нима дейсиз?

Хўш, семизлик касалликми ёки наслдан наслга ўтувчи мойилликми? Нега аёлларда семизлик эркакларга нисбатан кўп? Семизликка олиб келадиган асосий сабаблар нима? Семизликнинг олдини олиш ёки уни йўқотишнинг қайси воситаларидан фойдаланиш маъқул?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 66- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- семизлик билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- семириш, қориннинг қаппайиб чиқиши сабаблари;
- семизлик аломатини аниқлайдиган энг қулай ва осон усуллар;
- семизликнинг олдини олиш ва даволаш усуллари; Эйнштейн таълимотида семиришнинг уч босқичи; дунёнинг энг семиз кишилари;
- семизликнинг инсон ҳаёти учун ўта хавфли эканлиги;
- семиз ва сервазн кишиларда юрак хуружи хавфи икки баробар кўплиги кабилар ёритилган.



А. П. Чехов

(1860 — 1904)

Рус ёзувчиси.

1. „Олчазор“.
2. „Чайка“.
3. „Каштанка“.

„Фақат нодон, жоҳил кишиларгина „Мен ҳаммадан зўрман“ деб даъво қилади“.

Муаллиф

67- сир. Жоҳиллик ва осудалик

„Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да „жоҳил“ тушунчасига куйидагича изоҳ берилган: „Жоҳил — бу жаҳолатда қолган, илм-маърифатдан маҳрум, қолоқ, маданиятсиз, нодон“.

Жоҳилнинг қуроли — жаҳл. У эса, осудаликнинг кушандаси. „Жоҳилликдан жон чиқар, қобилликдан донг чиқар“, дейилади ўзбек мақолларида. Етти нарса жоҳил (нодон)ларнинг одатидир:

1. Ҳар нарсага аччиқланиш;
2. Синалмаган одамга ишониш;
3. Дўст-душманни ажрата билмаслик;
4. Сирини ҳар кимга айтиш;
5. Ақлсиз, нодон одамларнинг маслаҳатларига қулоқ солиш;
6. Бефойда сўзларни кўп сўзлаш;
7. Хайр-эҳсонни ўз жойига сарф қилмаслик.

Жоҳил билан сўз айтишиб, ғавғолашиб ўтирган одам иззаг-ҳурматини йўқотади, дили озор топади. Шундай ҳолларда юмшоқ кўнгилли, мулойим киши жоҳил ва нодонлардан кўрган жабр, зулмларга, кўнгил қолдирилган ёмон сўзларга чидайди. Аччиқ ўрнига мулойим бўлади, ўч олиш ўрнига авф қилади. Чунки Ислом динида бировга зарар бериш ҳам, зарарланиш ҳам йўқ, дейилган.

Мулойим бўлмаган нодон кишилардан бекорга аччиқланиб, оғизларидан беҳуда ёмон сўзлар чиқариб, сўзларига пушаймон қилсалар ҳам фойда бермайди. Хотиржамлиги йўқолади. Улар ҳар бир бўлар-бўлмағур нарсаларга тааж-жубланавериш ҳам жоҳиллик белгиси эканлигини тушуниб етмайдилар.

Хўш, айтинг-чи, Сиз жоҳил одамларга нисбатан қан-

дай муносабатдасиз? Ҳамма ҳам ўз жаҳолатини тан оладими? Жоҳил эканига иқрор бўладими? Жоҳилларнинг одатларига эътибор берганмисиз?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли 99 та китобдан иборат туркумнинг 67- сири бўлиб, унда:

- жоҳиллик ва осудалик ўртасидаги ўзаро боғланиш кучи;
- етти нарса жоҳилнинг одати эканлиги;
- нодонликдан буюк мусибат йўқлиги;
- жоҳилга жавоб бермасликнинг ўзи жавоб эканлиги;
- ҳар ким ўзини билагон ҳисобласа, халқ уни нодон санашлиги;
- жоҳил одам яхшилик билан ёмонликнинг фарқига бормаслиги;
- жоҳил одам насихатни қабул қилмаслиги;
- жоҳил одамнинг айби кийимининг устидан ҳам билиниши;
- кишига жаҳддан ҳам кучлироқ душман йўқлиги;
- жаҳл ила озор уруғини сепган киши зарардан узга ҳосил олмаслиги кабилар ёритилган.



Робиндранат Тагор

(1861 — 1971)

Ҳинд ёзувчиси.

1. „Қурбон“.
2. „Рожа“.
3. „Қизил олеандрлар“.

„Кашиётлар шубҳалардан бошланади“.

Муаллиф

68- сир. Гумон ва осудалик

„Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да „Гумон — бу шубҳа, тахмин“, деб талқин этилган. Шубҳа эса, бирор кимса, нарса ёки воқеа-ҳодисанинг ҳаққонийлигига, тўғрилигига ишонмаслик, гумонсираш, гумон деган маънони англатади. Демак, гумон ва шубҳа синоним сўзлардир.

Бадгумонлик осудаликка шубҳа туғдиради. Шу боис: „**Бадгумон бўлманлар**“, дейилади ҳадисда.

Хўш, бадгумонлар ким?

„Бадгумон одам, — дейди севимли шоирамиз Турсуной Содиқова, — бу ё ақли тўқис бўлмаган шўрлик, ё ақли расо бўлса-да, уни кўпроқ ёмонлик йўлида ишлатадиган нобакордир! Ўзи ўғри ёки ўғриликка мойиллиги бору, аммо қулай шароити бўлмагани учун тийилиб турган одам учун ҳамма ўғрига ўхшаб туюлаверади. Ўзи ҳасадгўй ёки пинҳона гуноҳ қилишдан тийила олмайдиган одам атрофдагилар ҳам худди мен каби, деб ўйлайди ва ҳар бир ҳаракатингни микроскоп билан кузата бошлайди, зарра ҳатоингни топса, кўзлари қувончдан порлайди, аюҳаннос солади!

Дарвоқе, у нега хурсанд? Рақибини, ҳаттоки рақиб бўлмагани ҳам гуноҳ устида ушлаганиданми? Йўқ! Хато қилишда у ёлғиз эмаслигидан, ҳар қандай кишидан чатоқлик топиш мумкинлигидан, „Бу дунёда ҳамма ўғри, мен ҳам ўғри бўлсам нима бўпти?“ дейишга имкон топилганидан шод!“

Хўш, гумон инсонни охудек ҳадиксиратиб туришидан воқифмисиз? Гумон ирода кучини сусайтирувчи ва унга қарши турувчи катта куч эканлигини биласизми? Нима учун фалсафа тарихида шубҳа гоёсига асос солган француз файласуфи Рене Декарт: „Ҳамма нарсани шубҳа остига ол“ деган? Бу билан у нима демоқчи бўлган?

Нима учун инсонда гумон, шубҳа пайдо бўлади?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сирини“ номли туркумнинг 68- сирини тўғрисида бўлиб, унда:

- гумон ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- ўз ҳаётига шубҳа билан қарайдиганларни ипохон-дриklar деб аталиши;
- ўзгаларнинг қобилиятига шубҳа билан қараш ёмон одат эканлиги;
- ўз қобилиятидан шубҳаланиш яхши одат эканлиги;
- бадгумонлик энг оғир гуноҳлардан бири эканлиги;
- гап пойлаш, тирноқ остидан кир қидириш, бир-бирига ҳасад қилиш айнан бадгумонлик меваси эканлиги;
- яхши гумон қилиш яхши ибодат қилиш билан баробарлиги;
- бадгумонлик кишилар ҳақида бўлар-бўлмаста ёмон шубҳалар қилиш, уларга нисбатан туҳмат ва ҳадик маъносида фикр юригиш эканлиги;
- тўрт одам кўзи билан кўриб, қўли билан тутиб, гувоҳликка ўтмагунча бировдан гумон қилиш мусулмончиликдан эмаслиги (ҳадис);
- ўзаро низолар ва келишмовчиликлар кўпроқ бир-биридан ёмон гумонда бўлишдан ҳам келиб чиқиши;
- ёмон гумондан четда бўлиш учун доимо кишилар ҳақида яхши гумонда бўлиш, улар ҳақида етган хабарларни яхшиликка йўйиш кераклиги кабилар ёритилган.



Моҳларойим Нодира

(1792 — 1842)

Ўзбек шоираси, давлат арбоби.

Унинг 10 000 мисрага яқин асари (ғазал, мухаммас, рубоий, фард каби жанрларда) етиб келган.

„*Файриқонуний ишнинг оқибати — шармандалик*“.

Муаллиф

69- сир. Файриқонуний иш ва осудалик

Инсоният яралибдики, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва қабоҳат, диёнат ва хиёнат ўртасида доимо кураш давом этади. Жамиятнинг софдил ва фикри теран кишилари инсон зотига инъом этилган озодлик, эмин-эркинлик, хурликни ҳақоратлашга қарши курашишни, шу йўл билан Ватанни ва ватандошини турли бало-қазолар, хўрликлар, таҳқирлашлардан муҳофаза қилишни ўзларининг энг олий бурчи деб биладилар.

Бунинг акси ўлароқ, бошқа бир тоифа шахслар эса, ўзлари танлаган йўлнинг сўнгги бекати нафрат ва қарғиш эканликларини билсалар-да, нафс ботқоғига ботиб ўз осудаликларига путур етказадилар. Ҳаётда тўғри йўл қолиб, файриқонуний ишга қўл урадилар.

Ҳа, таассуфки, инсон табиатида шундай қусур бор: файриқонуний, эгри ишга қўл ураркан, қилмишимни биров кўрмаяпти, сезмаяпти, деб ўйлайди. Ана шу қусур кўпчиликни жиноят сари ундайди. Қинғир ишнинг, эрта-ми-кеч, қийиғи чиқиши эса, ҳаётда неча бор исботини топган, „Эгри ишга ривож йўқ“, деган ҳикмат бор донишманд халқимизда. Бу асрлар синовидан ўтган ҳақиқат — эгри иш эллик йилдан кейин ҳам билинади.

Энг ёмони, ҳаётда тўғри йўл қолиб, нотўғри йўлга кирганлар эл-юрт олдида юзлари шувут бўлиб қолаверади. Шу ўринда донишманд халқимизнинг қуйидаги ҳикматли сўзларини унутмасак, бас:

Тўғри юрдим — етдим муродга,
Эгри юрдим — қолдим уятга.

Хўш, одам нима учун тўғрилиқдан адашади? Нега тўғри йўл қолиб, у эгри йўлга киради? Нима учун тўғрилиқнинг афзаллигини била туриб, эгриликка қўл уради? Тўғри яшаш шунчалик қийинми? Наҳотки қонунбузарлик инсонларни шунчалик даражада кўрқитмай қўйди? Наҳот-

ки ноқонуний хатти-ҳаракат нари турсин, ҳатто салбий фикр ҳам инсон хотиржамлигини бузишга сабаб бўлишини тушунмасак? Ундай хатти-ҳаракат туфайли бузилган осудаликни барқарорлаштириш учун қанча-қанча йиллар керак-ку? Наҳотки, шундай оддий ҳақиқатни англолмасак?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 69- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- ғайриқонуний иш ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- эгриликнинг усти фил, таги қил, тўғрилиқнинг эса, усти қил, таги фил эканлиги;
- хотиржамлик истасанг ғайриқонуний ишга қўл урмаслик;
- ёнингизда сизни ҳар бир қадамда йўлдан урувчи „дўстингиз“ борлиги;
- қийшиқ қўйилган қадамнинг ҳосили ҳам қинғир бўлиши;
- ноқонуний ишнинг ўзидан кўра ҳам унинг таҳликаси даҳшатли бўлиши;
- қилмиши қинғир кишининг қалбини ҳар он ҳадик чертиб туриши;
- ҳатто қонун тадқиқ қилмаганни номус тадқиқ қилиши кабилар ёритилган.



Эргаш Жуманбулбул ўғли

(1868 — 1937)

Ўзбек халқ шоири.

1. „Юлдуз билан кундуз“.
2. „Далли“.
4. „Равшан“.

„Ичкиликбозлик бор жойда уруш-жанжал, нотинчлик ин куради“.

Муаллиф

70- сир. Ичкиликбозлик ва осудалик

„Ичкилик — бу кайф берадиган ичимлик, май. Ичкиликбоз эса, доим ичиб юрадиган, ичкиликка берилган, майхўр“, деб тушунча берилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да.

Одам боласи ақлли, ғайратли бўлиб дунёга келади, лекин унинг ақлини, ғайрат ва шижоатини ичкилик битиради, соғлиғини нобуд қилади, оила ҳаловатини бузади ва энг даҳшатлиси одамларнинг қалбини ва уларнинг авлодини нобуд қилади. „Тиббиёт хазинасидан“ деб номланган китобда келтирилган қуйидаги маълумотларга эътибор беринг-а!

Биргина 1000 га яқин тентак болаларнинг 500 таси отаси, 70 таси онаси, 70 тасида ҳам отаси, ҳам онаси спиртли ичимлик истеъмол қилар экан. Даҳшатга тушасиз. Ахир болада нима айб? Катталарнинг кечириб бўлмас гуноҳлари туфайли уларнинг пешанасига ногирон деган тавқи-лаънат босилади. Яна айнан шу китобда Л. Орловский келтирган маълумотларга эътибор қиладиган бўлсак, спиртли ичимлик истеъмол қилганларнинг:

- 16 — 17 фоизда иш унумдорлиги пасайиб;
- 20 фоизи оилавий қўйди-чиқдига сабаб бўларкан.

Шунингдек:

- жиноятларнинг 85 фоизи;
- безориликнинг 90 фоизи;
- қотилликнинг 70 фоизи;
- кўча фожиаларининг 47 фоизи;
- уйдаги фалокатларнинг 20 фоизи;
- корхоналардаги бахтсиз ҳодисаларнинг 45 фоизи мастликда содир бўлар экан.

Ҳа, ичкиликбозлик одамнинг энг қимматли, энг қадрли нарсаларини сўриб олади. Баъзи одамлар: „Биз ичкиликни ўзимиз тилаб ичмаймиз, аммо қайғу, ҳасратларимиз бизни ичишга мажбур қилади“, деб нолийдилар.

Уларнинг бу фикрлари тўғри эмас. Қайғу-ҳасратларни битириш учун ичкиликнинг ҳеч бир фойдаси йўқ. Аммо улар ичишга ўрганиб, шу одатларини ташлай олмайдилар. Ичкилик уларнинг мияларини бузган, шунга кўра мажбур бўлиб ичадилар, қайғу-ҳасратни шунга баҳона қилиб кўрсатадилар. Абул-Фалож дейдилар: „Майнинг айтишича, ичган одам тўрт сифатга эга бўларкан. Дастлаб у товусга айланиб, ўзини кўз-кўз қиларкан, ҳаракатлари равон ва улуғворлик касб этаркан. Кейин маймун қиёфасига кириб, ҳамма билан ҳазиллашиб, майнавозликка ўта бошларкан. Ундан сўнг эса, шерга ўхшаб ўзига бино кўяркан, мағрурлиги тутиб, кучига ишониб кетаркан. Лекин охирида чўчқага айланиб, чўчқа сингари ахлатга аганаб ётаркан“.

Хўш, айтинг-чи, ичкиликбозликнинг шундай оқибатларига ҳеч эътибор берганмисиз? Ичкилик — бу энг ёмон одатлардан бири эканлигига аминмисиз?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сирини“ номли туркумнинг 70-сири тўғрисида бўлиб, унда:

- ичкиликбозлик билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- ичкиликбозлар учун улуғлик билан тубанлик орасидаги масофа бир шиша ароқнинг бўйига тўғри келиши;
- ароқ ичган киши шайтон билан рақсга тушувчи инсон мақомида бўлиши;
- ичмаслик ўчоққа ўтин, қозонга гушт, дастурхонга нон, давлатга даромад, ҳамёнга пул, танга куч, устга кийим-бош, мияга ақл, оилага фаровонлик ва соғлом зурриёт эканлиги кабилар ёритилган.



Максим Горький

(1868 — 1936)

Рус ёзувчиси.

1. „Она“.
2. „Кераксиз одам ҳаёти“.
3. „Инсон“ (поэма прозада).

„Жаҳлга жаҳл билан жавоб бермасдан, имкони борича мунозарани кечиктирган маъқул“.

Муаллиф

71- сир. Ғазаб ва осудалик

Ғазаб — ҳаётимизнинг ажралмас бир бўлаги бўлиб, кучли даражада нафратланиш, қаҳр, жаҳл чиқиш натижасида юзага чиқади. Жаҳл эса, ақл душмани. Жаҳл келганда, ақл кетади, деб бежиз айтмайди халқимиз. Ақл бор жойдан жаҳл чекинади. Ақл топмаган одам ғазабга эрк беради, ғазаб отини минади. У ғазабга бор борлигини бериб қўяди ва оқибатда инсонликдан чиқади.

Ғазабкор одам арзир-арзимас нарсага ғазаб захрини сочади. У вақт танламайди, маврид кутмайди, „ҳозир эмас, кейинроқ“ деган сабрни билмайди. Билишни хоҳламайди ҳам. Ундай одамнинг ғазаб оти доимо эгарланган, қиличи доимо яланғоч туради. Заҳри оғзида, кучи муштида бўлади.

Ғазабкор яхши сўзни билмайди, эркаланинг кўчасига кирмайди, рағбатлантириш, мақтов деган илиқ гапни тушунмайди. Буни қарангки, ғазабкор одамнинг тилидан заҳар томмай турганида аччиқ томиб турар экан. Мана шу даражада бўлади бу — касофат!

Милоддан олдинги VII асрда яшаган, буддизмнинг асосчиси — Гаутама Будда: „Ҳайвонларни эмас, қалбингиздаги қаҳр-ғазабни, нафратни қурбон қилинг“, деган эди. Орадан сал кам уч минг йил ўтган бўлса-да, ҳали ҳам қаҳр-ғазаб, нафрат, кимларнидир ёмон кўришдан узоқлашиш борасида гапиришга эҳтиёж сезилмоқда.

Хўш, шундай экан, айтинг-чи, ғазабни тутиб туриш яхшими ёки атрофга сочиш? Уни ичга ютиш керакми ёки ташқарига чиқишига йўл қўйган маъқулми? Бугунги жаҳлни эртага қўйган тўғрими? Эҳтимол, ғазабга ғазаб билан жавоб қилган маъқулдир?

Ҳеч эътибор қилганмисиз, оилада ғазабкор одам ким? Эркакми ёки аёлми? Қайнота ёки қайнонами? Ишхонадачи? Раҳбарми ёки ёнингиздаги ҳамкасбингизми?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 71- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- ғазаб ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- жаҳл билан ақл пойгасида ақлнинг ғолиб чиқиши маъқуллиги;
- ақлга ёр бўлиб, жаҳлдан қочиш осудаликни таъминлаши, жаҳл отига миниш эса, беихтиёр хато ва гуноҳ ишларни қилиб қўйишга чорлаши;
- ғазабнок кишининг ўзига осонгина зиён етказиши; ғазабга ғазаб билан жавоб қилиш ўта нодонлик эканлиги;
- ғазабланган пайтда берган ҳар бир зарбамиз охиروқибат ўзимизга келиб тегиши;
- ишда жаҳлга йўл қўймаслик учун уч „инкор“га амал қилиш лозимлиги;
- ғазаб қайнайдиغان ҳолатга тушмаслик сирлари; ғазабни ютиш ёки „порглаш“ фақат муаммолар келтириб чиқариши;
- ғазабни жиловлаш, уни назорат қилиш йўллари; ҳайвонларни эмас, қалбдаги қаҳр-ғазабни, нафратни қурбон қилиш лозимлиги;
- нафратни, қаҳр-ғазабни ўзи билан олиб юриш, оғир юк кўтариб юришдан-да оғирроқ эканлиги кабилар ёритилган.



Садриддин Айнӣ

(1878 — 1954)

Ўзбек ёзувчи олими.

1. „Доҳунда“.
2. „Қуллар“.
3. „Эсдаликлар“.

„Васваса шайтон ишидир. Ундан фақат ва фақат нафс тарбияси орқали қутуламиз“.

Муаллиф

72- сир. Қўрқув ва осудалик

Васваса — бу кишининг эс-ҳушини олиб қўядиган, телбалик, ваҳима ва қўрқувга соладиган ўй-фикрлар бўлиб, осудаликнинг душмани ҳисобланади. Бошига бирор савдо тушиб ёки бирор нарсага ортиқ даражада берилиб эс-ҳушидан озган кишини восвос одам дейишади.

Одамларни ҳеч нарса қўрқувчалик бирлаштирмайди. Қўрқув ташкил қилувчи ва яратувчилик кучидир. Қўрқувсиз бир кун ҳам яшаб бўлмайди. Ва уни бостираман десангиз, фақат бошқа қўрқув билангина бостира оласиз.

Тўғри, инсон яратилишига кўра қўрқоқдир. Янги туғилган чақалоқдан тортиб қартайган қариягача — ҳаммани қўрқув умр бўйи таъқиб этади. Чақалоқ қўрқув йиғиси билан дунёга келади. Кейинроқ онасини йўқотиб қўйиш, оч қолиш, ваҳимали шовқин-суронлар, йиқилиб тушиш каби нарсалар уни васвасага солади. Эсини танигач, катталарнинг дўқ-калтаклари, чақмоқ-момоқалди роқ ва табиат ҳодисалари, йиртқич ҳайвонлар, жин-алвасти ҳақидаги гаплар, алдов ва зўравонлик кабилар қўрқувга сола бошлайди.

Йигитликнинг ҳам ўз қўрқув ўчоқлари бор: ҳаётда ўз ўрнини тополмаслик, севгисининг рад этилиши, ўзига муносиб иш тополмаслиги, ўқишга кира олмаслиги ва ҳоказолар.

Ҳатто катта ёшдагилар ҳам қўрқув таъқибидан омонда бўлишмайди. Уларни ҳам бир умрга турли касалликлар, омадсизлик, амалдан кетиш, душманлар хусумати, болаларнинг ноқобил чиқиши, дўстлар хиёнати, қонунни бузиб қўйиш, турли фалокат ва офатлар, бошлиқлар зуғуми, қашшоқлик, Барвақт қариш ва ўлим каби ҳолатлар даҳшатга солаверади, осудаликни бузаверади.

Хуллас қўрқув, ваҳима, васваса инсоннинг фароға-

тини, оромини бузади, уни машаққатларга, турли гуноҳ ишларга, виждонига хилоф иш тутишга рубару қилади.

Хўш, шундай ҳолатларда осудаликни таъминлаш учун нима қилиш керак? Қўрқувни ҳис этмаслик учун инсон нималарга риоя қилиши лозим? Нега одамларнинг, айниқса, бегоналарнинг гап-сўзидан, маломатидан қўрқасиз?

Танишингиз ёки яқинингиз бойликдами, мансабдами, обрўдами, ҳусндами, сиздан устун бўлса, нима қилибди? Буларнинг ҳаммаси ҳеч нарсага арзимайдиган васвасанинг ўзи эмасми?!

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 72- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- васваса (қўрқув) ва унинг осудаликка таъсири;
- қўрқув (васваса) замирида ётган сир-синоатлар; қўрқув ҳеч ҳам оқлаб бўлмайдиган сифат эканлиги;
- қўрқувнинг илдизлари ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларни бартараф этиш йўллари;
- сиз билан биз ҳаётимизда кечган, бугун кечаётган ва эрта-индин кечадиган воқеаларга жавобгар, масъул эканлигимиз, бундан ҳеч чўчимаслигимиз, энди нима бўлади, деб ваҳима қилмаслик;
- бошимизга тушадиган савдоларга гоҳо ўзимиз ҳам сабабчи эканлигимиз;
- ижобий фикрлар ва жўшқин ғояларимизни исёнкор, бузғунчи ўйлардан устун келишини доимо назорат қилиш лозимлиги кабилар ёритилган.



Дейл Карнеги

(1888 — 1955)

Америкалик руҳшунос.

1. „Безовталиқ офати“.
2. „Муомала сирлари“.
3. „Дунёни қўлга олай десангиз“.

„Инсон шундай яшаши керакки, у
утган умрига афсусланмасин“.

Муаллиф

73- сир. Афсус ва осудалик

„Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да „афсус“ сўзига шундай таъриф берилган: „Афсус — бу надомат, пушаймон, ўкиниш, ачиниш туйғуси“. „Беш кунлик дунё“ дейдилар, „Капалакчалик умр кўргандаймиз“, „Кўз очиб-юмгунча кексайибмиз“, дейдилар. Бойми, камбағалми, зиёлими, омими — ҳар бир инсоннинг кунлардан бир кун кўксидан ўрлаб чиқадиган дуди-оҳи шу! Ҳамма бараварига келадиган умумий тўхтама ҳам шу!

Умрнинг шу қадар тез ўтишини билмай яшаганимиз афсус-пушаймонларимизнинг энг каттасидир. Ҳадисда шундай дейилади: *„Бирор киши йўқки, ўлаётганда пушаймон бўлмаса. Агар яхши бўлса, яхшилиги зиёда бўлмаганига пушаймон бўлади, агар ёмон бўлса, ёмонлигини аввалроқ тўхтатмаганига пушаймон бўлади“.*

Ўтган ишга пушаймон бўлиш энг оғир дард. Охири пушаймонлик билан тугайдиган лаззатдан фойда йўқ. Яхшилиқни кўп қилган кишининг пушаймонлиги кам бўлади. Донолар шундай дейди: „Пушаймонлик уч хил бўлади: бир кунлик, бир йиллик ва бир умрлик. Бир кунлик пушаймонлик арзимаган пушаймонлик бўлиб, у бирор нарса ни ея олмай қолиш, арзимаган нарсага эга бўла олмай қолиш сабабли пайдо бўлади. Бир йиллик пушаймон эса кўлидан келмаса ҳам бепарволик туфайли тайёр ерга экин экмай, вақтни ўтказиб юбориш орқали келади. Бир умрлик пушаймонлик эса, адашиш орқали муносиб бўлмаган муросасиз уйланиб қолиш орқасидан келади“.

Шоир Шавқий айтади:

Ҳар иш айларда аввал эҳтиёж айлаб тафаккур қил,
Кўлингдан ўтса вақти, фойда бермасдур пушаймонлик.

Нега шундай? Нима учун пушаймон бўлишни ўлимга тақаб олиб келамиз? Нега бир сониялик, бир соатлик, бир

кунлик, бир ойлик, боринг, кўп йиллик нафс ороми деб абадиятимизни куйдириб юборамиз? Нима учун номақбул ишга қўлимиз кетаётганида, қадамимиз қинғирлашаётганида дарҳол уни тўхтата олмаймиз? Нега ўзимизга кучи етадиган фақат ўзимиз эканлигимизни, тўғри йўлга соладиган ҳам ўзимиз эканлигини англамаймиз? Нега?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 73- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- афсусланиш билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- афсусланиш кони зарар, ачинишдан ҳеч фойда йўқлиги;
- қўлдан кетган нарсага ҳеч ҳам қайғурмаслик;
- ўтмишда йўл қўйган хатоларга ачинмаслик;
- инсоннинг нималардан кўпроқ афсусланиши;
- сўнгги пушаймонга йўл қўймаслик;
- неъматнинг қадри у йўқолгандан кейин билиниши;
- ёмғирдан кейин сув сепишнинг фойдаси йўқлиги, энди кеч эканлиги;
- афсусланмаслик учун: касал бўлмасдан аввал соғлиқнинг; қаримасдан аввал ёшлиқнинг; ўлимдан аввал тирикликнинг; қарамликдан аввал озодликнинг қадрини яхши билиш лозимлиги кабилар ёритилган.



Абдулла Авлоний

(1878 — 1934)

Ўзбек шоири.

1. „Биринчи муаллим“, „Иккинчи муаллим“.
2. „Тарих“.
3. „Лайли ва Мажнун“.

„Жафо қилсанг жафо кўрарсан
албат. Буни қайтар дунё дейдилар“.

Муаллиф

74- сир. Зулм ва осудалик

„Зулм — бу жабр, ситам, эзиш, адолатсизлик, ҳукмдорларнинг фуқароларга, золимларнинг мазлумларга кўрсатган жабри“, дейилган „Ўзбек тилининг изоҳли лугати“да. Инсон ақлини таниганидан умрининг сўнгги нафасигача уч хавф остида яшайди. Булар — шайтон, нафс ва зулм. Ҳаётий кузатишлар асосида бу иллатлар сирасига кибр ва худбинликни ҳам бемалол қўша бўлаверади.

Жамоатчилик орасида шайтоннинг қутқисидан қўрқадиганлар, нафс балосидан ҳазар қиладиганлар бисёрлигига шубҳа йўқ. Аммо зулм, зулмкорлик, ўзгага тазйиқ ўтказиш, бировнинг азиятидан ҳузурланиш каби қусурларни орғиқча айб санамайдиганларга дуч келганимизда ҳайратдан ёқа ушлаймиз. Очиғи, жиззаки, қизиққон, бировнинг фикрини сариқ чақага олмайдиган, ўзини катта тутиб, димоғидан қурт ёғиладиган кимсаларни жамиятнинг баданидаги оғир дард, иллат деб атаса, муболаға бўлмайди.

Қуръони каримнинг „Оли Имрон“ сурасида (140- оят) „Аллоҳ золимларни севмаган“, „Наҳл“ сурасида (85- оят) „Зулм қилганлар азобини кўрганларида эди (яъни қиёматда) улардан (у азоб) енгиллатилмас ва уларга муҳлат ҳам берилмас“, дейилган.

Бундан хулоса шуки, инсонлар билиб қўйсинларки, уларга ўзларининг бирор навбатий ҳаётларида бировларга қилган зулмлари учун жазо шу ҳаётида ёки кейинги ҳаётида, албатта, берилади.

Масалан, Сукротни ўлдирган афиналиклар ёвуз қилмишларига яраша нимага ҳам эришдилар? Эвазига худо уларга очлик ва ўлат каби даҳшатли азоб-уқубатларни юборди. Пифагорни тириклайин ўтда кўйдирган Самос аҳолиси бу билан нимага эришди? Бир сония ичида шаҳар бутунлай қум остида қолиб кетди. Буни олдийгина қилиб „Ал-қасосу минал ҳақ“ ёки „Қайтар дунё“, дейишади.

Ҳадиси Қудсийда шундай дейилган: „*Эй одам фарзандлари! Мен зулмни ўзимга ҳаром қилдим ва уни сизлар-*

нинг ўрталарингизда ҳам ҳаром қилдим, бас, бир-бирларингизга зулм қилманглар“.

Ривоят. Масжидга келган Навоий ҳазратлари шошиб, яна уйларига қайтибдилар. Дўстлари бунинг сабабини сўрашса, „Бир чумоли кийимимга илашиб, мен билан масжидга келиб қолибди. Бечора Ватанидан адашибди-ку, деб уни маконига олиб боряпман“, дебдилар.

Хўш, айтинг-чи, биз шундай эътиборли, шундай раҳмдил, бўла оламизми? Халқимизда: „Чумолига ҳам озор берма“, деган ажойиб нақл юради. „Алифбе“ китобимизни яратган устоз-муаллим Оқилжон Шарофитдинов: „Ҳатто чумолига ҳам озор бермадим. Шунинг учун ҳам улар мени таламадилар...“ деган эканлар шогирдларига. Демак, сиз билан биз ҳар бир жонзотга, табиатга, инсонга меҳр бера олсак, уларнинг озорини кўрмас эканмиз.

Кунлардан бир куни Ванга исмли башорагчи-шифокор ҳузурига ёши ўтиб қолган эр-хотин келишади. Ва ўзларининг оғир хасталиklarидан шикоят қилишади. Ванга эр-какдан: „Арқон эсингиздами?“ деб сўрайди. Ва бир замонлар тарвузини ўғирлаган болани арқон билан аёвсиз урганини эслатади. „Бағри тошлигининг жазосини сен энди тортаяпсан“, дейди унга.

Хўш, зулм ва зулмкорлик замирида нима ётади?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 74- сири туғрисида бўлиб, унда зулм ва зулмкорликнинг осудаликка салбий таъсири Қуръони Карим оятлари ва ҳадислар, миллий қадриятларимиз ва Шарқ донишмандлари панд-насиҳатлари, ривоятлар, бугунги ҳаётий кузатмалар, ҳикматлар ва мақоллар асосида ёритилган.



Альберт Эйнштейн

(1878 — 1934)

Немис физик олими.

1. „Умумий нисбийлик назарияси“.
2. „Статистик назария“.
3. „Физика ва воқелик“.

„Салбий ҳиссиётлар туйғайли ўринсиз ҳиссиётларга изн берманг“.

Муаллиф

75- сир. Эҳтирос ва осудалик

„Эҳтирос — бу зўр ҳис-туйғу, завқ, шавқ, ҳирс, оташин“, деб талқин этилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Эҳтирос инсонни ўз мақсади сари дадил интиладиган салмоқли куч ҳисобланади. У инсонда мислсиз гайринсоний қудрат уйғота олади.

Рус жамоат арбоби В. Г. Плеханов таъбири билан айтганда: „Эҳтирос ёрдамисиз тарихда бирор-бир муаззам қадам босилмаган. Эҳтирос маънавий кучларни чандон ошириб, арбобларнинг ақлий қобилиятини чархлайди. Эҳтироснинг ўзи буюк тараққийпарвар кучдир“. Немис файласуфи Гегель ҳам: „Дунёдаги ҳеч бир улуг иш эҳтироссиз содир бўлмайди“, деган.

Кучли ва ўринли эҳтиросдан, тетик, қайноқ шижоатдан, завқ-шавқдан, она юртга, ҳар бир номусга оташин муҳаббатдан, жасурлик ва ғайратдангина мувафаққиятга эришилади.

Агар эҳтирос ўринсиз бўлса-чи?

Бу ўринда француз мутаффакири, ёзувчи ва педагоги Ж. Руссонинг шундай сўзи бор: „Эҳтиросларни ўринли ва ўринсизга бўлиб, биринчисига муккадан кетганча, иккинчисидан ўзини олиб қочувчилар ҳақ эмаслар. Инсон маҳкам турса, ҳамма эҳтирослар яхши, эҳтиросларга қул бўлса, унда ҳаммаси ёмон“.

Инсон учун энг муҳими эҳтиросни жиловлай билиши. Уни жиловлай билган одам донодир. Донолик эҳтироссизликда эмас, балки эҳтиросларни бошқара билишдадир. „Эҳтиросларни тизгинла, акс ҳолда у сени тизгинлайди“, дейди Рим файласуфи Эпиктет.

Эҳтиросларни бошқара олмаган одам минг бир ҳаловатсизликларни чақириб олади. Масалан, кишидаги салбий эҳтирос ҳисси, туйғуси уни қаноатсизликка етаклайди. Шу нуқтаи назардан эҳтирослар осудалик душманидир. Агар ҳаёт осуда кечишини истасак, салбий ҳиссиётларни енгиш

зарур. Қадимги Рим файласуфи Сенека: „Эҳтирос — тен-такларга ақл бағишлаб, оқилларни фаросатдан айиради“, деган. Оқил одам эҳтиросни тизгинлайди, нодон эса унинг қулига айланади.

Хўш, айтинг-чи, агар ғазаб, ҳасад, изтироб сингари салбий туйғулар онгимизни хиралаштириб ташлаган бўлса, нима қилмоқ керак? Қалбимизни бу оғир юклардан қандай озод қилиш мумкин? Ёки инсон эҳтирослар вулқонига жилов бермай оладиган ожиз бандами?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 75- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- эҳтирос билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- инсон қалбини забт этган салбий фикр ва ҳиссиётлардан халос бўлиш йўллари;
- салбий эҳтирослар осойишталикнинг душмани эканлиги, уларни тизгинлаш ва бошқариш йўллари;
- эҳтиросга ихтиёрни бериш — бу оқилларнинг иши эмаслиги;
- оқил одамнинг эҳтирос билан курашиши, тентак эса, унинг қулига айланиб қолиши мумкинлиги;
- ақлнинг энг катта ғалабалари эҳтирослар туфайли рўёбга чиқиши кабилар ёритилган.



Юсуф Хос Ҳожиб

(1021 — 1075)

Шарқ матафаккири. „Қутадғу билиг“ („Бахтга элтувчи билим“).

Бу асар 1069 йилда ёзилган бўлиб, Кошғар ҳокими Сулаймон Арслон Қорахонга бағишлаган. Шу асари учун унга Хос Ҳожиб, яъни хоннинг махсус маслаҳатчиси унвонини берган.

„Сиқилишлик билан қандай кура-
шишни билмаган одам осуда яшол-
майди“.

Муаллиф

76- сир. Сиқилиш ва осудалик

„Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да „сиқилмоқ“ сўзига куйидагича таъриф берилган: *руҳан эзилиб ёки зерикиб, диққат бўлмоқ, диққати ошмоқ, зиқ бўлмоқ*. Сиқилиш ғамгинлик, бўғилиш, тушкунлик, дардни ичга ютиш, хафаҳоллик, тажанглик ҳолатларида намоён бўлади.

Бу аҳволга тушган кишининг ҳис-туйғу олами қопқоронғу, ичига чироқ ёқса ёришмайди. Бошига оғир ғамташвиш тушган киши тушкунликка берилади, бадбин бўлиб қолади. Ҳаётдан, ёруғ дунёдан, кишилардан кўнгли совийди. Оиладаги нотинчлик, иқтисодий қийинчилик, болаларнинг тўпалони каби воқеа-ҳодисалар ҳар кимнинг ҳам бўғилишига сабаб бўлиши мумкин.

Салбий таъсирлар аста-секин бир-бирига қўшилиб, кишининг хассос руҳига зарба беради. Шунда асаб тараңглашиб, тажанг аҳволга тушасиз. Шундай пайтда шайтон васвасасидан Худонинг ўзи асрасин. Ўзингизни босинг. Сиз ўз руҳий аҳволингизни бўрттириб юбордингиз. Бу билан Сиз кундалик ҳаётда оғзимиздан тушмайдиган оддий сўзга айланиб қолган сиқилишнинг майда-чуйда нарса эмаслигига, унинг жиддий касаллик келтириб чиқаришига лоқайдлик билан қарадингиз.

Тўғри, одамни чўктириб, қаддини букиб қўйган бундай туйғулар агарда ўлим, муваффақиятсизлик, можаро сабабли юз берган бўлса, у табиий ҳол деб изоҳланади. Мотам вақтида ғам-қайғу чекмаслик мумкин эмас. Бундай ҳолларда бошига кулфат тушган одам билан эҳтиёт бўлиб муомала қилиш керак. Чунки ўйланмай айтилган ҳар бир гап-сўз унга оғир ботиб қолиши мумкин. „Сизга ўзи нима бўлди?“ „Ўзингизни нега тутолмаяпсиз?“ каби гаплар унинг аҳволини янада оғирлаштириши турган гап.

Бундай пайтларда, яъни ҳам денгизига чуқайтган киши бошқалардан ёрдам қўлини узатишларини, мададни кутади. Шунда бефарқ, лоқайд бўлмасдан, ўз вақтида ҳамлард бўлиш инсоний бурчимиз эканлигини унутмайлик.

Хўш, айтинг-чи, Сиз сиқилиш таъсирида организмизда нималар рўй беришига эътибор берганмисиз? Ёки Сиз ташвишли ҳолатда ўзингизга тасалли бера оласизми?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 76- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- сиқилиш билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- сиқилиш сабаблари ва уларнинг олдини олиш йўллари;
- сиқилиш оқибатида касаллик келиши, азоб-уқубат янада оғирлашиши;
- ҳаёт мураккабликтарини юракка яқин олмаслик, уларга умуман юз бериши мумкин бўлган оддий воқеалар сифатида қараш лозимлиги;
- одамларнинг деярли ярми доимий сиқилиш ҳолатида яшашлиги;
- фақат жиддий сабаб эмас, балки оддий бир ҳодиса ҳам кишининг сиқилишига сабаб бўлиши;
- сиқилиш ҳолатидан чиқиш йўллари кабилар ёритилган.

IV. XX АСРДАН ТО ҲОЗИРГАЧА



Албер Камю

(1913 — 1960)

Француз ёзувчиси ва файласуфи.

1. „Биринчи одам“.
2. „Бахтли ўлим“.
3. „Кулаш“.

„Орзулар армон қўлида жон бермасин“.

Муаллиф

77- сир. Армон ва осудалик

Армон — бу ушалмаган орзу, бой берилган имконият. Умр инсоннинг икки эшик орасидаги босиб ўтган йўли. Бу йўлнинг чорраҳаси тақдир: бир бекати саодат, яна бири армон.

„Армон нима эканини билиш сизга АРМОН бўлиб қолсин“, деган экан биттаси. Ойдин-ойдин орзуларим бор эди, деб ўксинибди у. Ҳаётда имкониятларим кўп эди. Ёшлигимда кўп ишларни амалга оширолмай қолганман. Имкониятларим ҳам, ўзимнинг куч-қудратим ҳам бор эди. Ақлим, қобилиятим, ҳаммаси етарли эди. Очигини айтсам, мен ўйинқароқ бўлган эканман, афсус, деб ўқиняпти бошқаси.

Ҳа, Армон. Болалик хотираларимда: „Армоним йўқ, озод Шарқнинг қизиман“ сатрлари билан муҳрланган бу сўз. Гарчи унинг маъносини теран англаб етмасам-да, билардимки, бахтиёрлик — беармонлик. Бозорда ширинликларни мақтаб-мақтаб сотувчи киши „Еганлар дармонда, емаганлар армонда“ дея харидорларни чорлаганида мўлтиллаб турган болакай кўзларига боқиб, бунга амин бўлардим.

Аммо... Йиллар ўтди. Ҳаёт уммонида гоҳ равон сузиб, баъзан фарқ бўлиб, турмушнинг тотли неъматларидан та-тиб, гоҳ муштини еб, тахирини ялаб, англадимки, инсон умри АРМОН пиллапояларидан иборат экан...

Хассос шоирларимиздан бири бой берган имкониятларини эслаб, армон билан шундай ёзади:

Агар қайта бошлай олсам ҳаётимни,
Оловларга тоблар эдим қанотимни.
Мен ўзимни кашф этмасдим такрор-такрор,
Эшитмасдим зинҳор „наҳот-наҳот“имни.
Агар қайта туғилсайдим ўлмай туриб,
Исроф қилмай сарфлар эдим саботимни.

Ҳа, орзуларнинг армон қўлида жон беришини кўрмоқликдан ортиқ азоб бўлмаса керак. Эҳ, қанийди, барча

орзулар амалга ошиб, барча ишлар ижобат бўлса, инсонни армон деган ўкинч қийноққа солмаса? Афсуски, бундай бўлиши мумкин эмас!

Эҳтимол, Сизнинг амалга ошмаган орзу-истакларингиз йўқдир? Бўлса ҳам пушаймон бўлмайдиган даражададир? Ушалмаган орзуларингиз учун ҳеч шикоят қилганмисиз? Қўлдан чиқариб юборган нарсангизга ачинганмисиз? Ҳаётингизда гафлатда қолмасликка интиланганмисиз? Доимо хушёр ва сезгир бўлишга интиланганмисиз?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли 99 та китобдан иборат туркумнинг 77-сири тўғрисида бўлиб, унда:

- армон ва осудалик ўргасидаги боғланиш кучи;
- неъматнинг қадри у йўқолганидан кейин билиниши ва армон бўлиб қолиши;
- ҳаётда армонсиз инсоннинг ўзи йўқлиги;
- бу дунёнинг армонли дунё эканлиги;
- инсон ўтиб кетган армонлари учун қайғурмаслиги, балки армон бўлиб қолиш эҳтимоли бор орзунинг ушалиши учун курашиши лозимлиги;
- қўлингдан кетган ҳар бир яхши нарса армон эканлиги;
- армонлар ичра бутун яшаш мумкинлигини ўзида намоиш қилиб, бошқаларга ўргатиб кетиш ҳар бир кишининг қисмати эканлиги;
- дунёнинг исми армон, боримиз ҳам, йўғимиз ҳам армон эканлиги кабилар еритилган.



Фитрат


(1886 — 1938)

Ўзбек адиби.


1. „Ўғизхон“, „Темур сағанаси“.
2. „Чин севиш“.
3. „Арслон“.
4. „Аруз ҳақида“.

*„Бугунги шиддатли (глобаллашув) дав-
рида чинакам маънавиятли ва маърифатли
одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий
қадриятларини, миллий ўзлигини англаши,
эркин ва озод жамиятда ўзига муносиб ўрин
эгаллаши учун фидойилик билан кураша оли-
ши мумкин“.*

Ислом КАРИМОВ



**3.4. ЎЗИГА, ЎЗГАЛАРГА ВА ҲАЁТГА
НИСБАТАН ОҚИЛОНА ЁНДОШИШ
ЭВАЗИГА ЭРИШИЛАДИГАН
ОСУДАЛИК**



ёхуд

22 та китоб

АННОТАЦИЯСИ

Аннотациялар мундарижаси

Китоб рақами	Китоблар номи	Бетлар
78.	Феъл-атвор ва осудалик.....	259
79.	Ўзини асрай олиш ва осудалик.....	261
80.	Бурч ва осудалик.....	263
81.	Ваъда ва осудалик.....	265
82.	Сир ва осудалик.....	267
83.	Сукут ва осудалик.....	269
84.	Уйқу ва осудалик.....	271
85.	Туш ва осудалик.....	273
86.	Муסיқа ва осудалик.....	275
87.	Кайфият ва осудалик.....	277
88.	Табассум ва осудалик.....	279
89.	Китоб ва осудалик.....	281
90.	Муомала ва осудалик.....	283
91.	Тил ва осудалик.....	285
92.	Устоз-шогирд ва осудалик.....	287
93.	Дўстлик ва осудалик.....	289
94.	Қўшничилик ва осудалик.....	291
95.	Қарз ва осудалик.....	293
96.	Кечиримлилиқ ва осудалик.....	295
97.	Кексалиқ ва осудалиқ.....	297
98.	Касаллик ва осудалиқ.....	299
99.	Ўлим ва осудалиқ.....	301

„Хушфеъл одамнинг ҳаёти осудаликда кечади“.

Муаллиф

78- сир. Феъл-атвор ва осудалик

„Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да „феъл“ тушунчасига қуйидагича таъриф берилган. „Феъл — бу хулқни, киши характерини ташкил этувчи руҳий хусусиятлар мажмуи; бошқалар орасида ўзини тутиши, муомала қилиш йўсини: характер, хулқ, атвор“. Ҳусайн Воиз Кошифий айтади:

„Гузал феъл-атворнинг нишонаси 10 нарсадир: **биринчи нишонаси** — яхшилик; **иккинчиси** — инсофли бўлиш; **учинчиси** — бошқа одамдан айб қидирмаслик. **Тўртинчиси** — бирор кишида ноҳуя ҳаракат кўрса, уни яхши йўлга бошлаш; **бешинчиси** — бир одам ўз айбига иқроор бўлиб узр этса, узрини қабул қилиш; **олтинчиси** — бошқалар учун машаққатни ўз устига олиш; **еттинчиси** — ўз манфаатинигина кўзламаслик; **саккизинчиси** — очик юзли, ширин сўзли бўлиш; **тўққизинчиси** — муҳтожларнинг ҳожатини чиқариш; **ўнинчиси** — мулойим ва тавозели бўлишдир“.

Кишилар феъл-атвориغا қараб икки гуруҳга: **феъли кенг** — бор нарсасини биров билан баҳам кўрадиган, бировдан аямайдиган, сахий; **феъли тор** — ҳаддан ташқари зикна, хасис, инжиқ. Инжиқ одам — ҳеч кимни ёқтирмайдиган одам. Ҳамма нарсага имтиҳон кўзи билан қарайди, у ўз дидини аниқ ўлчов деб биледи. Бошқаларнинг эса, фақат хатосини кўради. Тўғрироғи, у атрофни ўзи ҳохлагандай бўлишини истайди. Лекин бу истак ҳар доим ҳам ижро бўлмайди. Чунки ҳаммани бир қолипга солишнинг иложи йўқ, унда дунёнинг ранглари йўқолади! Ҳар инсон бир фасл, алоҳида бир иқлим. Фаслни фаслга жойлаб бўлмайди. Ҳаётга қаранг. Бамисоли у турфа пардали рубоб — парда пардага мослашсагина куй, яъни мурод ҳосил бўлади, дейди Турсуной Содиқова.

Бу дегани, яшаш тўрт тараф билан ҳисоблашиш, келишиш, мослашишдан иборат.

Феъли тор одам доим голибликни истайди. Голиб чиқиш учун эса, у, албатта, кимгадир зулм ўтказди. Тор

феълликка чидаётган жуфт, бола-чақа, қўл остида ишловчилар яйраб яшайди дейсизми? Ким зулмдан яйрайди? Қолаверса, бандаларини бемалол яшашга қўймаётган кишидан Яратган эгам ғазабланмайдими ва уни жазосиз қолдирармиди? Йўқ, албатта!

Хўш, сиз ўз феъллингиз қандайлигини биласизми? Ўз-ўзингизга шундай саволни бериб, жавоб излаганмисиз? Айтинг-чи, феъли тор одамни қайси бир китобда доно деб атабдилар? Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли 99 та китобдан иборат туркумнинг 78- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- феъл-атвор билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- ҳикматнинг боши эзгу хулқ эканлиги;
- феъли кенг кишининг тарбияланганлик, гўзал хулқлилик мезони эканлиги;
- феъли торликка сабаб бўлувчи иллатлар;
- инсон феъл-атворини ифодаловчи белгилар;
- феъл-атвор ва соғлиқ;
- феъл-атвор ва ранг;
- феъл-атвор ва темперамент;
- инсон қиёфаси ва унинг феъл-атвори;
- феъл-атвор ва ҳуснихат, имзо;
- қон гуруҳи ва феъл-атвор;
- бадфеълликка йўлиққан киши ўз давосини топмаса, унга ҳақим ҳам ёрдам бера олмаслиги кабилар еритилган.



Ҳабибий

(1890 — 1980)

Ўзбекистон халқ шоири.

1. „Ўлкам“.
2. „Кунгил тароналари“ (шеърӣй тўплам).
3. „Онадан болага хат“ (шеърӣй тўплам).

„Ўзини асрай олмаслик — бу эҳтиёжга айланган „хатар“дир“.

Муаллиф

79- сир. Ўзини асрай олиш ва осудалик

Ҳар бир инсон қалбида ўзига нисбатан муҳаббат бўлиши керак. Чунки ўзини яхши кўрмаган, ўзини ҳурмат қилмаган инсон ҳаётда ҳам, ишда ҳам ютуққа эриша олмайди. Шундай экан, инсон ўзини асраши, ўз жонига озор бермаслиги, уни авайлаб-эъозлаши, уни ҳуркитиб юбормаслиги керак: „Жон ҳам ўзингиз, жонон ҳам“.

Бас, сиз бор — жон бор, жон бор экан — сиз барҳаёт-сиз. Бу туйғу — сизнинг жавҳарингиз, яъни аслингиз. Сизнинг аслингиз эса, нури илоҳий, севинч, ижод, яратиш, шижоат, муҳаббат, ҳаёт. Мана шу эсингиздан чиқмаса, бас. Ахир Яратган эгам ҳам: „Сен ўзингни асрасанг мен сени сақлайман“, „Сендан ҳаракат — мендан баракат“, деган-ку.

Ривоят. „Бир юртни сув босибди. Ҳамма ҳар ёққа қочибди. Қарашса, бир одам том бошида ўтирганмиш. Сув тупигига келиб қолган. Ёнига бир қайиқ келиб тўхтабди.

— Қайиққа чиқ, — дейишса, бош чайқабди ва:

— Мен умр бўйи тоат-ибодат қилганман, Тангри мени паноҳида асрайди! — дебди.

Сув белига чиққанда яна бир қайиқ келиб тўхтабди.

— Қайиққа чиқсанг-чи, — дейишса, бош чайқабди.

— Мен умр бўйи тоат-ибодат қилганман, Тангри мени паноҳида асрайди! — дебди яна.

Охири сув томоғига чиқибди. Тагин бир қайиқ сузиб келибди. Қайиқдагилар:

— Ҳой, барака топгур, қайиққа чиқ, чўкиб кетасан! — дейишса, яна бош чайқабди.

— Мен умр бўйи тоат-ибодат қилганман, Тангри мени паноҳида асрайди!

Қайиқ нари кетиши билан „ғулқ“ этиб, чўкиб кетибди. У дунёга бориб, худога нолибди.

— Мен умр бўйи тоат-ибодат қилдим, Яратган эгам! Сен эса, менинг жонимга оро кирмадинг...

— Эй гофил банда, — дебди Тангри. — Жонингни ас-
раш учун бир эмас, уч марта қайиқ юбордим-ку, тагин
нима ҳақинг қолди?!“

Албатта, тоат-ибодат қилиш керак. Аммо худо ақл,
фаросат деган неъматни фақат ибодат қилиш учун берган
эмас. Тоат-ибодатда бўлган одам ўз ҳаётига ҳам бефарқ
бўлмаслиги лозим.

Хўш, айтинг-чи, биз ҳар доим ҳам ўзимизни асрай ола-
мизми? У ёки бу нарсадан, у ёки бу ҳаракатдан ўзимизни
ҳамма вақт ҳам тия оламизми? Биз ҳар доим ҳам ўзимизни
ўзимиз ҳурмат қила оламизми?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли тур-
кумнинг 79-сири тўғрисида бўлиб, унда:

- ўзини асрай олишлик ҳамда осудалик ўртасидаги
боғланиш кучи;
- инсон ўзини ўзи асрай олиши лозимлиги;
- инсон ўзини асрай олиш кучига ишонган жой-
дагина бирор нарсага эриша олиши мумкинлиги;
- ўзини асрай олишни билмаган одам ҳеч қачон
бахтли бўла олмаслиги кабилар ёритилган.



Чўлпон

(1898 — 1938)

Ўзбек адиби.

1. „Кеча ва кундуз“ (роман).
2. „Тонг сирлари“ (шеърый тўплам).
3. „Уйғониш“ (шеърый тўплам).

„Хуқуқимиздан кўра бурчимизни устун
кўймоғимиз лозим“.

Муаллиф

80- сир. Бурч ва осудалик

„Бурч — бу адо этилиши, бажарилиши мажбурий бўлган вазифа, мажбурият“, деб таъриф берилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Демак, бурч — бу ҳар бир инсоннинг мақсад, орзу йўлида бажариши шарт бўлган вазифаси. Инсон дунёга келар экан, аввало, инсонийлик бурчини бажаришга киришади. Катталарга ҳурмат, кичикларга меҳр билан қараш, одамларга қўлдан келганча ёрдам бериш инсонийлик бурчидир. Ҳар қандай инсон олдидаги олий бурч Ватанга содиқ фарзанд бўлиш.

Агар биз ўзимизнинг барча бурчларимизни бажара олсак, уларни узоқ вақт қидириб юришга ҳожат ҳам қолмайди. Бурчимизни бажармасдан, ҳуқуқга ёпишиб олсак, у биздан милтиллаб кўринаётган аланга каби узоқлашаверади. Шу сабаб, бурчни севмай туриб, уни бажариб бўлмайди. Рус ёзувчиси И. С. Тургенев шундай дейди: „Ҳаммамизнинг битта лангаримиз борки, агар ўзимиз хоҳламасак, ҳеч қачон ундан йиқилмаймиз: бу бизнинг бурчимиз“. Шу боис, инсон ўз бурчини бажарар экан, ўзи мажбуран қилаётган ишга муҳаббат билан қараши лозим. Ўз бурчини бажаришдан мамнун одамгина осуда яшайди.

Ҳа, ўз бурчини сидқидилдан адо этган одам ўз қувончи билан ўзини мукофотлайди ва бировларнинг мақтови, иззат-икромни, миннатдорчилигига ҳам зор бўлиб ўтирмайди. Ҳатто булбул ҳам бола очгандан кейин сайрашни бас қилиб, полапонларига емиш ташийди. У оналик бурчини муҳаббат билан адо этипти.

Ота-она ва Ватан олдидаги фарзандлик бурчи эса, уларни севиш, ардоқлаш, улар орзу қилгандек фарзанд бўлиб етишишдир. Бу энг олий бурч. Ўз юртига содиқ фарзанд бўлиб яшаган Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро каби боболаримиз билан фахрлансак арзийди. Амир Темур бобомиз ўзбек миллатини

бирлаштириб, „Қачонки миллат бир-бирини қўлаб-қувватласа, мамлакат юксалади“, деган. Инсон дўсти олдидаги бурчини ҳам унутмаса, ҳаётимиз янада гўзал ва осуда бўлади.

Шу боис кичкина бўлса ҳам ҳар куни нимадир, қандайдир бир бурчни адо этиш ажойиб иш саналади. Адо этилган бурч улуғворлигидан кўра зўрроқ улуғворлик йўқ, ундан зўрроқ қувонч ҳам йўқ. Донишмандлар табири билан айтганда, ҳаётда энг зўр ҳузур-ҳаловат — бу адо этилган бурчдан завқланиш.

Хўш, Сиз ҳар доим ўз бурчингизни адо этишга интиланмисиз? Бурч ва ҳуқуқ қандай нисбатларда бўлиши лозим? Бурч ахлоқий категориями?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 80- сири бўлиб, унда:

- бурч ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- бурч ва ҳуқуқ нисбатини тўғри англаш лозимлиги;
- бурч ва номус йўлини ҳеч вақт тарк этмаслик лозимлиги;
- бахтсизликда ҳам бурчга содиқ қолиш буюк хислат эканлиги;
- бурчни севмай туриб, уни бажариб бўлмаслиги;
- бурчга содиқлик шахсий манфаатлардан воз кечишни талаб қилиши кабилар ёритилган.



Абдулла Қодирий

(1894 — 1938)

Ўзбек адиби.

1. „Ўткан кунлар“.
2. „Меҳробдан чаён“.
3. „Обид кетмон“.

„Сўзининг устидан чиқмаган киши,
қилган жиноятига иқрор бўлмаган жино-
ятчидан ҳам ёмондир“.

Муаллиф

81- сир. Ваъда ва осудалик

„Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да „ваъда“ сўзига қуйидагича таъриф берилган: „Ваъда — бу ихтиёрий равишда зиммага олинган мажбурият ва уни адо этиш ҳақида берилган сўз, лафз“.

Башарият ибтидосига назар ташлаганимизда Одам алайҳиссалом Момо Ҳаво онамиз билан жаннатда беармон яшаётган пайтда Иблис ивғоси билан ваъдаси (сўзи)га хилоф иш қилгани ҳақидаги ривоятга дуч келамиз. Биргина хато (таъқиқланган мевадан егани) учун умрбод истиғфор айтиб, бутун захматларга чидаб, синовларга бардош бериб, бадал ўтган Одам — илк пайғамбар эди.

Кейинги авлодлар унинг кечмишидан ибрат олиб, ваъда (сўз)га хилоф иш қилмасликка интилган. Масалан, Исмоил алайҳиссалом бир киши билан ваъдалашган жойида 22 кун кутиб туради. Ногаҳон ваъда берган киши унинг ёнидан ўтиб қолиб, нега бу ерда турганини сўрайди ва ўзининг сўз бергани ёдига тушади. Ваъдага вафо қилишда собит бўлгани учун ҳам Қуръони Каримда Исмоил пайғамбар, „Ваъдасига вафо қилувчилардан бўлди“, дея зикр қилинади.

Охирзамон пайғамбари Муҳаммад алайҳиссалом ҳам ваъдага, сўзга вафо қилишни такрор-такрор таъкидлаганлар. Соҳибқирон Амир Темур ҳам ўз ваъдасига вафодор бўлган. Аҳдини бажариб, қилаётган ишидан фахрланар эди. Чунки унинг ишидан бошқа одамлар манфаатдор бўлганлар. У бу ҳақда шундай ёзади:

„Мен ҳар кимгаки ваъда берсам, унга вафо қилдим, ҳар бир ваъдага хилоф иш қилмадим. Мен доимо ваъдаларимни аниқ бажарсам, шундагина одил бўлишимни ва кимсага жабр етказмаслигимни англадим“.

Амир Темурдек кишилар ваъдани қасамдек муқаддас билганлар. Ўз вафосида турувчилар виждони бутун, дили пок бўлиб, ноҳақликларга муросасиз бўладилар.

Юсуф Хос Ҳожибнинг „Турайин, борайин, юрайин, оламни кезайин, оламда вафони одам бўлса, мен уни қидирайин“, дейиши вафони нақадар улуглаганлигидандир. „Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ“, дейди сўз султони Ҳазрат Алишер Навоий. Ундан ўтказиб бир нима демоқ қийин.

Аммо ваъдабозлик турмуш тарзимизда жуда жўнлашиб бораётгани, одамлар Сўз кучига ишонмай қўйганлиги, тил ва дил ўз-ўзидан узоқлашиб бораётганлиги, алҳол бани башар ўз сўзига жавоб бера олмай қолаётгани ҳақида ўйларкансиз, ҳаёт тубсизлик томон от солади: бу таназзул даракчисимикин? Бу кетишда бориб-бориб, лафзсизлик одатий ҳолга айланмасмикин? Наҳотки, ҳар қандай келишувни нотариал идора орқали тузишга мажбур бўлсак?

Ёки ваъдага вафо қилишни Кумуш фожиасидан ҳам устун қўйган Юсуфбекхожи ўтган асрда қолиб кетдими? „Айтган сўзингга аввало ўзинг амал қил!“ деган жавонмардлар-чи?.. „**Иймон — сўз ва амал бирлиги**“ ҳадисини яшаш тамойилига айлантирган боболаримиз-чи?!

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли 99 китобдан иборат туркумнинг 81-сири туғрисида бўлиб, унда ана шу жумбоқлар ечими батафсил ёритилган.



Эрнест Хемингуэй

(1899 — 1961)

Америка ёзувчиси.

1. „Алвидо қурол“.
2. „Қунгироқ ким учун жаранлади“.
3. „Чол ва денгиз“.

„Сир сақлаш омон қолишининг энг шлончли йўлидир“.

Муаллиф

82- сир. Сир ва осудалик

Сир — бу ўзгалардан мажфий тутилган ёки ўзгаларга ноъмалум бўлган иш, гап, нарса ва ш. к. Сир сақлаш ҳам одоб, ҳам ҳазина. Сири фош бўлган кимса муродига машаққат билан эришади, баъзан умуман эришмайди ҳам. Шунинг учун сирни бошқаларга билдириш фақат зиён келтиради, осудаликни бузади. Сирнинг сандиғи — бу кўнгил, унинг калити эса тилдир. Сандиқ калитини яхши сақламаган ва кўнгил калити — тилни яхши тиймаган киши, шубҳасиз, нодондир. Ҳолбуки, сир сақлай олмаслик шариатимизда ҳам улуғ айб саналади. „Икки кишининг бирга ўтириб қилган суҳбатидаги гаплари омонат. Суҳбатдошинг сирини фош қилиш ҳаромдир“, дейилади улуғларимиздан мерос қолган қадрли ҳикматлардан бирида.

Шу ўринда ҳазрат Алишер Навоийнинг бу борада битган қуйидаги ҳикматлари мағзини чақсак, чакки бўлмас.

Агарда сир сақламоқ кўнгилга оғирдир аммо,
Сўзни сочиб юбормоқ бошга офатдир.

Ҳикоят. Бир подшоҳ рикобдорлик вазифасини бажарувчи мулозимга қараб: „Бир сирим бор, аёнларимдан ҳеч кимга айтишга кўнглим бўлмаёпти, уни сенга айтмоқчиман!“ деди. Рикобдор унга:

Жони таним ичра бор экан пинҳон,
Сиринг жоним ичра яширин мудом, —

деб жавоб берибди. Подшо унга: „Акамдан хавфдаман, унинг зарари менга етмай туриб, вужудининг тиконини мамлакат чаманидан юлиб ташламоқчиман!“ деди.

Рикобдор аҳвол саҳифасига бевафолик рақамини чекиб, унинг акаси олдига етиб борди ва бўлган воқеадан уни огоҳ қилди. Подшонинг акаси вақтида чора-тадбирни кўриб қочиб қутилади. Орадан бир қанча муддат ўтгач, подшо ўлди ва унинг ўрнига акаси тахтга ўтирди. Унинг биринчи фармони рикобдорни ўлдириш ҳақида бўлди. У рикобдорга деди:

Тилинг бўлса эди сир учун йўлдош,
Қиличдан узилмас эди хаста бош.

Шундай қилиб, рикобдор маломат ўқига нишон бўлди ва кўрнамаклик қуръаси унинг ҳаётига тамға бўлиб босилди.

Ҳақиқатдан ҳам, ўйламай-нетмай, оғизга ақл тўғони ила тўсилмай келган сўзларни сочмак шармандаи шарм-сорликдан ташқари ажални бемаҳал чорламоқ кабидир.

Бас, шундай экан, биз сир сақлашни удалай оламизми? Сир сақлаш одобини-чи? Бу гаплар ўртамизда сир бўлиб қолсин ёки сенгагина айтдим, зинҳор ҳеч кимга сўзлама қабалида ўз сирини айтиш мумкинми? Ахир ўз сирини сақлашга қудрати етмай сўзлаган ҳолда, сўзланган кишининг буни сақлашга қандай кучи етсин? Эслаб кўринг-чи, охирги марта қачон ўзгаларнинг Сизга ишониб айтган сирларини ҳаммага ёйгансиз?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сирини“ номли туркумнинг 82- сирини тўғрисида бўлиб, унда:

- сир сақлаш одоби ва сир сақлаш билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- сирни пинҳон тутмоқ сабаблари;
- бировга айтганинг — ҳаммага айтганинг эканлиги; эшитган сир (гап)ни бошқаларга етказишга шояшмаслик лозимлиги;
- сирни ақл посбонлигида асрай олган киши саодатманд инсон эканлиги, сирни бошқаларга билдириш фақат зиён келтириши;
- одам ўз сирини беш хил кишига айтмаслик лозимлиги кабилар ёритилган.



Фафур Фулом

(1903 — 1966)

Ўзбекистон халқ шоири.

1. „Менинг ўғригина болам“.
2. „Ёдгор“.
3. „Шум бола“.
4. „Тирилган мурда“.

„Мен сукут сақлашни маҳмадонан
ўргандим“.

Муаллиф

83- сир. Сукут ва осудалик

„Кимсадан ёки ҳеч кимдан чурқ этган товуш, садо чиқмай, жимлик ҳукм сурган ҳолат — бу сукут“ деб таъриф берилган „Ўзбек тилининг изоҳли лугати“да. Сукут инсоннинг энг гўзал фазилатларидан биридир.

Луқмони Ҳаким айтади:

— Эй ўғлим, одамлар чиройли сўзлар сўзлаб мақтансалар, сен ўзлигингни гўзал сукутинг билан мақтагин. Ҳар нарсанинг бир далили бор: ақлнинг далили — фикр бўлса, фикрнинг далили сукутдир.

Бу дегани ўзингга ва бошқаларга фойда етказадиган сўзларни сўзла, бўлмаса, сукут қил, дегани. Бу дегани бировнинг кўнглини ранжитадиган бир хабарни билсанг, сукут қил, бошқа киши сўзласин, дегани.

Бироқ сукунатга йўл олиш — ҳар доим ҳам сўзлашдан воз кечиш дегани эмас.

Байт:

Оқиллар наздида сукут сақлаш одобдир,
Лек савол ташлаганда сўз демоқ ижобатдир.

Бу ҳақда Абу Али Даҳқоҳ шундай дейди: „Ким адолатсизлик бўлаётганини била туриб сукут қилса, гўё у соқов шайтондир“.

Демак, икки ҳолатда жим ўтирмақ бераҳимликдир. Керак пайтида сўз айтмай, нокерак пайтида дам урмақ! Яъни жим турмоқ пайтида сўзламоқ оқибатни ўйлаб иш тутувчилар учун нолайиқ ишдир. Шунингдек, гапириш лозим бўлган вақтда индамай турмоқ оқил кишилар наздида номувофиқдир.

Байт:

Ақлу тадбир билан ўйлаб қарадим,
Сергап бўлса, ҳар ким доим хор экан,
Айтмагайман лабу кўзни юм доим,
Аммо ҳар бирининг жойи бор экан.

Ҳа, ҳар бирининг жойи бор. Бу ҳақда Луқмони Ҳаким ўз ўғлига шундай насиҳат қилди:

— Ўғлим, нодон ва жоҳил бир киши сен билан бирор масала устида баҳслашиб қолса, сен унга мулойимлик билан жавоб бер. Агар у сенинг жавобингдан қаноатланмай, жаҳли чиқа бошласа, сўзингни яна қайтариб айтма, у билан олишиб ўтирма, суқут қил.

Хўш, биз ҳамма вақт ҳам шундай маслаҳатга риоя қиламизми?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сир“ номли 99 китобдан иборат туркумнинг 83- сир тўғрисида бўлиб, унда:

- суқут билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- аҳмоқларга яхши жавоб суқут эканлиги;
- агар яхшилик ўн қисмдан иборат бўлса, тўққизтаси суқут қилишдан эканлиги;
- гапиришда суқутдан, англаб етишда фикрдан мадад олиш лозимлиги;
- баъзан суқут сақлай билмаганимиздан афсуснадоматда бўлишимиз мумкинлиги кабилар ёритилган.



Михаил Шолохов

(1905 — 1984)

Рус ёзувчиси.

1. „Тинч Дон“.
2. „Ўзлаштирилган кўриқ ерлар“.
3. „Инсон тақдири“.

84- сир. Уйқу ва осудалик

Инсон умрининг учдан бир қисмини уйқуда ўтказди. Лекин уйқуни бекорга сарф бўлган вақт дейиш тўғрими? Албатта, йўқ. Чунки уйқу туфайли биз ишлаш, дам олиш, соғлом фикрлаш, осудалигимизни таъминлаб, ҳаётда мақсад сари шуғулланиш лаёқатига эга бўламиз.

Ҳўш, осудаликни таъминлаш учун ким қанча ухлаши керак? Чақалоқлар туғилгандан кейин салкам 23 соат ухлайди. Кейинчалик уларда уйқу камайиб боради ва катталар учун ўртача уйқу 6 — 8 соат деб кўрсатилади. Қизиғи шундаки, америкалик олимларнинг 6 йил давомида бир неча миллион кишини кузатиши шуни кўрсатадики, бир кеча-кундузда 6 — 7 соат ухлаганлар орасида 8 соат ва ундан кўпроқ ухлаганларга қараганда ўлим анча паст экан.

Кўриниб турибдики, боболаримизнинг „Кам е, кам де, кам ухла“ ибораси бекорга айтилмаган. Умуман, ухламаслик ёки узоқ муддат ухламасдан яшаш мумкинми? Албатта, йўқ!

Аллоҳ таоло ўз қудрати билан инсоннинг тирикчилик қилиши учун кундузни, дам олиши учун тунни, ором олиб роҳатланиш учун уйқуни яратган. Уйқу Аллоҳ таолонинг улуғ неъматларидан биридир. Инсон кундузи тирикчилик ташвишлари ва меҳнат натижасида толиқади. Бу чарчоқликни кетказувчи ягона ва энг яхши дори уйқудир. Аллоҳ таоло „Набаъ“ сурасининг 9 — 11- оятларида бу ҳақида шундай дейди:

„Уйқуларингизни (баданларингиз ва асабларингиз учун) **ором қилдик. Кечани** (ўз қоронғулиги билан барча нарсани яшириб турадиган) **либос қилдик. Кундузни эса тирикчилик** (вақти) **қилдик“.**

Аллоҳ таоло бандаларига ўз неъматларини бераркан, бандаси бу неъматлардан оқилона фойдаланиб, яратганига шукр қилишни хоҳлайди. „Иброҳим“ сурасининг 7- оятида бу хоҳиш шундай ифодаланadi:

„Яна Роббингиз эълон қилган (бу сўзлар)ни эслангиз: „Қасамки, агар (берган) неъматларимга шукр қилсангизлар, албатта, (уларни янада) зиёда қилурман. Бордию ношукрчилик қилсангизлар, албатта, азобим (ҳам) жуда қаттиқдир“.

Умар Ҳайём шундай дейди:

Турсанг-чи, ухлама, эй гофил инсон,
Оламдан кўз юмгач, ухларсан мангу.

Киши тунни беҳуда ишлар билан ўтказиб, тонг отиб, қуёш чиққанда ҳам гафлат босиб ётавермасдан, Аллоҳ таолонинг неъматидан ўринли фойдаланиб, эрта ётиб, вақтли турса, руҳи энгил тортиб, қиладиган ишлари ҳам баракали бўлгай.

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 84- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- уйқу билан осудалик ўртасидати боғланиш кучи;
- уйқу меъёри ва унинг уч хил тури;
- бутун жаҳонда уйқусизлик дарди кундан-кунга кучайиб бораётганлиги ва унинг сабаблари;
- ким қандай ухлаши ва уйқуда қандай ётиши; уйқуни назорат қилиш лозимлиги;
- саккиз соат ва ундан кўпроқ вақтни уйқуга ажратувчилар инфаркт ёки инсульт каби касалликларга кўпроқ чалинишлари кабилар ёритилган.



Абдулла Қаҳҳор

(1907 – 1968)

Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

1. „Синчалак“.
2. „Қўшчинор чироқлари“.
3. „Ўтмишдан эргақлар“.
4. „Сароб“.

„Олий онг биз билан тушлар орқали гаплашар экан“.

Муаллиф

85- сир. Туш ва осудалик

Инсон деб аталмиш онгли мавжудот борки, у туш кўрмасдан туролмайди, тушсиз яшолмайди. Бутун умри давомида ақалли бир марта ҳам туш кўрмаган одамнинг, соғ одамнинг бўлиши мумкин эмас. Тушларимиз бизни саломатлигимиз, руҳий ҳолатимиз, осудалигимиз ҳақида жуда кўп воқиф этар экан.

Шу боис одамлар кўрган тушларига ҳамма вақт катта аҳамият бериб келишган. Шу ҳақда тушномалар ёзилган, туш таъбирини айтиб-айтиб берувчи кишиларга ишонишган. Қадимдан инсон ҳаётидаги воқеалар, унинг осудалиги, хотиржамлиги ўртасида қандайдир боғлиқлик борлиги аниқланган.

Масалан, буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг ёрув дунёга келишидан умрининг охиригача ҳаётида содир бўлган воқеаларнинг аксарияти тушларида белги берган. „Мен ёшлик кезларимда, — деб ёзган эди Амир Темур ўзининг „Зафар йўли“ (таржимаи ҳол) китобида, — отам Амир Тарағайдан у кўрган ажиб бир туш ҳақидаги ҳикоятни эшитган эдим. У айтган эди: „Бир куни уйқумда бир авлиё кўришиб, менга қилич берди. Қилични қўлимга олиб, уни ҳавода ўйната бошладим. Пулат қиличнинг ялтирашидан жумлаи олам ёришиб кетди. Амир Кулолдан бу тушимнинг таъбирини айтишни илтимос қилдим. Амир Кулол: „Бу тушинг Пайгамбарона туш, Аллоҳ бир ўғил беради, унинг довуғи бутун дунёга кетади. Дунёни ҳар хил бидъат, зулмат ва адашишлардан халос қилади“.

Дарҳақиқат, туши тўғри келди.

Жуда кўп олимлар, масалан, Эйнштейн, Менделеев, Антоновлар кундузи еча олмаган масалаларини тушларида ҳал қилишган. Уйғонгач, у ечимларни қоғозга тушириб кўйишганини эсдаликларида ёзиб қолишган. Чарлз Дик-

кенс ўзининг бўлажак романларининг жуда кўп қаҳрамонларини аввал тушда кўрган.

Аксарият рассомлар, тадқиқотчилар, ишбилармонлар ва бошқа соҳа вакиллари ижодий хулосани тушларидан топганлар. Рус ёзувчиси Николай Островскийнинг Москвада вафот этганини унинг олис Кавказда яшайдиган кекса онаси бир неча кун аввал тушида кўрган экан.

Бу каби мисоллардан маълум бўладики, инсон ҳаётида ва унинг осуда яшашида тушнинг аҳамияти ниҳоятда улуғ ва муқаррам экан.

Хўш, айтинг-чи, туш мобайнида сиздан кечадиган ҳиссиёт ва туйғулар ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Тушларни қандай бўлса, шундай тушуниш керакми ёки унинг таъбирини топишга уринасизми?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сирини“ номли туркумнинг 85- сирини тўғрисида бўлиб, унда:

- туш билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- туш — бу ички оламимиз бўлмиш ғайририхтиёрий онг юборган нома эканлиги;
- туш турлари ва туш кўриш ҳақидаги ун маълумот;
- тушлар бизнинг қай жиҳатдан ҳақ ёки ноҳақлигимизга рамзий ишора эканлиги кабилар ёритилган.



Мақсуд Шайхзода

(1908 — 1967)

Шоир, драматург.

1. „Мирзо Улуғбек“.
2. „Юрт шеърлари“.
3. „Хиёбон“.

„Яхши қўшиқ кўнгилга хотиржамлик
бахш этади“.

Муаллиф

86- сир. Мусиқа ва осудалик

Мусиқа шундай кучга эгаки, одамни севинтиради, йиғлатади, ўйга толдиради, хотираларни жонлантиради. Унинг ҳаётбахш қудрати қўшиққа ўтади. Қўшиқ эса, инсон боласининг армони, сўз билан тугал ифодалаб бўлмас гами ё шодлиги, юрак тугёнларининг ифодаси. Қўшиқ — бу ашула, холос, деганлар янглишади. Деҳқоннинг даласи ҳам, бастакорнинг ноласи ҳам, рассомнинг суйган полотносию боғбоннинг гулдастаси ҳам, шоирнинг шеъри, новвойнинг қўёш каби ханда отган патири... қўйинг-чи, кўнгилни яшнатувчи ҳалол меҳнат ва унинг натижаси — бари қўшиқ.

Нимагаки дил берсангиз, кўнгил берсангиз, у қўшиққа айланиб қолади, қўшиқдек товланади, жиловланади, ярақлайди, кўзни, кўнгилни олади. Дил бериб, дил ёзиб ишлаган косиб ҳунармандга, ҳунарманд санъаткорга айланади. Ҳар бир касбу ҳунарнинг ўз моҳири бор, соҳирию санъаткори бор.

Жумладан, игна билан қудуқ қазिश сингари машаққатли бўлган олимликнинг ҳам. Аммо сиз излаётган муаммо илмий ишингиз дилингизнинг армони, жонингизнинг дармони, ушалмаган орзу-тилақларингиз ойнаси бўлсачи? Ундами, унда бу қўшиқларнинг қўшиғи бўлади!

Хўш, қўшиқнинг осудаликни таъминлашдаги ўрни қандай? Машҳур бастакор Петр Чайковский ўз асарлари туфайли ғам-ташвишни енггани ҳақида гапириб: „Агар мусиқа бўлмаганида ақлдан озардим“, деган бўлса, Лев Толстой композиторнинг биринчи торли квартетини тинглаганида йиғлаб юборган экан.

Ривоят қилишларича, қадимда ёғий қўшини бугунги Самарқанди азимни забт этмоқ учун шаҳар аҳлини ойлаб қамалда тутди. Лекин афсонавий юртнинг халқини таслим этолмай, ҳийла йўлига ўтади ва ўттиз нафар суғдиёналик алп ўғлонларни танлаб, улар учун дор ҳозирлашади.

Не кўз билан кўрсинларки, шерюрак йигитлар ўлим томон халқона „Бешқарсак“ рақси билан мардона пешвоз чиқишади. Воқеадан ҳайратланиб, ёқа тутган душман ўша замонларданоқ элимизнинг гурури, иродаси, орияти санъат сеҳри билан уйғунлашиб кетганига тан берган экан.

Сизга бир савол, Сиз турли касалликлар мусиқа, куй, кўшиқ ёрдамида даволанишини биласизми? Бобомиз Ал-Хоразмийнинг: „Бизнинг юртимизда беморларни дорилар ва мусиқа ёрдамида даволашади“, деб айтганидан хабар-дормисиз? Мусиқанинг, „Шошмақом“нинг, Маъмуржон Узоқов ашулаларию, Турғун Алиматов наволари завқидан маҳрум бўлган кишиларнинг ҳаётини тўлиқ ҳаёт деса бўладими?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 86-сири тўғрисида бўлиб, унда:

- мусиқа ва осудалик ўргасидаги боғланиши кучи;
- мусиқанинг руҳ озиғи эканлиги;
- кўшиқнинг дилларни дилларга туташтириб турувчи олтин кўприк эканлиги;
- кўшиқда инсон кечинмалари, қувонч ва изтироб, қалб сўзлари акс этилиши;
- ёқимли ҳаво, ҳаётбахш сув, ноз-неъмат манбаи бўлган табиат бойлиги инсон камолоти учун нечоғлиқ зарур бўлса, сеҳрли мусиқа, жозибали кўшиқ, умуман, гўзал санъат дурдоналари ҳам инсон ҳаётининг осуда кечиши учун шунчалик зарур эканлиги кабилар ёритилган.



Ҳамид Олимжон

(1909 — 1944)

Шоир, публицист.

1. „Ойгул билан Бахгиёр“.
2. „Зайнаб ва Омон“.
3. „Семурғ“.
4. „Она ва ўғил“.
5. „Кўлингга қурол ол“.

„Қандайдир сабаб билан кайфия-тингиз тушса, маслаҳат: „Нима бўлса ҳам яхшиликка бўлган бўлсин“, деб ният қилинг“.

Муаллиф

87- сир. Кайфият ва осудалик

„Кайфият — бу кишининг руҳий ҳолати, авзойи“, деб тушунча берилган изоҳли луғатда. Кишининг қандай инсон эканлигини нафақат унинг хатти-ҳаракатидан, балки кайфиятидан билса ҳам бўлади. Кайфият эса одамнинг муайян ҳолатда ўйлаган фикри ва хаёлига боғлиқ. Ҳар бир фикр мияда шахснинг кайфиятига бевосита таъсир этадиган ўчмас изини қолдиради. Беҳудага Жалололдин Румий: „Ичиндаги — ичиндадур“ иборасини қўлламаган. Кайфият-ни англаш учун ички богимизга назар ташлашнинг ўзи кифоя. Агар онг тупроқ бўлса, фикр ва хаёллар уруғдир. Яхши фикр эксак, ҳосилимиз ҳам яхши бўлади ёки аксинча.

Шу боис руҳшунослар мудом яхши нарсалар ҳақида ўйлашни, фикрлашни маслаҳат беришади. Агар ўйлаб кўрсак, кайфият-ни кўтарадиган воқеа-ҳодисалар ҳар бир инсон ҳаётида кўплаб содир бўлган. Уларни ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керак. Аксинча, кўнгилни чўктирадиган, кайфият-ни бузадиган фикр туғилса ёки ёдга олинса, уни унутиш зарур.

Ҳар не ишда Аллоҳга яхши ният билан таваккул қилишнинг савобу ажри нечоғлиқ хайрли, улуғ бўлишининг исботларини нафақат тарихдан, буюк одамлар тақдиридан, балки ақл билан қузатсак, ҳар кунги ҳаётимиздан кўришимиз мумкин.

Масалан, узоққа борма-лик. Бой бўлишни истаимиз-у, доим етишмовчилик ва қимматчиликдан нолиймиз. Ўзимизда йўқ нарсага ёпишиб оламиз. Тўқчиликни орзу қиламиз-у, аммо онгимиз муҳтожликдан ташвишланишга кўниккан. Бу аҳволда кайфиятимиз яхши бўладими? Албатта, йўқ. Фақат соғлом фикр, ният, орзу, ишонч соғлом кайфият бағишлайди ва осудаликни таъминлайди.

Хўш, кайфият шундай ўй-хаёлларга боғлиқ экан, нега шу оддий одатни ўзимизда қўлламаймиз? Нега ҳолати-

мизга салбий таъсир этадиган ёмон ният ва хаёллар билан миямизни заҳарлаб, кайфиятимизни бузиб, осуда яшаши-мизга путур етказишимиз керак? Нега?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли 99 та китобдан иборат туркумнинг 87-сири тўғрисида бўлиб унда:

- кайфият ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- кайфиятнинг бевосита фикр ва хаёлларнинг ижобий ёки салбийлигига боғлиқлиги;
- ижобий ва яхши ниятлар бузғунчи ўйлардан устун келишини доимо назорат қилиш лозимлиги;
- ҳасад, ўзгани кўролмаслик, бошқаларга ёмонлик тилаш каби жирканч хаёллар билан банд бўлган кишини афти-ангоридан, қандай кайфиятда эканлигидан кўриш мумкинлиги;
- кайфияти ёмон кишиларнинг башараси тунд, нигоҳи синиқ, ҳаракатлари суест ва беўхшов бўлиши;
- ўзига ва ўзгаларга эзгу ниятда бўлган кишилар эса, қаерда бўлмасин. „ярқ“ этиб кўзга ташланиши, уларнинг кўзидан нур ёғилиб туриши, фэйзли инсон эканлиги;
- кайфиятни кўтарадиган фикр, хаёл ва ниятларнинг, хотираларнинг ниҳоятда бисёрлиги ва уларни мудом ўйлаш, ёмон хаёллар суриш одатини тарк этиш лозимлиги, фақат нияти пок инсонлар яхши кайфиятда осуда яшаши мумкинлиги кабилар ёритилган.



Зулфия

(1915 – 1996)

Ўзбекистон халқ шоираси.

1. „Ҳаёт варақлари“.
2. „Уни Фарҳод дерлар“.
3. „Ҳижрон кунларида“.
4. „Хулқар“.
5. „Ўйлар“.
6. Танланган асарлар (3 жилдлик).

„Қандайдир сабаб билан кайфиятин-
гиз тушса, маслаҳат: табассум қилинг!“

Муаллиф

88- сир. Табассум ва осудалик

„Таббасум — бу юз, кўз ва лабларининг кулимсираш ҳолати, жилмайиш“, дейилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Ҳаёт бамисоли кўзгу — ҳар бир инсон унда ўз аксини кўради. Агар ҳўмрайиб боқсангиз, ҳаёт ҳам Сизга зарда билан қарайди. Унга доим табассум билан боқсангиз, у ҳам Сизни кулиб қарши олади.

„Кулгу руҳни ўлдиради“ (ҳадис).

„Кулгу умрни узайтиради“ (Ибн Сино).

Чинакам кулгу мана шу икки ҳақиқат орасида туғилади. Унинг руҳни ўлдириши ёки, аксинча, умрни узайтириши ҳақ гап. 1820 йилда туғилган Ироқ фуқароси Аббос Хоскорнинг айтишича, у умр бўйи хушчақчақ бўлишга уринган. Ҳеч ким билан уришмаган. Ғам-ҳасратга ортиқча берилмаган. Венгрияда эр-хотин Жон ва Сарра Равель осуда, хушчақчақликда яшаб қўша қаришган. Сарра Равель 164 ёшда, Жон эса, 172 ёшида вафот этган.

Хушчақчақ Осетин аёли Тэнсе Абзиве 180 йил умр кўрган. Озарбайжонлик Маҳмуд Авезов салкам 170 ёшда. Унинг ҳамма болалари, невра-чеваралари 120 дан ортиқ. Кўплари 100 ёшдан ошган.

Ҳа, хушчақчақликда, табассумда, кулгида гап кўп. Одам дил-дилдан ҳузур қилиб кулганда юрак бир сониянинг юздан бир ониди тўхтаб, „нафас ростлаб“ олар экан. Шифокорлар бунини мўъжиза дейдилар. Юракнинг бир тўхтаб олиши, сизнинг хандон қаҳқаҳингиз умрингизни, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов айтганидек, бир неча йилга узайтиради.

Бунини халқнинг ўзидай содда ва доно мақол ва ҳикматлари ҳам яққол исботлаб турибди: „Одамни йиллар эмас, қайғу қаритади“, „Кўя кийимни, ғам юракни ейди“, „Кулмаган кунлар — йўқолган кунлар“, „Бир марта тўйиб кулиш еттига тухумнинг кучига эга“ ва ҳ.к.

Хўш, шундай экан, Сиз ташвишли кунларда ҳам ҳаётга табассум билан боқа оласизми? Табассум энг арзон ва энг бебаҳо дори эканлигига ишонасизми? Бир кеча-кундуз давомида киши 17 дақиқа кулиши лозимлигини биласизми? Нима учун Худоёрхон ўз саройида санъаткор Юсуфжон қизиқ Шакаржоновни ва устози Саъди Махсумни қизиқчилар гуруҳига ишга олган? Сабаб?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 88-сири тўғрисида бўлиб, унда:

- табассум ва осудалик ўргасидаги боғланиш кучи;
- дунёда қанча одам бўлса, шунча хил кулгу борлиги ва уларни 10 гуруҳга бўлиш мумкинлиги;
- ҳаёт курашдан иборатлиги ва бу кураш дарахтининг илдизлари: ҳар ким экканини ўриши, парво қилмаслик ва бепарво ҳам бўлмаслик, ҳар қандай нохушликдан ҳам вақтихушлик излаш, асабга эрк бермаслик, бировлар кўнглига озор етказмаслик, у гулдай нозик эканлиги;
- ҳаётнинг кўзгу эканлиги, унда ҳар ким ўз аксини кўриши, хумрайсак, у ҳам бизга зарда билан боқиши, унга кулиб боқиш, табассум қилиш лозимлиги кабилар ёритилган.



Асқад Мухтор

(1920 — 1997)

Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

1. „Опа-сингиллар“.
2. „Чинор“.
3. „Бухоронинг жин кўчалари“.
4. „Туғилиш“.
5. „Дарёлар туташган жойда“.

„Одамлари китоб ўқишдан тўхтаган жамият чириш ва инқирозга юз тутмай шложи йўқ“.

Муаллиф

89- сир. Китоб ва осудалик

Дунёда ҳар нарсанинг ўлчови, мезони, баҳоси бўлади. Лекин бир неъмат борки, унинг таърифига сўз ожиз, баҳосига ҳеч қандай хазина, бойлик етмайди. Бу — китоб. Дунё яралибдики, одамзод ҳалигача ундан яқин, ундан фойдалироқ дўст топа олган эмас. Шу боис Зебинисо бегим: „Менинг эрим ҳам китоб, бахтим ҳам китоб, ҳатто жаннатим ҳам китобдир“, деган.

Адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарофиддинов китобни инсоният бунёд қилган энг буюк мўъжиза сифатида эътироф этган.

Дарҳақиқат, халқимиз азалдан китобга юксак ҳурмат билан қараган. Ҳатто бир умр сийму зар ичра яшаган бадавлат кишилар, сарой аъёнлари ва подшоҳлар ҳам ноёб кутубхоналарга эга бўлишган ҳамда бу билан фахрланганлар. Бир қарашда ортиқча ишдек туюладиган бу амал орқали улар ўзларини, фарзандларини, авлодларини онгсизлик, боқимандалик деб аталмиш иллатлардан ҳимоялаб, осуда яшашни таъминлаб келганлар.

Шу ўринда француз халқпарвар файласуфи, ёзувчи Монтень Мишельнинг энг олис ва зимистон йўлларида инсонга нур бағишлаб турувчи сеҳрли чироқ — китоб ҳақидаги қуйидаги фикрлари ҳеч қандай исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир:

„... Китоблар менга ҳаёт йўлимда ҳамроҳлик қилдилар ва мен ҳар доим улар билан нафас олдим. Улар кексалик йилларида, узлатда танҳо яшаган онларимда менга тасалли бердилар. Улар мени жонга тегиб кетадиган бекорчилик юкидан халос этдилар ва бемаъни улфатлардан қутулиш имконини бердилар, китоблар...“

Оноре де Бальзак икки юз саҳифали китобни ярим соатда ўқиб чиққан. Ҳозир-чи?! Бизга нима бўлди? Қаёққа қараб кетяпмиз? Нега китоб ўқимай қўйдик? Нега фарзандларимиз ўз маънавий дунёсини бойитиб боришга

шунчалик лоқайдликка йўл қўйишяпти? Наҳотки, атоқли адибимиз Ўткир Ҳошимовнинг „Бир нарсани ҳеч тушунмайман: китоб ўқийдиганларда пул йўқ, пули кўплар эса, китоб ўқимайди“, деган сержташвиш эътирофлари биз учун энг даҳшатли бонг эканлигини тушунмасак?

Нима, китоб қадри қанчалик баландлигини фақатгина китоб туфайли юксак муваффақиятларга эришганлар билاديمи? Нега биз арзон, аммо қадри юқори китобларни кўп ўқимаймиз? Янаям ачинарлиси, нега фарзандларимиз китоб ўқишмайди, тил билишмайди? Нима, бу майда гапми? Агар майда гап деяверсак, эртага вақти келиб, ўзлигимиздан айрилиб, кейин шармандага шаҳар кенг деб юриб қолмаймизми? Ҳозир бундай лоқайдликнинг олдини олмоқ керак. Битта йўли бор: болаларни ҳам, катталарни ҳам китобга қайтариш.

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 89- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- китобнинг ақл қайроғи, инсон тафаккури ва дунёқарашини юксалтирувчи эканлиги;
- дўстлар алдаши, яқинлар эса, хиёнат қилиши мумкинлиги, аммо китоб ҳамини кишига вафодор бўлиб қолишлиги;
- китобнинг раҳнамолиги остида осуда ҳаётга эришиб, жуда кўп муваффақият чўққиларини забт этиш мумкинлиги;
- „Нур Шарқдандир“ дейилган қадимги нақлнинг бир қадар заифлашганлиги, уни нурлантириш йуллари кабилар ёритилган.



Саид Аҳмад

(1920 — 2008)

Ўзбек халқ ёзувчиси, Ўзбекистон қаҳрамони.

1. „Келинлар қўзғолони“.
2. „Уфқ“.
3. „Жимжитлик“.
4. „Куёв“.

„Инсон — муомаласи билан баҳоланади“.

Муаллиф

90- сир. Муомала ва осудалик

Ҳа, инсон муомаласи билан баҳоланади. Хушмуомалалик ва ширинсўзликда гап кўп. Ширинсўз одамнинг истараси ҳам иссиқ бўлади. Унинг суҳбатидан, муомаласидан одамлар кайфияти чоғ бўлади. Хушмуомалалик одамларда завқ-шавқ уйғотади. Ғайратини оширади, шижоатини бисёр этади. Ҳатто битмайдиган ишлар ҳам хушмуомалалик туфайли битиб кетади.

Ахир халқимиз бежизга „Яхши гап билан илон инидан, ёмон гап билан мусулмон динидан ёки пичоқ қинидан чиқади“, демаган-ку! Хулқ-атвор, тарбия ва умуман, ҳаёт манбасининг катта қисми муомала маданиятига келиб тақалади. Энг гўзал муомала лутф-карамдир. Навоий бобомиз буни муомала-пардоз деб ёзадилар.

XII асрда яшаган Шайх Азизуддин Насафийнинг „Комил инсон“ китобида қуйидагиларни ўқиймиз: „Одамийлик аломати тўрт сифатдир, яъни: яхши сўз, яхши иш, яхши хулқ ва маърифат. Кимда ушбу тўрт сифат бўлса, одамийдир, аммо кимдаки бу сифатлар бўлмаса, у одамийлардан эмас. Кимки ушбу тўрт сифатни камолга етказган бўлса, комил инсондир“.

Ҳа, яхши сўз, яхши муомала — одамийликнинг тамал тоши, тарбияланганликнинг асл меваси, осудаликни таъминловчи инсон зийнати. Бир оғиз сўз одамнинг кимлигини, унинг қандай инсон эканлигини баён этади. Элнинг „дунёнинг мағзи“ деган ибораси насиҳат тарзида кўп бора айтилади: „Муомалали дунё бу, яхшию ёмонга, катгаю кичикка муомалали бўл!“ Уйлаб қаралса, дунёнинг мағзи, унинг мавжудлиги шу иборада, бир жуфт сўзда жамулжам экан — муомалали дунё!..

Дарҳақиқат, одамнинг одамга, элнинг элга, халқларнинг халқларга нисбатан эзгу муомаласигина бу дунёи дуннинг давомийлиги таъминланган ва тамаддуни (маданияти) белгиланган.

Хуш, шундай экан, нега биз миллатимизда муомала „Ассалому алайкум“ ва „Ваалайкум ассалом“дан бошлаб, кейин ҳол-аҳвол сўрашга ўтишни гўзал фазилат деб била туриб, кейинги пайтларда негадир қишилар билан сўрашганда, салом-алиқда кўлларимиз чўнтагимиздан чиқмаяпти? Нега кимгадир мурожаат қилганда бош эгиб қўйиш, ўзингдан каттага тавозе қилиш кўпчиликнинг назарида ўзини ерга уриш билан баробардек туюляпти? Ва, аксинча, нега кеккайиброқ сўрашиш ёки суҳбатдошининг исмини айтиш ўрнига „Эй“, „Ўв“ дея мурожаат қилишни яхшироқ, деб ўйлайдиганлар кўпайиб бораёпти?

Ахир инсон тили ширин сўз айтиб, ўликни тирилтириши ёки заҳарли сўз айтиб, тирикни ўлдириши мумкинлигини наҳотки тушунмасак?!

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 90- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- муомала ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- бу ўткинчи дунёда биздан ширин сўз қолиши лозимлиги;
- гоҳида билиб-билмас қилинган кўпол муомала кўнгилни вайрон қилиши;
- тунд муомала кўпроқ мансаб курсисига чуқурроқ ўрнашган, айрим манманликка берилган такаббур раҳбар ва раҳбарчаларга хос эканлиги;
- яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам омбори муомалада эканлиги кабилар ёритилган.



Расул Ҳамзатов

(1923 — 2003)

Авар шоири.

1. „Менинг Доғистоним“.
2. „Она тилим“.
3. „Тоғ қизи“.

„Оёғидан тили олдин юрадиган-лардан кўрққан маъқул“.

Муаллиф

91- сир. Тил ва осудалик

Онадек буюк, онадек суюк, онадек муқаддас нарсалар бармоқ билан санарли. Она-Ватан, она-Замин, она-қизимиз... Давом эттиришга уринманг, онага тенглашадиган бошқа нарсанинг ўзи йўқ. Шулар қаторида ўз тилимизни ҳам онага менгзаб, она қадар улуглаймиз.

Тилдан кўчиб, оғиздан чиқиб кетган сўз қалбнинг намоён бўлишидир. Модомики шундай экан, сўз боис юзага келувчи қалб кечинмаларимиз хотиржамликка, осудаликка кучли таъсир этади. Эзгу сўзлар теграмиздаги оламга ижобий таъсир этса, салбий, оғриқли сўзлар бу оламни вайрон қилиш хусусиятига эга.

Хусусан, инсон тили ширин сўз айтиб, ўликни тирилтириши ёки заҳарли сўз айтиб, тирикни ўлдириши мумкин. Бир одам айиқ билан дўстлашиб қолиб, уни меҳмон қилибди. Зиёфат охирлаб, айиқ кетишга изн сўраганида у одамнинг меҳри жўшиб, айиқни ўпиб хайрлашибди-да, хотинига ҳам шундай қилишни буюрибди. Хотин айиққа яқинлашгач, жонивордан таралаётган ҳидга чидолмай, четга қараб тупурибди-да:

— Сассиқ меҳмонга тоб-тоқатим йўқ, — дебди. Айиқ индамай чиқиб кетибди. Орадан кунлар ўтиб, одам айиқ дўстини кўргиси келиб йўлга отланибди. „Қайтишда ўтин кесиб келарман“, деб болтасини олволибди. Айиқ уни қувонч билан қаршилаб меҳмон қилибди. Сўнг „Шу болтанг билан бир уриб бошимни ёр“, деб илтимос қилаверибди. Айиқ ялинавергач, одам унинг бошини ёрибди. Оғриқдан ўкирган айиқ ўрмонга кириб ғойиб бўлибди. Одам эса таажжуб ва афсус билан уйга қайтибди. Орадан бир ой ўтиб, айиқ одамникига келиб дебди:

— Бошимни уриб ёрган эдинг, қара ярам битди. Аммо хотинингнинг тили билан тилинган қалбим яраси ҳалигача битмади.

Синган кўнгилни бутлаб бўлмас, демак осудалик тилдан кўчган сўзнинг қандай сўз бўлишига боғлиқ.

Доғистоннинг донишманд шоири ва жамоат арбоби Расул Ҳамзатовнинг таъбири билан айтганда: „Сўз оддий нарса эмас. У — ё қарғиш, ё дуо, ё эзгулик, ё қайғу, ё сўкиш, ё олқиш, ё ёлғон, ё ҳақиқат, ё ёду, ё зулмат“.

Хўш, шундай экан тилдан кўчган сўзни юракда қўноқ қилмасдан, оғиздан ташқарига чиқариб юборавериш мумкинми? Наҳотки, сўз ярасидан кўра, тиф ярасини даволаш осон эканлигини билмасак? Нега биз инсон хатони кўпроқ ўз тили билан содир этишини унутиб қўямиз? Тилимизга эрк бериш ўринлими? У туфайли бузилган осудаликни барқарорлаштириш учун камида 40 кун керак-ку!? Ҳа, бир кун жанжал чиққан хонадонда 40 кун барака бўлмайди-ку?! Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 91-сири тўғрисида бўлиб, унда:

- заҳарли тил қиличдан ҳам ўткир, уни жиловлаш лозимлиги;
- одамнинг энг буюк ихтироси ва бирламчи бойлиги тил, тилнинг энг буюк ихтироси эса, сўз эканлиги;
- айтилган сўзга энди ўзингиз эмас, бошқалар ҳукмронлик қилиши;
- фикрларни чиройли сўзлар топиб, кишиларнинг кайфиятини кўтарадиган даражада изҳор қилиш;
- кишининг тахту бахтини бут қиладиган ҳам, бошига етадиган ҳам унинг тили эканлиги;
- кишини дўст ва ёру биродарларидан жудо қиладиган ҳам, уларнинг қошида ҳурматини оширадиган ҳам тил эканлиги кабилар ёритилган.



Шукрулло

(1921- йилда туғилган)

Ўзбек халқ шоири.

1. „Яшагим келади“.
2. „Қасосли дунё“.
3. „Тирик руҳлар“.

„Устоз шогирдни, шогирд устозни тан олгандагина ҳақиқат ўз ижобатини топади“.

Муаллиф

92- сир. Устоз-шогирд ва осудалик

„Устоз — бу касб, ҳунар, илм ва шу кабиларни ўргатувчи, муаллим ёхуд йўл-йўриқ кўрсатувчи, тарбияловчи, мураббий, раҳнамо“, деб тушунча берилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да.

Устоз деганда кўпчилик ўйлагандек, фақат ўқитувчини тушуниш эмас, балки ундан кенгроқ маънони англамоқ лозим. Чунки ҳар касб-ҳунар эгасининг устози ҳамда шогирди бўлади.

Буюк шоиримиз Алишер Навоий Самарқанд мадрасаларида таҳсил кўрмасдан, замонасининг буюк билимдонни, шоир Хўжа Жалолиддин Фазлулло Абуллайсдан таълим олмасдан бурун мушфиқ, мунис волидаси Тошхон Биби билан отаси кичик Баҳодирдан сабоқ олган. Эҳтимол унинг:

Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламоқ бўлмас адо ҳаққин ани минг ганж ила, —

деган сўзлари муаллимлар, мударрислар билан бирга отонасига хитобан ҳам айтилгандир.

Ҳа, устоз сўзи замирида бир олам маъно мужассам. Ҳар қандай жамиятда устоз доимо улуғланиб келинган. Сабаби, улар шогирдларига нафақат илм берган, шу билан бир қаторда, уларни баркамол инсон қилиб тарбияланишига асос солишган.

Сир эмас, ҳар қандай истеъдоднинг буюклик осмонида юлдузга айланиши учун тарбия керак, ҳимоя керак. Агар хоразмлик машҳур олим Абу Наср ибн Ироқ истеъдодли Муҳаммадни учратиб, ўз тарбиясига олмаганида, бу кун закий дунё Абу Райҳон Берунийдек алломага эга бўлармиди? Улуғ устоз Алишер Навоий истеъдодли Камолиддинни ўз ҳимоясига олмаганида, бу кун жумлаи жаҳон Бехзод чизган суратлардан ҳайратга тушиб, уни „Шарқ Рафаэли“ дея шарафлармиди?

Эрон олимларидан Сайид Абдулфаттоҳ айтади:

„Искандар Зулқарнайн ўз устози Арастуни мухтор вакил даражасига кўтарар ва бошқа амалдорларидан кўра уни бениҳоя таъзим ва ҳурмат қиларди. Устозининг маслаҳатини олмасдан ҳеч бир ишга қалам қўймасди. Бунинг сабабини сўрадилар. Искандар шундай жавоб берди:

— Отам мени гуёки осмондан ерга туширди, устодим Арасту эса, мени ердан осмонга кўтарди, яъни отам менинг вужудга келишимга, устодим бўлса, ақлимнинг ўсишига, илм-маърифат ҳосил қилиб, улуғ мартаба, шон-шуҳратга эга бўлишимга сабабчи бўлди. Шунинг учун устодим Арастуга ҳар қанча иззат-ҳурмат қилсам арзийди“.

Байт:

Айла устодимни ҳурмат, эй ўғил,
Яхши ном бирла жаҳон машҳури бўл.

Устозларни ҳурмат қилиш, эъзозлашни Алишер Навоидан, соҳибқирон Амир Темурдан ҳам ўрганишимиз даркор. Нега дейсизми? Чунки Алишер Навоий вафот этган устозининг ўғли билан отдан тушиб кўришган. Буюк жаҳонгир Амир Темур ўлими олдидан фарзандларига васият қилиб, „Мени устозимнинг оёқ учига дафн этинглар“, деган. Хуш, айтинг-чи, биз устоз-шоғирдлик бурчини адо эта оляпмизми?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 92- сири тўғрисида бўлиб, унда ана шу бурч миллий қадриятларимиз ва Шарқ донишмандларининг панд-насиҳатлари, ривоятлар, бугунги ҳаётий кузатмалар, шунингдек, ҳикмат ва мақоллар асосида ёритилган.



Чингиз Айтматов

(1928 — 2008)

Қирғиз ёзувчиси.

1. „Асрга татиғулик кун“.
2. „Кунда“ („Плаха“).
3. „Оқ кема“.

„Бойлик ва лавозим билан эмас, балки яхши фазилатларинг билан дўст орттир“.

Муаллиф

93- сир. Дўстлик ва осудалик

„Дўст — бу иноқлик, аҳиллик, тотувлик муносабатлари билан боғланган, кўнгли, дили яқинлик“, дейилган, „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. „Дўст — Худонинг номи“, дейди доно халқимиз. Ҳақиқатдан ҳам дўст Тангри таолонинг муборак исмларидан бири. Шунинг ўзиёқ дўстликда тенгсиз қудрат ва хосият мужассамлигидан далолат беради. Умри битган бир банда жон олиш учун келган Азроил алайҳиссаломга Аллоҳ таолодан яна озгина фурсат сўраб беришни ўтиниб нола қилибди. Шунда нидо келибди: „Эй, банда! Айт, қанча дўстинг бор? Ҳар бири учун бир йилдан умр қўшиб бераман!“ бечора зор йиғлаб, дўсти йўқлигини айтибди. Бу дунёда яшаб, дўст орттирмаган банда Аллоҳнинг раҳматига лойиқ эмаслигини таъкидлабди.

Бу ривоят дўстсиз яшашдан ҳам оғирроқ фожиа йўқлигини тасдиқлайди. „Дўст қидир, дўст топ жаҳонда, дўст юз минг бўлса оз. Кўп эрур, бисёр душман, бўлса у бир дона ҳам“, деб шоир жуда тўғри айтган.

Аммо дўст танлаш, уни топиш ва дўстликни сақлай билиш киши ҳаётида энг тиш ўтмас муаммолардан ҳисобланади. Киши умри давомида адаш йўлларда кўп қоқилади. Энг кўп қоқилиш дўст кўчасида бўлади. Киши ўлгунига қадар кўп дўст топмайди, аммо кўп дўст йўқотади.

Нега шундай? Бунга ким айбдор? Биз дўст деб юрганмиз душманлик чодирига бурканиб олса, азиятлар чекамиз, аммо ўзимиз баъзан билиб, баъзан билмай, бошқа бир одамга душманлик қилиб юрганмизни англаймизми? „У ёмон одам, шунинг учун менга душман“, деймиз. Эҳтимол ўзимиз ёмондирмиз, эҳтимол дўстлик бурчи нима эканини яхши англамагандирмиз, эҳтимол яхши дўст тарбиясини четлаб улғайгандирмиз?

Кўнглимиз ҳамиша қалби бегубор, нияти пок садоқатли дўст тилайди. Шундай экан Сиз қанчалик садоқатли дўстсиз?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сирини“ номли туркумнинг 93- сирини тўғрисида бўлиб, унда:

- дўстлик ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- дунёда дўстдан кўра азизроқ ва қимматлироқ нарсанинг йўқлиги;
- дўстни танлаш ва у дўстликни сақлаш сирлари;
- дўстнинг мингтаси ҳам кам, душманнинг биттаси ҳам кўплиги;
- кишининг кишига ҳақиқий дўстлигини аниқлаб берувчи хислатлар;
- садоқатли дўстдан айрилмоқ чинакам фожиа эканлиги;
- фақат ўз манфаатларини кўзлаб дўст бўлувчилардан узоқроқ юриш лозимлиги;
- сохта дўстлар бамисли айб изловчи жосусларга ўхшашлиги, улар ёнингда дўст бўлиб юриши, душманнинг ишини қилиши, ичи бошқа, сирти бошқа эканлиги;
- дўстни тарк этмоқ осон, лекин уни топмоқ қийинлиги;
- иши тушганда йўқлаб келган киши ҳақиқий дўст эмаслиги;
- икки фирибгарнинг дўстлиги худди икки маккор тулкининг ҳамроҳлигига ўхшашлиги;
- дўстларнинг сони билан эмас, уларнинг садоқатлилиги ва ҳалоллиги билан фахрланиш лозимлиги кабилар ёритилган.



Озод Шарафиддинов

(1929 — 2005)

Ўзбек адабиётшунос олими,
Ўзбекистон қахрамони.

1. „Истеъдод жилолари“.
2. „Яловбардорлар“.
3. „Чўлпон“.

„Қани энди қўшниларининг нафақат уйлари, ҳовли-жойлари, балки қалблари ҳам ёнма-ён, яқин бўлса“.

Муаллиф

94- сир. Қўшничилик ва осудалик

Қўшни аслида нима эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да: „Қўшни — уйлари, ҳовли-жойлари ёнма-ён ёки яқин бўлган кишилар, оилалар, хонадонлар“, дея таъриф берилган.

Қизиқ бир ҳол: Ўзбекистонимизда, масалан, 30 миллионга яқин одам истиқомат қиладиган бўлса, уларнинг тенг ярми қолган иккинчи ярмига нисбатан қўшнидир. Сиз шу ҳақда бирор марта ўйлаб кўрганмисиз? Бу эса, ҳоҳлайсизми, йўқми, сизга ўша қўшни бўлган одамга нисбатан қандайдир бир яқинлик, ҳатто, айтиш мумкинки, боғлиқлик ҳиссини юклайди.

Биргина „Қўшнинг тинч — сен тинч“ нақлини олайлик. Шу сўзнинг замирида қанчалик кўз илғамас маъно-мазмун бор. Тасаввур қилинг, қўшнингизнинг уйида нотинчлик, болалари оч, сиз ўзингизни хотиржам тута оласизми? Истайсизми-йўқми, ўша нотинчлик аста-секин сизнинг ҳам ҳаловатингизга путур еткази бошлаши, фарзандларингиз ўша носоғлом муҳитдаги заҳарли жиҳатларга кўника бориши, бир кун келиб ўз кучини кўрсатмай қолмайди, албатта.

Бир араб донишманди айтади: „Уч нарса кўнгилга ташвиш келтиради, осудаликни бузади: ёмон қўшни, ноқобил фарзанд, бадфеъл, жиззаки хотин“.

Дарҳақиқат, гарчи ҳовлинг, уй-жойнинг қошона бўлса ҳам қўшнинг носоғу-нопок бўлса, у жойда осудалик бўлмайди.

Яхши қўшни йўғу борингга, яхши ёмонингга, каму кўстингга шерик бўлади. Кези келганда, жигарларнинг қилмаган эзгу амали билан мушкулингнинг осон ечилишида кўмак бериб, энг қийин шароитларда ҳам ўзидан ортиб, сени қўллайди. Бир бурда нон бўлсин, бир қошиқ оби ёвғон бўлсин, қўшнилар ўртасида баҳам кўрилган.

Хуш, айна ҳозирги кунларимизда ҳам қўшнилари орасида меҳр-муҳаббат, оқибат каби жонбахш туйғулар тирикми? Қўшничилик одоби, қўшнилари орасидаги муносабат рисоладагидекми? Қўшнилари бир-биридан розими? Ҳақиқатдан ҳам „Олисдаги қондошдан яқиндаги қўшни афзал“, деган нақл ҳаётда ўз ижобатини топяптими?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сирини“ номли туркумнинг 94- сирини тўғрисида бўлиб, унда:

- қўшничилик ва осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- қўшничилик одоби;
- яхши қўшничиликнинг пойдевори;
- қўшни-қўшничилик анъаналари;
- яхши қўшниларининг фазилатлари;
- ҳовли олмай, қўшни олиш лозимлиги;
- яхши қўшни бўлишнинг муҳим шарт-шароитлари;
- қўшнининг ҳаққи;
- жигарлар қўшничилиги;
- қўшни ҳаммадан ҳам катта ҳуқуққа эга эканлиги;
- яхши қўшничилик бамисоли ҳаёт офтоби эканлиги кабилар ёритилган.



Ёрқин Воҳидов

(1936- йида туғилган)

Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон қаҳрамони.

1. „Ўзбегим“.
2. „Олтин девор“.
3. „Муҳаббат“.
4. „Дониш қишлоқ лагифалари“.
5. „Кексалик гашти“.
6. „Табассум“.

„Дардинг булса ҳам, қарзинг булмасин. Сабаби: дард — ўзингники, қарз эса, бировники“.

Муаллиф

95- сир. Қарз ва осудалик

Қарз — бу маълум муддат ўтгандан кейин қайтариш шарти билан берилган ёки олинган нарса (пул, буюм, ғалла ва ш.к.). Кимсанинг зиммасидаги вазифа, мажбурият, бурч ҳам қарз ҳисобланади. Масалан, ота-она олдидagi қарз, табиат олдидagi қарз, эрнинг хотин ёки хотиннинг эр олдидagi қарзи, шогирднинг устоз олдидagi қарзи, Она-Ватан олдидagi қарз, қарзи қиёмат, яъни тирикликда тўланиши ёки адо этилиши шарт бўлган қарз.

Бу дунёда беқарз одамнинг ўзи йўқ. Қарз олиш ва бериш қадимдан мавжуд. Шу боис дин бу масалани эътибордан четда қолдирмаган. Ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай дейдилар:

„Жаннатга кириб, унинг дарвозасида: „Садақага ўн савоб, қарз берганга ўн саккизта савоб“, деган иборани кўрдим, шунда мен ҳамроҳимдан сўрадим: „Эй, жаброил дўстим, нега садақага 10 та, қарзга 18 та савоб берилур?“ Жавоб бердики: „Садақа бою камбағал кўлига тушади, қарз эса фақат муҳтож одам кўлига тушади“.

Ҳаётда кимдир муҳтожликдан, бошқа биров ишларини биров яхшилаш учун қарз олади. Баъзилар эса, ҳожатсиз равишда қарз олиш ва сурбетларча уни қайтармасликни одат қилиб олишмоқда. Ўткинчи ҳою-ҳаваслар, тўкин ҳаёту кимгадур тақлид қилиб, ҳовли, машинали бўлишлар ҳам қарз эвазига амалга ошяпти.

Қарз олиб, қарзини тўлолмагани боис пул ишлаш мақсадида йиллаб оиласи, бола-чақаси, Ватанидан узоққа, бегона юртларга кетган одамлар (уларнинг аксарияти аёллар) кўпайиб боряпти. Болалаб кетган қарзини ўзи тугул қариндош-уруғлари бор будини тўпласа-да, узолмаслигига кўзи етгач, ваҳима босиб, ўз жонига қасд қилаётганлар ҳам, афсуски, учраб турибди.

Борига шукр қилмай, қаноатда умргузаронлик қилишдан қоникмайдиганларнинг уялмай қилган иши оқибатида оила ночорликка юз тутяпти, кекса ота-оналар азият чекапти. Уйламай қилинган иш бошга келтирар ташвиш... Нега беозоргина қарзнинг бундай озорлари, оғриқлари кўплигини тушунмаймиз? Нега?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 95- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- қарз билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- қарз — кишини хомуш қилувчи аёвсиз бир илон каби эканлиги;
- қарзнинг захридан қарздор ҳам, қарз берувчи ҳам азият чекиши;
- қарз сўровчининг бир юзи, қарз бермаганнинг эса икки юзи қора бўлиши;
- қарзни қўл билан бериб, уни оёқ билан югуриб ололмаслик мумкинлиги;
- қарз олиш ва қарз бериш гартиб қоидалари;
- инсоннинг кимлар олдида қандай қарзи бор ва уларни қандай узиш мумкинлиги кабилар ёритилган.



Абдулла Орипов

(1941- йилда туғилган)

Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон қаҳрамони.

1. „Митти юлдуз“.
2. „Кўзларим йўлингда“.
3. „Муножот“.
4. „Жаннатга йўл“.
5. „Ҳаким ва амал“.
6. Ўзбекистон Давлат мадҳияси матнининг муаллифи.

„Кечиримли инсонлар ақлли ва мард инсонлардир“.

Муаллиф

96- сир. Кечиримлилик ва осудалик

„Кечирим — бу авф этиш, узр“, деб таъриф берилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Тасаввур қилинг, энг ишонган дўстингиз сизни чув тушириб кетди. Бу ҳол сизни анчагина саросимага солиб, осудалигингизни бузди, уни кечира оласизми? Ёки яқин кишиларингиздан бири хиёнат қилди, бунга қандай муносабатда бўласиз? Сизни ҳақоратлаб, кўпчиликнинг ичида обрўйингизни тўкиб, тўхмат балосини ёғдирган ўртоғингизни, шогирдингизни кечириб, унга ишонч билдира оласизми?

Шубҳасиз, бундай лаҳзаларда ҳар қанча кечиримли бўлмайлик, барибир кечирिशга қийналамиз. Сабаби, Қуръони каримнинг Бақара сураси 54- оятида: „Аллоҳ кечиримли ва раҳимлидир“, дейилган. Наҳотки, Яратган эгам кечира олса-да, бандаси кечира олмаса?!

Тўғри, инсон муносабатлари хато ва хафагарчиликсиз бўлмайди. Бир сафар биз ноҳақ бўлсак, бошқа сафар бизга нисбатан ноҳақлик қилишади. Кимдир бизни сотади, баъзан ўзимиз ҳам кимгадир хиёнат қиламиз. Асл муаммо эса мана шу хатолардан кейин бошланади: билиб-билмай қаҳр-ғазаб, кўролмаслик, худбинликка берилиб, ҳаётимизни баттар мураккаблаштирамиз.

Бу ҳолатлардан қочиб қутилиб бўлмайди. Шу сабаб бир-биримизга марҳаматли ва шавқатли бўлишимиз ҳаётимизни енгиллаштиради. Кечира олмаслик энг мустаҳкам дўстликни, энг садоқатли жуфтликни ҳам, энг яқин қавму-қариндошни ҳам бир-биридан ажратиб юборади.

Кечирिश ёки кечирмаслик масалаларига улуғ ҳакам вазифасини бажарувчи вақт ойдинлик киритади. Биз баъзида кечириб, кечиролмаган кишилар вақт ўтиши билан аста-секин ҳақиқий қиёфасини намоён этади. Иродаси кучли ва ўз кучига ишонган киши бировни кечиролгани каби худбин ва нодон киши бировдан кечирим сўрашнинг

ҳам уддасидан чиқа олмайди. Шу маънода кечириш ҳам кечирилиш ҳам ҳақиқий инсонларга хос хислатлардан.

Хуш, сиз кечиримлимисиз? Ўзингизга шу саволни ҳеч бериб кўрганмисиз? Кечиримли бўлиш осонми?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 96-сири тўғрисида бўлиб, унда:

- кечиримлилиқ ва осудалиқ ўртасидаги боғланиш кучи;
- Яратганнинг кечиримли инсонларни яхши кўриши;
- кечириш — кўпчилиқ наздидаги мағлубият эмаслиги, аксинча, кечира олиш кибру ҳаво устидан галабага эришиш демаклиги;
- кечиримлилиқ — бу, аввало, хафа қилган одамни эмас, балки ўзингизни кечириш лозимлиги;
- нима сабабдан инсонларнинг бир-бирини кечиршига ожизлиқ қилишлари;
- кишининг хатосини кечириш — бу ҳеч қачон, ҳатто ғазабга минганда ҳам унинг юзига солмаслиқ, эслатмаслиқ дегани;
- кечиримли бўлишнинг осон эмаслиги, бироқ унинг ҳам уддасидан чиқа олиш йўллари;
- кечира олиш усуллари ва фазилатлари кабилар ёритилган.



Ўткир Ҳошимов

(1941 — 2013)

Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

1. „Нур борки, соя бор“.
2. „Икки эшик орасида“.
3. „Дафтар ҳошиясидаги битиклар“.
4. „Дунёнинг ишлари“.
5. „Баҳор қайтмайди“.

„Узоқ яшашни орзу қиламиз-у, аммо қариб боришдан қўрқамиз. Нима учун?“

Муаллиф

97- сир. Кексалик ва осудалик

Ҳамма нарса каби, инсон ҳам эскиради. Бировнинг тили, бировнинг афти, бировнинг соғлиги чарчайди. Киши шу тариқа умрининг кунботарига қараб юради. У кунботарга қараб кетаётганини билгани учун ҳам, гоҳида бегоҳат ҳаракатлар содир этади. Иродаси бўш, сабри суст, шукронаси йўқ кишилардан бу ҳолат атрофга малолли тарзда намоён бўлади.

Демак, қаричилик ҳамманинг пешонасида бор кўргулик. Қарилик ва қашшоқлик кулфатларнинг энг улуғи, дейилади рим ҳикматларида. Шунинг учун ҳам кўпчилик қариликдан қўрқади, негаки кексаликни бевосита касалликлар (бунга бир амаллаб чидаш мумкин) билангина эмас, балки кўпроқ ёлғизликдан, кераксиз буюмдек бир четга итқитиб юборилган ҳолда, хўрликларга, ҳақоратларга дуч келиб қолишдан чўчишади.

Тан олиш керак. Тўғриси ҳам шу. Болалар ўсиб-улғайиб, вояга етгач, оилани тарк этишади, касбий фаолият нафақа билан алмашинади, айрим пайтлари эса, бу ҳолат анча илгарироқ содир бўлиши мумкин, ишсизлик, чўнтакдаги пулнинг баракаси қочгани, сизнинг гўзаллигингиз ҳақида эса, тез-тез бир вақтлардаги жозиба сифатида эътироф этишлари кабилар...

Кайфият ҳам, аксига олиб, деярли ҳамиша тушкун, шикоят қилишга тортаётгандек бўладики, арзингни кимга айтишингни ҳам билмайсан. Мана шундай пайтларда бутун вужудингизни ғам-ғусса чулғаб, осудалигингиз бузилади. Аламингизни бутун дунёдан олишга уринасиз.

Хўш, бундай ҳолатларда нима қилиш керак? Нега биз узоқ яшашни орзу қиламиз-у, аммо қариб боришдан қўрқамиз? Нима учун? Нега биз қариликнинг кириб келишини имкон қадар орқага суришга ҳаракат қилишни

уйлаймиз? Нега кексаликка шунчалик руҳан бўш келамиз? Ахир руҳ қанчалик заиф бўлса, қарилик шунчалик ўзини устун сезади-ку?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркумнинг 98- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- кексаликнинг ўзига хос гашти борлиги;
- бу ёшда одамнинг ақли тулиб, ўзи ва бошқалар учун ҳам энг керак бўлган ишларни қилишлари мумкинлиги;
- қариб боришдан қўрқмаслик ва қаримаслик йўллари;
- кексалик аҳмоқ учун — оғир юк, нодон учун — қиш, оқил ва илм кишилари учун — олтин ўрим фасли эканлиги;
- кекса кишининг ҳаёт зинапояларини аниқроқ кўра олиши;
- гарчи касалликларнинг ичида энг дарди бедавоси қарилик дейилса ҳам, оқилона қариликнинг эрмаклари билан овуниб, қолган умрини қайғу ва ғамсиз, осуда яшашга мушарраф бўлиш йўллари кабилар ёритилган.



Тохир Малик

(1946- йилда туғилган)

Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

1. „Алвидо болалик“.
2. „Шайтанат“.
3. „Ўликлар сўзламайди“.
4. „Одамийлик мулки“.

„Вақтинчалик касал бўлиш — бу ҳаётнинг йўл-йўлакай ноҳушлигидир, синовидир. У ўтиб кетади. Фақат ишонч билан яшаш керак“.

Муаллиф

98- сир. Касаллик ва осудалик

Ҳеч кимнинг жони оғримасин-у, лекин ҳаёт иссиқ-совуқдан иборат. Шундай экан, хоҳласак ҳам, хоҳламасак ҳам касалликка чалиниб турамиз. Баъзан бепарволик, баъзида эса лоқайдлик боис вужудимизга хасталик ин қуради, осудалигимизни бузади.

Шундай ҳолларда ҳар қандай киши ўзига савол беради: нега бошимга шу дардни берди? Нима гуноҳ қилган эканманки, менга бундай синов? Ёки улуғ бобомиз ҳазрат Алишер Навоийнинг: „Эй инсон, ўзингни бегуноҳ фаришта деб кўрсатишга уринма! Вужудингни тафтиш эт — бағринг тўла дев. Ичингдаги жаҳолатни енг! Адоватни қув! Ҳасадни парчала! Хасисликни ўлдир!“ деган даъватларига риоя қилмадимми?

Бу саволларга жавоб тополмай, киши касаллик сабабларини ўйлаб, машҳур рус олими Я. Друскиннинг (1902 — 1980) „Умуман олганда касаллик ё гуноҳ, ё синов, ё қандайдир сабаб-оқибатдир“, деган сўзлари билан ўзига таскин беради. Ҳа, дардсиз одамнинг ўзи йўқ. Балки Аллоҳ саломатлик ва касалликни тарозига солиб бергандир? Саломатликни ҳам кўтариш керак, касалликни ҳам, деганидир бу эҳтимол?! Одам пайдо бўлибдики, ҳали бирорта инсон буткул саломат бўлиб, барча касалликларни, дардларни тарк этган эмас!

Хўш, касаллик сабаблари нимада? Ҳақиқатдан, у ҳам Аллоҳнинг берадиган бир неъматими? Ёки касалликнинг келиши кишининг ўзига боғлиқми? Нега соғлиқ ҳақида, кўпинча, бемор бўлганимизда, жон оғриган пайтда ўйлаб қоламиз? Нега аввалроқ эмас?

Ушбу китоб „Осуда яшашнинг 99 сир“ номли туркумнинг 98- сирни тўғрисида бўлиб, унда:

- касаллик билан осудалик ўртасидаги боғланиш кучи;
- дардни берувчи ҳам, шифо берувчи ҳам Яратганнинг ўзи, биз эса бир воситачи эканлигимиз;
- шифони ўзгандан эмас, худодан сўраш кераклиги;
- одам боласи қайғу, ҳасрат, дард кўрмай умр кечириши мумкин эмаслиги;
- турмуш ва ҳаёт тиканли чангалзор устидан юришдан, машаққат тўлқинлари билан курашиб сузишдан иборат эканлиги;
- ақли киши шу машаққатлардан кўрқмаслиги, келажакдаги роҳатларга умид боғлаб, ушбу машаққатлардан енгилмаслиги, кўнглини чўктирмаслиги зарурлиги;
- ҳар оғирлик ортидан бир енгиллик келишини Яратганнинг ўзи ваъда қилиб қўйганлиги, оқил киши, албатта, шу ваъдани хотирлаб, кўнглини хотиржам қилиши, ўзига тасалли бериш лозимлиги;
- дардга чалиниб қолганда қандай йўл тутишлари, осудалик ва хотиржамликни таъминлаш учун нималар қилиш лозимлиги кабилар ёритилган.



Муҳаммад Юсуф

(1954 — 2001)

Ўзбекистон халқ шоири.

1. „Халқ бўл, элим“.
2. „Булбулга бир гапим бор“.
3. „Эрка кийик“.
4. „Таниш тераклар“.

„Абадий яшаш инсон қисматига
битилмаган“.

Муаллиф

99- сир. Ҳалим ва осудалик

Ҳалим ҳақ, биз учун у ҳақда уйлашимизнинг ҳеч ҳо-
жати йўқ. Ҳалим асло инкор этилмайди. У даҳшатли ҳодиса,
сабаби у ҳамма нарсани олади, бўш қўл билан келдинг-
ми, бўш қўл билан кетасан.

Шу боис инсон доим ўз қисматидан нолигани ноли-
ган. Сабаби Яратган унга жуда қисқа умр ато қилибгина
қолмай, яна уни Ҳалимга маҳкум ҳам этган. Ҳуш, инсонга
ақлдай бир улугъ неъматни ато қилган Худо унга абадий-
ликни ҳам тақдир этса бўлмасмиди?

Эҳтимол, шу савол „Ҳалимлик даъвоси“, „Мангу
яшовчилар“ каби ғояларнинг туғилишига сабаб бўлгандир.
Хусусан, Рожер Бэкон: „Инсон танасини барча қусурлар-
дан озод қилиб, унинг умрини бир неча юз йилга чўзиш
мумкин“, деган бўлса, К. Циолковский: „Умрнинг аниқ
бир ўлчами йўқ, у минг йилгача узайтирилиши мумкин.
Фан бунга эртами-кечми эришади“, деб умид боғлаган.

Инглиз олими Ж. Бернал ҳам вақти келиб инсонлар
мангу яшаш сирларини очишга умид қилган. Машҳур рус
олими В. Купревич инсоннинг Ҳалимлиги муаммоси ҳал
этиладиган масала, деб ҳисоблаган. Баъзилар, ҳатто бу
муаммо ҳал этиладиган вақтни ҳам мўлжаллаб айтишга
журъат қилганлар. Инглиз олими ва ёзувчиси А. Кларк бу
маррага 2090 йилда етилади, деб башорат қилади.

Бу жуда жиддий бир башорат. Чунки муаммо ечилади
дейиш бир бошқа, фалон вақтда ҳал бўлади, дейиш бир
бошқа. Тўғри, журъат ҳамма нарсдан фанда зарур. Ҳалим-
лик муаммоси эса... Ҳай, билмадим...

„Ўтди умр, водариг“, деган экан тўқсондан ошиб,
юзга яқинлашган бир мўсафид, надомат билан. Ҳа, ҳаёт
ширин, ҳеч бир ёшда уни тарк этгинг келмайди. Аммо
начора. Худо бир, Ҳалим барҳақ. Ҳар нарсанинг ибтидоси
бўлгани каби интиҳоси ҳам бор. Шу боис бу ёруғ, ёлғон-
чи, бевафо дунёга келган ҳар бир жонзот вақти келиб, ўз

умрини яшаб бўлади ва у дунёга, яъни боқий дунёга рихлат қилади. Ушбу кигоб „Осуда яшашанинг 99 сири“ номли туркумнинг 99- сири тўғрисида бўлиб, унда:

- ўлим билан осудалик ўргасидаги боғланиш кучи;
- чин моҳияти билан ўлимни эслаш киши қалбида охираг саодатига сабаб бўладиган ишларга рағбат уйғотиши;
- ҳеч ким қачон. қаерда, қандай сабабга кўра ўлишини билмаслиги. Бироқ бу ёлғончи дунёда абадий қолмаслигини жуда яхши билиши;
- ўлим — ҳақ, бироқ у жуда ҳам узоқ, яъни қачон келишини ҳеч ким билмаслиги;
- ўлим — ҳақ ва у жуда ҳам яқин, қош ила қобоқдан ҳам яқин эканлиги;
- ўлимни эсламаслик кибр, манманлик, гафлат, кайф-сафо, очкўзлик, лоқайдлик каби қатор иллатларга олиб келиши;
- ўлимни эслаш билан банд бўлган қалбга айшишрат талаби, дунё қувончининг камайиши, тошқинликнинг босилиши;
- ўлим ҳамиша барҳақ, бандаси учун, Аллоҳнинг иродасига итоаг этмоқлик фарз эканлиги;
- абадий яшаш инсон қисматига ёзилмаганлиги;
- ўлим инсон учун уч томонлама даҳшатли фожиа ва уч жиҳатдан мусибат эканлиги;
- антиқа ўлимлар, ундаги аломатлар;
- маъшурларнинг ажалолди сўнгги сўзлари, охираг ободлиги нимада эканлиги кабилар ёритилган.



Тоғай МУРОД

(1948 — 2003)

Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

1. „Отамдан қолган далалар“.
2. „Юлдузтар мангу ёнади“.
3. „Момо ер қўшиғи“.
4. „Бу дунёда ўлиб бўлмайди“.

„Инсоннинг энг яхши ва гўзал фикрларини жамлаш беқиёс хазина яратиш бўлур эди“.

Ж. ДЕЛИЛЬ



**ОСУДАЛИК
ТЎҒРИСИДА ОДДИЙ
ҲАҚИҚАТЛАР**



ОДДИЙ-Ю, ОЛИЙ ҲАҚИҚАТ

Ҳаёт ҳақиқати шундай: ҳеч ким бу дунёга ўз ихтиёри билан келмаган. Бу фоний дунё инсонни сувда, қуруқликда, иссиқда, совуқда турли оғир, қийин, осон ва енгил шароитларда яшашни ўргатади. Инсоннинг яшashi ташвиш, ғам, ниҳоятда машаққатли меҳнат ва турли изланишлар эвазига кечади.

Бу оддий ҳақиқатлар „Осуда яшашнинг 99 сири“ номли туркум таркибига кирган 99 та китобнинг иккинчи қисмидаги рукнларда, яъни:

- Қуръони Карим оятларида;
- Ҳадисларда;
- Мақолларда;
- Донолар бисотида;
- Олган сабоқларим ва ҳулосаларимда;
- Шеъриятда;
- Латифаларда;
- Тестларда ўз аксини топган.

Ушбу рукнларни мутолаа қилиш жараёнида ўқувчи аждоқларимиз томонидан тупланган тажриба билан яқиндан танишади. Бу эса, ўз навбатида, бутунги кунда ҳаётимизда мавжуд айрим муаммолар моҳиятини тўғри тушунишга ва уларнинг адолатли ечимини топишга кумаклашади.

99 та китобнинг ҳар бирида ёхуд 99 та қадриятга оид келтирилган Қуръони Каримнинг оятлари, пурмаъно ҳадислар, буюк мутафаккирлар ижодига мансуб фикрлар, турли-туман таъсирчан ва чуқур фалсафий мазмунга эга бўлган афоризмлар ҳар бир ўқувчининг қуваи-ҳафизасини янада юксалтиришига ёрдам беради.

Латифалар, тестлар ва sudoкуларни-ку, қўяверинг. Улар ўз йўлида.



**ҚУРЪОНИ КАРИМ
ОЯТЛАРИДА**



1

„Мана бу биз нозил қилган муборак Китоб (Қуръон)дир, унга эргашингиз ва тақволи бўлингиз, токи раҳм қилингайсизлар“.

(„Анғом“ сураси, 155-оят)

ҚУРЪОНИ КАРИМ КИТОБИ ҲАҚИДА

Оламлар Парвардигори Ҳақ субҳанаҳу ва таоло ўзининг пайгамбарларига 4 илоҳий китоб нозил қилган. Тўрт китобнинг:

Биринчиси — Таврот, Мусо алайҳиссаломга;

Иккинчиси — Забур, Довуд алайҳиссаломга;

Учинчиси — Инжил, Исо алайҳиссаломга;

Тўртинчиси — Қуръони Карим, Пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассаломга нозил бўлган.

Қуръони Каримдан бошқа илоҳий китоб ва саҳифалар бир йўла бир дафъада тушган. Аммо Қуръони Карим китоб шаклида бир дафъада эмас, балки 23 йил давомида вақт-вақти билан оят-оят, сура-сура шаклида оғзаки қабул қилиниб, жаноби росулulloҳ алайҳиссалом орқали у зоти шарифга пайгамбарлик ваҳийсини юборган.

Қуръони Каримнинг биринчи ояти ва сураси „Фотиҳа“ сураси билан бошланиб, охири — бир юз ўн тўртинчиси „Ан-нос“ сураси билан тугалланади. Жаноби Росулulloҳ алайҳиссалом нозил бўлган оятларни келгусида бир мукамал мусҳаби шариф сифатида келтириш учун саҳобаи киромлардан тўрт кишини:

- Али ибн Абу Толиб;
- Муовия ибн Абу Суфён;
- Убай ибн Каъаб;
- Зайд ибн Зобитни узларига котиб қилиб олган эканлар.

Қуръони Карим 30 пора, 114 та сура, 6236 та оят ва 77474 та сўздан иборат.

*Қуръони Каримнинг ҳар бир ояти, унинг аввали ва охири ҳақидаги илми Аллоҳ таолодан Жаброил алайҳиссалом ўрганган. У кишидан Пайғамбар алайҳиссалом, у зотдан эса, мусулмонлар ўрганганлар.*¹

„Оят“ сўзининг бир неча луғавий маъноси мавжуд: муъжиза, ибрат, ажойиб иш, белги, аломат, ҳарф ва сўзлар жамоаси ҳамда Аллоҳ таолонинг қудрати далилини англатади.

Қуръони Каримдаги энг қисқа оятлар „Тоҳа“ ва „Ёсин“, энг узун оятлар Бақара сурасидаги „Қарз олди-берди“ оятидир.

Оятларнинг 63 фоизини Маккада, 37 фоизини Мадинада нозил бўлган оятлар ташкил этади. Яъни маккия оятлар 4780 та, мадания оятлар 1456 та, жами бўлиб 6236 оят.

„Сура“ сўзи луғатда қўрғон, манзил ва шараф маъноларини англатади. Бошқача қилиб айтганда, Қуръони Карим оятларининг қўрғон ила ўралгандек бир тоифасига сура дейилади.

Қуръони Каримдаги энг қисқа сура „Кавсар“ сураси бўлиб, уч оятдан, энг узун сура „Бақара“ сураси бўлиб, 286 оятдан иборат.

*Қуръони Карим шундай китобки, унинг ҳақлигига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Унда ҳамма нарса очиқ-ойдин, аниқ-равшандир.*²

Одамлар бир миллат эдилар. Бас, Аллоҳ хушхабар ва огоҳлантириш берувчи набийларни юборди ва уларга одамлар ўртасида улар ихтилоф қилган нарсаларда ҳукм қилиш учун ҳақ китоб туширди. У тўғрисида ихтилофни, очиқ ҳужжатлардан келгандан сўнг, кимга берилган бўлса, ўшаларгина ҳаддан ошиб қилдилар. Иймон келтирганларни ҳақ тўғри-

¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Хилол. 1- жуз. Т.: „Шарқ“, 2008, 5- бет.

² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Хилол. 1- жуз. Т.: „Шарқ“, 2008, 15- бет.

сида ихтилоф қилган нарсаларида Аллоҳ ўз изни ила ҳидоятга солади. Аллоҳ кимни хоҳласа, тўғри йўлга бошлайди.

„Бакара“ сураси, 213- оят.

Ш а р ҳ.¹ Аслида, инсон Одам Ато ва Момо Ҳаво ҳамда уларнинг фарзандларидан иборат бир уммат эди. Бир оиланинг аъзолари эдилар. Аста-секин кўпайиб бордилар. Уларнинг кўпайишлари билан бирга, фикр-мулоҳазалари ҳам, ихтилофлари ҳам кўпая борди. Чунки ҳар кимнинг ўз табиати, ўз қизиқиши бор.

Ҳар ким ўз шароити ва ҳолатидан келиб чиқиб фикр баён қилади. Ҳар кимнинг фитратидаги хусусият бу. Чунки ер юзининг ободлигини Аллоҳ шу турли-туманлик, шу тортишувларга боғлиқ қилиб қўйган. Ҳамманинг фикри, табиати, истаги бир хил бўлганда эди, ер юзи обод бўлмасди...

Демак, одамлар ўртасида ихтилоф, келишмовчилик чиқди. **Осудалик** бузилди. Ҳар ким ўзини ҳақ деб билмоқда. Бундай вазиятда ким ҳақ эканлигини қаердан биламиз?

Одамларнинг ўзларига қўйсақ, ҳар ким ўзиникини маъқуллайди. Ва ихтилоф ҳам янада кучаяди. Агар улардан бир гуруҳларини танлаб олиб, ўша танланганларга топширсак, улар ҳам одам. Ҳар қанча ақлли бўлсалар-да, барибир, уларда ҳам бошқа одамлардаги заифликлар бор. Бир кунмас бир кун аданлади. Заифлиги туғиб, бир тарафга ён босади.

Ёки ҳамма нарсани қамраб олувчи илмга эга бўлмайди. Нафси заифлик қилиб, пора олиши мумкин. Ўз қавми чегарасидан чиқа олмай қолиши мумкин ва ҳоказо минглаб сабаблар борки, улар бир йўлда тўсиқ бўлиб, ишни бузиши аниқ.

Демак, „Бундай ихтилофларнинг қайсиси тўғри, қайси чегарагача ихтилоф қилса бўлади?“ каби саволларга жавоб бериш учун ихтилоф қилаётганларда устун турувчи,

¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 6- жуз. Т.: „Шарқ“, 2008. Бундан кейинги китобларда ҳам барча оятлар шарҳлари айнан шу манбадан олинган.

инсондаги бор заифликдан таъсирланмайдиган ҳамма нарсани қамраб олувчи илм эгаси, ҳеч нарсага ҳожати тушмайдиган, беками кўст, тамадан холи, нуқсонсиз, баркамоллик сифатига эга бир зот керак бўлади.

Ана ўша зот Аллоҳ таолонинг Ўзи! У ҳамма нарсани билувчи зот, шунинг учун ҳам ўзи яратган бандалари ихтилоф қилган ва қилаётган масалалар ҳақида қандай ҳукм чиқаришни Ўзи билади. Аллоҳ юборган Пайғамбарларнинг биринчи вазифаси мўминларга хушxabарларни ва кофиру осийларга огоҳлантиришни етказишдир. Мўминларга савоб, ажр ва жаннатнинг хушxabарини етказадилар. Кофирларга эса, азоб, уқубат ва жаҳаннамнинг хабарини бериб, огоҳлантирадилар.

Шу билан бирга, энг муҳими — одамлар ўртасида улар ихтилоф қилган нарсаларда ҳақ китоб билан ҳукм қилиб, ҳақни ҳаққа, ботилни ботилга ажратадилар. Адолатли ҳукм чиқарадилар. **Осудаликни таъминлайдилар.** Ҳақ китобнинг ҳукми ҳақ бўлади. Бошқа ҳеч қандай нарса, ҳеч кимнинг ҳукми ҳақ бўла олмайди.

Ҳақ китоб Аллоҳнинг бандалари орасида адолат билан ҳукм қилиб турса ҳам, одамлар ўзларидаги айб туфайли йўлдан озиб, турли мусибатларга дучор бўлиб турадилар. Чунки ҳавои нафслари уларга голиб келиб, бепарволик қилиб, турли игволарга учраб, Аллоҳ туширган ҳақ китобдан узоқлашиб, унинг таълимотларига амал қилишдан бош тортадилар. Ҳасад, тама, ҳирс ва ҳавои нафс уларни Аллоҳ туширган ҳақ китоб ҳақида ҳам ихтилофга солади. (1- жуз, 202- бет).

Ҳа, Одам алайҳиссалом замонидан бери инсонлар ўртасида можаро бор. Оилада, кўчада, жамиятда — ҳамма жойда. Баъзилар ҳамма нарсадан норози, отадан ҳам, онадан ҳам, жамиятдан ҳам, ҳаётдан ҳам, кўни-кўшнидан ҳам. Ана шу норозиликларнинг ўзи осудаликни бузадиган, унга кушанда бўладиган хавфлардан ҳисобланади.

Аллоҳ ўз пайғамбарининг ва мўминларининг устига хотиржамликни туширди ва уларга тақво калимасини (яъни

„Ла илаҳа иллаллоҳ“ни) лозим қилди. Улар ўша (калима) га жуда ҳақли ва аҳил эдилар. Аллоҳ барча нарсани билувчи зотдир.

„Фатҳ“ сураси, 26- оят.

* * *

Аллоҳ Росулига ва мўминларга ўзининг таскини (хотир-жамлиги)ни нозил этди ҳамда сизлар олдин кўрмаган лашкарлар (фаришталар)ни туширди ва кофир бўлганларни азоблади. Бу кофир кофирларнинг жазосидир.

„Тавба“ сураси, 26- оят.

* * *

(Эй, Муҳаммад) эсланг, **Иброҳим** айтган эди: „Эй, Раббим! Бу шаҳарни (яъни Маккани) тинч қилгин, мени ва авлодларимни санамларга сизгинушдан йироқ қил.

„Иброҳим“ сураси, 35- оят.

* * *

Ёмонликлар макрини қилганлар ўзларини ер ютишидан ёки сезмаган тарафларидан азоб келиб қолишларидан хотиржаммилар?

„Наҳл“ сураси. 45- оят.

Шарҳ. Иймон келтирмай, макр ила ёмонлик қилиб юрганлар нимага ишониб юрибдилар? Иймон келтирганлар Аллоҳга ишониб юрибдилар.

Улар куфр келтираётган, исён қилаётган зотлари ким эканлигини биладиларми ўзи?

Улар Аллоҳ таолога, ҳаммадан қудратли зотга куфр келтирмоқдаларми?

Қудрати чексиз Зотга исён қилаётган экан, агар Аллоҳ хоҳласа, уларни бир зумда ерга юттириб юбориши мумкин. Ерга бир амр этса, кифоя, уларни ютиб юборди.

Ибрат учун баъзи жойларда тез-тез зилзила бўлиб, одамларни ер ютиб туриши бунга мисолдир.

Ёки кутилмаган томондан азобга дучор бўлишлари ҳам жуда осон. Бундай ишлар ҳам тез-тез такрорланиб турибди-ку!

* * *

Аллоҳ баъзингизни баъзингиздан афзал этган нарсаларни (ҳасад ила) орзу этманг... Аллоҳдан фазлни сўранг. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчи зотдир.

„Нисо“ сураси, 32-оят.

Шарҳ. Ояти каримада афзаллик ва фазл нимадан иборат эканлиги очиқ айтилмай, умумий ҳолда қолдирилган. Буни Қуръоний усулга кўра, ҳар ким ўз фикри, идрокига яраша тушуниб олаверади.

Фазл сиҳат-саломатликда, мансабда, молу пулда, хотиржамликда, ҳилмда, обрў-эътиборда бўлиши мумкин. Инсон кўп жиҳатдан Ўзидан афзал шахсни кўриб, унга ҳасад қилса, нима учун фалончига бўлди-ю, менга бўлмайти, деяверса, жамиятда ўзаро адоват, бир-бирини кўролмаслик каби ижтимоий дардлар авж олади, охири бориб, ундай жамият ҳам, унинг аъзолари ҳам ҳалокатга учрайди.

Шунинг учун Аллоҳ таоло мусулмонларни бу оғир гуноҳдан қайтариб: „Аллоҳ баъзингизни баъзингиздан афзал этган нарсаларни (ҳасад ила) орзу этманг“, демоқда.

* * *

Эй Муҳаммад, ота ва болаларга (яъни одам ва зурриётларига) қасамёд этурманки (3-оят), ҳақиқатан, инсоини машаққатга яратдик (4-оят).

„Балад“ сураси, 2 — 3-оятлар.

Шарҳ. Аллоҳ таоло башариятнинг Отаси Одам алайҳиссалом билан ва унинг иймонли, тақволи фарзандлари билан қасам ичмоқда.

Бу билан келгуси гапни таъкидлаш мақсад бўлса ҳам, Одам алайҳиссалом у кишининг солиҳ фарзандларини ша-

рафлаш мақсади ҳам йўқ эмас. Кофир ва осий фарзандлар бу шарафга лойиқ эмаслар.

Дарҳақиқат, бошқа махлуқотларга нисбатан инсоннинг бу дунёдаги ишлари машаққат ила қўчади.

Саҳобалардан Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос бу маънонинг шарҳида: „Унинг ҳомилада бўлиши ҳам, туғилиши ҳам, эмиши ҳам, кўкрақдан ажратилиши ҳам, яшаши ҳам, ҳаёти ҳам, ўлими ҳам ўзига яраша машаққатли бўлади“, деган эканлар.

Баъзи муфассирларимиз: бу ояти каримада Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва мусулмонларга уларнинг дину диёнат йўлида кўраётган азоб-уқубатлари ва машаққатларига тасалли бериш бор, дейдилар. Яъни уларга ўзингизга етган машаққатлардан маҳзун бўлиб, тушкунликка тушманглар, инсон ўзи ким бўлса ҳам, бу дунёда машаққат тортиши бор, деган маънодаги тасалли бериш бордир.



*„Киши биродари учун ҳикматли сўздан
афзалроқ нарсa ҳадя қилолмайди. Чунки шу
ҳикмат сабабли Аллоҳ таоло уни тўғри йўл-
га солиб қўяди ёки ёмон йўлдан қайтаради“.*

Ҳадисдан



ҲАДИСЛАРДА



ҲАДИСИ ШАРИФ

Ҳадис — Қуръони Каримдан кейин турадиган Ислом шариатининг асосий манбаларидан иккинчиси ҳисобланади. Пайғамбаримизнинг ҳикматли сўзлари йиғиндисидан иборат бўлган ҳадислар айрим бир масалаларнигина ўзида акс эттирган ғоялар, таълимотлар йиғиндиси эмас, ҳадисларни қомусларнинг қомуси, ҳикматлар ҳикмати, инсоният ақл-идроқи, тафаккури ва фалсафий фикрларининг дурдонаси, гавҳари деб олий даражада таърифланишининг боиси, уларда Сарвари Коинотнинг сифатлари ва гўзал одоБ-ахлоқларининг фавқуллода теран ва мукаммал ифодаланганлигидир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўзлари, қилган ишлари ва ул зот томонидан маъқулланган бошқа кишиларнинг ишлари Ислом динида **суннат** деб аталади. Шу уч ҳолни ифода этувчи ривоят матнлари (иборалари) **ҳадис** деб номланади. Шунинг учун Қуръони Карим — Аллоҳ таолонинг сўзи, ҳадис эса, Росулulloҳ сўзлари деб умумий ҳолда таърифланади. Ҳадис тушунчасидан „ҳадиси қудсий“ тушунчасини ажратмоқ зарур.¹

Ҳадиси шарифларни йиғиб, китоб шаклига келтириш, асосан, пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг вафотларидан кейин амалга оширилган. Бу шарафли иш ҳижратнинг учинчи асрига келиб кенг қулоч ёйган. Ислом оламининг ўша пайтдаги маданий марказларидан саналган Боғдод, Куфа, Басра, Дамашқ, Бухоро, Самарқанд, Урганч, Термиз каби шаҳарларда ҳадис фани билан шуғулланувчи муҳаддислар кўп бўлган.

Улар ҳадис тўпламларини тузишган. Улар ичида энг ишончли манба саналганлари олтита бўлиб, буларни:

- **Имом Бухорий** (810 — 870);
- **Имом Муслим** (817 — 875);

¹ **Ҳадиси қудсий** — бу оят билан ҳадис ўртасидаги мартабага эга ривоят.

- **Имом Абу Довуд** (817 — 888);
- **Имом ат-Термизий** (831 — 932);
- **Имом ан-Насоий** (830 — 915);
- **Имом Можжа** (824 — 886)лар тузишган.

Бу буюк муҳаддисларнинг тўрт нафари туронзаминлик бўлгани билан бутун ислом дунёси миқёсида фахрлансак арзийди. Фақат имом Бухорийнинг ўзлари жами 600 минг ҳадис туплаб, шулардан 100 минг „Саҳиҳ“ (энг ишончли деб ҳисобланган ҳадисларнинг покиза сифати) ва 200 минг „Ғайри саҳиҳ“ ҳадисларни ёд олганлар.

* * *

*Тангридан авф ва офият (хотиржамлик) сўранглар.
Чунки ҳеч бирларингиз иммондан кейин офиятдек неъматни тополмайсизлар.*

* * *

*Эй инсон фарзанди! Хузурингда ўзинга кифоя қил-
гудек нарса бўлатуриб, туғёнга (ҳаддан ошишга)
олиб борадиган нарсани сўрайсан. Эй инсон фарзанди!
На озга қаноат қиласан ва на кўпга тўясан. Эй инсон
фарзанди! Тани жонинг соғ ҳолда тонг оттираётган
бўлсанг, тинч, хотиржам ва бир кунга етарли еми-
шинг бўлгандан кейин қолган дунёга парво қилма!*

* * *

Аллоҳдан хотиржамлик сўраб, кўп дуо қилинглар.

* * *

*Эй Парвардигор, мен сендан ғам-ташвишдан, ха-
фаликдан, ожизликдан, дангасаликдан, бахилликдан,*

қўрқоқликдан, қарздорлик ва хорликдан паноҳ тилайман.

* * *

Эй Парвардигор! Мени илм билан бойит, ҳилм билан безатгин, тақво билан муқаррам этгин ва хотиржамлик билан гўзал қилгин.

* * *

Аллоҳ ғам-ташвишли одамларга ёрдам берадиганларни дўст тутади.

* * *

Тинчлик ва хотиржамлик икки улуғ неъматдирки, бундан кўп одамлар маҳрумдирлар.

* * *

Тадбиркорлик — турмушнинг ярмига, дўстлашиш — ақлнинг ярмига, ғам-ташвиш — кексаликнинг ярмига тенг. Аҳли аёлнинг озлиги эса, икки хил бойликнинг биридир.

* * *

Тарки дунё қилиш — қалбни ва баданни тинчлантиради, унга рағбат ва муҳаббат қўйиш эса, ғам-ташвишни кўпайтиради. Ишсизлик инсонни тошбағир қилади.

* * *

Мусибат етганда сабр қилувчи, берилган неъматларга шукр қилувчи, бировларнинг қилмишини кечи-

рувчи, ўзи бировга зулм етказса, тавба қилувчи ки-
шиларга хотиржамлик ва ҳидоят ато этилур.

* * *

Кимики дуоларим ижобат бўлсин, ташвишларим
бошимдан арасини деса, камбағаллар ҳолидан хабар
олсин.

* * *

Кимнинг хулқи ёмон бўлса, у ўзини азобга гирифтор
қилади. Кимнинг ташвиши кўпайса, бутун танаси
дард тортади. Кимки одамлар билан жанжаллашиш-
га одат қилса, обрўси ва мурувватидан ажралиб қо-
лади.

* * *

„Ла ҳавла вала қуввата илла биллаҳ“ калимаси 99
дардга даво бўлиб, уларнинг энг энгили ғам-таш-
вишдир.

* * *

Инсоннинг атрофида 99 хил ажал айланиб юради.

* * *

Уч неъмат қадрига уч тоифа одам етади:

- ёшлик қадрига — қариялар;
- саломатлик қадрига — беморлар;
- хотиржамлик қадрига — ғам-ташвишли одамлар.

* * *

Кимнинг ғами кўпайса, бадани касалланади.

* * *

Инсон фарзанди яратилганда ёнида 99 та ўлим сабаблари ҳам бирга яратилади. Агар шу ўлимлардан халос топиб яшасагина унга қарилик насиб этади.

* * *

Эй, одам боласи, сенинг дунёдаги мисолинг (дунёнинг ҳаловатини, унинг сенга кўрсатадирган макр-хийласи) асалга пашша тушиши кабидур. Агар у асалга қўнса, ҳалок бўлади. Шундай экан, бошқа одамларнинг манфаати учун ўзини куйдирадиган ўтинга ўхшамагин.

* * *

Хотиржамликдан кўра гузалроқ яхши нарса йўқ.



*„Мен мақоллардан жуда кўп нарсани,
бошқача қилиб айтганда, лўнда фикрлашни
ўрганганман“.*

М. ГОРЬКИЙ



МАҚОЛЛАРДА



„Мақоллар улкан маънонинг уч-тўрт
оғиз сўз билан ифодаланган шаклидир“.

Т. Фуллер

МАҚОЛЛАР

„Мақол — бу ҳаётий тажриба асосида халқ томонидан яратилган, одатда, панд-насиҳат мазмунига эга бўлган ихчам, образли ва ҳикматли ибора, гап“, дейилган „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“да. Бошқача айтганда, мақол — бу ўта донолик, ақл-заковат билан оқилона айтилган, „мих-лаб қўйилган“, ўзгартириб бўлмайдиган чуқур маъноли гапдир. Мақолларни „Ҳаёт қомуси“, оғзаки энциклопедия, ўзига хос бир бадиий-тарихий солнома дейиш мумкин. Улар кишиларнинг ақлини ўткирлаштиради, нутқини равшан ва таъсирчан қилади, ҳаётда тўғри йўлни танлай билишга, ҳаётий жумбоқлар ва муаммоларни тўғри ечишга ўргатади, турмушнинг жамики катта-кичик масалалари хусусида қимматли маслаҳатлар беради.

Доно фикрни, ўткир ҳақиқатни, теран мазмунни, сўз хазинасининг дуру жавоҳирларини ўзида мужассам этган ранг-баранг мақоллар нутқимизнинг экспрессив (яъни таъсир этувчи, ҳис-ҳаяжон уйғотувчи) воситалари орасида энг таъсирчан, энг эсда қолувчи, кишини ўйлашга, фикр-мулоҳаза юритишга беихтиёр мажбур қилувчи кучга эга.

Мақолларнинг кишилиқ жамияти ва ҳар бир инсон ҳаёти учун нақадар қимматли аҳамиятга молик эканлигини жаҳон донишмандлари қадим-қадимдан эътироф этиб, қайта-қайта уқтириб келганлар.

Қуйида осудалиқ, хотиржамлик, ғам-ташвиш, тинчлик ҳақида айтилган мақолларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.¹

Қайғу қаритар, ғам ўлдирад.

Халқнинг тиббий қарашларини ифода этувчи бу каби мақолларда уқтирилишича, киши асабини сақлаши, бў-

¹ Каранг: Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати. Т.: УСЭ, 1990 (Туркумдаги барча китобларда тегишли равишдаги ҳикматлар айнан шу китобдан олинган).

лар-бўлмасга қайғуриб, куюниб, хафа бўлавермаслиги, хушчақчақ яшашга ҳаракат қилиши зарур. Негаки, ғам, қайғу, хафалик — умрнинг заволи, турли касалликларнинг сабабчисидир: „Умрни иш эмас, ғам емиради“; „Элни ихтилоф бузар, Дилни — изтироб“; „Дард томирни ейди, Ҳасрат — умрни“; „Одамни ғам чиритар, Темирни — нам“; „Темирни занг ейди, Эрни — ғам“; „Куя кийимни ейди, Ғам — одамни“; „Кўп қайғурдим — сил бўлдим, Кўп ялиндим — қул бўлдим“; „Ўринсиз ғазаб — ўзингга азоб“; „Ғам юки тоғдан оғир“; „Қаҳри борнинг — заҳри бор“; „Кишини ёши қаритмайди, вақт қаритади“; „Иссиқ чўпни қуритар, Қайғу эрни қаритар“; „Ўтда ёнган — қуяди, Ғамда ёнган — ўлади“; „Ўйласанг — қайғу кўп, Ўйламасанг — қайғу йўқ“; „Кўп учун йиғласанг, Кўздан ажрайсан“; „Қайғуни кўз ёши юволмас“; „Кўз ёш — қайғуга йўлдош“; „Қайғу — фойдасиз, Йиғи — ёрдамсиз“; „Беҳуда ўйларга йиғламоқ — Соғ юракни доғламоқ“; „Беҳудага йиғлаганинг — юрагингни доғлаганинг“; „Бекорга кўз ёшламоқ — Жафо билан ўйнашмоқ“; „Қайғуни қайғурувчига бер“; „Ғамингни дўстингга айтма — кўпаяди, Душманингга айтма — суюнади“; „Одамни умид ёшартади, ғам қақшатади“; „Жаҳл қаритар, кулги ёшартар“; „Жаҳл — душман, Ақл — дўст“; „Жоҳилликдан жон чиқар, Қотилликдан — донг“; „Бугунги жаҳлингни эртага қўй“; „Ғам ортидан ғам юради“; „Ғам келдими эшигингни оч“; „Ғам егунча, нон е“; „Бу дунё ғамхонадур, Ғам еган — девонадур“; „Ғам ема, ҳам Беғам бў(л)ма!“; „Чап кўзинг йиғлаганда, ўнг кўзинг кулиб турсин“; „Табассум тошни эритади“; „Кўнгил яйраса, қовурғага жир битади“; „Айиқни енган — чала ботир, Аччиқни енган — тўла ботир“.

„Садир ака, ўзингизни бундай қийнамаганг, „Занг — темирни, қайғу, армон — кишини адо-ю тамом қилади“ (*Шухрат*, „*Балогат*“). „Ғам ортидан ғам юради“ дегандек бўлди. Мирҳожибой қочиб кетгандан кейин Дилдор билан бувиси негадир ётиб қолишди“; „— Отамнинг мазаси йўқ, ўсалаяпти, — деди Эрали уҳ тортиб... — Ғамни оҳ-воҳ билан енгиб бўлмайди, ука!“ — деди Мелиқул насиҳат қилиб (*Ё. Шукуров*, „*Қасос*“).

Бу дунёнинг Кувончи ҳам, Дарду ғами — Зиёда.
Аммо Ғамдан қочмоқнинг ҳам тадбири кўп дунёда.

Э. Воҳидов, „Рухлар исёни“

Душманинг бўлса ҳам, ўзидан тинчисин.

Бу мақолнинг замирида икки маъно ётади: 1. „Оламда ҳеч кимнинг бошига кулфат, ғам-ситам тушмасин, ҳар бир инсон (хоҳ дўсту, хоҳ душман) тинч ва осойишта яшасин“ деган эзгу ният. 2. „Душман ўзидан тинч бўлса, сенга кўз олайтирмайди“. Дўстлар ҳам кўрсатмасун ҳаргиз жудолик дардини, Душманинг бўлса, ўз ғамхўридин айрилмасун. (*Муқимий*)

Жони борнинг — ғами бор.

Бошига тушган қийинчиликдан, ғам-ташвиши кўплигидан нолийдиган одамга қарата „Кўйинг, кўп азият чекаверманг, ҳар кимнинг ҳам ўзига яраша ғами, ташвиши бўлади. Бусиз илож йўқ. Ҳаётнинг ўзи шуни тақозо этади“, деб тасалли берганда айтадилар.

Ичдан ўтади — иштон билади.

„Ичимдан ўтганни сиртим на билсин?“. Бу мақоллар билан: „Ҳар кимнинг ғам-ғуссаси, дард-алами ўз ичида бўлиб, буни унинг ўзигина яхши билади, бунинг ташвишини, қийинчилигини, азоб-уқубатини ўзигина тортади. Бировнинг ғамини биров ичига ютиб, уни бу ғамдан халос қила олмайди“, дейилмоқчи. Бу ўринда „Тани бошқа — дард билмас“ мақолини эслашнинг ўзи ҳам кифоя.

Кўнгил ўрнида бўлса, жон жойида бўлади.

Кишининг кўнгли ҳамма нарсадан хотиржам бўлса, жони ҳам жойида бўлади, яъни қийналмайди, азоб-уқубат чекмайди, роҳатда-фароғатда яшайди. Шунинг учун ҳам қариялар олқиш-дуоларида: „Тансиҳатлик, хогиржамлик бўлсин!“ деб эзгу тилак билдирадилар.

Кўнгилсиз гапнинг кечиккани яхши.

Кўнгилсиз гап — ёмон, шум хабар (масалан, ўлим, уруш, ҳалокат, фалокат тўғрисидаги хабар) бўлиб, у ҳар

қандай кишининг тинчлигини бузади, ҳаловатини йўқотади, асабини қўзғайди, дард-ҳасрат келтиради, азоб-укубатга солади. Мазкур мақол билан: „Кўнгилсиз гапни киши авваламбор эшитмагани маъқул. Эшитган тақдирда ҳам, кечроқ, кейинроқ эшитгани маъқул, дейилмоқчи. „Кўнгилсиз гап — юракка ҳанжар“.

Қозони бошқанинг — қайғуси бошқа.

„Тутуни бошқанинг — туйнуғи бошқа“. Бу мақоллар билан: „Ҳар ким ўз тирикчилиги, ғами, ташвиши тўғрисида қайғуради, елиб-югуради. Бировнинг қайғусини биров тортмайди“, дейилмоқчи.

Туя устида қатиқ ивимас.

Қатиқ бир жойда қимирламай турсагина ивийди. Шунингдек, киши тинч, осойишта, хотиржам бўлсагина қиладиган иши унумли, сифатли бўлади, уйлайдиган фикр ҳам, гапириладиган гап ҳам тайинли бўлади. Мазкур мақол билан мажозан шуни ифода этади.

Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр.

„Ел турса, юнг тўзийди“; „Парнинг бир „пуф“лик ҳоли бор“. Бу каби мақоллар камбағал, бева-бечораларга, ожизларга, тирикчилигини зўрға „кўл учида“, бир амаллаб ўтказадиган одамларга ташбих этилган ва унда „Замона нотинч бўлса, офат юз берса, очарчилик, қийинчиликлар бошланса, ўзига тўқ, „кўли узун“, эътиборли бой ва амалдорлар бир оз қийинчиликка йўлиқишлари мумкин, аммо камбағал, бева-бечораларнинг шўри қурийди“, демоқчи бўлинган.

Тўқайга ўт кетса, хўлу қуруқ баравар ёнади.

„Қуруқнинг ўтига хўл қуяр“; „Қуруқ шохнинг оловига хўл шох ҳам ёнар“; „Гуноҳлининг ўтига бегуноҳ ёнар“. Бу мақоллар билан: „Замона нотинч бўлса, уруш бошланса, офат-фалокат рўй берса ва ҳ. к. ҳамма баравар азият чекади, зиён-заҳмат кўради, бало-қазога гирифтор бўлади“, дейилмоқчи.

Ўқларинг кўнглумга тушгач, куйди ҳам кўз, ҳам бадан,
Ким куяр ўлу куруғ чун найистонга тушти ўт.

Алишер НАВОИЙ

Беғалва бош — бош эмас.

Ишлари ва ташвишлари кўплигидан, боши ғалвадан чиқмаётганидан куюнувчи, ҳасрат қилувчи одамларга: „Бундан хафа бўлманг, ҳамманинг бошида ҳам шундай ғалва бор, ғалвасиз бош ҳам бош эканми?“ деб тасалли берилганда шу мақол айтилади.

Изоҳ талаб қилмайдиган мақоллар:

Ҳинд мақоллари

Агар сен севсанг, агар сен сиғинсанг, агар сен қийналсанг, демак, сен инсонсан.

* * *

Умид — катта (бўлса) ташвиш манбаи, умиддан озод бўлиш — буюк хотиржамлик манбаи.

* * *

Зирапчани, қимирлаган тишни, ёмон маслаҳатчини илдири билан кўпориб ташлаш керак — бу хотиржамликнинг шартини.

* * *

Ким ғалаба ва мағлубиятдан воз кечса, у хотиржам ва бахтлидир.

Яҳудий халқ мақоллари

Агар осмондан тош ёғилса, у, албатта, камбағалнинг бошига тушади.

* * *

Ҳамма қийинчиликлар бартараф бўлсин, деб дуо қилма, йўқчилик тугаши билан ҳаёт ҳам ниҳояланади.

*„Афоризмлар — ихчам шаклдаги доно-
лик, фикр ва туйғулар жавҳари“.*

У. ОЛЖЕР



ДОНОЛАР БИСОТИДА



„Лунда ҳикматли сўзлар кишиларнинг миясига сингиб қолади, илдиз отиб гуллайди, ҳосил беради ва ҳамиша таъсир кўрсатиб боради“.

Ф. Боденштед

АФОРИЗМЛАР

Турли давр ва халқларга мансуб буюк зотлар томонидан айтиб кетилган энг доно ўғитлар, энг ёрқин истиоралар ва фавқулодда афоризмларни бир саҳифага жамлаш ниҳоятда мушқул иш. Уларда яширинган аллақандай қудрат ўша фикрларни бир-бири билан баҳслашишга, мусобақалаштиришга, бир-бирини орқага қолдиришга мажбур этади.

99 та китобдан иборат ушбу туркумда фақат олис ўтмиш донишмандларининг фикр-мулоҳазалари эмас, балки улардан сўнги ва ҳозирги замондаги олиму уламо-лар ва шоиру ёзувчиларнинг ҳам фикр-мулоҳазалари келтирилган. Шу тарзда „афоризмларнинг пайвандланиши“га эришилган. Зеро, бурунги ўтмишларимиз яратган оқилона дурдоналардан фойдаланилмай туриб, келажакимизга назар ташлаш мумкин эмас.

Инглиз давлат арбоби, журналист, танқидчи Ж. Морлейнинг (1838 — 1923) таъбири билан айтганда:

„Ҳикматли сўз ва афоризмлар чинакам ҳаётий донишмандлик ва адабиётнинг маъзи эканини, ҳикматли сўз ва афоризмларга бой китобларгина кўпроқ наф беришини унутмаслик керак: одамлар китоб ўқиётганда, асосан, шу ҳикматли сўзларни излашлари зарур“.

И. Гёте эса, иложи бўлса, ҳар куни истаган бир ҳикматли сўзни ўзлаштириб олмоқ зарур, чунки улардан ҳар бир киши ҳаёт учун фойдали жуда кўп фикрларни топиши мумкин, деб айтган.

Чех халқларвар педагоги, жамоат арбоби Я. Коменский (1592 — 1670):

„Донолар бисотини ўрганиш бизни юксакликка кўтариб, қудратли ва омижаноб инсонга айлантиради“, — деган фикрни айтган.

Шунга риоя қилинган ҳолда ушбу Бош китобда доноларнинг фақат осудалик, хотиржамлик, тинчлик ҳақидаги фикрларини келтирдик.

ОСУДАЛИК ҲАҚИДА

Вазиятга мослашиш ва ташқи даҳшатларга қарамасдан, осойишталикни сақлаш энг юксак инсоний душманликдир.

Д. Дефо

* * *

Майда-чуйдаларни деб осудалигингизни йўқотманг. Ёдда тутинг! Ҳаёт жуда қисқа, у „эркалик“ни кўтармайди.

Дейл Карнеги

* * *

Оқил одам уч нарсани ёдда тутиши ва осудалигини таъминлаши лозим: 1) дунёнинг фонийлигини; 2) ундаги аҳволларга қараб иш юритишни; 3) унинг офатларидан ҳеч ким қочиб қутила олмаслигини.

Ибн Мисковайх

* * *

Тўқ ва осойишта яшаш тўғрисида уйлайдиган одам олим бўлишга лойиқ эмас.

Конфуций

* * *

Инсоннинг ҳақиқий кучи унинг шиддатида эмас, балки собит осойишталигидадир.

Л. Толстой

ТИНЧЛИК ҲАҚИДА

Соғ-саломатлик, яхши маишат, самимий дўст ва меҳрибон хотинга эга бўлган одам умрини тинч ва фароғатда ўтказди. Шундай бахтиёрликка етишиш учун ғайрат қилиш лозим.

Абдураҳмон Жомий

* * *

Тинч ва хотиржамлик билан ичилган ёвфон умоч, хижолат ва машаққат билан ейилган қандли қулчадан яхшироқ.

Алишер Навоий

* * *

Бу дунёда инсон ўз меҳнати, ақл ғайрати билан қўп нарсага эришиши мумкин. Бойликка ҳам, шон-шуҳратга ҳам, илмий-ижодий кашфиётларга ҳам, фақат бунинг учун, аввало, инсоннинг уйида, маҳалла-қўйида, юртида, қисқача айтганда, одамнинг қўнглида тинчлик-хотиржамлик ҳукм суриши керак.

Ислом Каримов

* * *

Мен бу дунёни тинч қўриб турганимдан бахтиёрман.
„Ремарк“ асаридан

* * *

Одам учта нарсанинг қадрини доим кечикиб билади:
Ёшлик, Соғлиқ, Тинчлик.

Уткир Ҳошимов

ХОТИРЖАМЛИК ҲАҚИДА

Кўзингизни ҳаётда катгароқ очинг, улаётиб хотиржам юмасиз.

Алоуддин Башир

* * *

Ўзидан хотиржамлик ажиб бир нарсаки, зеро бу ўз қобилияти нималарга қодирлигини биладиган киши фазила-тидир.

Т. Гоббс

* * *

Дунёдаги энг яхши докторлар — доктор тўғри Овқат-ланиш, доктор Хотиржамлик, доктор Шодликдир.

Жонатан Свифт

* * *

Ҳалол, покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бировга хиёнат ва ёмонлик қиладиган киши эса, нотинчлигу ҳалокатга гирифтормир.

Замахшарий

* * *

Лайлак ҳам хотиржам бўлсагина бир оёқда туради.

Ислом Каримов

* * *

Агар одам ўз-ўзидан хотиржамлик топмаса, у ҳеч қерда хотиржам бўлолмайди.

Ларошфуко

* * *

Барча юкни тортдим, бурчдан огирроқ юк кўрмадим ва барча лаззатни тотдим, офиятдан (хотиржамликдан) чуқурроқ шарбат топмадим.

Луқмони Ҳаким

* * *

Тинчлик, хотиржамлик, саломатлик ва ҳақиқат ҳукм суриб турган ҳаётни севмаслик ношукрликдир.

Мамаюнус Пардаев

* * *

Элга хотиржамлик келтирган одам
Ўлгач, тупроқ ичра ётар хотиржам.

Саъдий

* * *

Тубида руҳ комиллиги ётган хотиржамликкина чинакамдир.

Сенека

* * *

Адолатнинг энг буюк меваси — хотиржамлик.

Эпикур

* * *

Ховлиқмаларни кўпам ҳурмат қилмайдилар, фақат хотиржамлик ҳурматга сазовордир.

Сталь

* * *

Бу дунёю, у дунёда хотиржам бўлишни хоҳласанг, иккита қоидага риоя қил: дўстлар билан олий ҳиммат, душманлар билан вазмин бўл.

Ҳофиз Шамсиддин Муҳаммад

* * *

Энди менга умр эмас, хотиржамлик керак. Аллоҳ фарзанд, неvara доғини кўрсатмаса бўлди.

Шукрулло

ҒАМ ҲАҚИДА

Ҳар бир инсон ўз турмушини ўзининг қувонч ва қайғулари пойдеворида барпо этади.

Албер Камю

* * *

Йўқ нарсага қайгурмайдиган одам доно эмас, аксинча, борига қувонадиган одам донолир.

Демокрит

* * *

Уч нарса дунёнинг хурсандчилигига асосдир: 1) тақдирга тан бериб яшамок; 2) тоат билан иш юритмоқ; 3) эртанинг ғамини ўйламаслик.

Ибн Мисковайх

* * *

Бу оламда мен беғам кишини кўрмадим, шундай одамни кўрганимда эди, этагини ушлаб, тавозеъ этардим.

Фаридиддин Аттор

* * *

Буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади.

Ислом Каримов

* * *

Яшаш учун, ҳаёт учун қайғуришни тўхтатсангина
ҳаётингда ҳаловат бўлади.

Сенека

* * *

Уч тоифа одам ғам-ғурбатда ёлғиз бўлмайди; уларга
бўлган иззат-ҳурмат камаймайди: 1) шижоатли киши қа-
ерга бормасин, унинг шижоатига эҳтиёж бўлаверади;
2) олим одам, унинг илмига ва фаҳмига кишилар доимо
ҳожатда бўладилар; 3) ширин сўз, гапга уста одам.

Ибн Мисковайх

* * *

Ғамга бир киши чидаши мумкин, лекин қувончни
икки киши баҳам кўриши керак.

Э. Хаббард

* * *

Қайғу енгилаётган одамни курса, баттар кучга киради.

В. Шекспир

* * *

Маърифатпарварлар, ислоҳотчилар, инсонпарварлар-
дан қандай наф? Вольтер, Юм, Кант. Аслида нимага
эришдилар? Уларнинг барча уринишлари — бефойда ва
бесамар кучанишлар, зеро, дунё — бу дарди бедаволар
касалхонаси.

Шопенгауэр

* * *

Менга ўта мамнун одамни кўрсатинг-чи, мен сизга
толесиз кимсани кашф этиб берган бўламан.

Т. Эдиссон

ТАШВИШ ҲАҚИДА

Кимда хузур-лаззаглар ҳукмрон бўлса, ул одам ўз-ўзидан тубан бўлиб қолади.

Афлотун

* * *

Инсон ҳаётининг маъноси тиниб-тинчимаслик ва ташвишдан иборатлигини тушунган одам калтафаҳмлиқдан қутулган бўлади.

А. Блок

* * *

Бойлик кўпайиши билан ташвиш ҳам ортаверади.

Гораций

* * *

Ҳаётингизда беҳаловатликдан қутилмоқчи бўлсангиз: ўтмиш ва келажакни темир эшик билан ўзингиздан ажратиб қўйинг. Бугунги куннинг доирасида яшанг.

Дейл Карнеги

* * *

Безовталиқнинг асосий сабаби — бу чалкашлиқдир. Ҳаётдаги безовталиқларнинг тенг ярмига етарли билимга эга бўлмай қарор қабул қилишга уринувчи одамларнинг ўзлари сабабчи буладилар.

Дейл Карнеги

* * *

Беҳаловатлик билан қандай курашишни билмаган одам ҳаётдан эрта кетади.

А. Каррель

* * *

Эй, биродар! Дунё ташвишларини қўй! Сен ўз гамингни е! Яхши си, бу сокин ва беғубор дунёга ташвиш келтирмасликни ўйла...

Обиддин Маҳмудов

*„Ҳикматли сўз китоблари ақлнинг
мустақил фаолиятига нафақат тазйиқ
ўтказади, аксинча, мустақил фаолиятга
чорлайди“.*

Л. Н. ТОЛСТОЙ



**ОЛГАН САБОҚЛАРИМ
ВА
ХУЛОСАЛАРИМДА**



„Лунда фикрларнинг афзаллиги шундаки, улар жиддий китобхонни ўзича ўйлашга мажбур этади“.

Л. Н. ТОЛСТОЙ

ҚАЛБИМ УММОНИДАГИ ТОМЧИЛАР

Ҳар бир киши бу ёруғ дунёга келиб, то ундан рихлат қилгунига қадар инсоний бурчини қандай ўташи кераклигидан баҳс очади, сабоқ олади ва сабоқ беради, ўзгаларнинг фикрларини ўрганиш ёрдамида ўз шахсий фикрларини яратишга ҳаракат қилади, ўзини ҳайратга солган ҳар қандай ҳодисадан ҳикмат, сир-синоат излайди, кексалик озиксиз қолмаслиги учун тинимсиз мутолаада бўлади.

Итальян рассоми, ҳайкалтароши ва архитектори Леонардо да Винчи (1452 — 1519) бу ҳақда шундай деган:

„Кексаликнинг озиғи донолик эканини ёдда тутиб, ёшликда шундай ҳаракат қилгинки, кексалик озиксиз қолмасин“.

Немис файласуфи Артур Шопенгауэр (1788 — 1860) эса, юқоридаги фикрларни амалга ошириш йўли ҳақида шундай дейди:

„Кексайганингда ёшликнинг бутун кучини эскирмайдиган асарларда мужассамлаштиришга муваффақ бўлинганини англашдан яхшироқ таскин берадиган нарса йўқ“.

Айтиш жоизки, бу ўта мушкул иш. Масалан, ҳайратланиш учун бир дақиқа кифоя, бироқ ҳайратлантирадиган ёхуд эътиборни ўзига жалб қила оладиган теран гап айтиш учун эса, кўп йиллар керак. Зеро, ҳар қандай ҳикмат ёки битик тафаккурдан, тинимсиз илм олиш, доноларнинг фикрларини ўрганиш эвазига туғилади. Бу ҳақда рус ёзувчиси Н. А. Рубакин шундай ёзади:

„Ўрганиш ўзгаларнинг фикрлари ёрдамида ўз шахсий фикрларини яратиш демакдир“.

Ушбу ҳикматли сўзлар туртки бўлдим, умр бўйи адабиётга меҳр қўйдим. Китоб мутолааси севимли машғулотим бўлди. Нафақага чиққач эса, ўзим ҳам ярим асрдан ортиқроқ давр ичида мазкур туркум таркибига кирган ҳар бир мавзу бўйича ўқиганларим, йиғганларим, ҳаётий кузатмаларим ҳақида қоғоз қоралай бошладим.

Ва ниҳоят, кексалик озуқасиз қолмасин, деб не-не изланиш изтиробларига чулганган кечалар эвазига юзага келган қуйидаги битикларимни битдим ва уни „Қалбим уммонидаги томчилар“ деб атадим.

ОСУДАЛИК ҲАҚИДА

Осуда яшашнинг мазмунини киши руҳининг қувватида деб, биламан.

* * *

Осудалик, хотиржамлик!

Вақтлар келадики, авлодларимиз ана шундай улуғ ва оддий неъматни тушунмаганимизга ҳайрон бўладилар.

* * *

Осудалик ойнинг сувдаги акси каби беқарордир: буни эсда тутиб, доимо меъёрни билинг.

* * *

Кимки ҳаётим ОСУДА ва тинч ўтсин деса:

а) яхшию ёмонликдан унга нимаики етса, аввало, тангри таолодан, қолаверса, ўзидан деб билсин;

б) ҳою ҳавасга берилмасин;

в) ичини ҳасаддан холи тутсин;

г) барчага нисбатан ўзини одил тутиб, бировга инсофсизлик қилмасин.

* * *

Осудаликни сақлашнинг энг муҳим калити ўзимизни майда-чуйдалар билан ҳадеб безовта этмаслик ва айни пайтда толемизга тушган озгина шодликнинг ҳам қадрига ета билишимиздадир.

* * *

Икки нарсага одамлар доимо муяссар бўлишга интиладилар, аммо бу икки нарса доимо муяссар бўлавермайди. Булардан бири осудалик бўлса, иккинчиси саломатликдир.

* * *

Ҳаёт сирларини тушуниш ва англаб етишни удаламай туриб осуда яшашни таъминлаш жуда мушкул.

* * *

Осудаликнинг қадри у йўқотилгандан кейингина билинади.

* * *

„Керагидан ортиғи керакмас“ шиори осудалигимни таъминловчи меъзонимдир.

* * *

Умрим давомида юрагимга осойиш бердим, кўнглимга-чи, хотиржамликни туйдим. Шу боис ҳозиргача гуё қорни туйган гўдак мисоли қалбим ОСУДА.

* * *

Фақат соф, беғубор ва исёнсиз қалбгина осудалигинингизни таъминлай олади, холос.

* * *

Ҳар бир ёруғ кўнга, кичкинагина ютуққа ҳам қувонинг, шукр қилинг. Бу сизга осудалик бахш этади.

* * *

Ҳар ким бир юк, бир ташвиш, бир дард остида яшайди. Ҳол-аҳвол сўрасангиз, биров: „Чидаса бўлади“, дейди, бошқаси „Худога шукр, ҳаммаси яхши“, дейди, учинчиси эса: „Ҳаёт оғирлашиб боряпти“, дейди. Сўнггисининг қалби безовта, ундаги умид сўниқ. Унда тушкунлик устувор. Демак, у осуда эмас. Бунга эса ўзи сабабчи.

* * *

Кўҳна бу дунёда мен ҳам бир йўловчи, сиз ҳам, у киши ҳам. Аммо ҳар кимнинг турмуш тарзи ҳар хил. Шунга қараб хотиржамлик ҳам, осудалик ҳам турли даражада.

* * *

Дунё ажойиб ва улғ зотлар туфайли барқарор ва осуда.

* * *

Бир қарашда бу фоний дунё жуда ҳам осуда кўринади. Ҳамма ўз тирикчилигию ташвиши билан.

* * *

Биз дунёга келганимизда ҳеч ким фақат ёқимли ҳодисаларга дуч келасан, осуда яшайсан, деб кафолат бермаган. Шунинг учун турли хил ҳаёт синовларига оддийроқ муносабатда бўлиш даркор.

* * *

Турмуш тарзи сирларини билишга ҳаракат қилувчи киши осудаликда яшайди.

* * *

Қачонки, назоратсиз ишлашга ўргансак, шундагина осудаликда яшашга эришамиз.

* * *

Барча инсонлар бахтли ҳаёт кечиришни орзу қилдилар-у, аммо осудалик тамойилларига риоя қилиш зарурлигини унутиб, қатор хатоларга йўл қўядилар.

* * *

Осуда ҳаётнинг бесаранжом, беҳаловат одамлари кошқийди данғиллама иморатлар ичра маънан ҳувиллаб қолишаётганини англаб етиша олсайди.

* * *

Биз инсонлар осуда ҳаёт сари интилиб яшар эканмиз-у, ҳеч бир кутилмаганда у қандай бурилиш олишини билмас эканмиз. Бу бизга боғлиқ ёки биз ўзгартиришимиз мумкин бўлган юмуш эмас экан.

* * *

Сув бир маромда оқмагани каби инсон ҳаёти ҳам ҳар доим осуда кечавермайди. Унда қувончли ва қайғули кунлар бўлиши муқаррар. Ойнинг ўн беш куни ёруғ-у, ўн беш куни қоронғи дейилишининг боиси ҳам шунда.

* * *

Куз ешининг таъми бир хилу сабаблари бошқа-бошқа бўлганидек, осудликнинг ҳам, беҳаловатликнинг ҳам сабаблари турличадир.

* * *

Ҳамма нарсани билавериш киши осудалигини бузиши, ҳамма нарсадан хабардорлик ҳам шодликни сундириши мумкинлигини унутмаслик керак.

* * *

Ҳаётга доимо ижобий ёндошадиган кишилар осуда ва узоқ яшайдилар.

* * *

Гоҳида осуда ҳаёт алдамчи ширин тушга ўхшайди, чинакам умр пиллапоялари тўхтовсиз қарама-қаршиликлардан иборат. Уни чидам, сабот билан енгган кишиларгина секин-секин кексалик манзилига етиб боради.

* * *

Осудалик даражаси ғам-ташвиш ва қувончлар нисбатига боғлиқ. Ҳар иккаласини қўшинг. Агар ғам-ташвиш жамига нисбатан 20 фоизни, қувончлар 80 фоизни ташкил қилса, Сиз осуда яшаш сирларини билиб олган бўласиз. Агар бу нисбат 50×50 бўлса, осудаликни таъминловчи қадриятларга ўртамиёна риоя қилгансиз. Агар бу нисбат 80×20 бўлса, унда Сиз қадриятларга риоя қилинишига лоқайд бўлгансиз. Хотиржам эмассиз. Ғам-алам қуршовидасиз. Турмуш тарзингизни ўзгартиринг.

* * *

Ҳовлиқмай, сабр-тоқат, шукроналик билан яшаган ва нафсини тия олган одамнинг умри осудаликда кечади.

ТИНЧЛИК ҲАҚИДА

Осон нарсага ўрганган одам умрининг охиригача нотинч ва қийналиб яшайди.

* * *

Яратганнинг сўроқ-саволини дилига жо қилган киши ҳамиша тинчлик ва хотиржамлик таъмидан баҳраманд яшайди.

* * *

Тинчлик, хотиржамлик — тиллога сотиб бўлмайдиган бойлик. Ҳаётда биринчи тинчлик бўлса, сўнг соғлиқ, сўнг бойлик.

* * *

Вақт ўтган сари инсон учун тинчлик ва хотиржамликнинг қадри ошиб бораверар, унга бўлган истак эса, квадратлашиб борар экан.

ХОТИРЖАМЛИК ҲАҚИДА

Бу дунёда ному насабсиз, молу матосиз, шону шавкатсиз ҳам яшаб ўтса бўлади. Ахир худди шу нарсаларсиз ҳам яшаб ўтаётганлар ёнимизда қанча? Аммо, ишонинг, хотиржамликсиз яшаб бўлмайди.

* * *

Хотиржамлик бўлмаган уйда низо ва келишмовчилик бор жойда ноҳушилик ин қуради, қайғу-ҳасрат, фақирлик келади.

* * *

Муваффақиятсизликни хотиржамлик билан қарши олсангиз, ишингиз юришиб, жами мушкулот сиздан нари бўлади.

* * *

Ҳаёт ўйинларидан ранжиманг! Шунда хотиржамликда, осудаликда яшайсиз.

* * *

Хотиржам уйқуга кетиш ва қушдек бўлиб, енгил ўридан туриш ҳам бахт.

* * *

Кўряпсизми, у одам секин қадам босиб боряпти. Бу нотинчлик, ғамгинлик аломатидир. У хотиржам эмас.

* * *

Бошингизга нима келса, шундай бўлиши керак эди деб қабул қилинг. Шунда хотиржам бўласиз.

* * *

Дил хотиржам бўлиб, шукроналик билан яшаш ҳар қандай мансаб-лавозимдан юқоридир.

* * *

Турмуш тарзингизни ростланг ва хотиржам яшанг. Бу энг катта маҳорат.

* * *

Одамзод пайдо бўлибдики, унинг излаган энг катта нарсаси бу хотиржамликдир. У хотиржамликка эришиш учун меҳнат қилади, пул топади, уйлар қуради, машина олади, мансаб эгаллайди.

Мен бу ҳаракатларга қарши эмасман. Асло! Булар ҳар бир киши олдидаги мақсад, бари керак. Лекин маърифат-маънавиятсиз хотиржамликка эришиб бўлмайди.

* * *

Инсоний доноликнинг энг юқори даражаси — бу шайхларга мослашиш ва ташқи хавф-хатарлардан огоҳ бўлиб, хотиржамликни таъминлаш маҳоратидир.

* * *

Кўнгли хотиржамлигида ўтказилган дамлар энг ҳаюловатли дамлар ҳисобланади. Алхусус, қувончлар қушларга ўхшайди. Ногаҳон кўнглиннга қўнадию, тезроқ учиб кетсам дейди. Ташвишлар эса гўё харсанг тошлардек юрагининг туб-тубига чуқади. Уларни ҳадеганда силжитиб бўлмайди.

* * *

Бошингизга тушган барча ғам-қулфатларни хотиржамлик билан енгиланг ҳаракат қилинг.

ҒАМ ҲАҚИДА

Шукроналик йўқолиб, ўрнига кўрнамаклик, ношукрлик келса, осудалик, тинчлик, хотиржамлик йўқолади. Унинг ўрнини ғам-ғусса эгаллайди.

* * *

Инсон боласи дунёга ҳурликни даъво қилиб туғилади. Бироқ ҳаётда у ҳурликдан кўра ҳурликни кўпроқ тартади.

* * *

Инсоннинг бу фоний дунёда яшаши ташвиш, ғам ва ниҳоятда машаққатли изланишлар эвазига кечади.

* * *

Азизим! Тушкунликка сира ҳам тушманг! Қолган умрни ҳам яшамоқ даркор.

* * *

Ҳаёт қувонч ва ғамга тула. Қани энди қувончли дамларимиз соат миллари билан, қайғули онларимиз эса секунд миллари билан улчанса.

* * *

Қани энди қувончли дамларимиз соат милларидек, қайғули онларимиз эса секунд милларидек ўтса эди.

* * *

Шамдан ҳам кулишни, ҳам йиғлашни ўрганиш мумкин. Қарангки, у пир-пир айланиб, шодиёна кулиб ёнади. Айни замонда қайноқ ёшлар тўкиб эрийди, адо бўлади!..

ТАШВИШ ҲАҚИДА

Ўзингизни турли ташвишлар, хафагарчиликлар билан қийнаб юрманг. Чунки дунё машаққат, захматлар, дардлар уйидир. Ҳар бир мўминнинг ўз дарди, ўз ташвиши бор. Олам пайдо бўлгандан бери биз ҳамиша унинг бир заррачаси бўлиб келганмиз, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

* * *

Аслида, ҳузур-ҳаловат, осойишталик билан тугайдиган серташвиш кунларгина ажойибдир.

* * *

Инсон барча мавжудотлар ичида ўзига энг кўп ташвиш ва мушкулотлар туғдириш бўйича устаси фаранг ҳисобланади.

* * *

Инсон ҳаётида яхши кунлар билан бирга ташвишли кунлар ҳам эш бўлади, бу — ҳаёт қонуни.

* * *

Ҳаёт ташвишларига вазминлик ва хотиржамлик билан қараш қариликни енгшида кучли омил саналади. Бунинг учун эса, кишида қатъий ишонч, мустаҳкам ирода ва сўнмас умид бўлиши лозим.

* * *

Сени ҳамиша эркатган ҳаётнинг аксарият қисми ташвиш билан якунланади.

* * *

Ҳаётни ташвишсиз деб ўйлаган киши бахтнинг нима эканини билмайди.

* * *

Бирор кишининг ҳам ҳаёти ҳеч қачон мукамал ва ташвишсиз бўлган эмас. Ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам бўлмайди. Бу — оддий ҳақиқат.

* * *

Ҳар тонг кўз очгандан уйқуга кетгунча турфа ташвишлар, адоқсиз гап-сўзлар, ўзаро муносабатлар, ваъдага қай даражадаги вафолар, муҳаббат можаролари, бало-қазолардан ўзни асрашга уришишлар кундалик ҳаётимизнинг мазмунини ташкил қилади. Бунинг номи дунё, ҳаёт, умр беташвиш эмас, дегани.

* * *

Инсон ташвишини ўзига-ўзи орттириб олади, деганлари рост. Рост бўлганда ҳам бутун буйи-басти билан рост. Доимий ташвиш — бу ҳаётнинг қонунидир.

* * *

Буюк кишиларнинг ташвиши ҳам буюк бўлади.

* * *

Ташвишининг қулига айланмадим. Бу билан мен ўзимга-ўзим ёрдам бердим, уни қанда қилмадим. Зеро, ўзига-ўзи ёрдам беридиганларга Яратганнинг узи мадад берар экан.



*„Шеър — бошқа ҳеч қандай йўл билан
ифода қилиб бўлмайдиган туйғудир“.*

Л. Н. ТОЛСТОЙ



ШЕЪРИЯТДА



ШЕЪР ҲАҚИДА

Ньютон бўлмаганда ҳам олма барибир дарахтдан пастга ҳаракатланарди, аммо олим бу ҳолатда буюк қонунни, яъни ернинг тортиш қонунини кашф этди.

Инсоннинг қалб соҳаси эса, бу қонунни инкор этади. Қалбда унган дарахтнинг „олма“лари пастдан юқорига қараб ҳаракат қила олади. Бу „қонунбузарлик“нинг бир номи бор. У ҳам бўлса шеърдир, шеъриятдир.

Адабиётшунос олим, Ўзбекистон қаҳрамони Озод Шарафиддинов „Бир ҳовуч офтоб“ китобининг сўзбошисида: „Шеърият — юракнинг гўзал манзараларидир. Улар ичида бир ҳовуч офтоб сингари дилларга ҳарорат берадиган, қисқа ва лунда ифодада кўнгил кечинмаларини, ҳаёт қувончлари—ю ташвишларини ўзида акс эттирувчи рубоий жанри юрак ганжинасидир“, деган эди.

Авар шоири Расул Ҳамзатов шундай ёзади: „Шеър — бу нур демак. Нурдан эса, ҳеч кимга соя тушмайди“.

Буюк ўзбек шоири Усмон Носир таъбирида эса:

„Ишқимнинг энг олий тухфаси — шеърим,
Лабларингидан тўйиб ўпгани
Шеъримга бекинди
Атайлаб меҳрим“.

Дарҳақиқат, шеър кўнгилга лирик кайфият улашади ёки чарчаганда чўккан руҳга қанот бағишлайди, ўксиган қалбларга қувват беради. Одамзод шеъриятсиз яшай олмайди. Чунки шеъриятсиз, яъни гўзал ташбеҳлар, муножотлар сўз таманноларисиз қандай ғариб бўлар эди бу ҳаёт...

Шеърият шундай сеҳрли хилқатки, у шоирларни ҳам, китобхонларни ҳам бирдай ҳаяжонга солади. Бу ҳаяжон ғалати бир ҳиссиёт. Киши кўнглидан ана шу ҳиссиётлар кечганда у одатдаги ҳаёт тарзидан баландлаб кетади. Ўзини куч-қудратли сезади. Ҳар куни кўриб юрган нарсалари кўзига бошқача кўринади.

Ҳақиқий шеър қудрати қўшиндай юрак қалъасини бир зарб билан эгаллайди. Баҳор чақмоғи осмонни ларзага солган мисоли кўнгил осмонларини кўзгатади.

Ишонмасангиз, осудалик, тинчлик, хотиржамлик ҳақида ёзилган шеърларни ўқинг.

ЭЙ ҚУЁШ...

Эй қуёш, йўқ сендек кезувчи олам,
Менга ҳам йўл кўрсат, йўлчиман мен ҳам.
Муҳаббат йўлида кўрдингми бу кун,
Юзи гардсиз, дили дардсиз бир одам?!

Абу Али Ибн Сино

БУ ДУНЁ...

Бу дунё неча бор эврилиб тўзди.
Биров дунё йигди, бирови тўзди.
Рухимга Ҳайёмдан мадад сўрадим -
Бир ҳовуч нур бўлиб қўлини чўзди.

Кечаги кунингни айламагин ёд,
Эртанг келмай туриб, ҳеч қилма фарёд.
Ўтган, келмаганга қайғурмоқни қўй,
Қувноқ бўл, умрингни этмагил барбод.

Умар Ҳайём

ЙИҒЛАТАДИ

Дейдилар: одамни алам йиғлатади,
Ёлғизлик, етимлик ва ғам йиғлатади.
Алам—у ғамларни гуноҳқор этманг,
Аслида одамни одам йиғлатади.

Ҳайдар Муҳаммад

ТҮРТ НАРСА

Тўрт нарсани берди менга оқилларча ўйламоқ,
Тансиҳатлик, яхши одат, яхши ном, яхши фикр.
Тангри кимга қилган бўлса бу тўрт нарсани насиб,
Мангу шодлик билан яшаб, ғам емаса ҳам арзир.

Рудакий

ЎЛДУМ

Ғурбагга тушуб заифу бемор ўлдум,
Дарду ғаму меҳнат илгида зор ўлдум.
Сартосар ажал гошидан афғор ўлдум,
Сенсиз не балоларга гирифтор ўлдум.

Алишер Навоий

ЭРМАС

Бевафо дунёда барча шод эрмас,
Бани одам ҳар чоғ шод, нишод эрмас.
Кимдаки бу замон ғамлари йўқдир,
Ё бу оламданмас, ё одам эрмас.

Паҳлавон Маҳмуд

ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ

Битмаган ишлар кўп — битмайди улар,
Кетмаган ғамлар кўп — кетмайди улар.
Оёқлар югурар тиним билмасдан,
Манзилга етмади — етмайди улар.

Нажмиддин Комилов

МЕНИНГ ҲАСРАТЛАРИМ

Менинг ҳасратларим,
Сизлар бунча кўп.
Инон-ихтиёрим қўлга олгансиз.
Гоҳи ёлғиз-ёлғиз, гоҳида тўп-тўп,
Гуё туғишганим бўлиб қолгансиз.

Бирингиз боламдан яралган ҳазрат,
Оғрийсиз — эзасиз юрак бағримни.
Бирингиз ҳасаддан қолган жароҳат,
Ичимга ютганман захримни.

Бирингиз оғамдек илтифот этиб,
Лекин бегонасан деган сўздансиз.
Бирингиз эрта-кеч заволим кутиб,
Ёвуз ният билан боққан кўздансиз.

Бирингиз туну кун тарқатиб миш-миш,
Дўстларим орасин бузганлардан доғ.
Бирингиз қўлимдан еб туриб емиш,
Ишонч ришталарин узганлардан доғ.

Қочган ҳам, қувган ҳам худойим дермиш,
Ҳар кимнинг орзуси эгарланган от.
Дунёда кўрганинг — кўргулик эмиш,
Балки бут эмасдир ҳасратсиз ҳаёт.

Майли, синовларга дуч келай ҳар он,
Розиман бахш этинг, ҳаёт нусратин.
Лекин раво кўрма, Тангрим, ҳеч қачон,
Фарзанд ҳасрати-ю, Ватан ҳасратин.

Абдулла Орипов

БАЙРАМ

Токи тирик экан дунёда одам,
Унга ҳамроҳ эрур гоҳ шодлик, гоҳ ғам.
Эртанг не бўлишин билмасман, аммо
Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта, байрам.

Ёрдан айри кечса — ҳар лаҳза абас,
Вафосиз дўстни ҳам дўстим дема, бас.
Кенг жаҳон сен учун бўлмасдан қафас,
Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта, байрам.

Демагил, чопқирдир омадим маним,
Ҳеч қачон беланмас лойларга шаъним.
Устингдан ёзмасдан бир номард ғаним,
Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта, байрам.

Одий нарсаларни кўзга илмай гоҳ,
Олис юлдузлар деб чекамиз оҳ-воҳ.
Бошингни қотирмай ёнингдаги моҳ,
Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта, байрам.

Оламда базму айш учрар аломат,
Беморга бормикан ундан ҳаловат.
Майлига ёвғон ич, лекин саломат,
Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта, байрам.

Энг аввал тинч бўлсин кўксингда виждон,
Тинч бўлсин элу юрт, Ватан жонажон.
Ғуборга чулғанмай шу еру осмон,
Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта, байрам.

Яшашнинг шавқин сур сира толмасдан,
Шеъринг ёз, пайсалга энди солмасдан.
Ғақат қартайганда севиб қолмасдан,
Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта, байрам.

Абдулла Орипов

БЎЛОЛМАГАЙСАН

Осмонга боқма, одам,
Осмон бўлолмагайсан.
Аслинг қатра, тўлсанг ҳам
Уммон бўлолмагайсан.

Измингда-ю кенг олам,
Дерсан гоҳ у, гоҳ бу кам,
Мулкинг ошиб-тошса ҳам,
Комрон бўлолмагайсан.

Эй бандаи мўмин, бил,
Бўлсанг бенафу гофил,
Эл сийлагувчи комил
Инсон бўлолмагайсан.

Содиқ ўлиб лафзингга,
Лойиқ ўша таҳсинга,
Хорсан агар нафсингга
Султон бўлолмагайсан.

Шукр эт, гарчи пурғамсан,
Гоҳ ортиқсан, гоҳ камсан,
Алп эрсанг-да, одамсан,
Раҳмон бўлолмагайсан.

Шоҳ бўлсангда дунёга,
Зорсан охир Зиёга,
Меҳмонсан бу фанога,
Мезбон бўлолмагайсан.

Зиёвуддин Мансур

ТУШУНДИМ

Бу дунёнинг бешиги торлигини тушундим,
Унда яхши-ёмоннинг борлигини тушундим.
Туғиларкан бир куни, ўлар экан кун битиб,
Кўп нарсани тушундим, ёшим элликка етиб.
Ажиб дунё одамлар, билиб-билмас сири кўп,
Англаб бўлмас сирларнинг борлигини тушундим.

Мақсудахон Ҳамроева

ТОПОЛМАСМАН

Ғамим кўп-у, ўзимга ғамхона тополмасман,
Жаҳон бўйлаб кездим-у, жонона тополмасман.
Жонимга жон қадарли жойлай десам ишқини,
Оламда ўзим каби девона тополмасман.

Дардманман-у, дардкаш йўқ, соябон — паноҳим йўқ,
Ичим тула сир-асрор, овозим бор, оҳим йўқ.
Дилимни кимга ёрай, кўнглимни кимга очай,
Армонларим айтишга сирдошим, дилҳоҳим йўқ.

Кулфат тушса бошимга қайда дўсту ёрларим,
Ёмонда ёнимда йўқ, яхши кунда борларим.
Парвардигор, ҳолимдан ўзинг бўлгил хабардор,
Даргоҳингга етарми менинг оҳу зорларим.

Абдураззоқ Элмуродов

*„Китобхонларга ҳадеб ақл ўргатавер-
маслик деган мулоҳазадан келиб чиқиб ҳам-
да уларга кулгу улашиш мақсадида ушбу ки-
тобда латифаларни келтиришни зарур деб
топдик“.*

Муаллиф



ЛАТИФАЛАРДА



ЛАТИФА ҲАҚИДА

„Латифа“ латифликни англатади, яъни нозик қочиримлар билан кишини кулдириш, қувонтириш латифанинг вазифасидир. Кулдириш одоб доирасидан чиқса, латифа эмас, масхарабозлик бўлади. Йиллар бўйи халқ тилида яшаган Насриддин Афанди латифаларида нозикликдан ташқари ҳикмат ҳам бор.

Оддий қилиб айтганда, латифа халқнинг ақл-заковатини, меҳр ва нафратини, кулгиси ва пичингини лўнда, замирида назокат ётувчи соддалик билан диалог шаклида ифодаловчи бир эпизодли асардир. Унинг асосида зийраклик, ҳозиржавоблик, ҳазил-мутойиба ва ўткир ҳажв ётади.

Бир сўз билан айтганда халқ латифалари, асосан, жузъий камчиликларни танқид қилиб, хушчақчақ кулгу яратади. Бу кулгу одамларнинг сўз ўйини, ҳазил-мутойибаси туфайли юзага келади ва аниқроғи, латифалар турмушдаги нуқсонлардан огоҳ бўлишга, тегишли хулоса чиқаришга чорлайди. Унинг аҳамияти ҳам ана шунда.

Ўзбек халқ латифаларининг қаҳрамони дастлаб бир киши, бир ҳаким, бир донишманд, бир дарвеш, бир наққош, бир табиб, бир фақир, бир камбагал, бир косиб каби шахслар сиймосида тасвирланган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу хаёлий қаҳрамон Насриддин Афанди типига ўз ўрнини бўшатиб берди.

Кенг халқ оммасига хос турли-туман хислатларни биргина ўзида жам этганидан бўлса керак, Насриддин Афанди ёхуд Афанди дейилганда аллақандай кулгига мойил, ҳар бир кишининг қалбида илиқ меҳр уйғотувчи тип кўз олдимизда намоён бўлади. Шундан бўлса керак, кишилар ўртасида ўта содда, лақма шахсларнинг қилмишларига қараб „Афанди экансиз“ каби ифодалар қўлланилади. Бу ифода ўша шахсга нисбатан нафрат ёки ғазабни эмас, балки энгил юморга йўғрилган меҳрни, хайрихоҳликни англатади.

Ҳар бир халқнинг ўз қизиқчиси бор. Ўзбеклар уни Насриддин Афанди, дейди, қозоқлар Алдар кўса, татарлар

Аҳмад оғай, ҳиндлар Бирбал, немислар Эйленшпингель, арманлар Пулипуги, яҳудийлар Гейшель, корейслар Ким Сон ва ҳ.к.

Эътиборингизга осудаликка оид оммавий ахборот во-ситаларида чоп этилган айрим латифаларни келтирамиз.



Қиз:

— Азизим, оила қурганимиздан сўнг ҳамма гам-таш-вишларингизга шерик бўламан.

Йигит:

— Менинг ҳеч қандай гам-ташвишим йўқ, жонгинам.

Қиз:

— Мен оила қурганимиздан кейин деяпман.



Автобус кондуктори:

— Ҳой бола, неча ёшдасан?

Бола:

— Энди еттига кирдим.

— Ёшингдан кўра каттароқ кўринар экансан.

— На илож, амаки, ташвишлар одамни қаритар экан.



— Битта йўлланма билан бутун жамоамиз тинч, осуда дам олиши мумкинми?

— Мумкин. Бунинг учун ўша йўлланмани директорга бериш керак.



Хотин:

— Сизга бугун тушлик ёқдимиз?

— Сен жанжал чиқариш ва тинчликни бузиш учун баҳона изляяпсанми, нима бало!



— Доктор, — деди кулимсираганча Насриддин, — ни-
мага менга тилингни чиқаргин, дедингиз-у, ўзингиз унга
қиё ҳам боқмадингиз?

— Рецепт ёзиб бергунимча бирпас жим, тинчгина ту-
ришингизни хоҳлагандим, — деди врач ҳам кулимсира-
ганча.



Икки улфат машинада кетиб бормоқда:

— Жуда тез ҳайдаяпсан, секинроқ юр. Машинанинг
бирор филдираги чиқиб кетса, Худо кўрсатмасин, фало-
катга йўлиқамиз! — деди улардан бири.

— Ташвиш қилма, — деди иккинчиси, — Орқада яна
битта филдирак бор.



— Жуда ташвишда қолдим. Эрим ҳеч қачон бунчалик
кеч қолмасди. Бирорта хуштор орттирдимикан?

— Нега ёмон хаёлга борасиз, овсинжон? Эҳтимол, ма-
шина-пашина босиб кетгандир.



— Ҳошимжон нега бунча кўп чекасан-а?

— Ташвишланганимдан.

— Нимадан ташвишдасан?

— Соғлигимдан.



Америка қамоқхоналаридан бирининг бошлиғи электр
стулида қатл қилинаётган маҳкумдан сўрамоқда:

— Марҳамат, охирги истагингизни айтинг.

— Илтимос, қўлимдан ушлаб турсангиз, шунда хотир-
жамроқ ўлардим.



— Доктор, хотиним билан кўп йиллардан буён гидибиди қиламиз. Уйда тинчлик йўқ. Жонимга тегиб кетди, нима қилсам экан?

— Ҳар куни беш километр яёв юринг. Бу асабларни мустаҳкамлайди. Натижасини икки ҳафтадан кейин менга қўнғироқ қилиб айтинг.

Икки ҳафтадан кейин шифохонага қўнғироқ бўляпти:

— Доктор, келишганимиз бўйича қўнғироқ қиляпман. Сиздан миннатдорман, маслаҳатингиз менга катта ёрдам берди.

— Ҳўш, энди хотинингиз билан тортишмаяпсизми?

— Йўқ. Мен хотиржамликда яшаяпман. Ҳозир хотинимдан 60 километр узоқлашиб кетдим.



Бир аёл докторга ҳасрат қилди:

— Эримнинг аҳволи мени ташвишга соляпти. Нима қилишга ҳайронман.

— Унга нима бўлди? Қаери оғрийди?

— Биласизми, доктор, соатлаб гапирсам ҳам индамайди, миқ этмай ўтираверади.

— Бу касаллик эмас, хоним, — деди дўхтир, — бу Худонинг сизга марҳамати. Шукур қилинг. Унутманг, эрингизга тинчлик, осудалик керак.

— Тўрғи-куя, докторжон, аммо менга ҳам пальто жуда керак-да!



— Нега дарс тайёрламай келдинг?

— Уйда тинчлик йўқ. Ойим билан дадам жанжал қилишаверади.

— Ойингни-ку танийман, отанг ким?

— Улар ҳам худди шу масалада жанжаллашиб туришадими-да!



— Ҳа, тинчликми, жуда оқсоқланиб кетяпсан? — сўрашди йўловчилар Мингоёқдан.

— 302- ва 551- оёғим шикастланиб қолди, — ҳасрат билан жавоб қилди Мингоёқ.



Қарта ўйини тонггача чўзилиб кетди.

— Бу ўйинларингиз бизнинг уйимизда ҳеч тутайдими ўзи? — бобиллаб берди хотин.

— Кечирасан-ку, азизам, — хотиржам қилди уни эри, — лекин энди бу уй бизники эмас.



Янги куёв хотинига таъна қилибди:

— Никоҳимизга эндигина бир кун бўлди, сиз бўлсангиз мен билан жанжаллашиб, осудаликни бузаяпсиз?

— Ҳа, ахир мен бу кунни икки йил кутгандим-а!



— Доктор, менда осудалик йўқ.

— Нима сабаблан?

— Хотирам чатоқ.

— Нима, қачондан бери?

— Ўша чатоқлик.

— Нима чатоқлик?



Шифокор ўз қабулидаги беморни роса синчиклаб текширибди. Охири хўрсиниб дебди:

— Ҳеч нарсага тушунмаяпман. Менимча, бу алкогольдан...

— Майли, доктор, унда кайфингиз тарқаганда келаман, — дебди хотиржам бемор.



ТЕСТЛАР



ТЕСТ ҲАҚИДА

Ўзингни англамасдан туриб, ўзгаларни тушуна олмайсан, деган гап бор. Сиз-чи, қандай одам эканлигингизни, фазилатларингиз қай даражада шаклланганлигини, атрофдаги инсонлар билан муомалангиз, муносабатларингиз қандайлигини яхши биласизми? Билсангиз яхши, билмасангиз-чи? У ҳолда ўзингизни ўрганишга киришишингиз лозим.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, кейинги пайтларда жамоатчилик ўртасида тест ўтказиш тобора авж олмоқда. Чунки бу каби психологик савол-жавобларнинг ўтказилиши инсоннинг у ёки бу соҳа бўйича билимларини аниқлашда, аниқ вазиятлардаги муваффақияти ёки аксинча, муваффақиятсизликка учраши, эҳтирослари ва бошқа шахсий хислатларини аниқлашга ёрдам беради. Бундан ташқари, тестлар ва бошқа психоташхислар орқали киши ҳаётида у ёки бу ҳодисаларнинг юз бериши мумкинлиги ҳам исботланган.

Қуйида сизга таклиф этилаётган осудалик, тинчлик тўғрисидаги тест саволларига сизга ёққан жавобни эмас, ҳақиқатга яқинини танланг. Агар натижаларингиз қониқарли даражада бўлмаса, ўзингиздан кўнглингиз тулмаган бўлса, феълингиздаги айрим нуқсонларни йўқотишингизга тўғри келади. Ёки аксинча, сиз натижалардан қониқсангиз-у, аммо камчиликларингиз борлигига ишонч ҳосил қилган бўлсангиз, сиздаги фазилатлар ҳали тўлиқ камолга етмаган кўринади. Энди ўз устингиздаги назоратни бироз кучайтиришингиз керак бўлади.

Донишмандларнинг шундай гапи бор: „Ҳамма нарса-нинг чорасини топса бўлади, фақат одам калтафаҳм бўлмаслиги керак“. Ишонамизки, сиз ҳар доим ўзингизни таҳлил қилишга ҳаракат қиласиз ва йиллар давомида феълингиздаги камчиликларни йўқотиб, уларни яхши фазилатларга алмаштириб борасиз. Кўлингиздаги психологик ва бундан кейин 99 та китобнинг ушбу қисмида бериладиган ҳар бир қадриятга тегишли тестлар тўплами бу борада сизга ёрдам беради, деган умиддамиз.

ҲАЁТИНГИЗ БАРҚАРОРМИ?

Эрингиздан қуйидаги саволларга жавоб олинг:

1. У сизнинг уйда ўзингизга оро бермай юришингизга эътибор берадими?

- A. Ҳа;
- B. Баъзан;
- C. Йўқ.

2. У сизнинг айбингиз билан ишга тез-тез кеч қолиб турадими?

- A. Ҳа;
- B. Баъзан;
- C. Йўқ.

3. Сизнинг телефонда узоқ гаплашишингиз унга ёқадими?

- A. Ҳа;
- B. Баъзан;
- C. Йўқ.

4. Тез-тез тайёрлаган овқатнинг тузи кам ёки пиёзи куйиб кетган бўлиб чиқадими?

- A. Ҳа;
- B. Баъзан;
- C. Йўқ.

5. У сизга ширинлик ейиш зарарли деб ҳисоблайдими?

- A. Ҳа;
- B. Баъзан;
- C. Йўқ.

6. У телевизорда футбол кўраётганида диққатини бўлиб турсизми?

- A. Ҳа;
- B. Баъзан;
- C. Йўқ.

Ўзингиз қуйидаги саволларга жавоб беринг:

7. Уйда иш бошдан ошиб ётганда эрингиз диванда чўзилиб ётишни ёқтирадими?

- A. Ҳа;
- B. Баъзан;
- C. Йўқ.

8. У бехосдан сигарета билан дастурхонни куйдириб қўйиши мумкинми?

- А. Ҳа;
- В. Баъзан;
- С. Йўқ.

9. У ишдан келгач, кийимларини ҳар жойга сочиб ташлайдими?

- А. Ҳа;
- В. Баъзан;
- С. Йўқ.

10. У кўп овқат ейдими?

- А. Ҳа;
- В. Баъзан;
- С. Йўқ.

11. Эрингиз ўртоқларини сиздан кўра кўпроқ қадрлайдими?

- А. Ҳа;
- В. Баъзан;
- С. Йўқ.

12. У тез-тез оёқ кийимини остонадаги тушмагага артиб тозалайдими?

- А. Ҳа;
- В. Баъзан;
- С. Йўқ.

Куйидаги жадвал ёрдамида туплаган балларингизни ҳисоблаб чиқинг:

	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	Жами
А	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	
В	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	
С	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	
Жами													

Нагижалар:

6 баллгача. Турмуш ўртоғингизга гап бўлиши мумкин эмас.

7 — 11 балл. Мобадо эрингиз баъзи-баъзида жаҳд отига миниб, зарда қилиб урса, бунда сизнинг ҳам етарлича айбингиз бор.

12 Баллдан ортиқ. Иложингиз қанча — эрингиздай эзма, серзарда, мижгов ҳамда йўқ жойдан жанжал чиқаришни ёқтирадиган одамлар ҳам учраб туради.

МУАММОЛАРИНГИЗНИ ЎЗИНГИЗ ҲАЛ ҚИЛА ОЛАСИЗМИ?

1. Муаммоларингиз, кўнгилсизликларингиз ҳақида бошқаларга айтасизми?

- A. Йўқ, бу барибир менга ёрдам бермайди;
- B. Ҳа, агар муносиб суҳбатдош топа олсам;
- C. Ҳар доим ҳам эмас, ҳамманинг ўз ташвиши бор.

2. Кўнгилсизликлардан кучли таъсирланасизми?

- A. Ўта таъсирланаман;
- B. Ҳаммаси вазиятга боғлиқ;
- C. Ўзимни қўлга оламан, ҳар қандай кўнгилсизлик ҳам эрта-ми-кеч тугайди.

3. Нимадандир қаттиқ ранжидингиз. Бундай вазиятда қандай йўл тутасиз?

- A. Ўзим ёқтирган иш билан банд бўламан;
- B. Яқин дўстларимнинг ёнига бораман;
- C. Ўзимга „ачинаман“, уйга қамалиб оламан.

4. Яқин инсонингиз сизни ранжитса...

- A. Ҳаммасини ичимга ютиб, ўз оламимга „беркиниб оламан“;
- B. Тушунтириб беришини талаб қиламан;
- C. Эшитишга тайёр ҳар қандай кишига „дардимни ёраман“.

5. Бахтли онларингизда...

- A. Бахтсизлик ҳақидаги фикрни хаёлимга ҳам келтирмайман;
- B. Бахт тез „қўлдан кетиши“ ҳақидаги ваҳима мени тарк этмайди;
- C. Ҳаётда ғам-ташвиш кам эмаслигини унутмайман.

6. Психиатрга муносабатингиз қандай?

- A. Уларнинг мижози бўлишни хоҳламасдим;
- B. Улар кўп инсонларга ёрдам бера олган;
- C. Инсон ўзига ўзи ёрдам бера олади.

7. Фикрингизча, тақдир:

- A. Ҳамиша сизни синайди;
- B. Сизга нисбатан адолатли эмас;
- C. Сизга ҳамиша кулиб боқади.

8. Севимли инсонингиз билан жанжаллашсангиз, жаҳл отидан тушгач, нима ҳақида ўйлайсиз?

- А. У билан ўтказган яхши дамларни эслайман;
- В. Зимдан ўч олишни орзу қиламан;
- С. Унга қанчадан бери тоқат қилиб келаётганим ҳақида ўйлайман.

Куйидаги жадвал ёрдамида тушлаган балларингизни ҳисоблаб чиқинг:

	1	2	3	4	5	6	7	8	Жами
А	3	4	0	3	1	4	5	1	
В	1	0	2	0	3	2	2	2	
С	2	2	4	1	5	3	1	3	
Жами									

Натижалар:

7 — 15 балл. Кўнгилсизликлар, ҳатто мусибатларга ҳам кўни-қувчансиз, вазиятни тўғри баҳолай оласиз. Ўзингизни тезда қўлга оласиз. Руҳий мувозанатингиз ҳавас қилса арзигулик.

16 — 26 балл. Тақдирингиздан кўп нолийсиз. Муаммо ва кўнгилсизликларингизни бошқаларга тукиб-сочишни афзал биласиз. Сизга кимдир ҳамдари бўлиши муҳим. Бошингизга бирор ташвиш тушса, ўзингизни қўлга олишга ҳаракат қилинг.

27 — 36 балл. Сиз ҳали муаммоларни уддалай олмайсиз. Эҳтимол, шунинг учунми, улар сизни азоблайди. Кўнгилсиз вазиятларда ўзингизга ачиниб, ўз қобилингизга ураниб оласиз. Шу феълингиз бўлмаса, муаммолар ва нохуш вазиятлардан муваффақиятли чиқиб кета оласиз.





СУДОКУЛАР



СУДОКУ ҲАҚИДА

Судоку — бу японча бошқотирма бўлиб, Ўзбекистонда 2000 йилдан бошлаб оммалаша бошлади. У мантиқий фикр-лашга асосланган. Бир қараганда у мураккаблек туюлса-да, уни бажариш қийин эмас. Унинг қоидалари жуда оддий.

Сизнинг эътиборингизга 81 катакдан иборат бўлган 9×9 ҳажмдаги тўрт тоифага ажратилган судоку ҳавола қилинади.¹

Биринчи тоифа — осон судокулар, яъни 81 катакнинг 45 тагачаси рақамлар билан тўлдирилган бўлади:

4	5	2	7					8
		7	6	4	5			3
		9	2			7	5	4
5	9	3	8	6			7	
8	2		5		4		6	9
	4			1	3	5	8	2
9	3	4			7	8		
6			4	2	8	9		
2					6	1	4	5

Агар тўлдирилмаган катакларни 10 — 15 дақиқа ичида тўлдирсангиз топқирликда ягонасиз, 15 — 20 дақиқа ичи-

¹ Судоку уйинидан бир эмас, балки кўп марта фойдаланиш учун бўш катакларни қаламда тўлдириш тавсия этилади.

да тўлдирсангиз топқирлик даражангиздан шикоят қилмасангиз бўлади.

Агар тўлдирилиши лозим бўлган катакларни тўлдиришда 20 дақиқадан кўпроқ вақт сарфласангиз, у ҳолда Сиз ўзингиздан хафа бўлишга тўлиқ ҳақлисиз.

Иккинчи тоифа — **ўртача** қийинликдаги судокулар, яъни 81 катакнинг 35 ёки ундан битта-иккита кўпроқ катаклари рақамлар билан тўлдирилган бўлади:

1		8				6	2	
	5			8	2			1
		2		1	3		5	
4	9		8			2		
5				4	7		3	
	8	7		9		5		4
			5			4		2
9	7	4		2				
		5	9		4		8	3

Агар тўлдирилмаган катакларни 25 — 35 дақиқа ичида тўлдирсангиз топқирликда ягонасиз, 35 — 45 дақиқа ичида тўлдирсангиз топқирлик даражангиздан шикоят қилмасангиз бўлади.

Агар тўлдирилиши лозим бўлган катакларни тўлдиришда 45 дақиқадан кўпроқ вақт сарфласангиз, у ҳолда Сиз ўзингиздан хафа бўлишга тўлиқ ҳақлисиз.

Учинчи тоифа — қийин судокулар, яъни 81 катакнинг 30 ёки ундан битта-иккита кўпроқ катаклари рақамлар билан тўлдирилган бўлади:

	1		3	6	2	7	5	
				1	9			
			5	8				9
1		6			7	5		3
	8		2		3			
		3	1		6			
3		5		2				8
	7				5		6	
						3		

Агар тўлдирилмаган катакларни 60 дақиқа ичида тўлдирсангиз топқирликда ягонасиз, 70 дақиқа ичида тўлдирсангиз топқирлик даражангиздан шикоят қилмасангиз ҳам бўлади.

Агар тўлдирилиши лозим бўлган катакларни тўлдиришда 80 дақиқадан кўпроқ вақт сарфласангиз, у ҳолда Сиз ўзингиздан хафа бўлишга тўлиқ ҳақлисиз.

Тўртинчи тоифа — осон судокулар, яъни 81 катакнинг 25 ёки ундан битта-иккита кўпроқ ёхуд камроқ катаклари рақамлар билан тўлдирилган бўлади:

5		1			8		3	
3		6			9		4	
				5	2		8	
8		4						6
			5	3	4			
7						4		9
	5		2	1				
	9		8			7		5
	4		7			2		3

Агар 25 тагача тўлдирилмаган катакларни 80 дақиқа ичида тўлдирсангиз топқирликда ягонасиз, 90 дақиқа ичида тўлдирсангиз топқирлик даражангиздан шикоят қилмасангиз ҳам бўлади.

Агар тўлдирилиши лозим бўлган катакларни тўлдиришда 120 дақиқадан кўпроқ вақт сарфласангиз, у ҳолда Сиз ўзингиздан хафа бўлишга тўлиқ ҳақлисиз.

Судокунини бажаришнинг асосий шартини: бўйи ва эни бўйлаб 1 дан 9 гача бўлган бўш катакларни шундай сонлар билан тўлдириш керакки, энига ҳам, бўйига ҳам рақамлар такрорланмаслиги лозим. Шунингдек, 9×9 хонали алоҳида ажратилган блокларда ҳам 1 дан 9 гача бўлган рақамлар такрорланмаслиги шарт.

Сизга омад тилаймиз!

I. ОСОН СУДОКУЛАР

	5		1		7		4	
4	6	3		2		1	8	7
	8		6		3		2	
5		1		9		7		2
	2		7	1	6		5	
8		6		5		3		9
	3		2		5		9	
6	1	5		7		2	3	8
	9		8		1		7	

7		1		5		3		6
	6		4	7	3		1	
4		2		1		8		5
	1		3		2		8	
3	4	9		6		5	2	1
	8		5		1		3	
9		4		3		7		8
	7		9	8	5		6	
6		8		2		1		3

II. Ўртача қийинликдаги судокулар

	5	7			2		9	
		4			6	2	1	
		1		8	4		3	
2				6				7
7			4	1	5			2
3				7				8
	6		9	2		4		
	7	9	6			5		
	8		3			6	7	

1		8				6	2	
	5			8	2			1
		2		1	3		5	
4	9		8			2		
5				4	7		3	
	8	7		9		5		4
			5			4		2
9	7	4		2				
		5	9		4		8	3

III. ҚИЙИН СУДОКУЛАР

7		5			3	1		
9				1	2	6		
8					9	4		
	8			6			2	
6	1			2			7	8
	5		9	8			1	
		6	4					1
		3	2	9				5
		8	7			2		9

						5	8	6
2	3	5						1
			7	4	5			3
	5	4		9	1			
	7	6				2	1	
			8	7		3	5	
4			5	8	3			
5						8	4	7
1	9	8						

IV. МУРАККАБ СУДОКУЛАР

		7						
1				3		6	7	8
	4				5			
		2				3		
3			1		9		5	
7		5		4				1
				9	2	5		
				6			2	3

	7	8						9
	6	1		3		8		
			2	1				
							8	6
	9			7			2	
5	3							
				2	1			
		5		4		1	9	
4						7	3	

Фойдаланилган адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти Асарлари

1. **Каримов И. А.** Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1- жилд, Т.: „Ўзбекистон“, 1996.
2. **Каримов И. А.** Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2- жилд, Т.: „Ўзбекистон“, 1996.
3. **Каримов И. А.** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: „Ўзбекистон“, 1999.
4. **Каримов И. А.** Ватан — саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.: „Ўзбекистон“, 2005.
5. **Каримов И. А.** Юксак маънавият — енгилмас куч. Т.: „Ўзбекистон“, 2008.
6. **Каримов И. А.** Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: „Ўзбекистон“, 2011.

II. ҚОНУН, ҚОМУС ВА ҚОМУСИЙ МАҚОМДАГИ НАШРЛАР, ЛУҒАТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: „Ўзбекистон“, 2003.
2. Қуръони Карим. Маъноларнинг таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. ТИУ, 2001.
3. Инжил. Тавротдан „Ибтидо“ ва „Забур“. 1996.
4. Минг бир ҳадис. Т.: „Мовароуннаҳр“, 1998.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилдлик. Т., 2000 й.
6. Фалсафа: қомусий луғат. Т.: „Шарқ“, 2004.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Т.: ЎМЭ, 2006.
8. Ҳикматнома. Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати. Т., ЎСЭ, 1990.
9. Ўзбек халқ мақоллари. Тўплам. Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.

10. Муҳаммад Пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т.: „Камалак“, 1991.
11. Ислом. Справочник. Т., ЎСЭ, 1989.
12. Темур тузуклари. Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.
13. Тафаккур гулшани. Тузувчи Воронцов В. (тарж. Абдураззоқова Ш.) Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 й.
14. Машриқзамин — ҳикмат бустони. Ҳикматлар хазинаси. Т.: „Шарқ“, 2008.
15. **Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**. Тафсири Ҳилол, 6 жузлик. Т.: „Шарқ“, 2008.
16. **Кайковус**. Қобуснома. Т.: „Истиклол“, 1994.
17. Калила ва Димна. Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997.
18. Дурдоналар. **Шарқ** ва **Ғарб** донишмандларининг ҳикматли сўзлари, ўғитлари тўплами (тўпловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Қ. Аллаев). Т. 2007.
19. Оз-оз ўрганиб доно бўлур: донишмандлар бисотидан ҳикоятлар. Масаллар, ҳикматлар. Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.

III. ХОРИЖ БЕСТСЕЛЛАРИ

1. **Афлотун**. Қонунлар. Т.: „Янги аср авлоди“, 2002.
2. **Дейл Карнеги**. „Дўст орттириш ва одамларга таъсир ўтказиш тўғрисида. Безовталиқдан халос бўлиш ва янги ҳаёт бошлаш сирлари“. Т.: „Янги аср авлоди“, 2010.
3. **Дейл Карнеги**. Муомала сирлари. Т.: „Сано-стандарт“, 2009.
4. **Дейл Карнеги**. Бахтли бўлишни истасангиз... Т.: „Вориснашриёт“, 2009.
5. **Данте Алигъери**. Илоҳий комедия. Дўзах. А. Орипов таржима-си. Т., 2007.
6. **Жим Рон**. Бахт ва бойликка эришишнинг етти йули. Т.: „Санъат“ журнали, 2009.
7. **Жим Рон**. Омад ва бахтга саёҳат. Т.: „Юрист медиа маркази“, 2011.
8. **Жон Кехо**. Ғайриихтиёрий онг мўъжизалари. Т.: „Муҳаррир“ нашриёти, 2009.

9. **Клейсон Жорж.** Бобилнинг энг бадавлат одами (бойлик сирлари). Т.: „VEKTOR-PRESS“, 2009.
10. **Наполеон Хилл.** Ўйла ва бой бўл. Т.: „Янги аср авлоди“, 2010.
11. **Нитше Фридрих.** Зардушт таваллуси (тарж. И. Ғофуров). Т.: „Янги аср авлоди“, 2007.
12. **Ньюмен Билл.** Муваффақиятга эришишнинг мўъжизавий 10 йўли. Т.: „Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси“, 2009.
13. **Ог Мандино.** Яхши яшаш сири. „Жаҳон адабиёти“ журнали, 2008, №6, №7.
14. **Пауло Коэло.** Ал-кимёгар. Т.: „Янги аср авлоди“, 2004.
15. **Пол С. Брэгг.** Очлик мўъжизаси. Т., ИБ № 3681, 2002.
16. **Расул Ҳамзатов.** Менинг Доғистоним. Т.: Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2008.
17. **Сенека.** Мақтублар. „Жаҳон адабиёти“ журнали, 2005, №11.
18. **Сержило тафаккур дурдоналари** (фалсафий ҳикматли иборалар ва мухтасар фикрлардан намуналар). Тузувчи ва таржимон А. Жалолов. Т.: „Наврўз“, 2003.
19. **Ҳақиқат манзаралари,** 96 мумтоз файласуф. Т.: „Янги аср авлоди“, 2002.
20. **Честерфилд.** Фарзандга мактублар. „Молиячи“, 2011.

IV. ШАРҚ АДАБИЁТИ

1. **Авесто.** Тарж. Маҳкам А. Т., „Шарқ“, 2001.
2. **Абу Али ибн Сино.** Шейрлар ва тиббий дoston. Т., ЎзКПМК нашриёти 1981.
3. **Алишер Навоий.** Ҳикматлар. Т.: „Шарқ“, 2006.
4. **Алишер Навоий.** Танланган асарлар, 15 жилдлик. Т., ЎзФА, **Ғафур Ғулом** номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966.
5. **Аҳмад Яссавий.** Ҳикматлар. Т., **Ғафур Ғулом** номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
6. **Абу Ҳомид Ғаззолий.** Ҳалимни эслаш китоби. Т.: „Мовароуннаҳр“, 2004.
7. **Абу Ҳомид Ғаззолий.** Эй фарзанд. Т.: „Мовароуннаҳр“, 2005.
8. **Абу Ҳомид Ғаззолий.** Тил офатлари. ТИУ, 2011.
9. **Аҳмад Югнакийдан** 200 ҳикмат. Т.: „Муҳаррир“ нашриёти, 2011.

10. Абдулла Аҳмад Муҳаммад Али. Боғистон. Т.: „Фан“, 2006.
11. Бобур шеърятидан. Т, ЎзКПМК нашриёти, 1982.
12. Бобомурод Ҳожи Аҳмаджон. Исломо доби ва ахлоқи. Т.: „Мовароуннаҳр“, 2006.
13. Бухорий С. С. Дилда ёр: (ҳазрат Баҳоудин Нақшбанд): Бадиа. Т.: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.
14. Зебинисо, Дилшод ва Анвар Отинлар шеърятидан. Т., ЎзКПМК нашриёти, 1981.
15. Имом ал-Бухорий. Солиҳ амаллар. Сайланма ҳадислар. Т.: „Ўзбекистон миллий энциклопедияси“, 1998.
16. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Темур тарихида тақдир ажойиботлари. 2 та китоб. Т.: „Меҳнат“, 1992.
17. Махтумқули шеърятидан. Т., ЎзКПМК нашриёти, 1976.
18. Муҳаммад Камол. Ҳикматлар ва ибратлар. Т.: „Истиқлол“, 2005.
19. Муҳаммад Камол. Ўғлимга 12 насиҳат. Т.: „Истиқлол“, 2004.
20. Низомулмулк. Сиёсатнома. Т.: „Янги аср авлоди“, 2008.
21. Рудакий ва Бобо Тоҳир шеърятидан (тарж. Ш. Шомуҳаммедов). Т., „Шарқ“, 1994.
22. Саъдий Шерозий шеърятидан (тарж. Ш. Шомуҳаммедов). Т., 1976.
23. Сулаймон Доған. Бахтли оила — бахтли фарзанд. Т., „Yurist-media markazi“, 2010.
24. Умар Хайём. Рубоийлар (туз. ва тарж. Ш. Шомуҳаммедов). Т., „Радуга“, 1985.
25. Фаробий. Фозил кишилар шаҳри. Т., 1993.
26. Фирдавсий „Шоҳнома“дан. (Тарж. Ш. Шомуҳаммедов). Т., 1979.
27. Ҳофиз Хоразмий шеърятидан. (туз. Ҳ. Сулаймон). Т., ЎзКПМК нашриёти, 1980.

V. МАХСУС АДАБИЁТЛАР

1. Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар, Т. 1917 — 1921.
2. Абдуллаев Ё. Статистика назарияси. Т., „Ўқитувчи“, 2002
3. Абдуллаев Ё. Қизиқарли статистика. Т.: „Молия иқтисод“, 2005.
4. Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. Т.: „Мовароуннаҳр“, 2001.

5. Абдурахмонов А. Руҳ сирлари. Т.: „Фан“, 2006.
6. Азим Суюн. Ўзлик: мақоллар, суҳбатлар, шеърлар, ҳикоялар, таржималар. Т.: „Шарқ“, 1999.
7. Азим Суюн. Эй дўст. 1001 қайирма. Т.: „Янги аср авлоди“, 2005.
8. Абдулла қизиқ нима дейди?. Т.: „Шарқ“, 2006.
9. Аҳмад Муҳаммад. Бойлар ва камбағаллар. Т.: „Муҳаррир“, 2008.
10. Аҳмад Муҳаммад. Фароғат изтироблари. Т.: „Муҳаррир“, 2008.
11. Аҳмад Муҳаммад. Мураса санъати. Т.: „Муҳаррир“, 2009.
12. Аҳмад Муҳаммад. Маънавий зиёфат ёки шарқ одобининг назик қирралари. Т.: „Муҳаррир“, 2009.
13. Алоуддин Башар. Ҳақиқат нима? Т.: „Мовароуннаҳр“, 2005.
14. Бахнома. „Муъжаз туҳфа“ туркумидан. Т.: „Ёзувчи“, 2000.
15. Бўтаев Ш. Оқилона ҳаёт кечириш. 2 жилдлик. Т.: „Фан“, 2008.
16. Бобоев Ҳ., Дўстжонов Т., Ҳасанов С., Олламов Я. „Авесто“ ва унинг инсоният таракқиётидаги ўрни. Урганч, 2002.
17. Бобохонов Ш., Ирисов А. Ҳадис илмининг пешволари. Т.: „Нур“, 1992.
18. Биз бахтли оила қурамыз. Т.: „Voris-nashriyot“, 2006.
19. Воҳидов Эрқин. Сайланма, 3 жилдлик. Т. „Шарқ“, 2000 — 2001.
20. Гуломов С. Ҳаётинг ўғитлар. Т. ТДИУ, 2000.
21. Зиёев Ҳамид. Бахт калити. Т.: „Маънавият“, 2001.
22. Иброҳимов А. ва бошқалар. Ватан туйғуси. Т.: „Ўзбекистон“, 1996.
23. Иброҳимов А. Танланган асарлар. 5 жилдлик. Т.: „Шарқ“, 2011.
24. Инсон бахт учун туғилади: Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг ҳикматли сўзларидан (тузувчилар Д. Ғаниев, З. Ғафуров). Т.: „Шарқ“, 2001.
25. Исмоил Муҳаммад. Чиройлисан тенги йўқ. Т.: „Шарқ“, 2007.
26. Ибрагимов Т. Семизлик ва уни енгиш йуллари, Т.: „Янги аср авлоди“, 2010.
27. Калонхонов М., Калонхонова М. Қадриятнома. Т.: „Ниҳол“, 2006.
28. Каримов Ш. Фалак тегирмони. Т.: „Янги аср авлоди“, 2005.

29. **Комилов Н.** Тасаввуф. Т.: „Мовароуннаҳр“, 2009.
30. **Куронов М.** Оталар китоби. Т.: „Ўзбекистон“, 2007.
31. **Маманов И.** Отамдан қолган ўғитлар. Т.: „Ўзбекистон“, 2009.
32. **Мадалиев А.** Инсон омили ва тараққиёт. Т.: „УФМК“, 2006.
33. **Маҳмудов О.** Ота нега фарзандига танбеҳ беради? Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005.
34. **Маҳмудов О.** Умр ҳикмати... саодати. (ҳаётий фикратлар) Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
35. **Маҳмудов О.** Уммондан дурлар (ҳаётий фикратлар). Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010.
36. **Мустафоев Ф., Мустафоева Ш.** Муомалада ёлғон. Т.: „DAVR-PRESS“, 2009.
37. **Марҳабо Каримова.** Шуқур, шуқур, минг шуқур. Т.: „Yurist media markazi“, 2010.
38. **Муҳаммад Юсуф.** Халқ бул элим. Т., 1993.
39. Мукулмон аёлнинг ўз эри олдидаги вазифалари. Т.: „Мовароуннаҳр“, 2004.
40. Мукулмон эрнинг ўз аёли олдидаги вазифалари. Т.: „Мовароуннаҳр“, 2004.
41. **Нилуфар Омон.** Ҳаёт ҳақида ҳаёллар. Т.: „Янги аср авлоди“, 2008.
42. **Орипов Абдулла.** Танланган асарлар: Тўрт жилдлик. Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.
43. Омадга бошловчи сўзлар. (Ҳикматли сўзлар ва турли халқ мақоллари). Т.: „Yurist media markazi“, 2009.
44. **Пардаев М.** Ҳаёт ҳикматлари. Т.: „Noshirlik yog'dusi“, 2010.
45. **Раззоқов Ш.** Тақдирнома. Т.: „Шарқ“, 1998.
46. **Раззоқов Ш.** Кўнгилнинг пинҳона кўчалари. Т.: „VEKTOR-PRESS“, 2010.
47. **Раҳматуллаева Ҳ.** Отамнинг ривоятлари. Наманган. „Наманган“ нашриёти, 2003.
48. Ризқ калитлари. Т.: „ГИУ“ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.
49. Сирли, ибратли ва ҳаётий воқеалар. 4 та китобдан иборат. Т.: „Yurist-media markazi“, 2009.
50. Сиз қайси бурж вакилисиз? Т.: „DAVR-PRESS“, 2007.
51. **Содиқова Т.** Меҳр қолур. Т.: „Меҳнат“, 1997.
52. **Содиқова Т.** Ҳазрати аёл. Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999.

53. Содиқова Т. Ризолик истаб (ҳадислар талқини). Т.: „Мовароуннаҳр“, 2004.
54. Содиқова Т. Яшаш тилсими. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2004.
55. Содиқова Т. Сўз сеҳри (бадиалар). Т.: „DAVR-PRESS“, 2009.
56. Содиқова Т. Умр биттадир (эсселар). Т.: „DAVR-PRESS“, 2010.
57. Содиқова Т. Куёшларим, ойларим. Т.: „DAVR-PRESS“, 2011.
58. Тоҳир Малик. Келинлар дафтарига (3 жилдлик). Т., „DAVR-PRESS“, 2009.
59. Тижорат ва иймон. Т.: „Фан“, 1994.
60. Улуғларнинг сўзлари — сўзларнинг улуғлари. I — II жилд. „Насаф“ нашриёти, 2010.
61. Усмонулжаев А., Акромова Ф. Рухиятни соғломлаштириш усуллари. Т.: „Янги аср авлоди“, 2002.
62. Усмонов Раҳимжон. Саодатнома: танланган асарлар. Т.: „Ўқитувчи“, 1995.
63. Ўзбекистон — буюк алломалар юрти (Имом Бухорий халқаро маркази. тузувчи: У. Уватов). Т. „Маънавият“, 2010.
64. Ҳаким Саъдулла. Ёз оқшоми: Шеърлар. Т.: „Чулпон“, 1996.
65. Ҳошимов Ў. Дафтар ҳошиясидаги битиклар. Т.: „Шарқ“, 2008.
66. Ҳайдар Муҳаммад. Ҳикматлар ўйладим. Т.: „MERIYUS“, 2009.
67. Ҳидоятхўжаев Т. Кексалик ҳикматлари. Т., „Мовароуннаҳр“, 2005.
68. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. Т.: „Ўқитувчи“, 2005.
69. Шомансуров Ш. Узоқ умр кўриш сирлари. Т.: „Ўқитувчи“, 2007.
70. Шайтондан паноҳланинг. Т.: „Мовароуннаҳр“, 2005.
71. Шарофиддинов О. Ижодни англаш бахти. Т., 2010.
72. Шукрулло. Тўкилган дардларим (шеър ва дostonлар). Т. „Шарқ“, 2001.



ИЛОВАЛАР



АЛЛОҲНИНГ ГЎЗАЛ ИСМЛАРИ

1. **Аллоҳ** — тангри, маъбуди барҳақ.
2. **Ар-Раҳмон** — ўта меҳрибон.
3. **Ар-Раҳим** — жуда раҳмли.
4. **Ал-Малик** — подшоҳ.
5. **Ал-Қуддус** — нуқсонлардан холи.
6. **Ас-Салом** — офат ва балолардан саломат.
7. **Ал-Мўъмин** — омонли ва омон берувчи.
8. **Ал-Муҳаймин** — эгаллаб, қоплаб олувчи.
9. **Ал-Азиз** — иззат ва қудрат соҳиби.
10. **Ал-Жаббор** — бандалари ишини ислоҳ этувчи.
11. **Ал-Мутакаббир** — катталик ярашувчи зот.
12. **Ал-Ҳолиқ** — яратувчи, вужудга келтирувчи.
13. **Ал-Борӣ** — яратувчи.
14. **Ал-Мусаввир** — махлуқот ва мавжудотларга сурат ва шакл берувчи.
15. **Ал-Ғаффор** — бандаларнинг айбу нуқсонлари ва гуноҳу маъсиятларини фош қилмай, ёпиб тувчи, кечирувчи.
16. **Ал-Қаҳҳор** — барчани буйсундирувчи, ғолиб.
17. **Ал-Ваҳҳоб** — ўз неъматларини текин ато этувчи.
18. **Ар-Раззоқ** — барча тирик мавжудот ризқини етказиб берувчи.
19. **Ал-Ғаттоҳ** — қушойиш берувчи, раҳмат хазиналарини очувчи.
20. **Ал-Алим** — билувчи, доно, илм соҳиби.
21. **Ал-Қобиз** — кимларнингдир ризқини кийовчи, руҳларни қабз этувчи (олувчи).
22. **Ал-Босит** — кимларгадир кенг ризқ берувчи, руҳ бахш этувчи.
23. **Ал-Ҳофиз** — кофирлар мартабасини туширувчи.
24. **Ар-Рофӣ** — мўминлар мартабасини кўтарувчи.
25. **Ал-Муизз** — кимларнидир азиз, қадрли этувчи.
26. **Ал-Музилл** — кимларнидир хору залил қилувчи.
27. **Ас-Самӣ** — махфий ва ошкора гап ва шарпаларни, ҳатто дилдан ўтганини ҳам эшитувчи.
28. **Ал-Басир** — ҳамма махфий ва ошкора нарсаларни кўрувчи.
29. **Ал-Ҳакам** — қатъий ҳукм этувчи.
30. **Ал-Адл** — ўта адолатли.
31. **Ал-Латиф** — бандаларига сездирмай, ўз лутфу эҳсонини етказиб берувчи.

32. **Ал-Хобир** — ҳамма махфий, ошкора ишлардан хабардор.
33. **Ал-Ҳалим** — жазолашга шошмайдиган, юмшоқлик билан яхшилик қилиб турувчи.
34. **Ал-Азим** — улуғ, буюк, катта.
35. **Ал-Ғафур** — гуноҳларни яшириб, жазо бермай турувчи.
36. **Аш-Шакур** — оз ишга кўп мукофот берувчи.
37. **Ал-Алий** — улуғ мартабали, буюк.
38. **Ал-Кабир** — катта, ҳар жиҳатдан юқори.
39. **Ал-Ҳафиз** — сақлагувчи (ўз паноҳида).
40. **Ал-Муқит** — моддий ва маънавий озиқ берувчи.
41. **Ал-Ҳасиб** — ҳар бир ишга ўзи кифоя қилувчи.
42. **Ал-Жалил** — барча сифатлари мукамал, улуғ зот.
43. **Ал-Карим** — карамли, саховатли, кечиримли.
44. **Ар-Рақиб** — ҳамма нарсани кузатиб, назорат остига олиб турувчи.
45. **Ал-Мужиб** — дуоларни қабул этувчи.
46. **Ал-Восиъ** — мулки, раҳмати ва қудрати кенг зот.
47. **Ал-Ҳаким** — ҳикмат соҳиби. Дақиқ ва нозик илмларни билувчи.
48. **Ал-Вадуд** — дўст, хайрихоҳ, маҳбуб.
49. **Ал-Мажид** — неъматли ва эҳсонли бепоён.
50. **Ал-Боис** — пайғамбарлар юборувчи, ўлгандан кейин қайта тирилтирувчи.
51. **Аш-Шаҳид** — ҳамма нарсани билиб, кўриб турувчи, гувоҳ.
52. **Ал-Ҳақ** — ҳақиқатан мавжуд зот.
53. **Ал-Вақил** — ҳамма ишларни ўз зиммасига, кафолатига олувчи.
54. **Ал-Қавий** — ҳақиқий қувват ва қудрат эгаси.
55. **Ал-Матин** — қувватли, матонатли.
56. **Ал-Валий** — дўстларига дўст, мадаккор.
57. **Ал-Ҳамид** — ҳамду саного, мақтовга лойиқ зот.
58. **Ал-Муҳсий** — барча махлуқот ва мавжудотларнинг ҳисоб-китобини яхши билувчи.
59. **Ал-Мубдиъ** — йўқдан бор қилувчи, яратувчи.
60. **Ал-Муид** — ҳаётдан ўлимга, ўлимдан яна ҳаётга қайтарувчи.
61. **Ал-Муҳйи** — тирилтирувчи.
62. **Ал-Мумит** — ўлдирувчи.
63. **Ал-Ҳай** — тирик.
64. **Ал-Қайюм** — ўз-ўзидан турувчи, бошқаларни турғизувчи.
65. **Ал-Важид** — хоҳлаган нарсасини топувчи.
66. **Ал-Мажид** — карамли ва шарафли зот.
67. **Ал-Воҳид** — ягона, бир (худо бир).

68. **Ас-Самад** — ҳожатбарор.
69. **Ал-Қодир** — қудратли.
70. **Ал-Муқтадир** — қудратли, қодир.
71. **Ал-Муқаддим** — ўзига яқин қилувчи.
72. **Ал-Муаххир** — ўзидан узоқ этувчи.
73. **Ал-Аввал** — ҳамма нарсадан аввал, бошланиши чега-расиз.
74. **Ал-Охир** — ҳамма нарсадан боқий, охири чексиз.
75. **Аз-Зоҳир** — борлиги ҳамма томонлама баён бўлмиш зот.
76. **Ал-Ботин** — ўзи мавжуд, лекин сезги воситаларимиздан махфий зот.
77. **Ал-Волий** — барча ишларни тасарруф этувчи ҳоким.
78. **Ал-Мутаол** — улуг, олий мартабали.
79. **Ал-Барр** — яхшилик ва эҳсон соҳиби.
80. **Ат-Тавваб** — тавбаларни қабул этувчи.
81. **Ал-Мунтақим** — гуноҳкор бандаларидан ўч олувчи, жазо-ловчи.
82. **Ал-Афв** — гуноҳларни афв этувчи.
83. **Ар-Рауф** — ўта меҳрибон, раҳмати кенг.
84. **Моликул-мулк** — мулк, салтанат, ҳукм соҳиби.
85. **Зул-жалали вал икром** — шараф ва карам эгаси.
86. **Ал-Муқсит** — адолатли, одил.
87. **Ал-Жомий** — тўпловчи, қиёмат куни халойиқни маҳ-шаргоҳга жам этувчи.
88. **Ал-Ғаний** — бой, эҳтиёжсиз.
89. **Ал-Мунғий** — бой этувчи, кифоя қилувчи.
90. **Ал-Моний** — дўстларини ҳимоя этувчи, нолойиқларга уз неъматларини ман этувчи.
91. **Аз-Зорр** — хоҳлаган бандаларига офат, зарар ва му-сibat егказувчи.
92. **Ан-Нофий** — хоҳлаган бандаларига манфаат ва фойда етказувчи.
93. **Ан-Нур** — ўз-ўзидан борлиги аён ва борлиқни ҳам аён этувчи.
94. **Ал-Ҳадий** — йўл кўрсатувчи, ҳидоятга солувчи.
95. **Ал-Бадий** — яратувчи (ихтиро ила).
96. **Ал-Боқий** — доимий, абадий мавжуд.
97. **Ал-Ворис** — борлиқни мерос қилиб олувчи.
98. **Ал-Рашид** — барча иш ва тадбирлари тўғри чиқувчи.
99. **Ас-Сабур** — гуноҳкор-исёнкорларга жазо беришга шошилмайдиган зот.

Қуръони Карим сураларига қилинган иқтибослар

Китоб рақами	Китобнинг номи	Сура номи	Оят рақами	Бетлар
1	2	3	4	5
Бош китоб	Осуда яшашнинг 99 сири	Бақара	49	8
			213	33
		Наҳл	45	272
		Нисо	32	83
		Балад	3, 4	594
1	Ҳаёт ва осудалик	Анъом	32	113
		Худ	15	223
		Мўминун	37	344
		Анкабут	64	404
		Зумор	5, 6	458 — 459
		Ғофир	4, 39, 67	467, 475
		Ар-Раҳмон	26	532
2	Табиат ва осудалик	Бақара	22	4
		Нисо	126	98
			131	99
		Аъроф	56	157
3	Инсон ва осудалик	Маориж	20, 21	569
		Ал-Исро	54,70	287, 289
		Инсон	2,3	578
		Тавба	71, 72	198
4	Эркак-аёл ва осудалик	Бақара	228	36
		Нур	26	352
		Бақара	221	35
5	Эр-хотин ва осудалик	Таҳрум	1, 10	560, 561
		Масад	5	603
		Мужодала	1	542
		Тағобун	14	557

1	2	3	4	5
6	Оила ва осудалик	Нисо	34, 128, 129	84 99
		Бақара	116	18
7	Фарзанд тарбияси ва осудалик	Нисо	11, 171	78, 105
		Ал-Исро	23 — 24	284
		Луқмон	14	412
		Зумар	4	458
		Аҳқоф	15	504
		Тағобун	14 — 15	557
8	Ота-она ва осудалик	Ал-Исро	23 — 24	284
		Анкабут	8	397
		Луқмон	14	412
		Аҳқоф	15	504
9	Қайнона-келин ва осудалик	Бақара	190	29
10	Саломатлик ва осудалик	Нисо	86	91
		Инсон	28, 30	580
11	Мақсад ва осудалик	Ҳижр	3, 56	262, 265
		Инсон	30	580
12	Бахт ва осудалик	Лайл	14 — 18	595 — 596
		Аср	2 — 3	601
13	Касб ва осудалик	Худ	86	231
		Ал-Исро	13	283
		Каҳф	46	299
		Луқмон	22	413
		Муддассир	38	576
14	Илм ва осудалик	Бақара	269	45
		Нисо	170	104
		Тоҳа	98	318
			114	320
		Ҳаж	8	333

1	2	3	4	5
		Нур	18	351
		Фуссилат	47	482
		Мужодала	11	543
15	Меҳнат ва осудалик	Тавба	105	203
		Соф	2 — 3	551
16	Интизом ва осудалик	Нисо	28	83
		Нур	27 — 28	252 — 253
		Аҳзоб	36	423
		Ғофир	78	476
17	Вақт ва осудалик	Нисо	103	95
		Анъом	2, 67	128 — 135
		Юнус	5	208
		Раъд	38	254
		Анкабут	5	396
18	Ишонч ва осудалик	Бақара	55, 118	8, 18
		Ал-Исро	107	293
19	Ризқ ва осудалик	Бақара	245	39
		Моида	88	122
		Ҳуд	6	222
		Наҳл	71	274
		Ал-Исро	30 — 31	285
			66	288
		Тоҳа	81	317
		Ҳаж	50	338
		Ҳаж	58	339
		Нур	38	355
		Қасос	73	394
		Анкабут	60	403
		Сабаъ	24	431
			36	432
		Ваз-зориёт	58	523

1	2	3	4	5
20	Бойлик ва осудалик	Оли Имрон	181	74
		Моилта	100	124
		Ал-Исро	18	284
		Каҳв	46	299
		Алақ	6 — 7	597
		Такасур	1, 2, 3, 4, 5, 6	600
21	Меъёр ва осудалик	Мўминун	102	348
			103	348
		Фурқон	1 — 2	359
		Сабъ	21	429
		Шўро	27	486
		Зухруф	11	490
		Ар-Раҳмон	7, 8, 9	531
		Қамар	49	530
		Ҳадид	25	541
		Юсуф	53	242
		Рум	29	407
		Сод	26	454
		Жасия	23	501
		Муҳаммад	16	508
		Қоф	16	519
			17	519
		Ҳашр	9	546
		Тағобун	16	557
Қиёмат	2	577		
		Бақара	153	23
			155	24
		Оли Имрон	125	66
		Ақфол	46	183
		Ҳуд	115	234
		Раъд	24	252

1	2	3	4	5
23	Сабр ва осудалик	Наҳл	96	278
			127	281
		Фурқон	20	361
			75	366
		Рум	60	410
		Луқмон	17	412
		Вас-соффат	102	449
		Ғофир	77	475
		Аҳқоф	35	506
		Тур	48	525
		Қалам	48 — 50	566
		Маориж	5	568
			19 — 24	569
	Муддассир	7	575	
24	Қисмат, тақдир ва осудалик	Раъд	10	250
		Аҳзоб	38	423
25	Замон ва осудалик	Жасия	24	501
26	Ўтмиш ва осудалик	Юнус	13 — 14	209
			94	219
27	Азоб ва осудалик	Юнус	100	220
		Ал-Исро	58	287
		Луқмон	60	411
		Сабаъ	5	428
		Шарҳ	5, 6	596
28	Мусибат ва осудалик	Шуро	30	486
			43	487
		Ҳадид	22	540
		Тағобун	11	557
29	Салоҳият ва осудалик	Бақара	286	49
		Мўминун	62	346

1	2	3	4	5
30	Муваффақият ва осудалик	Оли Имрон	139	67
31	Шукроналик ва осудалик	Бақара	61, 152	9, 23
		Иброҳим	7	256
			32, 33, 34	259 — 260
		Наҳд	112	280
		Ал-Исро	67, 83	289 — 290
		Ҳаж	38, 66	336, 340
		Муминун	78	347
		Қасос	73	394
		Луқмон	12	412
		Зумар	3	458
		Ғофир	61	474
		Шуро	33	487
		Қоф	24	519
Инсон	2,3	578		
32	Иймон ва осудалик	Оли Имрон	177	73
		Нисо	29	83
		Анъом	125	144
		Тавба	119	206
		Юнус	98	220
		Иброҳим	27	259
		Ҳаж	50	338
		Фурқон	70	366
		Анкабут	9	397
		Талоқ	11	559
33	Инсоф ва осудалик	Юнус	33	210
		Оли Имрон	18	52
		Нисо	3	77
		Моида	8	108

1	2	3	4	5
34	Адолат ва осудалик	Сабаъ	26	431
		Шуро	17	485
		Хужурот	9	516
35	Одоб ва осудалик	Луқмон	19	412
36	Андиша ва осудалик	Луқмон	19	412
37	Ният ва осудалик	Бақара	127	20
		Ал-Исро	11	283
		Фурқон	77	366
		Зумар	49	464
		Ғофир	60	474
38	Ихлос ва осудалик	Юнус	22	211
39	Меҳр-муҳаббат ва осудалик	Юнус	25	211
		Шуро	19	485
40	Ақл ва осудалик	Юнус	100	220
		Ғофир	67	475
41	Яхшилик ва осудалик	Бақара	215	33
		Иброҳим	23	258
		Наҳл	30, 31, 32	270
			45	272
			97	278
		Ҳаж	41	334
		Мўминун	102 — 103	348
		Намл	89 — 90	385
		Қасос	77	394
			84	395
		Сабаъ	36	432
			39	432
		Ғофир	14	468
	40	471		

1	2	3	4	5
		Фуссилат	34	480
			46	481
			49	482
		Жасия	15	500
		Тағобун	17	557
42	Ҳақиқат ва осудалик	Бақара	42	7
			147	23
		Анфол	29	180
		Ал-Исро	105	293
		Мунофиқун	3	554
43	Калб ва осудалик	Тағобун	11	557
44	Фурур ва осудалик	Бақара	258	43
45	Ирода ва осудалик	Рум	36	408
46	Шайтон ва осудалик	Бақара	168, 169, 208	25, 32
		Оли Имрон	175	73
		Нисо	38	85
			115, 117, 119, 120, 121	97
		Аъроф	19, 20, 22, 200	152, 176
		Иброҳим	22	258
		Наҳл	63	273
		Ҳаж	3	332
		Нур	21	352
		Қасос	15	387
		Фотир	6	435
		Ёсин	62	444
		Зухруф	62	494
		Қоф	27	519
		Мужодала	10, 19	543, 544
	Ҳажр	16	547	
	Бақара	35, 36	6	
	Нисо	112	96	

1	2	3	4	5
47	Гуноҳ ва осудалик	Моида	2	106
		Анъом	120	143
		Каҳф	53	299
		Тоҳа	120 — 122	320
		Мўминун	118	349
		Нур	30, 31	353
		Фотир	45	440
		Ғофир	55	473
		Шўро	30	486
		Нажм	31	527
48	Асаб ва осудалик			
49	Ёлгон ва осудалик	Бақара	39	7
		Оли Имрон	94	62
		Анъом	49	133
		Аъроф	36	154
		Юнус	17	210
		Худ	18	223
		Наҳл	49	279
		Анкабут	68	404
		Аҳзоб	70 — 71	427
		Зумар	3, 60	458, 465
Ғофир	28	470		
50	Тухмат ва осудалик	Нисо	112	96
51	Ғийбат ва осудалик	Хужурот	6	516
		Хумаза	1	601
52	Ҳасад ва осудалик	Нисо	32	83
53	Чақимчилик ва осудалик	Нисо	114	97

1	2	3	4	5
54	Хиёнат ва осудалик	Анфол	27	180
		Ал-Исро	32	285
		Нур	2 — 4	350
			23	352
55	Адоват ва осудалик	Бақара	137	21
		Оли Имрон	103	63
		Моида	2	106
		Каҳф	54	300
		Фуссилат	34	480
56	Бахиллик ва осудалик	Оли Имрон	180	73
		Ал-Исро	29	285
			100	292
		Муҳаммад	38	510
57	Мунофиқлик ва осудалик	Оли Имрон	166 — 167	72
		Тавба	67, 68, 69	197, 198
		Нур	47, 53	356
		Анкабут	11	397
		Муҳаммад	16	508
		Мужодала	14	544
		Ҳажр	13	547
Мунофиқун	1	554		
58	Манманлик ва осудалик	Оли Имрон	188	75
		Аъроф	146	168
		Ал-Исро	37	285
		Каҳф	23 — 24	296
		Луқмон	18	412
59	Мансаб ва осудалик	Анъом	132	115
			165	150
60	Лоқайдлик ва осудалик	Муҳаммад	35	510

1	2	3	4	5
61	Худбинлик ва осудалик	Анкабут	65	404
62	Хушомад ва осудалик			
63	Рашк ва осудалик	Таҳрим	1	560
64	Шошқалоқлик ва осудалик	Ал-Исро	11	283
		Анбиё	37	325
		Қасос	76	394
65	Тамағирлик ва осудалик	Нисо	161	103
66	Семизлик ва осудалик	Инсон	9	579
67	Жоҳиллик ва осудалик	Бақара	67	10
		Аъроф	199	176
68	Гумон ва осудалик	Юнус	36, 37	213
			94	219
		Ҳаж	5, 15	332 — 333
		Аҳзоб	23	417
		Зухруф	61	494
		Жасия	32	501
		Фатҳ	6	511
		Ҳужурот	12	517
	Нажм	27 — 28	527	
69	Гайриқонуний иш ва осудалик	Моида	38	114
		Анъом	132	145
		Ал-Исро	35	285
		Тоҳа	74	316
		Анбиё	23	323
		Рум	55	410
		Сабаъ	25	431

1	2	3	4	5
		Хужурот	1	515
70	Ичкиликбозлик ва осудалик	Бақара	219	34
		Наҳл	67	274
		Муҳаммад	15	508
		Тур	23	524
		Воқеа	19	535
		Инсон	5, 15	578 — 579
71	Ғазаб ва осудалик	Оли Имрон	162	71
72	Қўркув ва осудалик	Ал-Исро	59	288
		Луқмон	33	414
		Аҳзоб	39	423
		Абаса	33, 34, 35, 36, 37	585
73	Афсус ва осудалик	Фурқон	25 — 27	362
		Шуаро	98 — 102	371
		Қасос	15	387
		Зумар	56, 58	464, 465
		Хужурот	6	516
		Набаъ	40	583
74	Зулм ва осудалик	Бақара	165	25
		Оли Имрон	108	63
		Ҳуд	113	234
		Иброҳим	32, 33, 34	259 — 260
		Наҳл	85	276
		Ғофир	31	470
		Шўро	40, 42	487
75	Эҳтирос ва осудалик			
76	Сиқилиш ва осудалик	Ҳижр	97	267
		Наҳл	127 — 128	281
		Ал-Исро	11	283

1	2	3	4	5
77	Армон ва осудалик			
78	Феъл-атвор ва осудалик	Бақара	74	11
79	Ўзини бошқара олиш ва осудалик	Нисо	79	90
80	Бурч ва осудалик	Нисо	16	83
81	Ваъда ва осудалик	Бақара	40	7
		Оли Имрон	76, 77	59
		Моида	89	122
		Раъд	35	254
		Иброҳим	47	261
		Наҳл	91, 94	277, 278
		Ал-Исро	34	285
		Луқмон	33	414
		Аҳқоф	16	504
		Фатҳ	10	512
82	Сир ва осудалик	Бақара	72	11
			164	25
		Ал-Исро	25	284
		Луқмон	23	413
		Фотир	38	438
		Хужурот	18	517
83	Сукут ва осудалик			
84	Уйқу ва осудалик	Набаъ	9	582
85	Туш ва осудалик	Анфол	25	182
		Фатҳ	27	514
86	Мусиқа ва осудалик	Каҳф	99	304
		Қоф	20	519

1	2	3	4	5
87	Кайфият ва осудалик	Рум	48	409
88	Табассум ва осудалик	Тавба	81,82	200
		Анкабут	64	404
		Жумъа	11	554
89	Китоб ва осудалик	Бақара	151	23
		Оли Имрон	79	60
		Ал-Исро	9, 10	283
		Каҳф	27, 29	296, 297
		Тоҳа	2 — 4	312
		Ҳаж	8	333
		Сабаъ	6	428
		Фотир	31 — 32	438
		Шуро	52	489
90	Муомала ва осудалик	Бақара	83	12
		Нисо	1	77
		Луқмон	15	412
		Фуссилат	34	480
		Шуро	51	488
91	Тил ва осудалик	Бақара	263	44
		Моида	78	121
		Иброҳим	24, 26	258, 259
		Ал-Исро	28	285
			53	287
		Фуссилат	33	480
92	Устоз-шогирд ва осудалик	Қоф	29	519
93	Дўстлик ва осудалик	Моида	51	117
		Фурқон	18	361
		Сажда	4 — 5	415

1	2	3	4	5
		Фуссилат	34, 35	480
		Шуро	44	487
94	Қўшничилик ва осудалик			
95	Қарз ва осудалик	Бақара	280, 282	47 — 48
		Тавба	60	196
96	Кечиримлилик ва осудалик	Бақара	160	24
			263	44
		Анфол	68	185
		Марям	47	308
		Тоҳа	82	317
		Мўминун	118	349
		Намл	11	377
		Қасос	16 — 17	387
		Фатҳ	2 — 3	511
97	Кексалик ва осудалик	Иброҳим	39, 41	260
		Рум	54	410
98	Касалик ва осудалик	Моида	52	117
99	Ўлим ва осудалик	Оли Имрон	185	74
		Ҳижр	5	262
		Анбиё	35	324
		Мўминун	43	345
		Намл	4 — 5	377
		Анкабут	57	403
		Зумар	30	461
			42	463
		Зухруф	67 — 72	494
		Қоф	19	519
		Жумъа	8	553
		Мунафиқун	10, 11	555
		Инсон	6 — 12	577

НОМЛАР КЎРСАТКИЧИ

А

1. **Аҳмад Дониш** (1826 — 1897) — ўзбек тарихнавис олими.
2. **Абдулла Қаҳҳор** (1907 — 1968) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси.
3. **Абу Али ибн Сино** (980 — 1037) — ўрта аср Шарқининг қомусчи олими.
4. **Абул Фароҳ** (897 — 967) — араб шоири ва олими.
5. **Августин Аврелий (Саодатли)** (354 — 430) — насроний дини назариячиси, „Черков ота“ларидан бири.
6. **Авесто** (эрамизгача X — VI асрлар) — қадимги Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-фалсафий қарашлари мажмуаси.
7. **Авлоний Абдулла** (1878 — 1934) — ўзбек шоири, маърифатпарвар ва жамоат арбоби.
8. **Аврелий Марк** (121 — 180) — Рим давлат арбоби ва файласуфи.
9. **Азимов Айзек** (1920 — 1992) — америкалик ёзувчи-фантаст.
10. **Ал-Хоразмий (Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо)** (783 — 850) — машҳур ўзбек математиги, астроном, географ.
11. **Ал-Фаргоний (Аҳмад ибн Маҳмуд)** (798 — 861) — буюк ўзбек математиги, астроном.
12. **Александр Македонский** (эрамизгача 356 — 323 йиллар) — Македония подшоҳи.
13. **Али ибн Абу Толиб** (600 — 661) — араб файласуфи, давлат арбоби.
14. **Ал-Хоризий** (1054 — 1128) — араб олими, шоир.
15. **Амир Темуру** (1336 — 1405) — Турон ва Туркистоннинг буюк фарзанди, саркарда, давлат арбоби, марказланган мустақил давлат ташкилотчиси.
16. **Андерсен-Нексе (Андерсен — ҳақиқий фамилияси, Нексе — тахаллуси) Мартин** (1869 — 1954) — Дания ёзувчиси.
17. **Апулей** (125 — 180) — Рим ёзувчиси.
18. **Арасту** (эрамизгача 384 — 322 йиллар) — қадимги юнон файласуфи, қомусчи олим.
19. **Асқад Мужтор** (1920 — 1997) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси.
20. **Ас-Самарқандий Муҳаммад Аз-Захори** (XII аср) — форс шоири.
21. **Аттор Фаридиддин Муҳаммад ибн Иброҳим** (1119 — 1234) — форс-тожик шоири.
22. **Ауэрбах Бертольд** (1812 — 1882) — немис шоири ва ёзувчиси.
23. **Афиналик Антисфен** (эрамизгача тах. 435 — 370 йиллар) — қадимги юнон файласуфи.

Б

24. **Байрон Жорж Ноэл Гордон** (1788 — 1824) — инглиз шоири.
25. **Бальзак Оноре де** (1799 — 1850) — француз ёзувчиси.
26. **Белинский Виссарион Григорьевич** (1811 — 1848) — рус адабий танқидчиси, файласуф, публицист.
27. **Беруний Абу Райҳон** (973 — 1048) — машҳур ўзбек олими.
28. **Бетховен Людвиг ван** (1770 — 1827) — немис композитори пианист.
29. **Библия** (эрамизгача VIII — эрамиз II асрлар) — насронийлик динининг ёзма асоси.
30. **Блок Александр Александрович** (1880 — 1921) — рус шоири.
31. **Бобур Заҳририддин Муҳаммад** (1483 — 1530) — буюк шоир, давлат арбоби ва саркардаси.
32. **Бруно Жордано** (1548 — 1600) — италян файласуфи ва шоири.
33. **Бэкон Фрэнсис** (1561 — 1626) — инглиз олими.

В

34. **Вашингтон Жорж** (1732 — 1799) — Америка давлат арбоби, АҚШ биринчи президенти.
35. **Вергилий (Публий Вергилий Марон)** (эрамизгача 70 — 19 йиллар) — қадимги Рим шоири.
36. **Вернадский Владимир Иванович** (1863 — 1945) — рус минерологи ва геохимик олими.
37. **Виланд Христоф Мартин** (1733 — 1813) — немис ёзувчиси.
38. **Вовенарг Люк де Клапье** (1715 — 1747) — француз ёзувчиси.
39. **Вольтер (Мари Франсуа Аруэ)** (1694 — 1778) — француз ёзувчиси, файласуф, тарихчи.
40. **Воҳидов Эркин** (1936) — Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Кахрамони.

Г

41. **Ганди Индира** (1917 — 1984) — ҳинд давлат арбоби.
42. **Ганди Мохандас Кармчанд** (1869 — 1948) — ҳинд мутафаккири ва сиёсий арбоби.
43. **Гегель** (1770 — 1831) — буюк немис файласуфи.
44. **Гейне Генрих** (1797 — 1856) — немис шоири, публицист, танқидчи.
45. **Гераклит Эфеслик** (эрамизгача 530 — 470 йиллар) — қадимги юнон материалист файласуфи.
46. **Геродот** (эрамизгача тах. 484 — 425 йиллар) — тарихчилар „отаси“, қадимги юнон тарихчиси.

47. **Герцен Александр Иванович** (1812 — 1870) — рус ёзувчиси, публицист.
48. **Гете Иоганн Вольфганг** (1749 — 1832) — немис шоири, мутафаккир.
49. **Гоголь Николай Васильевич** (1809 — 1852) — рус ёзувчиси.
50. **Голль Шарль де** (1980 — 1970) — Франция президенти (1959 — 1969).
51. **Гольбах Поль Анри** (1723 — 1789) — француз материалист-файласуфи.
52. **Гомер** (эрамизгача XII — VII асрлар) — қадимги Грециянинг машҳур шоири.
53. **Гораций (Квинт Гораций Флакк)** (эрамизгача 65 йил — эрамизнинг 8 йиллари) — қадимги Рим шоири.
54. **Горький Максим** (ҳақиқий исми — **Алексей Максимович Пешков**) (1868 — 1936) — рус ёзувчиси.
55. **Ғафур Ғулом** (1903 — 1966) — ўзбек халқ шоири.

Д

56. **Данте Алигьери** (1265 — 1321) — италян шоири.
57. **Декарт Рене** (1596 — 1650) — француз файласуфи ва математиги.
58. **Демокрит** (эрамизгача 460 — 370 йиллар) — қадимги юнон материалист-файласуфи.
59. **Демосфен** (эрамизгача 384 — 322 йиллар) — Қадимги Афинанинг жамоат арбоби, нотиқ.
60. **Дефо Даниель** (тах. 1660 — 1731) — инглиз ёзувчиси.
61. **Дидро Дени** (1713 — 1784) — француз файласуфи, ёзувчи.
62. **Диохен Синоплик** (эрамизгача тахминан 412 — 323 йиллар) — қадимги юнон файласуфи.
63. **Достоевский Федор Михайлович** (1821 — 1881) — рус ёзувчиси.
64. **Драйзер Теодор** (1871 — 1945) — америкалик ёзувчи.
65. **Дюма Александр (отаси)** (1802 — 1870) — француз ёзувчиси.

Ж

66. **Жаброн Халил Жаброн** (1883 — 1931) — Ливан ёзувчиси, rassom.
67. **Жан Поль** (ҳақиқий исми **Иоганн Пауль Фридрих Рихтер**) (1763 — 1825) — немис ёзувчиси.
68. **Жефферсон Томас** (1743 — 1826) — америкалик сиёсат арбоби, АҚШ президенти (1801 — 1809).
69. **Жолио-Кюри Фредерик** (1900 — 1958) — француз физик олими.
70. **Жомий Абдураҳмон Нуриддин ибн Аҳмад** (1414 — 1492) — форс-тожик шоири, олим.

71. **Жонсон Бенжамин** (1573 — 1637) — инглиз шоири, драматурги.

З

72. **Зардушт (Зороастр, Зоротуштра)** (эрамизгача 628 — 551 йиллар) — ўзбек халқининг буюк фарзанди, зардуштийлик динига асос солган.

И

73. **Имом ал-Бухорий** (810 — 871) — Ислом соҳасида буюк олим.

К

74. **Камю Альбер** (1913 — 1960) — француз ёзувчиси ва файласуфи.
75. **Кант Иммануил** (1724 — 1804) — немис файласуфи.
76. **Капиев Эфенди Мансурович** (1909 — 1944) — Доғистон ёзувчиси.
77. **Каримов Ислом Абдуғаниевич** (1938) — Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти.
78. **Карлейль Томас** (1795 — 1881) — инглиз ёзувчиси, тарихчи, файласуф.
79. **Карнеги Дейл** (1888 — 1955) — америкалик руҳшунос.
80. **Қодирий Абдулла (Жулқунбой)** (1894 — 1938) — ўзбек ёзувчиси.
81. **Коменский Ян Амос** (1592 — 1670) — чех донишманди, педагогика асосчиси.
82. **Конфуций (Юн-Цзи)** (эрамизгача 551 — 479) — қадимги Хитой донишманди.
83. **Қори Ниёзий** (1879 — 1970) — математик олим.
84. **Кроткий Эмиль (Эммануил Яковлевич Герман)** (1892 — 1963) — рус сатирик ёзувчиси, шоир.
85. **Кулиев Қайсин** (1917 — 1985) — болқор шоири.
86. **Қўнанбоев Абай** (1845 — 1905) — қозоқ шоири.

Л

87. **Лабрюйер Жан** (1645 — 1696) — француз ёзувчи.
88. **Лао-Цзи (Ли Эр)** (эрамизгача IV — III аср) — қадимги Хитой ёзувчиси, файласуф.
89. **Ларошфуко Франсуа де** (1613 — 1680) — француз ёзувчиси.
90. **Леонардо да Винчи** (1452 — 1519) — итальян мутафаккири, олим, рассом.
91. **Линкольн Авраам** (1809 — 1865) — Америка сиесий арбоби, публицист, АҚШ президенти.

92. **Лихтенберг Георг Кристоф** (1742 — 1799) — немис ёзувчиси, олим.
93. **Локк Жон** (1632 — 1704) — англиз файласуфи ва педагоги.
94. **Ломоносов Михаил Васильевич** (1711 — 1765) — рус олими, шоир.
95. **Лохутий Абулқосим** (1887 — 1957) — Эрон шоири.
96. **Луцилий** (эрамизгача 180 — 102 йиллар) — қадимги Рим шоири.

М

97. **Макаренко Антон Семенович** (1888 — 1939) — рус ёзувчиси, педагог.
98. **Мақсуд Шайхзода** (1908 — 1967) — шоир, драматург.
99. **Махтумқули** (1733 — 1783) — машҳур туркман шоири.
100. **Машраб Бобораҳим** (1640 — 1711) — ўзбек халқ шоири.
101. **Маяковский Владимир Владимирович** (1893 — 1930) — рус шоири.
102. **Менандр** (эрамиздан олдин тах. 343 — 291 йиллар) — қадимги юнон шоири ва драматурги.
103. **Менкен Генри** (1880 — 1956) — Америка ҳажвчиси ва публицисти.
104. **Мирабо Оноре** (1749 — 1791) — француз сиёсий арбоби.
105. **Мирзо Улугбек** (1394 — 1449) — ўзбек астрономи.
106. **Монтень Мишель де** (1533 — 1592) — француз файласуфи, ёзувчи.
107. **Монтескье Шарль Луи** (1689 — 1755) — француз файласуфи, жамоат арбоби.
108. **Мопассан Ги де (Анри Рене Альбер Ги)** (1850 — 1893) — француз ёзувчиси.
109. **Мор Томас** (1478 — 1535) — англиз тарихчиси, ёзувчи, давлат арбоби.

Н

110. **Навоий Низомиддин Мир Алишер** (1441 — 1501) — буюк ўзбек шоири, олим ва давлат арбоби.
111. **Наполеон I (Бонапарт)** (1769 — 1821) — Франция давлат арбоби, саркарда.
112. **Неру Жавоҳарлал** (1889 — 1964) — Ҳиндистоннинг сиёсий ва давлат арбоби.
113. **Низомий Ганжавий Илос Юсуф** (тах. 1141 — 1203) — буюк Озарбайжон шоири.
114. **Никсон Ричард Милхаус** (1913 — 1997) — АҚШнинг 37-президенти.

115. **Нишсе Фридрих** (1844 — 1900) — немис файласуфи, шоир.
 116. **Нодира (Моҳларойим)** (1792 — 1842) — ўзбек шоираси, давлат арбоби.
 117. **Носир Хусрав** (1003 — 1088) — форс-тожик тилида ижод этган шарқ шоири.
 118. **Ньютон Исаак** (1643 — 1727) — буюк инглиз олими.

О

119. **О. Генри** (ҳақиқий исми — **Уильям Сидни Портер**) (1862 — 1910) — Америка ёзувчиси.
 120. **Овидий (Публий Овидий Назон)** (эрамиздан олдин 43 — эрамизнинг 17 йиллари) — қадимги Рим шоири.
 121. **Огаҳий (Муҳаммад Ризо Эрнийезбек Огаҳий)** (1809 — 1874) — таниқли ўзбек шоири, тарихчи, давлат арбоби.
 122. **Озод Шарафиддинов** (1929 — 2005) — адабиётшунос олим.
 123. **Орипов Абдулла** (1941) — Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири.
 124. **Островский Николай Александрович** (1904 — 1936) — рус ёзувчиси.

П

125. **Периандр** (эрамизгача 660 — 585 йиллар) — қадимги юнон ҳукмдори (Коринф).
 126. **Петр I** (1672 — 1725) — рус давлат арбоби, биринчи рус императори.
 127. **Петрарка Франческа** (1304 — 1374) — итальян шоири.
 128. **Петроний Ҳакам Гай** (I аср) — қадимги Рим ёзувчиси.
 129. **Пифагор** (эрамиздан олдин 580 — 500 йиллар) — қадимги юнон файласуфи ва математиги.
 130. **Платон** (эрамиздан олдин тах. 427 — 347 йиллар) — қадимги юнон файласуфи.
 131. **Плутарх** (тах. 46 — 126) — қадимги юнон файласуфи ва ёзувчиси.
 132. **Публий Сир** (эр. олд. I аср) — қадимги Рим шоири.
 133. **Пушкин** (1799 — 1837) — рус ёзувчиси.

Р

134. **Расул Ҳамзатов** (1923 — 2004) — авар шоири.
 135. **Рубакин Николай Александрович** (1862 — 1946) — рус библиографи ва ёзувчиси.
 136. **Рудакий (Абу Абдулло Абулҳасан Жаъфар ибн Муҳаммад)** (860 — 951) — буюк форс-тожик шоири.

137. **Румий Жалололидин Муҳаммад Балхий** (1207 — 1273) — буюк форс-тожик шоири.
138. **Руссо Жан Жак** (1712 — 1778) — француз мутафаккири, ёзувчи ва педагог.
139. **Руставели Шота** (XII аср) — грузин шоири.

С

140. **Садриддин Айний** (1878 — 1954) — ўзбек-тожик ёзувчиси.
141. **Саид Аҳмад** (1920 — 2008) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси.
142. **Саъдий Муслиҳиддин** (1184 — 1292) — форс-тожик тилида ижод қилган буюк шарқ шоири.
143. **Сенека (Кичик) Луций Анней** (эрамизгача тах. 4 — эрамизнинг 65 йиллари) — қадимги Рим ёзувчиси, файласуф.
144. **Симонов Константин (Кирилл) Михайлович** (1915 — 1979) — рус ёзувчиси.
145. **Скотт Вальтер** (1771 — 1832) — инглиз ёзувчиси.
146. **Смит Сидней** (1771 — 1845) — инглиз ёзувчиси.
147. **Солон** (эрамизгача тах. 638 — 559 йиллар) — қадимги юнон файласуфи.
148. **Софокл** (эрамизгача тах. 497 — 406 йиллар) — қадимги юнон драматурги.
149. **Сталь Анна Луиза** (1766 — 1817) — француз адибаси.
150. **Стендаль (Анри-Мари Бейль)** (1783 — 1842) — француз ёзувчиси.
151. **Суворов А. В.** (1729 — 1800) — рус саркардаси.
152. **Сукрот** (эрамизгача 469 — 399 йиллар) — қадимги юнон файласуфи.
153. **Сухомлинский Василий Александрович** (1918 — 1970) — рус педагоги, олим.
154. **Сюнь-Цзи** (эрамизгача 313 — 238) — Хитой файласуфи.

Т

155. **Тагор Рабиндранат** (1861 — 1941) — ҳинд ёзувчиси ва жамоат арбоби.
156. **Твен Марк (Сэмюэл Ленгхорн Клеменс)** (1835 — 1910) — Америка ёзувчиси.
157. **Тихонов Николай** (1896 — 1979) — рус ёзувчиси.
158. **Тоиров Маҳмуд** (1952) — Ўзбекистон халқ шоири.
159. **Толстой Лев Николаевич** (1828 — 1910) — рус ёзувчиси.
160. **Тоҳир Бобо** (X аср охири — XI асрлар) — форс тилида ижод қилган шоир.

161. **Тоҳир Малик** (1946) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси.
 162. **Тургенев Иван Сергеевич** (1818 — 1883) — рус ёзувчиси.

У — Ў

163. **Уайльд Оскар** (1856 — 1900) — инглиз ёзувчиси.
 164. **Ушинский Константин Дмитриевич** (1824 — 1870) — рус педагоги.
 165. **Ўткир Ҳошимов** (1941) — Ўзбекистон халқ ёувчиси.

Ф

166. **Фалес Милетлик** (эрамизгача тах. 624 — 546 йиллар) — қадимги юнон файласуфи.
 167. **Фаробий** (873 — 950) — Ўрта Осиёнинг мутафаккири.
 168. **Фейербах Людвиг** (1804 — 1872) — немис файласуфи.
 169. **Фирдавсий Абулқосим** (934 — 1025) — буюк форс шоири.
 170. **Фитрат** (1886 — 1938) — ўзбек ёзувчиси.
 171. **Франклин Бенжамин** (1706 — 1790) — Америка сиёсий арбоби, олим.
 172. **Франс (Тибо) Анатолий** (1844 — 1924) — француз ёзувчиси.
 173. **Фрейд Зигмунд** (1856 — 1939) — австриялик руҳшунос олим.
 174. **Фузулий (Муҳаммад Сулаймон ўғли)** (1498 — 1556) — буюк Озарбайжон лирик шоири.
 175. **Фуллер Томас** (1608 — 1661) — инглиз адабиётчиси.
 176. **Фурқат** (1859 — 1909) — ўзбек ёзувчиси.

Х — Ҳ

177. **Ҳабибий** (1890 — 1980) — Ўзбекистон халқ шоири.
 178. **Ҳайём Умар** (тах. 1048 — 1131) — шоир, форс-тожик адабиётининг буюк намоёниси.
 179. **Ҳамид Олимжон** (1909 — 1944) — шоир, публицист.
 180. **Хемингуэй Эрнест Миллер** (1899 — 1961) — Америка ёзувчиси.
 181. **Ҳофиз (Шамсуддин Муҳаммад)** (1325 — 1389) — форс тилида ижод этган буюк шарқ шоири.
 182. **Ҳофиз Хоразмий (Абдураҳим)** (XIV асрнинг иккинчи ярми — XV асрнинг биринчи ярми) — атоқли ўзбек шоири.
 183. **Хусрав Деҳлавий (Ячиниддин Абул Ҳасан Амир)** (1253 — 1325) — буюк форс шоири.

Ц

184. **Цезарь (Гай Юлий)** (эрамизгача 100 — 44) — қадимги Рим саркардаси, давлат арбоби, ёзувчи.
 185. **Цицерон Марк Тулий** (эрамизгача 106 — 43 йиллар) — қадимги Рим файласуфи, нотик.

Ч

186. **Чингиз Айтматов** (1928) — қирғиз ёзувчиси.
187. **Чехов Антон Павлович** (1860 — 1904) — рус ёзувчиси.
188. **Чўлпон** (1898-1938) — ўзбек халқ шоири.

Ш

189. **Шекспир Вильям** (1564 — 1616) — инглиз шоири ва драматурги.
190. **Шиллер Иоганн Кристоф Фридрих** (1759 — 1805) — немис шоири ва драматурги.
191. **Шолохов Михаил** (1905 — 1984) — рус ёзувчиси.
192. **Шомухамедов Шонислом** (1921 — 2007) — ўзбек ёзувчиси, тарихчи, таржимон.
193. **Шопенгауэр Артур** (1788 — 1860) — немис файласуфи.
194. **Шоу Жорж Бернард** (1856 — 1950) — инглиз ёзувчиси.
195. **Шукрулло** (1921-йилда туғилган) — Ўзбекистон халқ шоири.

Э

196. **Эдисон Томас Алва** (1847 — 1931) — Америка олими.
197. **Эзоп** (эрамизгача VI аср) — қадимги юнон масалчиси.
198. **Эйнштейн Альберт** (1879 — 1955) — буюк немис физик олими.
199. **Эмерсон Ральф Уолдо** (1803 — 1882) — Америка файласуф ва шоири.
200. **Эпиктет** (50 — 138 йиллар) — қадимги Рим файласуфи.
201. **Эпикур** (эрамизгача 341 — 270 йиллар) — қадимги юнон файласуфи.
202. **Эразм Роттердамский** (1469 — 1536) — Нидерландия филологи ва ёзувчиси.
203. **Эргаш Жуманбулбул ўғли** (1868 — 1937) — ўзбек халқ шоири.
204. **Эсхил** (эрамизгача 525 — 456 йиллар) — қадимги юнон драматурги.

Ю

205. **Югнакий Аҳмад** (XII аср охири — XIII аср боши) — буюк туркийзабон шоир.
206. **Юсуф Хос Ҳожиб** (тах. 1020/21 — ?) — туркийзабон шоир, олим.

Я

207. **Яссавий Аҳмад** (1041 — 1166) — туркийзабон шоир, Ислом дунёсида „Яссавия“ деб ном олган таълимот асосчиси.

„Осуда яшашнинг 99 сири“ туркумидаги китоблар рақами (1-устун) ва уларда келтирилган оятлар, ҳадислар, мақоллар, афоризмлар, шеърлар, латифалар, тестлар ва судокулар сони

Китоблар рақами	Сони								
	Қуръони Карим оятлари	Ҳадислар	Мақоллар	Афоризмлар	Олган сабоқларим ва хулосаларим	Шеърлар	Латифалар	Тестлар	Судокулар
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Бош китоб	8	19	17	54	74	14	17	2	8
I. Моддий ҳаёт ва соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган осудалик									
1	10	9	147	19	39	52	12	2	8
2	4	9	6	40	11	5	5	1	8
3	6	52	17	190	21	9	7	3	8
4	2	27	13	156	4	13	12	3	8
5	5	38	26	73	22	13	71	6	8
6	3	5	15	42	19	5	10	4	8
7	10	14	35	217	19	12	15	1	8
8	4	20	21	74	12	23	15	1	8
9	1	2	10	6	19	12	41	2	8
10	3	9	10	68	9	5	46	2	8
11	2	4	19	71	19	8	8	1	8
12	4	5	8	154	35	7	1	2	8
13	5	12	27	30	18	5	13	2	8
14	8	48	15	325	20	7	14	1	8
15	1	9	70	282	24	10	15	2	8
16	5	3	6	26	7	5	6	1	8
17	6	4	27	106	36	4	12	1	8
18	3	4	14	67	18	4	11	1	8
19	16	12	5	12	5	4	7	1	8
20	11	28	24	79	25	6	5	3	8

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
21	11	20	13	179	16	7	8	1	8
22	10	14	15	59	20	5	7	1	8
23	21	15	14	51	11	4	7	2	8
24	2	5	6	36	23	6	7	1	8
25	1	6	9	18	9	5	7	1	8
26	2	3	4	10	11	3	5	1	8
27	10	6	9	22	8	5	6	1	8
28	4	8	6	45	9	4	5	1	8
29	2	6	40	63	12	4	7	2	8
30	1	2	24	73	33	9	12	1	8
31	19	14	4	23	15	12	7	2	8
Σ	200	412	556	2740	521	273	407	54	248

II. Маънавий-ахлоқий қадриятларга риюя килиш билан боғлиқ бўлган осудалик

32	11	14	5	13	10	7	3	1	8
33	1	3	4	74	12	3	5	1	8
34	6	4	5	64	11	5	9	1	8
35	1	30	11	77	18	9	10	1	8
36	1	9	10	37	11	5	6	1	8
37	5	22	8	23	17	7	11	1	8
38	1	4	5	7	11	4	6	1	8
39	2	11	15	19	13	6	10	1	8
40	2	2	30	284	21	10	7	1	8
41	20	64	31	126	17	11	15	1	8
42	5	9	15	210	19	14	17	1	8
43	1	22	22	78	30	9	10	1	8
44	1	12	7	63	13	17	7	1	8
45	1	7	9	39	16	5	11	1	8
Σ	58	213	177	1114	219	112	127	14	112

III. Қусурларни бартараф этиш эвазига эришиладиган осудалик

46	26	8	7	4	12	11	11	1	8
47	12	58	28	182	21	10	17	1	8

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
48	1	1	10	28	13	10	26	4	8
49	14	30	31	90	13	5	15	2	8
50	1	14	12	26	9	7	11	1	8
51	2	10	5	14	7	8	12	1	8
52	1	8	6	77	14	9	10	2	8
53	1	3	8	7	9	5	10	1	8
54	5	24	5	18	9	5	12	2	8
55	5	6	5	14	9	5	5	1	8
56	4	8	7	11	9	7	10	1	8
57	12	5	6	17	10	6	11	1	8
58	6	18	16	143	21	5	10	1	8
59	2	4	9	24	19	8	11	2	8
60	1	4	7	33	8	6	7	2	8
61	1	5	9	26	10	5	7	1	8
62	—	4	10	5	5	7	9	2	8
63	1	2	7	27	13	9	17	3	8
64	3	8	9	28	18	7	11	1	8
65	1	24	9	35	10	7	14	1	8
66	1	9	7	40	15	9	20	1	8
67	2	6	19	121	5	5	8	1	8
68	11	16	7	13	5	7	10	1	8
69	8	25	23	74	6	4	21	1	8
70	7	2	17	124	18	12	62	2	8
71	1	17	7	57	8	8	10	1	8
72	8	3	8	10	7	6	7	2	8
73	9	4	7	12	10	10	10	2	8
74	10	58	18	60	16	3	3	1	8
75	—	3	5	33	9	3	6	1	8
76	4	4	10	10	11	6	10	1	8
77	—	4	10	12	10	8	10	2	8
Σ	160	395	344	1375	359	223	413	47	256
IV. Ўзига, ўзгараларга ва ҳаётга нисбатан оқилона ёндошиш эвазига эришиладиган осудалик									
78	1	10	10	105	9	7	17	4	8

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
79	1	2	19	49	8	7	11	1	8
80	1	3	10	42	14	10	10	1	8
81	12	5	17	16	11	11	15	2	8
82	6	4	10	44	9	9	10	1	8
83	—	4	7	39	8	10	10	1	8
84	1	7	7	12	14	12	11	2	8
85	2	3	9	10	9	10	15	2	8
86	2	2	5	12	12	10	11	1	8
87	1	2	7	8	17	9	50	1	8
88	4	4	9	117	15	12	17	1	8
89	13	3	13	109	19	11	12	2	8
90	5	16	14	110	12	10	13	3	8
91	8	37	32	299	21	11	6	1	8
92	—	3	14	75	11	14	14	2	8
93	7	34	38	240	24	14	10	2	8
94	—	17	13	6	12	10	30	2	8
95	3	9	14	8	15	11	14	2	8
96	12	16	10	36	19	11	10	1	8
97	3	7	13	154	16	16	13	2	8
98	1	16	8	45	11	12	22	2	8
99	15	26	9	50	23	15	17	2	8
Σ	96	230	288	1586	309	242	338	38	176
Σ Σ	514	1250	1365	6815	1408	850	1285	153	792

Тоҳир МАЛИКОВ

Иқтисод фанлари доктори, профессор

ЭЪТИРОФ

(Сўнгсўз ўрнида)

Иқтисодий (молия, бюджет, солиқлар ва солиққа тортиш) мавзуларга багишланган бир қанча дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва монографияларга тақриз берганман. Номзодлик ва докторлик диссертацияларига оппонентлик қилганман. Доимо „бор“ини „бор“, „йўғ“ини „йўқ“, деб келганман. Яқинда қўлимга „Осуда яшашнинг 99 сири (бош китоб)“ тушди. Китобни сал „ҳайрон“ бўлиб қабул қилдим. Шундай бўлса-да, унга нисбатан ўз муносабатимни билдиришга қодирлигимга ҳеч шубҳа йўқ эди. Бироқ...

Уни „ўқиганимга“ бир ойдан кўпроқ вақт ўтди. Негадир бундай ҳолатларда ўз-ўзидан „бийрон“ бўладиган тилим — жим. Ўрни келганда, ўннга ҳам, сўлга ҳам қарамайдиган ва ҳатто ўзим ҳам бўйсундира олмайдиган забоним — лол. Китобга нисбатан бир оғиз сўз айтишга ожиз бўлиб ўтирибман. Сабаби: устоз Ёрқин Абдуллаевичнинг бу китобига нисбатан фикр билдиришда етти ўлчаб, бир кесишнинг ўзи камлик қилади. Бу ерда, менимча, етти ўлчаб эмас, балки етмиш ўлчаб, бир кесиш керак. Бунинг устига, китобга анъанавий тарзда бирор-бир фикрни билдириш, менимча, унга нисбатан, маълум маънода, ҳурматсизлик аломатидир. Чунки сиз-у бизнинг хоҳишимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда, „антиқа китоб“ аслида „антиқа тақриз“ни тақозо этади. Бундай китобга нисбатан фикр билдиришга тайёрман, деб ўзингизда ишонч ҳосил қилганингиздан сўнг фикрлар ўз-ўзидан, табиий равишда, қуйилиб келаверади. Уларни тўхтатиб қолишга муаллиф қодир эмас. Шунингдек, бундай китобга нисбатан „жайдари“ муносабат билдиришда менинг олдимга „Нима қилсам экан?“ деган савол кўндаланг бўлиб турмади. Бошимни чангаллаб, у ёқдан бу ёққа юрмадим ҳам.

Устознинг китоби ихтиёримни қўлимдан олди. Ўқиётганда лол қолган тилимдан, жим қолган забонимдан энди фикрлар вулқондек отилиб чиқаверди. Яна тилим ўзимга бўйсунмай қолди. Унга нисбатан фикрларим „потирлаб“

кетаверди. Улар қандай келган бўлса, гартибга солмасдан, шундай эътиборингизга ҳавола этияпман. Мана улар:

Нокамтарлик бўлса ҳам айтай: анча китоб ўқиганман (буни „кўп нарсани биламан“ қабилида ўқиманг).¹ Ҳозир ҳам китоб ўқиш менинг севимли машғулотим. Лекин яқин орада бундай ҳолатга, вазиятга тушмагандим. Ёрқин Абдуллаевичнинг китобларини „мактабдалик пайтларимдагидек“, „бир ўқиш“ да ўқидим. Ўқиганда ҳам „иштаҳа“ билан ўқидим. Кўзимга бошқа нарсалар кўринмай қолди: китобни ўқиб бўлмагунимча шогирдларимга маслаҳат беришни „бас“ қилдим; уйдан четга чиқмадим; бозор-ўчарга бормадим; азиз набирачаларим хараша қилиб турган бўлишларига қарамай, ҳатто уларни сайрга ҳам олиб чиқмадим...

Ўқиётиб, унинг айрим жойларида нафасим ичимга тушиб кетди. Дунё кўзимга тор, тим-қоронғу бўлиб қолди. Энтиккан жойларим ҳам бўлди. Юрагимнинг „гурс-гурс“ ураётгани шундоққина сезилиб турди. Бошқа жойларида эса, беихтиёр, ўрнимдан туриб кетдим. Айрим ўринларда, болаларча сакрадим ҳам. Узим сезмаган ҳолда кўзларим қувонч ёшларига тўлди. Лаззати унча-мунча одамларга насиб этмаган „кайф“дан ҳам баҳраманд бўлдим. Ҳаёл дарёсига фарқ бўлган ҳолларим ҳам бўлди. Беихтиёр, „наполеон“ларча бир неча режаларни ҳам тузиб юбордим...

Ҳа, Устознинг китоблари мени ана шундай „кўй“ларга солди!

Ёрқин Абдуллаевичнинг серқирра ижодкор эканлигини ҳаммамиз биламиз. Лекин ул зотнинг бундай „очилма-

¹ Мактабдалигимда, унинг кутубхонасида мен ўқимаган китоб қолмаган. Кутубхоначи Саодат опанинг „Кеча олган китобингни бугун топширяпсан. Уни ўқимабсан. Сенга бошқа китоб берилмайди“, деган пайтлари жуда кўп бўлган. Ҳар сафар „таслим“ бўлмаганимдан сўнг, у кишининг мени „имтиҳон“ қилиб (ўқиган китобимнинг мазмунини сўраб), янги китоб беришдан ўзга чоралари қолмасди. Ўша пайтдаёқ оппоқ соқоли аллақачон кўксига тушиб қолган, исмлари Саттор бўлсада, дўстлари „негалир“ „Вали“, „Валижон“ ёки „Сатторвали“ деб атайдиган отам менга уй юмушлари буйича ҳар хил „топшириқлар“ берганда ҳам, уларни бажариб-бажармасдан китобга „ёпишардим“. „Топшириқ“нинг кўнгилдагидек бажарилмаганидан огоҳ бўлган отам, иложсиз, истеҳзо билан „Ўқи! Ўқи! Шу китоблар сенга бир кун ош-нон беради!“ дейишдан ўзга чораси қолмасди... Буни карангки, ҳатто, истеҳзо билан бўлса-да, Отамнинг „валеъ“лик қилиб айтганлари ижобат бўлди. Ҳақиқатдан ҳам ўша китоблар менга бугунги кунда „ош-нон“ берапти.

ган саҳифа“си Борлигидан мен мутлақо беҳабар эдим. Агар олдинроқ билганимда эди, одобсизлик қилиб бўлса-да, аллақачон: „Йиғиштиринг, иқтисод тўғрисида ёзишни! „Мана, мен!“, дейдиган не-не алломалар, ҳатто остонасига ҳам яқин бора олмайдиган „Очилмаган кўриқ“қа кириш салоҳиятингиз бор экан, кучингизни шу томонга сарфланг!“ деган бўлур эдим. Гуноҳга ботиб бўлса-да, тап тортмасдан шу сўзларни Сизга айтишга ўзимга куч топа олардим. Бундай „шаддод“лик, „қайсар“лик ёки „одобсиз“лик қилиб, балки савобга қолармидим?!

Бироқ китобингизни ўқиб, юқоридаги савобдан умидвор бўлиш бахти менга насиб этмаслиги аён бўлди. Иқтисод илмининг Сиз кирмаган „тешиқ“лари (узр, Устоз, бу ерда „эшиқ“ сўзини қўйиб (ишлатиб) бўлмайди. Чунки эшиқдан ўтиш осон, тешиққа кириш учун эса, меҳнат қилиш керак) қолмаган бўлса-да, бир вақтнинг ўзида, менинг юқоридаги мазмундаги сўзларимни (айнан шундай „қўпол“ тарзда эмас, албатта) ўз-ўзингизга аллақачон айтган экансиз. Бўлмаса, „Бош китоб“-у, яна қолган „99 та китоб“ қаердан пайдо бўлар эди? Айрим „аллома“ларнинг бутун умри арзигулик биттагина „китобча“ни яратишга етмаган бир пайтда ҳар бири 250 — 300 саҳифадан иборат бўлган 99 та китобни яратишнинг ўзи бўлмаган бўлса керак!? Уларнинг ёнига иқтисод илмига бағишланган сон-саноксиз китобларингизни қўшсам, „Она сути“нгиз қай тарзда оғзингиздан келганлигини мен тасаввур қиляпман.

„Сир“ли китобингизда ҳаётнинг минг чиғиригидан аллақачон омон-эсон ўтган, ўз тасдиғини узил-кесил топган ва аксиома сифатида эътироф этилган Қуръони Карим оятлари, ҳадислар, ҳикматлар ва мақоллар ўз ўрнида моҳирлик билан ишлатилибди. Бу ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун биргина билимнинг ўзи ҳам етарли эмас. Катта ҳаёт тажрибасига эга бўлмасдан, юксак салоҳият ва маҳоратсиз бу ишни уддалаб бўлмайди. Унда мавзу ёки „сир“ларга дахлдор ривоятлар, шиорлар, қоидалар ва „гап келди“ларингизни (бу фақат Сизнинг ижодингиз маҳсули) маржондек тизиб қўйибсиз. Улар узукка кўз қўйгандек, фақат кўзларни эмас, балки ошуфта дилларни ҳам қувонтириб, жой-жойида турибди. Қойил! Ҳар бир „сир“ни баён этишдан олдин келтирилган ва эпиграф сифатида қабул қилинган,

„тандирдан янги узилган“ „Муаллиф“ фикрларини тез ўқиб бўлмайди. Уларнинг ҳар бирини эътибор бермай, тез ўқиб кетган ўқувчи гуноҳи азимга қолиши — тайин, кўп нарса йўқотиши — турган гап. Уларни ҳижжалаб ўқиш ва ўқиш керак. Бу „митти“ фикрларнинг ҳар бири, алоҳида олинган китоб у ёқда турсин, бутун оламга ҳам сиғмайди, менимча.

Фақат шу тарзда ижодингиз маҳсулини мадҳ этиш кайфияти менда жуда юқори бўлишига қарамасдан, шу ерда нуқта қўймоқчиман. Мадҳиямнинг (китоб шунга лойиқ) интиҳосида қатъий бир фикрни ички ишонч билан айтмоқчиман. „Осуда яшашнинг 99 сири“ хусусида китоб ёзишга киришган пайтингизда: „Шундай бир китоб бўлсаки, кўз узмай ўқисанг, йиғласанг, кулсанг, изтироб чекиб ҳам қувонсанг“, дея ният қилган экансиз. Ниятингиз, том маънода, ижобат бўлибди, Устоз! Сизни чин дилдан, самимий табриклайман!

Китобингизни кўз узмай ўқидим, ўқиб туриб — йиғладим, кулдим, изтироб чекдим ва қувондим. Ишончим комил, ижодингиз маҳсули ва Сизнинг абадий „хайкал“ингиз бўлган бу „гавҳар“ни қўлга олган ҳар бир ўқувчи ана шундай „неъмат“лардан, албатта, баҳраманд бўлгай! Ишонинг, бу сўзларни — дунёда осуда яшаб, дунё ташвишлари устидан жимгина „қаҳ-қаҳа“ урган ва замондошлари орасида ўз номига „валеъ“ни қўшиб айттириш бахтига муяссар бўлган инсоннинг фарзанди — мен айтяпман.



Маликов Тоҳир

(1958- йилда туғилган)

Иқтисод фанлари доктори, профессор.

1. „Молиявий менежмент“ (1999).
2. „Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари“ (2002).
3. „Давлат бюджети“ (2007).
4. „Молия: умумназарий масалалар“ (2007).
5. „Молия: умумдавлат молияси“ (2009).
6. „Бюджет-солиқ сиёсати“ (2011).
7. „Молия“. Дарслик. (2012).

Ёрқин Абдуллаев

*Иқтисод фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан
арбоби, Олий таълим аълоҳиси*



Ёрқин Абдуллаев 1942 йилда Самарқанд вилояти, Нурота туманининг Ғозгон қишлоғида таваллуд топган. 1968 йили Тошкент Халқ ҳужалиги институти (ҳозирги ТДИУ) ни имтиёзли диплом билан тугатиб, ўз меҳнат фаолиятини шу даргоҳда оддий ўқитувчиликдан бошлаб (1968), Москва иқтисод статистика институти аспиранти (1972 — 1974), фан номзоди (1974), „Статистика“ кафедраси доценти (1980 — 1986) вазифасида фаолиятини давом эттирган.

1983 — 1985 йилларда МЭСИ докторанти, 1985 — 1991 йилларда ТХХИ „Ҳисоб-иқтисод“ факультетининг декани, 1987 йилда МЭСИда „Регионал иқтисодиёт самарадорлиги статистикасидаги муаммолар“ мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган, профессор (1987), 1991 йил июль ойидан бошлаб Тошкент Молия институти (ТМИ)да ўқув ишлари бўйича, 1997 — 2011 йилларда эса илмий ишлар бўйича ректор муовини лавозимида ишлаган. 1992 йилда унга „Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби“ унвони берилган.

Ёрқин Абдуллаев статистика муаммолари бўйича 5 та монография, 7 та дарслик, 50 дан зиёд ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар, илмий мақолалар чоп этган. 5 нафар фан доктори ва ўттиздан ортиқ фан номзодларини тайёрлаган. Унинг раҳбарлигида 1 нафар аспирант, 1 нафар магистрант, 2 нафар бакалавр Президент стипендияси совриндори бўлган.

У қатор туркум китоблар муаллифи. Хусусан: „Талаба рейтинг“, „Кафедра ва кафедра ўқитувчиси рейтинг“, „Факультет ва факультет декани рейтинг“, „Институт рейтинг“ни аниқлаш услубиётини ишлаб чиққан (1991 — 1995). „Бозор иқтисодиёти асослари“га бағишлаб „100 саволга 100 жавоб“дан иборат 30 га яқин илмий-оммабоп туркум („Пул“, „Кредит“, „Қимматли қоғозлар“, „Менежмент“, „Банк иши“, „Статистика“, „Иқтисодий таҳлил“, „Кичик бизнес ва тadbirkorлик асослари“ ва ҳ.к.), шунингдек, мемуар жанрига хос „Одамий эрсанг...“, „Статистика илмининг фидойиси“, „Камтарин инсон“, „Сермазмун умр соҳиби“, „Ибратли умр“, „Муҳандислик илмининг фидойиси“, „Инноватор аллома“ каби „Фидоий кишилар ҳаётидан“ номли туркум асарлар муаллифи. 2005 йилда чоп этилган „Қизиқарли статистика ёхуд Рақамлар тилга кирганда“ номли маърифий-маънавий, фалсафий ва илмий-оммабоп асари билан ўзбек китобхонларига кенг танилган. Бугунги кунда у „Осуда яшашнинг 99 сир“ номли 99 китобдан иборат туркумни нашрга тайёрлаш билан машғул.

Ёрқин Абдуллаев иқтисод, хусусан, статистика илми соҳасида таниқли ва салоҳиятли олим бўлиши билан бир қаторда моҳир педагог ва публицист ҳамдир. У турт ўғил ва бир қизнинг суюкли отаси, ўн уч наваранинг меҳрибон бобоси.

МУНДАРИЖА

Муаллифдан	3
Қомусий туркум сари	5
I қисм. Туркумнинг тавсифи хусусида	9
1.1. Сўз ҳақида сўз	10
1.2. Туркумнинг номи ҳақида	11
1.3. Туркумни тайёрлашда қўлланилган қоидалар хусусида	15
1.4. Туркумнинг таркибий тузилиши ҳақида	17
II қисм. Осуда яшаш сирлари	19
2.1. Осудалик нима?	23
2.2. Тинчлик қадри	31
2.3. Хотиржамлик ва унинг олтин қоидалари	40
2.4. Ғам-ташвиш, унинг муқаррарлиги ва оқибатлари	57
2.5. Осудалик ва ташвиш жамоатчилик нигоҳида	74
2.6. Осудаликнинг олтин қоидалари	87
2.7. Рақамлар тилга кирганда	92
III қисм. Анонс (ёхуд 99 та кигоб аннотацияси)	95
3.1. Моддий ҳаёт ва соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган осудалик	97
3.2. Маънавий-ахлоқий қадриятларга риоя қилиш билан боғлиқ бўлган осудалик	161
3.3. Қусурларни бартараф этиш эвазига эришиладиган осудалик	191
3.4. Ўзига, ўзгаларга ва ҳаётга нисбатан оқилона ёндашиш эвазига эришиладиган осудалик	257
IV қисм. Осудалик тўғрисида оддий ҳақиқатлар	303
4.1. Куръони Карим оятларида	305
4.2. Ҳадисларда	313
4.3. Мақолларда	319
4.4. Донолар бисотида	325
4.5. Олган сабоқларим ва хулосаларимда	333
4.6. Шеърятда	345
4.7. Латифаларда	353
4.8. Тестлар	359
4.9. Судокулар	365
Фойдаланилган адабиётлар	374
Иловалар	381
Эътироф	413

А Н О Н С

ёхуд

99 сир тўғрисида нашрга тайёрланган ҳар бир китобнинг рўйхати

Бош китоб ва 99 та китобдан иборат маърифий-оммабоп туркум:

- буюк аجدодларимиз ва жаҳон мутафаккирларининг ҳаёти ва ижод йўлини, турмуш тарзини ибрат мактаби сифатида тарғиб этиш;
- халқимиз, хусусан, ёшларимиз тафаккурини Қуръони Карим суннат ҳамда умумбашарий ва миллий қадриятларимиз асосида камол топтириш;
- ўтмиш ва бугун, дунёвий ва ухровий илмлар ўртасида „кўприк қуриб“, уларда мустақиллигимизга нисбатан ифтихор ва садоқат туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади.

* * *

Ҳар бир китобни ўқиган ўқувчи тафаккур оламининг ниҳоят чексизлиги ҳамда китобнинг имкониятлари нақадар кенг эканлигига иқрор бўлади.

* * *

Туркум китобларининг оммабоплиги-ю оммавийлиги, долзарблигини ошириб, таъкидлаб турган ҳолатлар жуда мўл.

Яхшиси ҳар бир қадрият ва қусурга бағишланган китобни ўқиб, зарур ҳулосани ўзингиз чиқариб оларсиз, деган умиддамиз.

Қуръони Карим оятлари, ҳадислар, ҳикматлар, мақоллар, ривоятлар, ҳаётий кузатмалар, шеърӣ лавҳалар ва материалларга бой туркум китоблари миллионлаб кишиларга кундалик нотинчликлар гирдобидан чиқишга ёрдам беради.

Улар сизни яна ва яна янги олам сари етаклайди. Фаровон, бахтли ва шодлик неъматларига тўла ҳаётнинг сирли калитларини сизга тақдим этади.

Мана уларнинг номлари:

Т/р	Китоблар номи	Буюртмангиз сонини кўрсатинг
	Бош китоб	
I. Моддий ҳаёт ва соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган осудалик ҳақидаги китоблар		
1.	Ҳаёт ва осудалик	
2.	Табиат ва осудалик	
3.	Инсон ва осудалик	
4.	Эркак-аёл ва осудалик	
5.	Эр-хотин ва осудалик	
6.	Оила ва осудалик	
7.	Фарзанд тарбияси ва осудалик	
8.	Ота-она ва осудалик	
9.	Қайнона-келин ва осудалик	
10.	Саломатлик ва осудалик	
11.	Мақсад ва осудалик	
12.	Бахт ва осудалик	
13.	Касб-ҳунар ва осудалик	
14.	Илм ва осудалик	
15.	Меҳнат ва осудалик	
16.	Интизом ва осудалик	
17.	Вақт ва осудалик	
18.	Ишонч ва осудалик	
19.	Ризқ ва осудалик	
20.	Бойлик ва осудалик	
21.	Меъёр ва осудалик	
22.	Нафс ва осудалик	

Т/р	Китоблар номи	Буюртмангиз сонини кўрсатинг
23.	Сабр-қаноат ва осудалик	
24.	Қисмат ва осудалик	
25.	Замон ва осудалик	
26.	Ўтмиш ва осудалик	
27.	Азоб ва осудалик	
28.	Мусибат ва осудалик	
29.	Салоҳият ва осудалик	
30.	Муваффақият ва осудалик	
31.	Шукроналик ва осудалик	
II. Маънавий-ахлоқий қадриятларга риоя қилиш билан боғлиқ бўлган осудалик ҳақидаги китоблар		
32.	Иймон ва осудалик	
33.	Инсоф ва осудалик	
34.	Адолат ва осудалик	
35.	Одоб ва осудалик	
36.	Андиша ва осудалик	
37.	Ният ва осудалик	
38.	Ихлос ва осудалик	
39.	Меҳр-муҳаббат ва осудалик	
40.	Ақл ва осудалик	
41.	Яхшилик ва осудалик	
42.	Ҳақиқат ва осудалик	
43.	Қалб ва осудалик	
44.	Фурур ва осудалик	
45.	Ирода ва осудалик	
III. Қусурларни бартараф этиш эвазига эришиладиган осудалик ҳақидаги китоблар		
46.	Шайтон ва осудалик	
47.	Қусур ва осудалик	
48.	Асаб ва осудалик	
49.	Елғон ва осудалик	
50.	Тухмат ва осудалик	

Т/р	Китоблар номи	Буюртмангиз сонини кўрсатинг
51.	Ғийбат ва осудалик	
52.	Ҳасад ва осудалик	
53.	Чақимчилик ва осудалик	
54.	Хиёнат ва осудалик	
55.	Адоват ва осудалик	
56.	Бахиллик ва осудалик	
57.	Мунофиқлик ва осудалик	
58.	Манманлик ва осудалик	
59.	Мансабпарастлик ва осудалик	
60.	Лоқайдлик ва осудалик	
61.	Худбинлик ва осудалик	
62.	Хушомад ва осудалик	
63.	Рашиқ ва осудалик	
64.	Шошқалоқлик ва осудалик	
65.	Таъмағирлик ва осудалик	
66.	Семизлик ва осудалик	
67.	Жоҳиллик ва осудалик	
68.	Гумон ва осудалик	
69.	Ғайриқонуний иш ва осудалик	
70.	Ичкиликбозлик ва осудалик	
71.	Ғазаб ва осудалик	
72.	Кўрқув ва осудалик	
73.	Афсус ва осудалик	
74.	Зулм ва осудалик	
75.	Эҳтирос ва осудалик	
76.	Сиқилиш ва осудалик	
77.	Армон ва осудалик	
IV. Ўзига, ўзгаларга ва ҳаётга нисбатан оқилона ёndoшиш эвазига эришиладиган осудалик ҳақидаги китоблар		
78.	Феъл-атвор ва осудалик	
79.	Ўзини асрай олиш ва осудалик	

Т/р	Китоблар номи	Буюртмангиз сонини курсатинг
80.	Бурч ва осудалик	
81.	Ваъда ва осудалик	
82.	Сир ва осудалик	
83.	Сукут ва осудалик	
84.	Уйқу ва осудалик	
85.	Туш ва осудалик	
86.	Мусиқа ва осудалик	
87.	Кайфият ва осудалик	
88.	Табассум ва осудалик	
89.	Китоб ва осудалик	
90.	Муомала ва осудалик	
91.	Тил ва осудалик	
92.	Устоз ва осудалик	
93.	Дўстлик ва осудалик	
94.	Қўшничилик ва осудалик	
95.	Қарз ва осудалик	
96.	Кечиримлилик ва осудалик	
97.	Кексалик ва осудалик	
98.	Касалик ва осудалик	
99.	Ўлим ва осудалик	

Ушбу китобларга бўлган буюртмаларингизни қуйидаги электрон манзилимизга юборишингиз мумкин:

yabdullayev@inbox.ru

Телефонларимиз: (+ 99871) 234-72-92 (офис)
 (+ 99871) 247-09-89 (уй)
 (+ 99890) 178-55-77 (мобиль)

87.711 **Абдуллаев Ё.**
Д 14 **Осуда яшашнинг 99 сири (Маърифий-омма-**
боп туркум). Бош китоб, 2013. 424 бет.
ISBN 978-9943-4002-3-8

УЎК : 37.018.74
КБК 87.711

ЁРҚИН АБДУЛЛАЕВ
ОСУДА ЯШАШНИНГ 99 СИРИ
БОШ КИТОБ

Маърифий-оммабоп туркум

Тошкент — „Ta’lim nashriyoti“ — 2013

Нашр учун масъул *Н. Халилов*
Муҳаррир *С. Хўжааҳмедов*
Бадий муҳаррир *Д. Мулла-Ахунов*
Техник муҳаррир *С. Набиева*
Компьютерда саҳифаловчи *С. Хўжааҳмедов*

Нашриёт лицензияси 11 № 102. 15.07.2008 й.
Босишга рухсат этилди 10.02.2013. Бичими 60×90^{1/16}. Кегли 11 шпонли.
Таймс гарн. Офсет босма усулида босилди. Босма табоғи 26,5.
Адади 2000 нусха. Буюртма № 586.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги „Ta’lim nashriyoti“ МЧЖ,
Тошкент — 100060, Я. Фуломов кўчаси, 74- уй.
Шартнома № 08-03-13

“OSIYO TANGIR PRINT” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, А. Раҳмат - 12А.